

С. К. ЦВИГУН

МАХФИЙ ФРОНТ

(Империализмнинг СССРга
нарши қўпорувчилик фаолия-
ти ва совет кишиларининг
хушёр бўлиши тўғрисида)



„ЎЗБЕКИСТОН“ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1975

С. К. Цвигуннинг "Махфий фронт" китобида империалистик разведкалар ва бошқа масус хизматлар, шунингдек капиталистик давлатлардаги реакция пропагандистик ташкилотлар ва марказларининг ССР ҳамда социалистик ҳамдүстлик мамлакатларига қарши олиб бораётган қўпорувчилик ҳаракатлари бош этилди.

Автор китобда кўпгина фактик материаллардан фойдаланган. Китоб иенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

32 С9+327

На узбекском языке

Цвигун Семен Кузьмич

ТАЙНЫЙ ФРОНТ

Перевод с издания „Политиздат“ Москва, 1972 г.

Издательство „Узбекистан“ 1975 Ташкент

Редакторлар У. Мухамедова, М. Исмоилов, Ж. Екубова,
М. Гаффарова

Рассом А. Сайбазаров

Бдиний редактор М. Гумаров

Техредактор Т. Аббасов

Корректор С. Назарова

Тернига берилди, 23 IX-1975 й. Босинига руҳсат этилди, 6, XI-1975 й. Қоғоз формати, 70×109^{1/2}, № 1 йос. л. 13,0 Шартли йос. л. 18,2 Нашр л. 18,6; 0,29 вкл.
Тиражи 30000.

„Узбекистон“ нашрёти. Тошкент, Навоний, 30. Шартнома № 92-75

У ССР Министрлар Совети нашрётилар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент, 1-босмахонасида босилди. Ҳамза кўчаси, 21.
Зя. № 813. Баҳоси ледерин муқовада 82 т. Қоғоз муқовада 70 т.

Ц 70302—387
Ц M351(06)75 61—75

© «Политиздат», Москва, 1973 йил.

© Русча нашридан таржима «УЗБЕКИСТОН» нашрёти, 1975.

*Империализма унинг... агент-
ларининг кирдиқорларига нис-
батан ҳушёрликни ошириш
зарур ...*

КПСС XXIV съездинин резолюциясидан

КИРИШ

Студент Сорокинни тенгқурлари уччалик ёқтириши-
масди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор эди, албатта:
ўзига бино қўйган, такаббур Сорокин доимо ўзини бош-
қалардан устун қилиб кўрсатишга уришарди. ҳолбуки
бунинг учун жиҳла бўлса-да асоси йўқ эди. Сорокинниг
бирдан-бир сұхбат темаси чет эл кинокартинадари деса
бўларди. Уни айниқса қизиқтирадигани буржуача ҳаёт
тарзишинг ташқи ялтироқлиги: дабдабали ресторандар.
давлатманд кишиларининг гўзал аёллар жамиятида ўши-
кулги билан вақт ўтказишлари, спрли вақти чоғликлар
эди.

Албатта, кўпроқ ана шу фильмларининг таъсири остида
Сорокинниг ўзи ҳам ичкиликка мойил бўлиб, Москвада
ресторанларида ҳамиша ҳозир позир бўлиб қолди. Усти-
га-устак топиш-тушиши яхши бўлган ота-онаси ҳам
ёғиз ўглини пулдан қисиб қўйишмади. Шу тариқа та-
нишлар ҳам орттирди, улар ҳам ўзи сингари, Гарбга саж-
да қилувчилар жумласидан эди. Кейинроқ эса шундай
танишлари орасида чет элликлар ҳам бор бўлиб чиқди.
Ана шулар сурбетлик билан Сорокинни Советларга қар-
тируқда аврай бошладилар. Сорокини харakterидаги

Ўзларига керакли жиҳатни пайқаб олиб, унинг «билим-донлиги» ва «одобилигиги»ни, «оригинал ва мустақил қарашга» эгалигин ҳар ёқлама кўкларга кўтариб мақтадилар.

Сорокин жиноий йўлга бирдан ўтиб олгани йўқ, албатта. Аммо ресторонлар ўқишга асло ёрдам бермади, аксинча, унга гов бўлди ва орадан кўп ўтмай Сорокин фанларни ўзлаштиромаганлиги учун институтдан чиқарилди. Шундан сўнг министрликлардан бирига ишга жойлашди. Бу вақтга келиб чет эллик танишлари жумласидан бўлган буржуя разведкасининг ходими у билан алоқа боғлади ва ҳеч бир қийинчиликсиз уни жосуслик ишига тортди.

Совет ваколатли органлари Сорокинни қамоқقا олишга ва ғарб давлатларидан биридаги разведка хизматининг топшириги билан жосуслик маълумотлари йиққанлиги учун уни жиноий жаробборларни тортнишни тажбуър бўлади.

...Жаҳонга машҳур «Америка овози» 115 та кучли радиопередатчикларни, шу жумладан АҚШ дан ташқарида 76 та радиопередатчикни ўз ишига олган, ўнлаб студиялари, редакциялари, контроль олиб эшиттириш ва бошқа марказлари бўлган радиосистемадаи иборат. «Америка овози» нинг биргина Гринвилда (Шимолий Каролина штати) жойлашган марказининг ўзи умумий қуввати жиҳатидан АҚШ даги 96 та энг йирик коммерция радиостанцияларига тенгdir. «Америка овози»нинг ўз передатчиликлари ҳафтасига 824 соат давомида эшиттириш бермоқда. Бундан ташқари, унииг лентага ёзиб олинган программаларини бошқа капиталистик мамлакатларда жойлашган 800 дан ортиқ радиостанциялар олиб эшиттироқда, уларнинг бир ҳафта давомидаги эшиттиришлари ҳажми 13 минг соатни ташкил этади.

«Америка овози» социалистик дунёга қандай эшиттиришлар берәётгани бизга яхши маълум. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар шаънига кун сайин ёлғон

хабарлар тарқатилаётир, иғво-бўхтон ёғдирилаётир. Бундан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса кишиларнинг онгиин заҳарлаш, ҳозирги вақтда жаҳонда юз берадиган ҳақиқий сиёсий жараёнлар ҳақида уларда иотўғри тасаввур ҳосил қилиш, уларни йўлдан тойдиришдан иборат. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, бундай эшиттиришларнинг кўпчилигиги аносида тайёрланади, аслида қаердан олинганлнги маълум эмас.

...Каттагина Гарвард университетида (АҚШ) манз бир неча йилдирки, Рус тадқиқот маркази шу кўрмоқда. Хўш, у ерда олимлар нима билан шугулланашаётир? Мана, марказ амалга оширган тадқиқотлардан бири. Шундай айтиш керакки, бу иш Пентагон билан тузилган шартнома асосида олиб борилган. Теманинг номи -- «Совет социал системаси» деб аталади. Бу тадқиқот партия аппарати, давлат ва жамоат муассасалари, совет жамиятида юз берадиган ички жараёнлар, миллӣ муносабатлар, черковнинг аҳволи, совет кишиларининг давлатга, жамиятга, бир-бирларига бўлган муносабати, уларнинг шахсий турмушини ўз ичига олади. Тадқиқот 50 га яқин докладдан иборат бўлиб, бу докладларнинг ҳаммаси беистисно советларга қарши характерга эга. Бу докладлардан бир қисмини мамлакатимизда америка виставкаларни ташкил қилиш чоғида, СССР учун берилган радиоэшиттиришларда ва бошқа хил қўпорувчилик мақсадлари учун фойдаланилган. Бундан ташқари, марказ ошкора суратда советларга қарши руҳдаги нашрлар ҳам босиб чиқарди. «Совет Иттилоғида ижтимоий фикр», «Совет системаси қандай ишлайди: маданий, психологик ва социал томонлари», «Совет гражданинг коммунистик жамиятдаги кундалик ҳаёти», «Совет ёшлиари: тартиб-қондалар ва тарбия», «Совет гражданинг сиёсий лояллиги» кабилар шулар жумласидан бўлиб, булар ёвуз тұхмат ва ишқоятда мужмал маълумотлар билан тўлиб-тошган. Буларнинг ҳаммаси яна илмий объективлик ниқоби остида берилмоқда.

Бир-биридан өштөрүлгөн башка-башка учта факт. Аммо улар үзүртасидагы боғлиқликни пайқаб олиш қийин әмас, уларнинг ҳар бири империализмнинг разведка ва идеология марказлари мамлакатимизга қарши яширин уруш олиб бораётгандындалат беради. Бу урушни ҳеч нарсадан тап тортмасдан, ҳамма воситаларни ишига солган, қўпорувчилик фаолияти механизмини муттасил тақомиллаштирган ва созлаган ҳолда олиб бормоқдалар, бу йўлда илмий-техника революциясининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги кучайиб ва мустаҳкамланиб боргай сайин, яширин урушнинг кўпдан-кўп бошлиқлари ва ташкилотчиларининг бу йўлда қиласланган ҳаракатлари тобора кўп томонлама бўлиб ва ўткирлашиб бормоқда.

КПСС XXIV съездиде социалистик манбаатлар ва коммунистик идеаллар асосида совет жамиятининг бирлиги мустаҳкамланиб бораётгандиги таъкидлаб ўтиди. Мамлакатларни аҳолиси оарча синфлари ва социал групплари манбаатларининг бирлиги бушлан бўйни инада мустаҳкамланиб бориши учун партия бир қанита яхти тадбирлар кўрди. Совет экономикаси ва маданиятиниит муваффақиялари, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати актив тинчликсевар ташкиси сиёсат олиб бораётгандиги туфайли Совет Иттифоқининг ҳалқаро миқёсда бўрӯ-эътибори ошмоқда. Асосий антнимпериалистик куч бўлган жаҳон социалистик системаси ўсиб ва ривожланиб бормоқда. Съезд КПСС Марказий Комитетининг империалистик уруш ва агрессия сиёсатига қатъий қаранглилар кўрсатиш, тинчлик ва озодлик ишига душманлик-виборат ниятларни фош этиш ва барбод қилишга қаратилган йўлини маъқуллади.

Съезд белгилаб берган Тинчлик программаси муваффақиятли амалга оширилаётир. Совет ташкиси сиёсати — коммунистик жамият қуриш учун қулай ташки шароитларни таъмин этишга қаратилган актив, изчил фаолиятдир. Бу сиёсат социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг

жинслигини ва қардошларча бирлигини мустаҳкамлашга, социал ва миллий озодлик барча кучларини ҳар томондама қўллаб-қувватлашга қаратилган; бу сиёсат тинчликини мустаҳкамлаш ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшами принципларини ривожлантиришини ҳамда агрессияга қарши қатъий кураш олиб бориц мақсадини кўзлади.

Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатлар келишган ҳолда актив ташқи сиёсат олиб бораётганликлари натижасида империалистик давлатлар халқаро кескиниликни юмшатиш йўлига ўтишга мажбур бўлдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига, Америка Кўшма Штатларига ва Францияга қилгани тарихий визитлари буида жуда катта роль ўйшади. Жаҳонда юз берадиган катта ижобий ўзгарашлар «совуқ уруш» давридан турли ижтимоий-сиёсий системалардаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшани ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши даври томони тарихий бурилиш ясалганини кўрсатади.

Янги шароитлар барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустаҳкам, барқарор тинчлик ўрнатилиши учун имконият яратмоқда. Бироқ халқаро сиёсий муҳитнинг юмашини хушламаётган кучлар ҳали ҳам бор.

«Империализмнинг агрессия кучлари,— деб кўрсатди Л. И. Брежнев 1973 йил 11 июлда Кремлда сўзлагачи шутқида,— эҳтимол, ҳали узоқ вақтгача ўз қуролларини ташламасалар керак; ўзларининг худбинлик манфаатлари йўлида янги уруш ёнғинини чиқарнишдан қайтмайдиган авантюристлар ҳам ҳали барҳам топган эмас. Шу сабабли биз сиёсатни олиб боришда ҳеч қандай тасодиф бизни гафлатда қолдирмайдиган бўлишини, дунёни орқага, «совуқ уруш» замонларига қайтариш йўлидаги ҳар қандай уринишга дарҳол муносиб зарба беришни назар-

да тутишини ўзимизнинг муқалдас бурчимиз деб ҳисоблаймиз»¹.

Халқаро майдонда ижодий ўзгарышларнинг мустаҳкамланишига қарши чиқаётган реакцион кучларнинг қўлидаги қудратли қурол империалистик давлатларнинг разведка хизматлари бўлиб, уларнинг фаолияти илгари гидек асосан СССР га ва бошқа социалистик мамлакатларга қаратилгандир. Шу сабабли доимо ҳушёр бўлиш ҳамда империализм реакцион ва агресив доираларининг пайрангларига шай бўлиб туриш ҳақида ҳозирги босқичда партия томонидан қўйилган вазифа империалистик разведкаларни ўз вақтида фош этиш ва уларнинг қўйорувчилик ишларига қарши эҳтиёт чораларини кўришни ҳам ўз ичига олади.

КПСС XXIV съездининг қарорлари, унинг хотиржам ишончи ва ижодий ишчанлик рухи Совет мамлакатиниң мосиҳаткенишларини барча тараққийтарвад кучларни социализм ва коммунизм идеаллари учун тинчлик ва социал адолат учун курашга янада кўпроқ наҳомлантиримоқда.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг ғолибона одимлари реакция кучларига тинчлик бермаяти, империализмнинг тобора кучли қаршилигига дуч келмоқда. Бу кураш идеологияниң ҳамма соҳаларида капиталистик давлатларнинг ташқи ва ички снёсатида, экономика ва фан-техник тараққиёти соҳасида кўринмоқда.

Империализм ўз мақсадларига эрнешш учун сиёсий тазиниқ, алдов ва қўрқтиш билан чекланимаётир. У тўғридан-тўғри ҳарбий авантюраларга қўл урмоқда, маҳаллий урушлар деб атамниш урушларни келтириб чиқармоқда. Кейинги чорак аср мобайнида милитаристлар ўттиста уруш ҳамда хавфли ҳарбий можаролар, шу жумладан Ҳинди-Хитой халқларига қарши уруш можаролари

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 1974, 4- том, 219- бет.

келтириб чиқардилар. Истроилнинг ҳамда унинг ҳомийси бўлмиш америка империализми ва ҳалқаро сионизмнинг айби билан Яқин Шарқда урушнинг жуда ҳавфли ўчоги сақланиб турибди. АҚШда эса муайян кайфиятдаги милитарист доиралар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига ва энг аввало СССР га қарши жаҳон термоядро урушини тайёрлаш планларини ишлаб чиқмоқдалар.

Лекин Совет давлати ва бошқа социалистик мамлакатларнинг куч-кудрати империалистик доираларга жаҳон термоядро урушини бошлишга журъат қилишларига имкон бермаётир. Моддий ва сиёсий күчларнинг нисбати тобора кўпроқ жаҳон социалпзми фойдасига ўзгариб бормоқда, ижтилоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи мустаҳкамланиши ва ривожланишига олиб келмоқда. Шу боисдан ҳам бу принцип капиталистик дунёниг раҳбар арбоблари томонидан эътироф қилинмоқда. Бироқ шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, агресив кучлар ҳали старли даражада зарарсизлантирилгани йўқ, бинобарин яшги жаҳон уруши ҳавфи тўла бартараф этилган эмас.

Ҳалқаро империализм ўзгариб бораётган шаронтга мослашиб, иккى системанинг иқтисодий ва илмий-техника соҳасидаги мусобақасида ютиб чиқиш учун кўп куч сарфламоқда. Социализм билан империализм ўртасида идеология соҳасидаги кураш ҳозирги дунёда айниқса кескин характерга эга. «Биз,— деди Л. И. Брежнев XXIV съездда қўлган Ҳисобот докладида,— импералистик пропаганда энг маккорона усуллардан ва қудратли техника воситаларидан фойдаланиб, бизниг мамлакатимизга қарши, социализм дунёсига қаршп тўхтовсиз идеология уруши олиб бораётган шаронтда яшамоқдамиз. Буржуазия қўлида бўлган ақл-идрокка таъсир қи́лувчи ҳамма воситалар — матбуот, кино, радио — кишиларни чалгитиш, уларга капитализм даврида гўё салкам жаннатдагидай ҳаёт кечириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни сипганириш, социализмга бўхтои қилиш учун

сафарбар этилгандир. Эфири мамлакатимизниң, қардош социализм мамлакаттарининг ҳаёти ҳақидағы ҳар хил үйдирма гаплар билан тұлдырып қоборылғандир!»¹

Социалистик система биләп тиңчтотув яшашы зарур бўлиб қолган империализм ўзишиңг синфий мақсадларига эришиш учун капиталистик давлатлар разведка органларининг ва бошқа махсус хизматтарининг қўпорувчилик фаолиятидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланишга уринмоқда.

Ўзгаларниңг кўзидан яширишган бу хизматлар кўпдан-кўп ва энг реакцион аппаратга, ҳокимиятнинг ваколатди органлари томонидан назорат қилишимайдиган махсус куч ва воситаларга, каттагина молия ва моддий-техника ресурсларига эга.

Мавжуд бўлган барча имкониятлар қўпорувчилик фаолиятининг самарасини оширишга қаратилмоқла: ра-велка ва бошца мактуба, мөхаллар, қонгратаведка сиёсий киёнирув органлари, қонкни ва хоказо) аппарати таъсирлайдиганда, дұкумати ва хусусий пропаганада органлари, илмий техника мұассасалари ва ҳатто махсус ҳарбий қисметтар ҳам қўпорувчилик ишларини амалда оширишга жалб этилмоқда. Империалистик разведкалар мухожирликдаги қалғанғи-қасасылардан, мухожирлардан тузилган турли гуруҳлар ва ташкилотлардан, социалистик мамлакатлардан күчиб ўтган шахслардан, сотқиши ва хоинлардан илгаригига қараганда янада активлик билан фойдаланмоқда. Булар кичик ҳажмда ишланған радиоэлектрон аппаратураларининг сүнгги наимуналаридан тортиб Ернинг сунъий йўлдошларигача энг янги техника воситалари билан таъминланмоқдалар.

Йирик империалистик давлатлар разведкаларининг қудрати ва таъсири кейинги ўн йил ичидә шу қадар

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, Т., «Ўзбекистон» изиғи, 1971, 102-бет.

ошиб кетдики, улар ҳозирги кунда ўз мамлакатларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ишларига таъсир кўрсатмоқдалар. Масалан, АҚШ разведкаси ташқи сиёсат соҳасида гоят муҳим ишларнинг тобора кўпроқ ташаббускори ва актив ижрочиси бўлиб майдонга чиқмоқдаки, бу дунёning айрим районларида халқаро кескинликнинг узоқ вақт сақланиши манбанига айланниб қолмоқда. Америка идеологлари ва сиёсатдоnlарининг ўзлари эътироф қилаётганларидек, бу мамлакатнинг тарихида разведка давлат сиёсатига ҳеч қачон ҳозиргидек кучли таъсир кўрсатган эмас. Бунда Америка матбуоти мақтовини келтираётган глобал жосусликни мазкур мамлакатнинг хукмрон доиралари халқаро муносабатлардаги одатдаги иш деб ҳисобламоқдалар. Америкадаги бъэзи сиёсий арбоблар, ҳеч бир үялмай-нетмай, ошкора суратда Америка маҳсус хизматларининг жосуслик функцияларини янада кенгайтиришга даъват этмоқдалар. Социалистик мамлакатларга қарши жосусликни кенгайтириш ва қўпорувчилик ҳаракатини авж олдириш ҳақидаги йўлйўрнилар АҚШ конгрессининг расмий ҳужжатларида бот-бот кўриниб қолмоқда.

Кейинги йилларда АҚШда талай назарий асарлар пайдо бўлдикни, уларда жосусликининг қонунийлиги асосланилади ёки жосуслик қилиш оқиаб кўрсатилади. Бундай асарларининг муаллифлари социалистик мамлакатларга «разведка йўли билан кириб бориш» зарурлигини ўз халқи ва жаҳон афкор оммаси олдида оқлашга уриниб, Америка давлати олиб бораётган жосуслик фаолиятининг синфиий моҳиятини ва қўпорувчилик ҳарактерини ҳар ёқтама хаспўшламоқдалар. Маккорона далилларини ишга солиб, бу «назариётчилар» АҚШ разведка хизматларининг жосуслик ишини бошқаришнинг зарур таркибий қисми ҳисобланган одатдаги маълумотлар йигиш билан сал бўлмаса бирдай қилиб кўрсатмоқдалар. Масалан, американлик профессор Г. Виленскийнинг «Раз

ведеканинг ташкилий функцияси¹ деб номлангаи китобида шундай нүктаи назар баёи қилинади. Қалта ўйловчи кишиларни кўзда тутган ҳолда унда разведка шунчалик кенг шарҳланадики, натижада АҚШ махсус хизматлари ўютираётган жосуслик билан хусусий соҳибкорликни маълумотлар билан таъминлаш ўртасида ҳеч қанақа фарқ қолмайди.

Душман разведкаларининг жосуслик фаолияти энг аввало СССРга ва қардош социалистик мамлакатларга қарши олиб борилаётган синфий курашнинг ниҳоятда ҳавфли яширин фронтидан иборатdir. Империализм жосуслик ёрдамида социализм системасининг социалистисий позицияларини заифлантиришга ва қудратига птур етказишга уринмоқда.

Жосуслик — СССРга ва бутун социалистик ҳамдўстликка қарши олиб борилаётган қўпорувчилик фаолиятининг энг муҳим йўлларидан бири, аммо бирлаш-бир усуп эмас. Кейини ғиллтарда идеологик диверсияларга идеологик урушга, кишиларининг ақд-идроқига таъсири этиш учун курашга тобора қўпроқ аҳамият берилади.

Иёғисодий мусобақада, муҳим социал проблемаларни ҳал қилинада, турмуш кечириш тарзида социализмга ютқазиб қўяётган империалистик буржуазия ошкора гоявий курашда ҳалқ оммасига ўзининг таъсирини сезиларли даражада йўқотиб қўймоқда. Шу боисдан ҳам империализм тобора қўпроқ идеологик диверсиялардан фойдаланмоқда. Булар ранг-бараңг ва хилма-хилдири. Булар урушни ва инсониятга душманликни сурбетлиқ билан ошкора суратда тарғиб қилиш, маълумотларни беҳаёларча бузуб кўрсатиш, жамият ҳаётидаги шов-шуз чиқариш учун турли овозалар тарқатиш, ҳозирги замон проблемаларини анализ қилингага уринаётган сиртдан

¹ Harold L. Wilensky. Organisational Intelligence Knowledge and Policy in Government and Industry. N. Y.—London, 1967.

қараганда салмоқли назарий «тадқиқоттар»дир ва ҳо-
казо.

Монополистик буржуазия идеологик диверсиялар
аппаратини такомиллаштиришга катта-катта маблағ-
лар сарфламоқда. Бу аппарат факат буржуа пропаган-
дасининг давлат ва хусусий органлари билан уларнинг
қудратли оммавий алоқа воситалари — матбуот, кино,
радио, телевидениени эмас, шу билан бирга разведка ор-
ганлари ва бошқа маҳсус хизматлар билан уларнинг
идеологик диверсия олиб бориладиган обьектларни ва
нишонларни танлаш соҳасидаги, шунингдек мұлжаллан-
ган қўпорувчилик ишларини амалга ошириш учун зарур
бўладиган социалистик мамлакатлар тўғрисида маълу-
мотлар йиғишини ҳам ўз ичига олади.

Идеологик қуролни тайёрлашга алоҳида эътибор
берилаётир. Масалан, Қўшма Штатларда ўнлаб уни-
верситетларда шундай марказлар ва кафедралар
ташкил қилинганки, уларда кремленологлар ва совето-
логлар деб аталмиш кишилар иш кўрмоқдалар. Бой ку-
тубхоналар, лабораториялар уларнинг ихтиёрига беріб
қўйилган, жуда кўн миқдорда ахборот материаллари
уларнинг қўлига келиб тўйланмоқда. Шуни ҳам айтиш
керакки, бундай материалларнинг каттагина қисми по-
ғасмий суратда, номаълум йўллар орқали, шу жумладан
жосуслик манбаларидан ҳам олинмоқда. Ноширлик иши
менг йўлга қўйилган. Советларга қарши ва антикомму-
нистик руҳдаги адабиёт ҳаддан зиёд кўп чиқарилмоқда.
Социалистик мамлакатлар халқларнинг тилларида
адабиёт чиқариш билан бир вақтда босма «маҳсулотни»
яширин шароитда кўп нусхада босиб чиқариш учун тур-
ли хил қалбаки ҳужжатлар, матрицалар, клише ва
шунга ўхшащ нарсалар ҳам тайёрланмоқда. Ҳатто чер-
ков амвони (минбари)дан туриб ўқиладиган хутбалар-
нинг текстлари ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилмоқда,
радио орқали сўзлаш учун шпаргалкалар ёзилмоқда.
Буларнинг моҳнати битта — у ҳам бўлса ижтимоий мулк

ва коллективизмни бадном қилиш, инсоннинг ожизлигини, диний хурофотларни тавсифлаш, эксплуатацияни оқлаш, ҳалқлар ўртасида душманлик ва бир-бираига нафрат билан қарашни кучайтиришдан, мақсади эса — социализм ва коммунизмни ичдан бузиш ҳамда ағдариб ташлашдан иборат.

Хозирги замон антисоветчилари ва антикоммунистларининг асарлари, одатда, маълум пухталиги ва ишҳоятда фиригарлиги билан ажралиб туради. Илгарилари кўпинча қилиниб келинганпдек, социализмга тўғридан-тўғри ва қўпол туҳмат қилиш ўрнига, уларда, масалан, социалистик тузум маълум муваффақиятларга ва ютуқларга эришганлиги эътироф қилниади, антикоммунизм идеологияси эса икъобланган ҳолда берилади.

Шу тариқа маккорона усуллар ва пухта ишлаб чиқилган методларнинг бутун бир системаси тарзиди. Бу тарз системаси ҳамдустликка айничи социалистик давлатларга, СССРдаги ва қарашни мутланганлардага ишенини муважиҳ группаларига, айрим совет граждандарига қарши идеологик қўпорувчилик иши олиб бориш чорига ана шу усуллардан фойдаланмоқдалар. Кенг ўйланган «махсус операциялар»— турли хил иғвогарлик кампаниялари; оммавий алоқа воситалари, айниқса радио ёрдамида социалистик мамлакатларга қарши муттасил, кун сайин пропаганда олиб бориш; олдиндан тапланган адресларга — ҳам ташкилотларга, ҳам айрим кишиларга советларга қарши руҳдаги адабиётларни кўплаб юбориш; душманлик руҳидаги варақаларни ва советларга қарши руҳдаги бошқа ҳужжатларни яширин суратда тарқатиш, шунингдек советларга қарши яширин группалар тузиш ва улар билан алоқа боғлаш учун ўз эмиссарларини юбориш; баъзи бир сиёсий жиҳатдан тутуруқсиз совет граждандарнин танлаб советларга қарши шайлаш ва ҳоказолар шулар жумласига кирди.

Совет социалистик тузумига, меҳнаткашларни капит-

тал исканжасидан озод өтган, инсоният учун социал ва мислий адолатнинг, мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик учун ҳормай-толмай кураш олиб боришининг, барча совет кишиларининг фаровоилиги ва турмуш даражасини ошириш ҳақида доимий гамхўрлик қилишининг ажойиб намунаси бўлган, янги ишончини тарбиятаб вояга етказган ва бутун халқининг маънавий-сиёсий бирлигини таъминлаган ани шу тузумга зарар етказиш душман қўпорувчилик ҳаракатлари учун қийин, албатта СССР га қарши қаратилган ва жосуслик ва на идеологик диверсиятар империалистларга алоҳида муваффақият келтиролмайди.

«Гоялар курашидаги позициямиз ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам,— деган эди Л. Н. Брежнев Болгария Коммунистик партиясининг X съездидаги сўзлаган нутқида.— Социализм эришгаш реал муваффақиятлар ҳақиқати бизнинг томонимизда. Биз жуда қудратли қуролга, марксизм-ленинизм таълимогига эгамиз. Бу таълимот турмуш қўйган янги саволларга тўғри жавоб топишмизга ёрдам беради. Гояларимизнинг кучи шундаки, йўқтимоий ривожланишининг бутун бориши бу гояларининг тўғрилигини ислотламоқда, бутун инсониятини қадамбақадам социализмга яқинлашгирмоқда»¹.

Ўз ишларини амалга ошириш учун бизнинг жамиятимизда биронта социал базага эга бўлмаганларидаи, империалистик разведкалар хусусий мулкчилик психологияси ва ўтишишини бошқа сарқитлари билан заҳарланган, сиёсий кафабинлик касалига мубтало бўлган, сиёсий ҳушёрикни йўқотиб қўйган, Ғарб олдида сажда қилувчи кишилар жумласидан бўлган муртадлар ва сотқинларни қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар ва баъзида топмоқдалар ҳам. Шунин ҳам унутмаслини

¹ Л. Н. Брежнев, Ленин йўлидан. Нутқиён ва мақолалар, З-том, Т., «Ўзбекистон» навоюнти, 1972, 369-бет.

керакки, СССР га қарши душманлык ишларини амалга оширишда гарб разведкалари капиталистик давлатларнинг гражданлари ҳисобланган ҳамда дипломатлар ва коммерсантлар, туристлар, халқаро алоқа транспорт воссталарига хизмат қилувчи ходимлар ва ҳоказолар сифатида мамлакатимизга келаётган ўз разведкачилари ва агентларидан тобора кўпроқ фойдаланимоқдалар. Шундай қилиб, империализм қўпорувчилик ишларининг ошкора йўллари кейинги икки ўни йил ичida кенгайди ва кенгайиб бормоқда.

Душман унсурларнинг СССР территориясида қўпурувчилик ишлари олиб бориш йўлидаги ҳар қандай имкониятни аввалбошданоқ барбод қилиш, йўқотиш учун Коммунистик партия ва Совет ҳукумати давлатимизнинг тегишли органларини — давлат ҳавфсизлиги, прокуратура, суд ва бошқа органларни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамма тараларни кўрмоқдалар. Партия уларнига фаолиятини қўллаб ва пазорат қилиб туррибди, қонуничилик ва ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлаш ҳақида замхўрлик қилимоқда.

«Империализмнинг қўпурувчилик ишлари давом этадётган бир шароитда,— деди Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездига Ҳисобот докладида,— давлат ҳавфсизлиги органларни муҳим роль ўйнайди. Ҳисобот даврида бу органлар сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамландн. Партия ана шу органларнинг ходимларини ленинча принциплар руҳида, социалистик қонуничиликка қаттиқ риоя қилиш руҳида, совет жамиятини душман унсурларнинг ҳаракатларидан, империалистик разведкаларнинг кирдикорларидан, муҳофаза қилиш учун курашда қаттиқ ҳушёрлик руҳида изчил тарбиялаб келмоқда»¹.

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, Т., «Узбекистон» нашриёти, 1971, 91—92-бетлар.

Шу билан бирга тарихий тажриба ўргатадики, Совет давлатининг душманларига қарши курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг ҳушёрлигига, сиёсий етуклигига боғлиқдир.

Душман унсурлар ўзларининг жинояткорона хатти-ҳаракатларини қанчалик ниқобламасилилар, давлат ҳавфсизлик органларининг назаридан қочиш учун қандай ҳийла-найрангларни ишга солмасилилар улар совет кишилари билан муомалада бўлмай иложлари йўқ. Мана шунда совет ватанпарварлари уларнинг йўлига ғов бўладилар. Юксак онглилик ва сиёсий активлик, ўз халқига, Коммунистик партияга, Ватанга чуқур муҳаббат — булар совет гражданининг империалистларга ёлланган малайларнинг қўпорувчилик фаолиятига қарши курашда фидокорона хатти-ҳаракатини белгиловчи хислатлардир.

Бизнинг Farbdagi душманларимиз ана шу ажойиб ватанпарварлик хислатларини заифлантиришга беҳуда умид боғламоқдалар. Иваново областидаги Яковлев зигир тола комбинатининг ёш тўқувчиси А. В. Смирнова КПСС XXIV съезди минбаридан туриб бундай урлнишлар муқаррар барбод бўлиши ҳақида ишонч билан, ҳаяжонланиб сўзлади. Делегатларнинг гулдурос қарсаклари остида у бундай деди: «Улар (мамлакати мизнинг чет элдаги душманлари.— С. Ц.) шуни билиб қўйишинки, улар совет воқелигига, совет турмуш тарзига бўхтон қилиш, бизнинг социалистик Ватанга, Ленинчи партияга бўлган меҳр-муҳаббатимизга путур етказиш учун беҳуда уриниентилар»¹.

Ҳушёрлик — меҳнаткашларнинг ажойиб сиёсий фазилати бўлиб, В. И. Ленин Совет ҳокимияти вужудга келган дастлабки кунларданоқ буни тарбиялаш тўғри-

¹ «XXIV съезд Коммунистической партии Советского Союза». Стен. отчёт. т. I, М., Политиздат, 1972, 176 с.

сіда катта ғамхұрлық қилған әди. Лений ваясиятларига амал қылғиб, Коммунистик партия коммунистлар ва партиясызларнинг ана шу жанғовар, принципиал руҳини доимо сақлагаб келмоқда, айни замонда совет кишилари орасыда шубҳа ва ишончсизлик вазиятини түгдериш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олмоқда.

Сиёсий ҳушёрлик пухта ниқобланган душманни пай-қаб ола билиш, унинг жинояткорона хатти-ҳаракатини ўз вақтида фош этиш ва олдини олиш, буржуа таъсириллиг ҳар қандай формаларига мардоғавор қаршилик кўрсатиш ва айни чоғда соғдил совет гражданларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кўз қорачиғидек қўриқлашдан иборат.

Ҳушёр бўйниш учун, империалистик разведкалар агентларининг ҳамда бошқа душман унсурларнинг қўпорувчилик ҳаракати форма ва методлари, ҳамда ғарбиётиларни ва турли хил ҳийла-найрангларини, уларнинг қутили ва запиф тоҷоопларини яхши билдиб олиш мөзит. Китобда ана шу ҳақда гап боради. Мұаллиф ҳозирги даврда империализминиң қўпорувчилик фасиятини давом эттиришга ундаётган сабабларни кўриб чиқишини, империалистик разведкалар билан капиталистик давлатлар ҳукмрон доиралари юргизаётгани агрессив сиёсат ўртасидаги ўзаро бօғлиқларни кўрсатиб бериш, разведка ва бошқа маҳсус хизматларнинг структураси ҳақида, ана шу органлар ишининг асосий форма ва методлари ҳақида ҳикоя қўлиб бериш мақсадини ўз олдига қўйган. Капиталистик мамлакатларнинг разведкалари ва пропаганда марказлари уюштираётган жосусликка ва идеологик диверсияга бизнинг душманларимиз катта аҳамият берәётгандигини назарда тутиб, китобда жосуслар ва идеологик диверсантлариниң қўпорувчилик ишлари олиб бориш тактикаси, ниқобланыш усуслари ва бошқа хил ҳийла-найранглари муфасал баён қилинган. Капиталистик мамлакатларда

вақтингча бўлладиган совет гражданларига қарши махсус хизматлар олиб бораётган ишлар ҳақида алоҳида бобда ҳикоя қилипади.

СССРга қарши империалистик давлатлар олиб бораётган қўпорувчилик ишларига онд китобда келтирилган ҳамма фактлар ишончлидир. Айрим мулоҳазаларга қўра маълумотларнинг бир қисмини баён қилишда эгаси кўрсатилмаганлигин учун муаллиф китобхонлардан узр сўрайди.

ИМПЕРИАЛИЗМ СССРга ҚАРШИ ҚҰПОРУВЧИЛИК ИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ХХ асрнинг иккинчи ярми бутун дүнёда туб социал ўзгаришлар юз берганлиги билан ажамиятлайды. Бу қалар чуқур ва бинчалик миқёсің көнг ўзгаришларның, буниң устнега бу ўзгаришлар гоятда тез, муттасил юқори суръатлар билан содир бўлганини тарих билган эмас. В. И. Ленин бундан ярим аср муқаддам башорат қилғанидек, «жаҳон тараққиёти жуда тезлик билан бориши жараённи кечмоқда»¹.

Ҳозирги даврда амалга оширилган барча асосий социал ўзгаришлар орасида жаҳон революцион процесси муҳим ўрин тутади. СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда социализм ва коммунизм муваффақият билан қурплаётгандылык, қарам ва мазлум халқларнинг миллый-озодлик ҳаракати, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг эксплуатациядан озод бўлиш учун, тинчлик ва социализм учун оммавий ҳаракати жаҳон революцион процессининг энг муҳим таркибий қисмларидир.

Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва идеологик соҳаларда жуда катта муваффақиятларга

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 33-том, 360-бет.

эришаётганлиги инсониятнинг ривожланишига ҳал қилювчи таъсир кўрсатмоқда.

Бу муваффақиятлар империализм қароргоҳида ташвиш ва душманлик уйготмоқда. Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари СССРни ва бошқа социализм мамлакатларини заифлантириш, уларнинг планли равишда олға томон ҳаракатини тұхтатиши, жаҳон социализм системасини йўқ қилиш ва бутуи дунёда монополистик буржуазия ҳукмронлигини тиклаш учун ҳар қанақа қабиҳликлардан тоймаётирлар.

Ижтимоий тараққиёт диалектикаси шундайки, социалистик мамлакатларда социализм ва коммунизм қурилиши халқаро майдонда синфий кураш кескинләнган, империализмнинг агрессивиги күчтеган бир шартта кечмоқда. Ҳозирги пжтимоий ҳаёт В. И. Лениннинг империализм ҳамма соҳалар бўйича реакциядир, у муқаррар тарихий жараённи тұхтатиб қолишига ожизлигидан «ҳар қандай ёввойилик, ваҳшийлик ва хиёнатлар қилишга»¹ қодирдир, деган ҳулосасини кун сайни тасдиқламоқда.

Кейинги ўн йиллар давомида йирик империалистик давлатлар сиёсий тажрибасишиг ҳарактерли хусусиятларидан бири монополистик буржуазия синфий ҳукмронлиги қуроли бўлган разведкалар ролининг кучайланлигидир. Бу кўп даражада империализм лагеридаги социал жарабёнлар билан ва аввалам бор, капитализм умумий кризисининг янада чуқурлашуви билан боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездига Ҳисоббот докладида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги замон капитализми жаҳондаги янги вазиятга мослашмоқда. «Капитал мамлакатларининг ҳукмрон доиралари социализм билан ўзаро кураш шароитида синфий курашнинг ўсиб, оммавий революцион ҳаракатга айланиб кетишидан ҳозир жуда ҳам қўрқмоқдалар. Ана шунинг

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 19-том, 96-бет.

учун ҳам буржуазия меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва эзишининг янада кўпроқ ниқобланган формаларини ишлатишга пытилмоқда...»¹.

Етакчи империалистик давлатларнинг, айниқса АҚШ шинг милитаризми ҳам ҳозирги замон капитализми тараққиётининг характерли хусусиятидир. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида, ҳеч қарда ва ҳеч қачон милитаризация Америка Кўшма Штатларида гичалик давлат ҳаётининг барча соҳаларига шунчалик кириб бормаган, ялпи тус олмаган ва кенг кулоч ёймаган. Бутун иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган бир ҳовуҷ монополистлар капиталистик дунёниг энг бой мамлакати ҳаётини эркесвар ҳалқларга қарши агрессив урушлар тайёрлаш ва олиб бориши эҳтиёжларини қондириш йўлша солиб юборди. АҚШ қуролли кучларида 3,5 миллион киши бор², шундан бир **миллионга яқин** солдат чет элдаги 100 дан ортиқ давлат террористи сиде жойлашган. АҚШ шинг старт майдонларидә 1954 та қўнгъалараро баллистик ракеталар жойлашганда атом сув ости кемаларида ҳам 656 та шундай ракета бор.

Кўшима Штатлар ҳарбий эҳтиёжлар учун жуда катта маблаглар сарфламоқда. Масалан, 1973 молия йилида Пентагон ўз бюджетини 6,3 миллиард доллар кўпайтириди ва у 83,4 миллиард долларни ташкил қилди³. Ҳарбий бюджетнинг кўпайтирилиши асосан стратегик ядро кучларини ишлаб чиқиши ҳисобига бўлмоқда. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан бўён АҚШ шинг ҳарбий мақсадларга қиласган харажатлари жуда катта рақамиши — 1400 миллиард долларни ташкил этдики, бу иккинчи жаҳон урушида қатнишган барча капиталистик мамла-

¹ КПСС XXIV съездининг материалари, 16—17-бетлар.

² „Army Times“. July, 1972.

³ «Мировая экономика и международные отношения», 1972, № 8, 70-бет.

катларнинг ҳарбий харажатларидан анча-муича кўпдир¹.

Ф. Энгельснинг «Армия давлатнинг асосий мақсади бўлиб қолди, у муайян мақсад бўлиб қолди», деб айтган ўринли сўзлари АҚШ милитаризми характеристикасига ҳам тамомила тааллуқлидир.

Ўз-ўзидан равшани, милитаризация разведкаларнинг актывигини ошириш билан бир вақтда кечмоқда ва у билан тўлдирилмоқда. Империалистик давлатларнинг ҳарбий-снёсий раҳбарлиги бошқа мамлакатлар ва халқлар ҳақида кенг ва ишончли разведка маълумотига эга бўлmas экан, қуролланиш пойгасини кенг авж олдиришини, айниқса уруш олиб боришнинг кўпдан-кўп воситаларици самарали қўлланишини таъмин эта олмайди. Шу сабабли империалистик давлатларнинг ҳарбий машинаси мафтаатлари йўлида улар разведкаларнинг нутхта ниқобланган ҳолда, яширин ҳамда легал формаларга асосланган ҳолда, ошкора суратда жуда кўп қиррални фаолият олиб бориши милитаризмнинг муқаррар йўлдошидир.

Ўз зиддиятларни ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишдан воз кечмаган ҳолда, империализм социалистик давлатларнинг мудофаа қуввати ошиб кетганлиги, СССРда қудратли ракета-ядро қуроллари борлиги билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Жаҳон термоядро уруши хавфи империализм системасининг ўзи ҳалок бўлиши хавфини туғдиради. Бунни, айтидан, унча узоқни кўрмайдиган буржуа снёсатдонлари ҳам тушуниб етсалар керак. Шу сабабли капиталистик давлатларниң ҳукмрон донралари социалистик ҳамдўстликка қарши курашда урушдан бўлак воситалардан тобора кене фойдаланадиган бўлиб қолдилар. 1968 йилда Чехословакияда юз берган воқеалар бутун дунё олдида шуни намойиш қилиб кўрсатдики, империализм социалистик

¹ «Литературная газета», 1971 йил 10 февраль.

мамлакатларни ичдан бузиш, уларниң бирлигига путур етказиш, уларни капиталистик тартибларни қайта тиклаш йўлига солишга уриниб кўриш мақсадини кўзлаб, 60-йилларнинг бошиданоқ стратегия ва тактика ишлаб чиқсан ва аста-секин амалга ошира борган. Қези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Америка матбуотининг ўзи ҳам аллақачондан буён узоқни кўзловчи сирли мақсадларга эришиш учун урушдан бўлак воситалардан фойдаланиш ҳақида ёзяпти. Масалан, Ч. Донеллининг «Америка ташқи сиёсати воситалари» деган китобида бундай дейилган. «Қуролли кучлар миллий ташқи сиёсатининг муҳим қуроли бўлиб қолади, аммо бугунги кунда улардан фойдаланишининг хавфлилиги жаҳондаги давлатларин (бунда АҚШ назарда тутилади.—С. Ц) ўз миллий мақсадларига эришиш учун кўпроқ бошқа воситаларга мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Бу воситалар сиёсий ва дипломатик газину ўзказашдан фойдаланишини, заёмлар, эҳсонлар, қулай савдо битимлари ва техники соҳасиде ҳаттиорлик сингари иқтисодий чораларни кўплашини, пренгаизда, кўрқитиши, ғаразли ҳаракатлар, баъзида ички сиёсат соҳасидаги бошқа мамлакатларга таъсири этадиган тадбирлар кўришдан иборат психологик методлардан фойдаланишини ўз ичига олади»¹.

Империализм социализм ва тинчлик кучларига қарши курашнинг урушдан бўлак, яъни сиёсий, иқтисодий ҳамда идеологик воситалари ва методларидан фойдаланар экан, бунда разведкани биринчи ўринга қўймоқда. Бунда разведка империализм мўлжалал қилган ишларни тайёрлаш ва таъминлашдагина жалб қилиниб қолмасдан, шу билан бирга бу ишларни амалга оширишда фаол қатиашмоқда ҳам. Аслини олганда, диверсия, террор, бандитизм формасида ва айниқса идеологик

¹ Цитата: Г. А. Арбатов «Идеологическая борьба в современных международных отношениях» китобидан олиниди. М., Политиздат, 1970, 61-бет.

характердаги құпорувчилік ишлари тарзіда амалға ошириладын яширин агрессия разведканинг вазифасына киради. Мақсади эса айни ўша социалистик давлатларнинг асосынан путур етказишдан иборат.

Шуни айтиш керакки, капиталистик мамлакатларнинг разведкаларн бир-бирларига нисбатан ҳам активлик күрсатмоқда. В. И. Ленин кашф эттан капиталистик давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нотекис ривожланиши қонунн ҳозирғи даврда ҳам тұла амал қылмоқда, айрим капиталистик мамлакатлар ўртасыда рақобатчилик тобора кучайиб бормоқда. Империализм лагеріда мол сотиши бозори ва капитал солиши соҳаларға учун асосий капиталистик давлатлар ўртасыда кескінні рақобат кураши бормоқда. АҚШ билан Япония, АҚШ билап Англия, Франция билан ГФР ўртасыда савдо соҳасыда рақобат қилиш урушдан кейинги йилларда мислсиз даражада кескінлашды. Валюта системаларида бўлаётган кризислар капиталистик дунёни тобора тез-тез ларзага солмоқда, энг йирик капиталистик монополиялар ўртасидаги рақобат инжоятда шиддатли тус өлмоқда. Ҳамма ерда ва ҳамма нарсада маңбаатдор бўлган капиталистик давлатлар разведкага мурожаат қилимоқда. Унинг ёрдамида табиий ресурслар, саноат, қишлоқ хўжалиги, кредит-молия системаси, гашқи савдодаги аҳвол ва иқтисодий алоқалар ўрганилмоқда. Разведка ёрдамида қарам мамлакатларнинг ҳукуматларига ва давлаг аппаратыга тазийиқ ўтказилаётir, уларнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи устидан контролъ олиб борилаётir, шунингдек турли хил құнорувчилік ишларни амалға оширилаётir.

Ҳозирғи вақтда жаҳонда содир бўлаётган социал жараёнлар тақозосына капиталистик давлатлар разведкаларнинг роли кучаяётганлиги бир қанча аломат ва белгиларда яққол кўримоқда.

Аввалим бор империалистик разведкаларнинг функциялари беқиес кенгайди. Разведка капиталистик дав-

латининг спёсий ва қисман иқтисодий ҳамда илмий-техника вазифаларини ҳал қилишда тегишли маълумотлар билан таъминловчи орғандан, бир қанча ички сиёсий ва айниқса ташкии сиёсий ишларни бевосита бажарадиган органга аста-секунд айланиб бормоқда. Яна шуни ҳам таъқидлаш айниқса муҳимки, социалистик система мамлакатларини заифлантиришни кўзда тутган идеология курашишинг қўйорувчилик формалари ва методларини қўлланишда империалистик разведкалар ҳақиқатан ҳам чекланмаган ваколатга эга бўлиб қолдилар.

Сўнгра капиталистик давлатлар разведкаларининг ҳамма бўгинлари мунтазам суратда кучайтирилмоқда: уларнинг сони кўпайтирилаётир, структураси такомиллаштирилаётир. Пропаганда олиб борувчи-қўйорувчи ташкилотлар ва марказлар, илмий-тадқиқот муассасалари, техника хизматлари, махсус ҳарбий қисмлар ҳимоячи муассасалар физикадан скотовчи ва бошقا реактивни ташкилотлар ҳамда инфокошар разведка чинига жой бўлишишган.

Разведка хизматларида қуллаништаётган техника виситаларининг саломоги йиллан-йилга ошиб бормоқда. Бу босигалар илмий-техника революцияси асридан ортда қолмай, барча яроқли фан-техника ютуқларидан фойдаланилаётган.

Бир қанча капиталистик мамлакатларда ҳукуматлар бошлиқлари даражасида иш қўрувчи раҳбарлик ва координация қилувчи разведка органлари кучайтирилмоқда ёки янгидан ташкил қилинмоқда. Империалистик разведкаларининг талай миқдорда давлатлараро координация қилувчи органлари мавжуд. Баъзан жуда ҳам қўйол бўлган бу разведка системалари турли мамлакатлардан олинадиган разведка маълумотларини йиғниш, ишлаб чиқиш ва анализ қилиш билан машғул бўлиб, улар бунда электрон-ҳисоблаш техникасидан ҳамда ҳозирги замон бошқариш ва алоқа техника виситаларидан фойдаланадилар.

Капиталистик давлатларнинг разведкага ажратадиган бюджет маблағлари ҳақида расмий маълумотга эга ёмасмиз. Аммо буржуа матбуотида **вақт-вақти** билан кўриниб қолаётган маълумотларнинг ўзи ҳам тинч шағердда разведканни сақлаб туриш харажатлари мислсиз даражада кўпайиб бораётгандигидан далолат беради. Шуни ҳам айтиш керакки, айни шу харажатлар капиталистик мамлакатларнинг ҳатто олий ваколатли органларга назоратидан чиқарилган.

Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ўзведка органларига давлат фаолияти, фан ва техникийнинг асосий соҳаларидан хабардор бўлган мутахассислар ва олимларни жалб этиш йўли билан уларнинг кадр составини яхшилаш ҳақида алоҳида гамхўрлик қўлмоқдалар.

Разведкалар теварағида эса рекламага зўр бериб ютта шов-шув түғдирилаётганини айтмайсиз! Иккимақсадни кўзлаб шундай қилинмоқда: бир томондан, буржуа разведкасида мартабага эришиш учун қанақа қулай имкониятлар очилаётганини кўз-кўз қилинмоқчи бўлса, иккинчи томондан, империализм разведка системанинг гўё чексиз имкониятларга эгалнги ва юксак даражада самаралилиги билан кўрқтишмоқчи. Бунда мазкур системанинг спийи моҳияти турли йўллар билан ҳаспушлаимоқда, унинг ҳозирги дунёда ҳалиқа қарши реакцион роль ўйнаётгани ниқоблаб кўрсатилмоқда.

АМЕРИКАНИНГ ГЛОБАЛ РАЗВЕДКА ДОКТРИНАСИ — ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИМПЕРИАЛИЗМ СИЁСАТИНИНГ ИФОДАСИ

Ҳозирги замон империализми сиёсий практикасида разведканинг роли ошиб бораётгандиги империалистик системанинг таянчи ҳисобланган Америка Кўшма Штатларида айниқса яққол кўзга ташлангаётгандиги мутлақо тасодифий ҳол ёмас.

АҚШда разведка ва бошқа маҳсүс хизматлар ўзға мамлекатлар ва халқларга қарши олиб бораётган қўпурувчилик ишини давлат практикасида мутлақо қонуний бир ҳол деб қарашади. Ҳатто ҳукумат расмий суратда қабул қилған разведка доктринаси таркиб топган бўлиб, бу ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишда разведка нинг ўйлайдиган роли ва тутган ўрни, разведка ишининг стратегик вазифалари, асосий йўналишлари ва мазмуни, унинг сиёсий ва ҳарбий стратегия билан ўзаро алоқаси, қўпурувчилик ишининг асосий форма ва методлари ҳақидаги қарашлар системасидан иборат.

АҚШ разведка доктринаси америка империализми сиёсий ва ҳарбий доктриналарининг ривожлантирилиши ҳамда конкретлаштирилишидан иборатdir. Урушқоқ антикоммунизм АҚШ нинг бутун сиёсати каби, унинг разведка доктринасининг ҳам гоявий асоси бўлиб хизмат килади. «Хозирги замон антикоммунизм» дайниади АҚШ Коммунистик партияси Миллтий комитетиниң Баёнотларидан бирнда, энг чиркни ва энг жирканч «империалистик идеология рутубатларини», шу жумладан антисоветизм, неонацизм ва профашизм, прокапиталистик ва оқшовинизм, лоялизм ва супер ватаниарварлик, антисемитизм ва ўта миллатчиликни ўзига сингдириб олгандир»¹.

АҚШнинг ўз таъсир доирасини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни кўзловчи барча империалистик мақсадлари асосида антикоммунизм ётади. Америка реакцион доираларининг халқаро майдондаги ҳамма қора ишлари: ҳарбий-сиёсий агрессив блокларда қатнашиш, бошқа мамлекатларнинг ички ишларига аралашиб, маҳаллий урушлар чиқариш ва интервенциялар қилиш «коммунистик хавф» ҳақида дод-вой қилиш билан ниқобланмоқда. АҚШ реакцион кучлари Коммунистик партияга, демократик ва либерал кайфиятдаги кишиларга қарши ҳужум

¹ «Советское государство и право», 1968, № 10, 137-бет.

олиб бориш, демократияни чеклаш монополияларнинг диктатурасини мустаҳкамлаш мақсадида ички сиёсатда ҳам антикоммунизм ваҳимасидан фойдаланмоқдалар.

Урушқоқ антикоммунизм идеологияси олиб бориб, АҚШ ҳукмрои доиралари ўз сиёсий ва ҳарбий стратегиясига глобал тус бермоқда, бутун дунёни ўз манфаатлари йўлида бўйсундиришга интилмоқда.

Сиёсий стратегия соҳасида иккинчи жаҳон уруши тугагандан буён орада ўтган қарийб ўттиз йил мобайнинда АҚШ ҳукмрои доиралари бир қанча агрессив раҳбарлик концепцияларни илгари сурдилар ва практикада амалга оширилар. Коммунизмни «тўхтатиб қолиш» (1947—1952 йиллар) ва «ялпи қасос олиш» (1953—1961 йиллар) ҳарбий-стратегик концепциялари билан машъум «куч ишлатиши» спёсати ўтказиб келинди. Бу сиёсат агрессив ҳарбий блоклар системасига кирган ёки иккى томонлама бўтимлар асосида АҚШ билан боғланган капиталистик дунёдаги асосий мамлакатларни АҚШ томонига тортиб СССР га ва бошқа социалистик давлатларга қарши жаҳон термоядро урушини тайёрлаш ва бошланишини кўзда тутарди.

Жаҳон майдонинда социализм билан капитализм ўртасидаги кучлар иисбатида социалистик система фойдасига туб ўзгариш юз берганлиги бу планларни барбод қўлди ва улар кун тартибидан олиб ташланди.

60-йилларнинг бошида АҚШ ташкин сиёсат соҳасида ваҳима солувчи концепциялардан ваз кечиб, бирмунча айёrona, аммо анча агрессив бўлган «эпчил ҳаракат қилиш» стратегиясини эълон қилишга мажбур бўлди. Бу стратегия учта асосий элементдан: жаҳон термоядро урушига тайёрланиш, оддий ва тактик ядро қуролидан фойдаланган ҳолда «чекланган» (маҳаллий) урушлар олиб бориш ва «максус урушлар» деб аталган урушшарга, партизанчилик типидаги урушларга тайёрланишдан иборат. Бироқ бу концепция ҳам етарли эмаслиги

маълум бўлиб қолди. Шундан кейин бу концепция президент Жонсон томонидан эълон қилинган «АҚШ и Шарқий Европадан ажратиб турган жарлик устидан кўпrik ўтказиш» сиёсати билан тўлдирилди. «Эпчил ҳаракат қилиш» ва «кўпrik ўтказиш» стратегияси социалистик мамлакатларга қарши қурашининг бир талай восита ва усусларини, шу жумладан идеологик қўпорувчилик ишини активлаштиришни ўз ичига олади. Бу стратегияниг асослари «Никсон доктринаси» деб аталған доктринада ҳам амалга оширилаётир. Европа қитъасининг сиёсий ҳаётида, шунингдек Совет-Америка муносабатларида юзага келган янги жиҳатлар билан хисоблашишга мажбур бўлган империализм лагеридаги агрессив реакцион донралар ҳозирги мавжуд вазиятини тинчлик ва социализм кучларига қарши янгни ҳужумларни қайта группалаш ва тайёрлаш йўлида фойдаланишин истаган бўлурганда.

АҚШ разведка санъати ишлаб чиради. АҚШ ҳизмати донраларининг тарбия таҳаррира биноан сипифий қурашиниг ҳамма соҳалари социалистик ривожланаётган ва капиталистик мамлакатлар ижтимоий ҳамдэ давлат қаётининг ҳамма соҳалари, бутун дунё территорияси АҚШ разведкаси қўпорувчилик фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Жаҳон социалистик системасига қарши, барча социалистик мамлакатларга ва биринчи иавбатда Совет Иттифоқига қарши қураш АҚШ разведкаси қўйорувчилик фаолиятининг асосий соҳаси ҳисобланади. АҚШ разведкасининг собиқ раҳбарларидан бири, 1-сонли жосус А. Даллес ҳам ўзининг «Разведка санъати» деган асарида буни очиқдан-очиқ эътироф этган эди. У Совет Иттифоқига, бошқа социалистик мамлакатларга ва халқаро коммунистик ҳаракатга қарши ялпи ва глобал қураш олиб боришга даъват этди.

АҚШ разведка хизматлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳарбий-иқтисодий қудрати ҳақида,

уларнинг ядро қуроли ёрдамида яксон қилиш учун мўлжалланган стратегик ҳамда бошқа мұхим ҳарбий объектлари ва нишонларининг жойлашишин түғрисида, қўйқисдан ҳужум қилиш ва термоядро ёки маҳаллий уруслар бошлаш учун энг қулав фурсат ҳақида разведка маълумотлари йигади. АҚШ ҳукумати ҳужжатларида бир неча марта таъкидланганидек, разведканинг СССР нинг ракета-ядро қудрати ҳақида маълумот олини юзасидан олиб бораётган фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Америка разведка доктринасининг бу қоидаларини АҚШ ишларини куррасининг турли районларида социалистик мамлакатларга қарши амалга оширган кўпгина агресив ишларни етарли даражада тасдиқлаб турибди. Америка разведкаси 1950—1958 йилларда Кореядаги агресив урушни тайёрлаш ва олиб боришда қатнашди, 1961 йилда Кубага қарши интервенцияни амалга оширди, Вьетнам Демократик Республикасига қарши жирканч уруш олиб боришда қатнашди. Америка разведкаси социалистик мамлакатларга қарши мунтазам ғавишда разведка ишлари олиб бормоқда.

Американинг глобал разведка доктринаси ривожлаётган, бетараф капиталистик давлатлар ва ҳатто АҚШ нинг ўз иттифоқдошлари бўлган мамлакатларининг ҳарбий-иқтисодий потенциали ҳақида мунтазам маълумот озиб туришини кўзда тутади. Бунда мазкур мамлакатларининг бутун маддий мудофаа комплекси: АҚШ манбаатлари йўлида ҳарбий стратегик ресурсларини сафарбар ғилиш ва улардан фойдаланиш, стратегик районлардан, ҳарбий-денгиз, ҳарбий ҳаво базаларидан АҚШ ва унинг иттифоқчилари ҳарбий объектлари ва ҳарбий кучларини жойлаштириш мақсадида фойдаланиш имкониятлари жупт, билан ўрганилади. Чунончи, Америка матбуотининг тан олишича Америка-Сайгон агрессорларининг бетараф Камбоджага ҳужуми олдиндан АҚШнинг маҳсус хизмат маҳкамалари, шу жумладан Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) томонидан разведка ва бош-

қа қўпорувчилик ишлари программаси кенг амалга оширилган¹.

АҚШ конгрессининг 1971 йил февраль ойида нашр қилинган расмий хужжатида кўрсатилишича, АҚШ нинг раҳбар доиралари ўзларининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятларида ҳалқаро воқеаларда тасодифийлик ва кутпилмаганлик фактори бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Бу дунёning турли районларида етилиб келаётган ҳатарли воқеаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек бундай жойларда америка империализмининг кейинги ҳатти-ҳаракати учун қулай шароит яратиб бериш вазнфаси зиммасига юклатилган америка разведкасига очиқдан-очиқ ишора қилиб ўтишдан бошқа гап эмас.

Стратегик концепцияга биноан АҚШ разведкаси ҳам бевосита сиёсий ёки иқтисодий аралашувлар учун, ҳам ҳарбий ҳужумлар учун дурустроқ баҳона топиб берганини ёки бунга баҳона бўладими дегат яратиб беришни керак. Америка разведкаси ани шу мақсадда атайтаб ҳатарла ситуациялар яратишга, кишиларни чалгитатиган ёлгонашниклар тўқишига, сўнг уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга уринади, бу найранг АҚШ нинг агресив ҳарбий ҳатти-ҳаракатини ҳеч бўлмаганди дастлабки даврда оқлаш учун қилинади. МРБенинг ижрочи директори Л. Киркпатрик ўзининг «Подлинное ЦРУ» (МРБ нинг қиёфаси) деган китобида бу ҳақда яширмай-нетмай ёзади. Киркпатрик 1961 йилда Халқ Қубасига қарши америка ҳарбий интервенцияси вақтида МРБ Кочинос қўлтиғида уюштирган операция барбод бўлганлигини таҳлил қилиб, уялмай-нетмай шундай дейди: «Аввал ишлаб чиқилган режага биноан бомбардимончи «Б-26» самолётларидан биттаси Кубага² ҳужум

¹ «Нью-Йорк таймс», 26 декабрь 1970 йил.

² Самолётдаги Куба Ҳарбий Ҳаво кучлари белгиси ва унинг фюзеляжидаги ўқ ўрни МРБ кўрсатмасига биноан Никарагуадаги Пуэрто-Кабесас аэродромида атайлаб тайёрланган эди. У ерда америка бомбардимончиларининг базаси мавжуд эди. Мазкур самолёт

қилиб қайтаётіб Майамиға қўнади, ушинг үчүвчиси эса Қастронинг ҳарбий-ҳаво кучларидан қочиб ўтдим, деб баёнот беради. Бу найраиг Қубани бомбардимон қилиш туфайли жаҳон жамоатчилигінда туғилған таассуротин бирмунча пасайтириши ва матбуотда кўтарилған шовшувни босиб қўйиши керак эди¹. Гарчи бу режа МРБ ўйлагандан бошқачароқ тарзда бўлса ҳам амалга оширилганига қарамасдан оқибати самарасиз бўлпб чиқди, лекин у америка разведкаси фаолиятининг АҚШ реакцион кучлари стратегияси манфаатлари йўлида олиб бораётган чиркин игвогарлик методларини очиқ-ойдин фош қилиб ташлади.

АҚШнинг глобал разведка доктринасида америка разведкасининг ҳалқаро коммунистик ҳаракатга, жаҳон социалистик системасига қарши қўпорувчиликдан иборат фаолияти муҳим ўрин тутади. Мазкур фаолият капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги коммунистик ва шунчар партиялар обрў эътиборини туширишга, дунёнинг турли районларида контреволюцияни экспорт қилишга қаратилгандир.

Америка империализми жаҳон революцион процессининг галабасини, бу ғалаба қандай шаклда намоён бўлмасин америка монополиялари позицияларига, АҚШнинг «миллий» манфаатларига бевосита қилинган ҳужум деб қарайди. Шу сабабли америка разведкасининг анча кучи коммунистик ва барча революцион ҳаракатни ичдан емиришга қаратилган. Бунда коммунистик ва ишчи партияларни таъқиб этишга, уларни Совет Иттилоғи Коммунистик партиясига қарама-қарши қўйишга, шу билан бирга унинг тобора кучайиб бораётган ҳалқаро таъсирини сусайтишга, социалистик лагерь сафлари-

лёт ана шу базадан Майамиға учиг борган эди. Бу ҳақда **Д. Уайз ва Т. Росснинг** «Невидимое правительство» китобида батафсил ёзилган. М., Воениздат, 1965, 24—38-бетлар.

¹ L. Kirkpatrick. Jr. The Real Cia. N. Y., 1968, 156-бет.

ни бузишга, Варшава мудофаа шартномаси ва Узаро Иқтисодий йердам Кенгашининг обрусини туширишга, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Осиё, Африка ва Америкадаги ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек капиталистик дунё мамлакатлари билан халқаро алоқаларини сусайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Албатта АҚШнинг раҳбар доиралари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ички ҳаётини қўпоришга қаратилган разведка ҳамда бошқа маҳсус хизмат бошқармаларини алоҳида жонкуярлик билан қўллаб-қўлтиқлаб келмоқда.

АҚШ разведкаси ана шу мақсадларни қўзлаб халқаро коммунистик ҳаракат ренегатлари ва сафбузарлари билан алоқа ўрнатмоқда, уларнинг коммунистик ва ишчи партияларда олиб бораётган қўпорувчиллк фаолиятлари учун маблағ бериб турибди. Американинг маҳсус хизмат корчалонлари социалистик лагердан шунгани сотқин ва ватан хониларига хайбаракалашчилк ҳилмоқда, социалистик лагерь мамлакатларига ўз агентларини ибормоқда, сиёсий ва идеологик диверсиялар уюштиромоқда. Буларнинг ҳаммаси социалистик лагерни ичдан бузиш ва аста-сскин нуратишга мўлжаллангандир.

Социалистик мамлакатларга юборилган америка разведкаси агентлари аниқланиши ва фоишулиши, шунингдек бу разведканинг коммунистик ҳаракат ва социалистик ҳамдўстликка қарши фаолиятига онд сўнгги йилларда маълум бўлган фактлардан АҚШ разведкаси қандай мақсадни қўзлаганлиги яққол кўриниб турибди.

АҚШ империализми ҳамма жойда ўз стратегик мақсадларини амалга оширишин қўзлайди. Америка разведкаси хизматининг қўпорувчиллик фаолияти ривожланаётган ва капиталистик мамлакатлarda сиёсий тузумларни демократлаширишга қарши, мустамлака ва қарам мамлакатларга қарши, ҳар қандай антиимпериалистик курашга қарши, ўз мамлакатидаги демократик кучларнинг ўсишига қарши қаратилгандир.

Буни эллигинчи, олтмишинчи йиллардаги халқаро ҳаётта доир бир қатор мисоллар билан тасдиқлаш мүмкін: Америка разведкасы 1953 йилда Эронда Мусадиқ ҳукуматини, 1954 йилда Гватемалада Арбенс ҳукуматини ағдариша қатнашды, 1962—1964 йилларда Конгога қарши ҳарбий иғвогарликларда, 1965 йилда Индонезияда, 1966 йилда Ганада, 1968 йилда Грецияда реакцион тұнтарышни амалга оширишда иштирок этди..

АҚШ разведка органдары маълумотларни фақат мунтазам равишида, систематик тарзда түплаш, бақолаш, тақлил қилиш билан гина шүгүлләниб қолмасдан, балки уларни империалист сиёсатдонлар учун фойдалы шаклда талқин ҳам қиласы. Разведка маълумотларни эса хорижий мамлакатлар, бириңчи навбатда социалистик давлатларнинг ташқи сиёсатта, ичкى сиёсатта, ҳарбий, иқтисодий илмий-техник, идеологик, маданий фаолиятига алоқадор бўлади.

Америка разведкасы учун бошқа давлатлар сир ту таётган маълумотларни қўлга киритишда ҳуқуқ ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўсиқ бўладиган бирон масала йўқ; унинг учун энг муҳимни муттасил маълумот келиб туришини таъминлашдан иборат. Америка разведкаси бу мақсадда ҳозирги замон илмий-техника маълумотларини қўлга киритишга яроқли бўлган барча восита ва имкониятларнинг ҳаммасини шуга солади. Америка разведкаси қўпорувчилик ишларини ҳам ўз мамлакати территориясида, ҳам учинчи давлат территориясида туриб, ҳамда ўзларини мўлжаллаган обьект ҳисобланган мамлакатларга разведкачи ва агентлар юбориб амалга оширади. Информация манбаига легал ва иолегал тарзда борш имкониятларидан бирортаси эътиборсиз қолмайди. Халқаро алоқанинг бирор шакли: дипломатия, савдо-сотиқ, савдо-саноат алоқалари, халқаро ташкилотлар, конференциялар, олимлар, мутахассислар. Ижодий ходимлар учрашувлари, халқаро ярмарка ва виставкалар, студентлар, стажерлар алмашиш, туризм

ва ҳоказоларга АҚШ разведка хизмати түмшүгини тиқ-май иложи йўқ. АҚШда глобал разведка фақат билиб туриш, шунчаки хабардор бўлиш учун эмас, балки билиб олиб, шунга қараб ҳаракат қилиш учун амалга оширилади. Қенг кўламда олинган маълумотлар АҚШнинг ҳалқаро муносабатларининг барча соҳасида, унинг ички ҳаётининг кўпгина жиҳатларида амалий тарзда қўлла-нилади. АҚШда разведка ахборотлари ташқи сиёсат ҳамда ҳарбий стратегияни ишлаб чиқишида, планлантиришида ва сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, идеологик жаб-ҳаларда ва бошқа мамлакатларда разведка қўпорувчилик ҳатти-ҳаракатларини ўтказишида, ичкӣ сиёсий, со-циал иқтисодий, ҳарбий ва бошқа проблемаларни ҳал қилишида фойдаланилади. Америка разведкасининг умум-жаҳон ва тотал, яъни ҳамаёни қамраб олишдан иборат қўпорувчилик фаолияти ҳозирги замон ҳалқаро империализми сиёсатининг мужассамлаштирилган инфодасидир.

РАЗВЕДКА ТАРМОҚЛАРИ

Америка Қўшма Штатларининг разведкаси шубҳасиз кўп тармоқли ва қудратлидир. Ҳозирги замон импе-рialiзмининг бу қалъа қўргонида шундай разведка тар-моғи яратилгани, у ўзининг ташкилий структура кў-лами, кўп погоналли ва кенг территорияда тармоқ отга-ш, сони ва минг ниқобда турланиши (мақсадига қараб белгиланиши ва ниқбланиши маъносида) жиҳатдан та-рихда тенги топилмайди. Биз тилга олган Л. Киркпат-рик китобида айтилнишича, ҳатто президент Эйзенхауэр әтлигинчи йилларниг бошларидаёқ америка разведка системаси иккинчи жаҳон урушидан кейин нақадар кен-гайнib кетганлигидан ҳайрон бўлган. Ҳолбуки, бу систе-ма шундан кейин ўзгаришсиз қолгани йўқ, балки тағин хам ўди ва яна ўсмоқда.

АҚШнинг мамлакат ичидаги ва чет эллардаги раз-ведка ва бошқа қўпорув муассасаларининг мураккаб ор-

ганизмини гигант спрут (искағич)га ўхшатиш мүмкін, америка разведка хизмати уннің искағич түмшүқлари бўлса, кўп сонлии разведка, диверсия, фитна ва ғалаён уюштирувчи ҳамда бошқа маҳсус қисмлариниң сўрувчи паразитик сўргичлари ҳисобланади. Мазкур қисм ва бўлнималар бошқа давлатларининг территорияларида, айниқса социалистик мамлакатларга яқин зоналарда жойлашган.

АҚШнинг ҳозирги замон разведка системасининг структураси энг аввало социалистик ҳамдўстликка, уннинг асосий кучи бўлган Совет Иттифоқига, шунингдек революцион ҳаракатининг бошқа отрядларига қарши қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун мослаштирилган.

Разведка ишларига раҳбарлик қилиш юксак ҳукумат даражасида АҚШ президенти ва уннинг қошидаги олий консультатив орган — миллий хавфсизлик кенгаши қўлида марказлашган.

Хўш, АҚШнинг разведка системаси қандай?

Унинг энг юқори маҳкамаси Марказий Разведка Бошқармасидир. Бу орган чет эллардаги қўпорувчилик ишлари бўйича умумдавлат вазифаларни ҳал қиласди. Бундан ташқари МРБ бевосита қўпорувчилик ишлари билан ҳам шуғулланади, АҚШнинг бошқа разведка органлари қўлга киритган разведка маълумотларини анализ қиласди, баҳолайди, барча разведка тармоқлари фаолиятини планлаштириб, координация қиласди.

МРБ — шпионаж, диверсия, террор, қарам мамлакатларда қонли жазо операциялари ташкил этиш маркази, энг кескин шаклдаги идеология ва сиёсий қўпорувчилик ишларини ўtkазиш, чунончи ғалаёнлар, исёнлар, давлат тўнтаришлари, интервенциялар ва ҳарбий можаролар чиқариш марказидир.

МРБ фаолиятининг барча томонлари фақат америка халқидан эмас, балки жаҳон жамоатчилигидан, ҳаттоқи АҚШ конгрессидан ҳам қаттиқ сир тутилади. Гоҳ-гоҳ

айрим нарсаларгина ошкор бўлиб қолади, бу ҳам МРБ ишг баъзи хатти-харакати дунёнинг у ёки бу районида Барбод бўлганда билинади.

МРБ структурасини умумий тарзда билиш учун (албатта чалғитишга мўлжалланган сохта ахборотларга танқидий назар билан қараган ҳолда) америка матбуотида босилаётган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Ҳолбуки, сўнгги 10—15 йил ичida америка разведкаси тўғрисида анча адабиётлар босилиб чиқди.

Шундай қилиб, эълон қилинган адабиётлардан маълумки, МРБ составида мустақил бошқарма даражасидаги йирик идоралар мавжуд. Улар марказий аппаратда кўп сонли бўлимларга, четда асосан чет мамлакатларда тоят катта бўлинмаларга эга бўлиб, улар шпионажга ихтинослашгандир. Баъзи америка адабиётларида мазкур бўлинма «Оператив бошқарма» деб аталган ва энг маҳфий ва нозик ишларни тунени, кети миқёсда албатта, биринчи наебатда СССР инфоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳақида маҳфий разведка ахборотлари тўплаш билан шуғулланади.

Оператив бошқарма составида алоҳида маҳфийлаштирилган бўлинма иш кўради. У чет мамлакатлар, айниқса социалистик мамлакатларга қарши маҳфий қўпорувчилик операцияларини тайёрлаш ва амалга оширишга ихтинослаштирилган.

Диверсия ва террорчилик кирдикорлари, фитналар, ингервенциялар, давлат тўнтаришлиари, идеология ва сиёсий қўпорувчилик ишларни ва ҳоказоларни худди ана шу бошқарма ташкил қиласди.

Техника воситалари ёрдамида разведка қилиш масалалари билан МРБнинг илмий-техника бошқармаси шуғулланади. У техника разведкасининг барча турларини, шу жумладан Ерининг сунъий йўлдошларидан разведка мақсадларида фойдаланишини йўлга қўяди ва координациялаштириб туради. Мазкур бошқарма чет мамлакатлардаги асосий илмий-техника тармоқлари, айниқса

янги ҳарбий техника ва қуроллар ишлаб чиқариш биләп боғлиқ бўлган тармоқларнинг ривожланишига оид разведка материалларини тўйлайди ва ишлаб чиқади.

МРБнинг ички операциялар бошқармаси АҚШда мавжуд баъзи жамоат ташкилотларидан (касаба союзлари, ёшлар, студентлар, маданий-оқартув ташкилотлари ва шу кабилардан) шпионлик ҳамда қўпорувчилик ишларида фойдаланиш билан шуғулланади, чет эллар билан алоқаси бўлган турлн хусусий фондлар ва хизмат фирмалардан, антисовет ва контрреволюцион муҳожирлик ташкилотлари ҳамда бир қатор матбуот органдаридан ҳам бу мақсадда фойдаланаади.

МРБнинг таъминот бошқармаси кадрлар составини танлайди ва тайёрлайди, моддий-техника таъминоти ва алоқа ишларини бажаради. Мазкур бошқармага разведкаси ва агентларининг хавфсизлигини таъминлаш, яширин ишлашини ташкил этиш юклатилган.

МРБнинг асосий штаб-квартираси америка матбуоти томонидан кеңг равишда реклама қилинган. У Вашингтон яқинидаги Ленгли деган жойда бутун бир антенна системасига эга бўлган улкан замонавий бинодадир. МРБ нинг алоҳида пинҳон иш кўрадиган бўлинма ва хизматлари Вашингтоннинг шаҳар районларида хилма-хил ташкилот ва фирмалар ниқоби остида иш кўради. Бундан ташқари МРБ нинг асосан ички операцияларни бошқариш билан боғлиқ бўлган филиал ёки бўлимлари бошқа шаҳарлар (Нью-Йорқ, Чикаго, Детройт, Сан-Франциско ва бошқалар) да қам мавжуд.

МРБнинг марказий аппарати мазкур маҳкаманинг фақат бир улушкинига ташкил қиласди. Унинг жуда пухта ниқобланган бўлинмалари чет элларда жойлаштирилган.

Улардан энг муҳимлари резидентуралардир. Худди ана шулар америка империализмини шпионлик ва бошқа қўпорувчилик пиятларини амалга оширади. Резидентуралар чет эллардаги дипломатик вакилликлар.

АҚШ Информацион агентлиги халқаро ривожланиш бошқармасы, «тинчлик корпусы» сифатида, шунингдек американинг чет эллардаги савдо ва саноат фирмалари, илмий муассасалар, хайр-эҳсон, миссионерлик каби бошқа ташкилотлар номи остига яшириниб ишлайди. МРБнинг жуда кўп резидентураси Европа, Осиё, Африка, Австралия ва Латин Америкасидаги қўпчилик мамлакатларда жойлашган. Америка матбуотининг тан олишича, социалистик мамлакатларда, шунингдек социалистик мамлакатлар билан чегарарадош бетараф ҳамда АҚШ билан иттифоқдош капиталистик мамлакатлардаги АҚШ ваколатхоналарида айниқса йирик резидентурулар яратилган.

Америка «разведка бирлашмаси»нинг йирик шериларидан бири Мудофаа министрлигининг Разведка бошқармаси (**РУМО**) ҳисобланади. Бу ҳарбий стратегик разведка органи бўлиб, жуда кўнгли АҚШ Ҳарбии министрлиги штабининг разведка бошқармаси, ҳарбий-чаво кучлари разведка бошқармаси, ҳарбий денгиз разведкаси бошқармаси, Европа, Тинч океан, Аляска, Марказий ва Жанубий Америка ҳамда АҚШ территориясидаги бирлашган Америка қўмандолигиги штабларинин разведка бўлимларидан иборат. Америка матбуотининг 1973 йилги маълумотига қараганда РУМО га бирлашган АҚШ ҳарбий разведкасида 115 мингдан зиёд киши ишлайди.

РУМО бутун америка ҳарбий разведка хизмати қўпорувчилк фаолиятини ташкил қиласди ва координациялаштиради, чет мамлакатлар, биринчи навбатда Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик давлатлар, уларнинг қуролли кучлари янги қурол турлари ва ҳарбий техникаси тўғрисида разведка маълумотлари тўплайди ва уларни таҳжил қиласди. Унинг ўзи қўпорувчилк ишларини, айниқса Варшава Шартномаси ва бошқа социалистик ҳамда ривожланаётган мамлакатлар армияларини кучсизлантиришга қаратилган идеологик характердаги қў-

пørувчилик ишларини планлаштирали ва амалга оширишга уринади.

АҚШнинг ҳарбий разведкаси америка ҳарбий машинасининг ғоят агрессив қисми ва америка монополияларининг энг садоқатли хизматкори ҳисобланади. Фақат ҳарбий стратегик разведкагина гараз билан танлаб олинган шпионлик маълумотлари асоспда СССРнинг АҚШга ҳарбий ҳужум қилиш хавфи борлиги тўғрисидаги ёлғон-яшиқларн ўйлаб чиқаради ва бу ёлғон-яшиқлар «АҚШ ва унинг иттифоқдошларини ҳимоя қилиш учун» қуролли кучларни такомиллаштириш кераклиигига асос қилиб селинади.

Ҳарбий разведка органлари жаҳон термоядро урушинга разведка тайёрлиги кўрмоқда, термоядро зарбаси бериш учун СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар територияларидан объектларни пухталик билан ташамоқда. Ҳарбий разведка ўтказмоқда. Ҳиндси-Хитойдаги Ҳарбий разведка органлари жаҳон термоядро урушинга разведка тайёргарлиги кўрмоқда, термоядро зарбаси бериш учун СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар територияларидан объектларни пухталик билан ташамоқда. Ҳарбий разведка локал (чекланган) урушлар бўйича ҳам разведка тайёрлиги ўтказмоқда. Ҳиндси-Хитойдаги агрессив уруш давомида АҚШ ҳарбий разведкаси МРБ билан биргаликда ҳарбий эскалация (зўр бсриш)ни авж олдиришда бир неча марта ташаббус юрсатди ва Вьетнам, Лаос, Камбоджа тинч аҳолисига тисбатан ўтказилган сон-саноқсиз жазо чораларини амалга ошириди. Ниҳоят, ҳарбий разведка органлари, америка матбуотида бир неча марта хабар берилганидек, америка граждандари ва прогрессив ташкилотларнинг урушга қарши ҳаракатини бостириш учун таъқиб чораларини амалга оширишда бош-қош бўлмоқдалар.

МРБ ва ММРБ яширин қўпорувчилик операцияларини ўтказиш айниқса диверсия, террор, безорилик — бузғунчилик ва жазо ҳаракатлари билан бօғлиқ операция-

ларни ўтказиш учун разведка органлари ихтиёрига махсус диверсион разведка ҳарбий бўлинималари ажратиб беради.

Расмий жиҳатдан бу ҳарбий кучлар разведка органлари составига кирмайди ва АҚШ Мудофаа министрлиги штаб бошлиқлари бирлашгани комитети қошидаги галайёнга қарши ва махсус операция қўшинилари бошқармасига бўйсунади. Мазкур бошқарма ҳарбий деңгиз, ҳарбий ҳаво кучларидаги диверсион разведка бўлинималарини тайёрлаш, уруш чиқиб қолган тақдирда улардан фойдаланишини планлаштириш «партизанлик» ҳаракати, яъни чет элларда бебошликлар уюштириш ва жазо операцияларини ўтказиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ҳинди-Хитойдаги воқеалар кўрсатганидек, АҚШ махсус вазифали қўшиниларининг фаолияти бевосита жанговар ҳаракатлар зонаси ва унга яхши жойларда америка разведкасиниң қўпорувчилик ишлари билан боғлиқлар.

АҚШнинг диверсия — разведка қўшинларида ҳозиргача минглаб ёлланма каллакесарлар тайёрланди, улар қаторида социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардан чиқкан сафбузарлар, хоинлар, сотқинлар оз эмас. Мазкур қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари антикоммунизм, ўз хўжайинлари буйругини кўр-кўронча бажариш руҳида идеологик ва психологик таълим олади. Уларда инсонликка зид қусурлар, шафқатсизлик, ирқчилик каби энг ярамас хусусиятлар ривожлантирилади. Ҳудди ана шунинг учун ҳам америка разведкаси уларни яшифрин қўпорувчилик ишлари учун жуда мос келадиган ижроичилар деб билади.

Сўнгги ўн йилликда турли мамлакатлар матбуотида АҚШнинг яна бир алоҳида маҳфийлаштирилган ўзига хос разведка органи Миллий хавфсизлик агентлигиги (МХА) тўғрисида маълумотлар тез-тез кўзга ташлаандиган бўлиб қолди. Мазкур орган АҚШ Мудофаа министрига бўйсунади, ўз фаолияти юзасидан у Миллий хавф-

сизлиқ кенгаши билан Президент олдида жавобгардир.

АҚШнинг мўътабар саналган бу разведка хизмати бажариб келаётган функциялар жуда кўп. Унинг бир жиҳати дунёнинг АҚШ разведкаси қизиққан райони ёки қисмида радио, радиорелье ва телефон алоқаларини ушлаб олиш ҳамда чет мамлакатларнинг халқаро ёки ички алоқа каналлари бўйлаб шифрланган ёки кодланган тарзда бериладиган ҳужжат ёки бошқа муҳим ахборотларни дешифровка қилиш соҳасидаги фаолиятидир. Ернинг сунъий йўлдошлари, радио тўлқинларини ушловчи самолётлар «Либерти» ва «Пуэбло» тинидаги сув усти шинопонлик кемалари, сув ости кемалари ва жойлардаги радиотехник постлар орқали амалга ошириладиган радиоқароқчилик ёрдамида Миллий Хавфсизлик Агентлиги (МХА) фоят кўп зашифровка қилинган текстларни, шунингдек передачани амалга ошираётган нуцктларнинг координаталари ва алоқа трассаларини қўлга киритади.

Америка публицисти Э. Таллининг «Супершионлар» деган китобида келтирилган маълумотларга қараганда радиоқароқчилик йўли билан ушлаб олинган материаллар ҳажми шу қадар каттаки МХА жами текстларнинг атиги 15 процентини ўқиб чиқишга улгуради, холос¹. Бироқ ишонч билан шуни айтиш мумкинки, криptoанализчиларнинг асосий эътибори СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга онд текстларга қаратилган.

Криptoанализ математиканинг турли соҳаларига мансуб йирик олимлар ва юксак малакали мутахассислар томонидан бажарилади. Бундан ташқари, бу ишда ҳисоблаш машиналари ва маҳсус дешифровка қилувчи аппаратуралардан фойдаланилади. Чет давлатлар ҳукуматларининг дешифровка қилинган маҳфий ҳужжатлари америка разведкаси томонидан шубҳасиз энг ишончли ҳужжатга асосланган разведка ахбороти сифатида

¹ «За рубежом», 1970, № 47, 25- бет.

қадрланади. Расшифровка қилингандар текстлар АҚШнинг турли ҳукумат идораларига юборилади. МХАнинг «Қора китоби»га хилма-хил дешифровка ва таржима қилингани муҳим ҳужжатлар киритилади ва мазмунни шахсан Президентга доклад қилинади.

Шунин айтиш керакки, АҚШнинг мазкур ҳукумат муассасасининг фаолияти илгари пухта ниқобланган эди, лекин сўнгги вақтларда, айниқса МХА собиқ ходимлари Митчел билан Мартинлар 1960 йилда Москвада совет ва чет эл журналистлари матбуот конференциясида фош этган машҳур воқеадан кейин ниқоб чок-чокидан йирилтиди.

Разведка ҳақида ёзувчи американлик авторлар Давлат департаментининг разведка ва тадқиқот бюросидек АҚШ разведка хизмати ўчоғини ҳам албатта тилта олади. Бу ташкилот жаҳондаги барча мамлакатлар ташқи сиёсати ҳамда ҳалқаро аҳволига оид ҳам маҳфий, ҳам ошкор тусдаги аҳборотларни йигиши ва анализ қилишга ихтиослашмоқда. Мазкур бюро давлат раҳбарлари ва сиёсий арбобларнинг мамлакат ички сиёсати соҳасидаги позицияси, тоявий ҳамда синфий-сиёсий қарашлари билан жуда қизиқади. Давлат департаменти разведка ва тадқиқот бюроси бир қатор регионал (жаҳоннинг турли районлари бўйича) ва функционал бўлимлардан иборат. Масалан, социалистик мамлакатлар бўйича анализ ва тадқиқот бўлими мавжуд. У Совет Йиттифоқи ва бошқа социалистик давлатларга оид аҳборотларни тўплаш ва ишлаш билан шуғулланади. Америка матбуотининг 1972 йилги маълумотига қараганда, Вашингтондаги разведка ва тадқиқот бюросида 300 га яқин киши ишлайди, ҳолбуки 1948 йилда унда жами 18 ходим ишлар эди, холос.

Буржуа матбуоти Давлат департаменти разведка ва тадқиқот бюроси фаолиятига баҳо бериб: гўёки бу орган фақатгина АҚШнинг чет эллардаги дипломатик вакиллари докладларни ҳамда бошқа разведка органларидан

тушган ташқи сиёсат проблемаларига онд разведка ахборотларни ўрганиш ва анализ қилиш билан шуғулланади, деган фикри илгари суради.

Бундаи иуқтаси назар ҳақиқатга түгри келмайди. Давлат департаментининг разведка ва тадқиқот бюроси бошқа ишлардан ҳам четда турмаганлиги маълум. Масалан, у бошқа мамлакатлар, айниқса социалистик мамлакатларга қарши йирик қўпорувчилик ишларини тайёрлаш ва ташкил этишда бевосита қатнашган, мухим сиёсий ахборотлар түплаш, идеологик ва спёсий диверсия ўюштириш билан шуғулланган. Буларнинг ҳаммаси социалистик давлатлар бирлигини бузиш ва халқаро коммунистик ҳаракат жипслигига зарба берпшга қаратилган кирдикорлардир.

Бундан ташқари, давлат департаменти разведкачилари, қоида тариқасида МРБ ва АҚШнинг бошқа разведка хизматининг энг йирик қўпорувчилик операцияларида тенг қатнашади. Буни АҚШнинг собиқ давлат секретари Роджерснинг баёноти тасдиқлайди. У Никсон маъмурияти ҳокимиёт устига олгандан кейинги нутқларидан биринда: «Разведка бюросидан самаралироқ пжодий иш» кутаман деган эди. Бунда у разведка бюроси разведка органлари қўлга киритган инфомацияларни ишлаш билан чекланиб қолмасдан ўзи ҳам разведка маълумотларини қўлга киритиши лозимлигини назарда тулади.

АҚШ Разведка тармоқлари составида ўта алоҳидаликда иш кўрадиган ташкилот Атом энергияси бўйича Федерал комиссиянинг разведка бўлимидир, унинг вазифаси ядро физикаси, ядро ва термоядро қуроллари ва атом энергиясидан ноҳарбий мақеадларда фойдаланиш проблемаларига онд маълумотларни тўплаш ва анализ қилишдан иборат.

Мазкур бўлимнинг вазифаси анча кенг. У ҳам ошкор, ҳам яшириш восита ва усуслар (агентура ва маҳсус сунъий йўлдошлар ёрдамида маълумот тўплашдан то

турли усуллар билан құлға киритилган ҳаво, сув ва тупроқ намуналарини физик-химик анализ қилиш) билан илмий-техника революциясимиң әнг долзарб йұналишлари түғрисида тасаввур яратади. Социалистик мамлакатлар асосан СССРдаги илмий кашфиётлар, тадқиқ қылинаётгандың ечимлар, парчаланувчи материаллар саноатиниң ишлаб чиқарыш базасы, атом потенциали, давлат ажратмалари, шунингдек мазкур соҳада ишлаётгандың таниқли олимлар, мутахассислар түғрисидеги маълумотлар пухта ўрганиб чиқылади.

Атом энергияси бўйича федерал комиссиясининг разведка фаолияти Қўшма Штатлар раҳбар доиралари ишлаб чиқарыш базаси, атом потенциали, давлат ажратмалари, шунингдек мазкур соҳада ишлаётгандың таниқли олимлар, мутахассислар түғрисидеги маълумотлар томонидан амалга оширилади.

Америка разведка тармогининг федерал Қидирув Бюроси ҳам жаҳон жамоатчилигиниң яхши маълум. Мазкур бюро АҚШ территориясига сиёсий айғоқчи, контрразведка ва жиноий ишлар билан шуғулланади ва юстиция министрлиги составида иш кўради.

Федерал Қидирув Бюроси айтиб ўтилган функцияларидан ташқари яна контрразведка вазифаларини бажариш баҳонаси билан чет элларда қўпорувчилик ишлари билан ҳам шуғулланади. Америка матбуотининг тасдиқлашча Федерал Қидирув Бюроси дунёдаги кўнгина мамлакат марказлари ва турли давлатларининг кўпчилик шаҳарларинда ўз агентлигига эга, ФҚБ Латин Америкасидеги демократик ва прогрессив ҳаракатларга қарши айниқса актив иғвогарлик хатти-ҳаракатини амалга оширади.

Американинг ичкариясида ФҚБ вазифаси «ғайри фикрдагилар»ни аниқлаш ва таъқиб этишдан, антисовет ва антикоммунистик иғвогарликлар уюштиришдан иборат. ФҚБ шпиончиллик ва шубҳаланиш васвасаларини

авж өлдүришга қаратылған антисовет пропагандани ташкил этиш, прогрессив арбоблар ва ташкилотлар, шунингдек АҚШдаги Совет гражданлары ва муссасаларига қарши сиёсий иевогарликлар уюштиришдан иборат.

ФҚБнинг собиқ директори Э. Гувернинг 1971 йил мартаиди конституцион ҳуқуқлар бўйича сенат комиссиясига қилган докладида келтирилгай фактлар сўзимизнинг исботи бўла олади. Чунончи у ФҚБда 2,5 миллион «ғайри фикрли» америкаликлар ҳақида маълумот тўплланганлигинн айтади. Жуда катта рақам! Ҳозирги Америка ана шунаقا. Унинг разведка ва айфоқчилик органлари сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсири кўрсатади, бирорта ҳам америкаликни назардан қочирмайди, дунёning барча томонларига ўз қора тузогини ёйиб ташлагай.

Америка разведка тармоқларининг асосий органлари шунчаки кўздан кичирилишининг ўзи уларнинг фаолияти агресив ва реакцион характерга эга эканлигини кўрсатади. В. И. Лениннинг Америка Қўшма Штатлари «Ҳамма нарсани ўзига итоат қилдираётган, ҳамма нарсани эзиб ташлаётган бюрократик-ҳарбий муассасаларнинг ифлос ва қонли ботқонига батамом ботиб кетди». дегаи сўзлари янги куч билан тасдиқланмоқда.

Башарти, АҚШ разведка системасида унинг сиёсий органиларидан ташқари ғоят кўпичлик давлат ва давлатдан ташқари муассасалар ва ташкилотлар қатнашаётганлиги, АҚШнинг МРБ ва Ҳарбий стратегик разведкаси бир қатор агресив ҳарбий-сиёсий иттилоқ ва блоклар қошида ҳам қатор разведка-қўпорувчилик хизматлари ташкил қилганлиги, шунингдек, қатор капиталистик давлатларнинг разведка ва бошқа маҳсус хизмат органларини маълум даражада ўз вазифаларини ҳал қилишга ва ўз таъсирига бўйсундирилганлиги эслга олинса, бу

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 25- том, 457- бет.

АҚШ разведка шохобчалари тиғпни социализм давлатлары ва мустақил ривожланиш йўлига тушнб олгани мамлакатларга қарши ҳаракатларни янада кенгайтиришга қаратилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

АҚШ нинг сиртдан қараганда разведкадан четла бўлган, бироқ Америка разведкасининг СССР га қарши қўпорувчилик фаолиятига бевосита алоқадор муассасалари орасида АҚШ аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллый бошқармаси (НАСА)ни айтиш керак. Мазкур муассасасанинг расмий вазифаси космик фазони тадқиқ қилиш бўйича илмий ва эксперимент ишлари ўтказишдан иборат. Бироқ НАСО илмий тадқиқот ишларидан ташқари МРБ, ММРБ, МХА билан ҳамкорликда космик разведка олиб боради, олинган ахборотларни ишлашда қатнашади, СССР ва баъзи бошқа мамлакатлarda космик фазони ўзлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларга оид ахборотларни, шунингдек бу соҳада ишловчи етакчи мугахассислар эришган илмий натижаларни қўлга киритища иштирок этади.

Етакчи империалистик давлатлар молия-валюта системасида катта тенглик юз берганлиги муносабати билан сўнгги йилларда АҚШ нинг молия министрлиги махфий хизмат бўлими ўз фаолиятини жонлантириб юборди. Унинг фаолияти етакчи капиталистик мамлакатларнинг молиявий аҳволини ўрганиш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари кредит-молия системасини бўшаштириши мумкин бўлган тадбирларни ўтказишга қаратилди. Товар чиқариш бозорларини кенгайтириш ва капиталистик дунёдаги ташқи савдо соҳасидаги конъюктурадан америка империализми учун наф келтирадиган тарзда фойдаланиш йўлида олиб борилаётган иқтисодий курашда ғолиб чиқиши таъминлаш мақсадида АҚШ савдо министрлиги ҳам чет элларда разведка ишлари билан шуғуллана бошлади. Савдо министрлигининг чет эллардаги коммерция хизмати бошқармаси тилга олинган масалалар бўйича маълумот тўплайди ва жаҳон бозори-

да социалистик мамлакатлар олиб бораётган ташқи савдо фаолиягин камситиш ва обрўзизлантиришга мўлжалланган кирдикорларини ўтказишида МРБ билан шерпикликда ишлайди.

Собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларда мустамлакачилик системаси чок-чокидан сўйиғаңдан сўнг империалистик сиёсат учун янги ўткир воситалар излаш давомида АҚШ ҳукмрон доиралари 1961 йилнинг бошлиарида «Тинчлик корпуси» аталмиш маҳсус давлат ташкилоти тузилди. Тўғри, тузиленган вақтда унинг расмий вазифаси ёш ривожланаётган мамлакатларга малакали кадрлар юбориш орқали ёрдам кўрсатишдан иборат деб белгиланди. Бироқ давлат департаменти ва МРБ раҳбарлигига иш олиб бориб, «тинчлик корпуси»ни ривожланаётган мамлакатлар аҳолисига америка империализмининг ғоявий-сиёсий таъсирини ўтказиш, шионлик ва ғоявий диверсиялар ташкил қилиш қуролига айлантириб юборди. «Тинчлик корпуси» ёрдамида америка империализми ривожланаётган мамлакатларда уларнинг давлат тузуми ва ҳукумат сиёсатига ҳал қилувчи таъсир ўтказиш учун муҳим позицияларни қўлга киритишига умид боғламоқда. Чет эл матбуотининг маълумотларига қараганда «Тинчлик корпуси» вакиллари 59 мамлакатга жойлашиб олган. Қўнгилли ходимларнинг асосий кўпчилиги Латин Америкаси мамлакатларида иш кўрмоқдалар.

Давлат департаменти составида халқаро ривожланиш Бошқармаси (ХРБ) мавжуд. У ривожланаётган мамлакатларга «ҳарбий бўлмаган» иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш билан шуғулланади. Лекин бу ХРБ вазифасининг бир қисми, холос. Мазкур идоранинг ривожланаётган давлатлардаги кўпгина вакиллари (80 га яқин миссиялар) мазкур мамлакатлар давлат аппарати ва экономикасининг барча звеноларига суқилиб киришга интилмоқда, Америка етказиб беражётган товарлардац маҳаллий маъмурнятни оғдириб олиш учун, миллий

экономикани издан чиқариш учун, социалистик давлатлар кўрсатаётган ёрдамнинг прогрессив таъсирини сусайтириш учун фойдаланишга уринмоқда.

АҚШ разведка органлари ёки у билан бевосита ҳамкорликда ишлайдиган органлар ҳақида биз ҳикоя қилган фикрлар махфий сирлиқдан чиқиб ошкор гапга айланаб қолганига анча бўлди. Бироқ, ана шу таҳлитда иш олиб борадиган кўпгина ташкилотлар борки, улар «шпионаж», «диверсия» ёки «разведка» деган гаплардан ўзини четда тулади.

АҚШ разведкасининг СССР га қарши Совет давлати тузилган дастлабки кунлардан бошлаб олиб борган қўпорувчилик ишлари тажрибаси кўрсатадики, мазкур мамлакат махсус хизмат маъқамаларининг раҳбарлари разведка мақсадларида дипломатик ваколатхоналар, информацион хизмат, хайд-эксон ташкилотлари (қизил Крест, өмара ердам кўрсатиш жамияти ва ҳоказолар), хусусий савдо ва саноат фирмалари кабиллар хизматидан фойдаланишдан сира ҳам тортишиб ўтирган эмаслар. Чунончи, 1918—1920 йиллардаёқ ВЧК органлари томонидан америка шпионлари бўлган коммерсант Каламатиано, «Асосиэйтед Пресс» мухбири Гаррисан, қизил қрест ходими Кильпатрик ва бошқалар қамоққа олиниб фош этилган эди.

Америка разведка тармоқларининг буржуа матбуоти ва хилма-хил жамоат ва хусусий ташкилотлар кенг шоҳобчалари билан тарихан таркиб топган ҳамқадамлиги АҚШ раҳбар доиралари разведка хизмати органларини СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеологик разведка ишларига кенг жалб қила бошлаган урушдан кейинги йилларга келиб айниқса бекпёс ўди.

Бу тоғфадаги ташкилотлар орасида ташқи сиёсат пропагандаси билан шугууллаиувчи бош ҳукумат органи — АҚШ Информация Агентлиги (АИА) стакчи роль ўйнайди. АИА жаҳон жамоатчилиги олдида АҚШ ташқи сиёсатини оқлаш учун «америкача ҳаёт тарзини»

пропаганда қиласы ва бу соҳада МРБ ҳамда бошқа разведка хизматлары билан актив ҳамкорлик қиласы. АИА — күпдан-күп мустақил хизмат бўлимларига эга бўлган анча йирик агентлик. Чуюнчи, унинг қарамоғида матбуот, радиоэшиттириш, телевидение, кино регионал (шу жумладан СССР ва Шарқий Европа мамлакатлари бўйича) ҳамда функционал (планлаштириш ва анализ кабилар бўйича) бўлимлари бор. АИА штатида 12 минг киши ишлайди, улардан кўпчилиги АҚШ территориясидан ташқаридан хизмат қиласы. Агентликнинг биргаша 1973 молия йилига мўлжалланган бюджети 200 миллион доллардан иборат эди. АИА системасида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида 192 бўлим ишлайди, 24 номда 29 тилда, умумий тиражи 1,3 миллион нусха журнал, шунингдек 47 тилда 400 миллион нусха варақа ва брошюра нашар этилади. Чет мамлакатлар учун 30 тилда, 30 миллиондан ортиқ тиражда қарийб 60 газета чиқарилади. АИА чиқарган нашрлар орасида ўзининг ўта антисовет мазмуни билан ажralиб турадигани «Коммунизм проблемалари» журналидир. АИА чет мамлакатларда гоят кўп кинофильм ва телевизион программаларни памойиш қиласы, кўп сонли америка виставкаларини ташкил этади. Бунга АИА нинг хусусий сектори иши кирмайди. Ҳолбуки, хусусий сектор номи аслида хусусийликдан йироқ бўлган хилма-хил қарам нашриётлар, фонdlар ва бошқалардан иборат бўлиб, улар АИА, МРБ ва бошқа АҚШ маҳсус хизмат органлари фаолияти учун жуда қулай ишқоб бўлиб хизмат қиласы.

АИА иктиёрида буржуа пропагандасининг муҳим қуороли бўлган «Америка овози» радиотармоғи ишлайди. Мазкур пропаганда маркази 35 тилда эшиттириш беради, шундап 40 проценти социалистик мамлакатларгиз эшиттирилади. 1968 йилда АИАнинг Совет Иттилоғи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан чегарадои районларда «Америка овози» радиостанциясининг тармоқларини яратишдан иборат маҳсус планни **амалга**

ошириш тугалланди. 1972 йилда Греция территориясиңда янги кучли радиопередатчик ишга түширилди. «Америка овози»нинг 1973 молия йилидаги бюджети 52 миллион доллар қилиб белгиланган эди.

АҚШ да идеологик қўпорувчилик ишларин тайёрлаш ва амалга ошириш учун юзлаб «тадқиқот» ва антисовет марказлари тузилган. Булар орасида энг қадимги ва йириги Стенфорд университети қошидаги уруш, революция ва тиичлик масалалари билан шуғулланувчи Гувер институти ҳисобланади. У собық АҚШ президенти Г. Гувер томонидан 1919 йилдаёқ ташкил этилган эди. Институтнинг етакчи бўлими — Шарқий Европа бўлимидир. У тарих ва КПСС ҳамда Совет давлати сиёсати масалаларини ўрганади. Гувер институти уруш, тинчлик ва революция, антисовет ва антикоммунистик пропаганда масалалари соҳасига «масаланий» изланишлар билан машгул бўлиб. АҚШ нинг АИА, МРБ. Пентагон, давлат департаменти ва бошқа давлат муассасалари маҳсус хизмат бўлимлари учун илмийнамо уйдирма тайёрлаб беради. Мазкур институт доирасида 1961 йилдан бошлаб Халқаро сиёсий тадқиқот маркази ишлай бошлади, унга учига чиқсан антикоммунист, АҚШ ташқи сиёсатида авантюризмни тарғиб қилувчи Стефан Пессони бошчилик қилади.

АҚШ нинг пропагандистик қўпорувчилик ташкилотлари орасида Гарвард университети қошидаги рус тадқиқоти маркази кўзга кўринарли роль ўйнайди. Мазкур марказ 1948 йилда КПСС ва СССРнинг давлат ва ижтимоий тузумини ўрганиш учун тузилган. Бу қўштириноқ ичидағи тадқиқот маркази ўз фаолиятида Совет матбуотида босилган материаллар билан бир қаторда қочқиндилар, сотқинлар, шунингдек, Совет Иттифоқида бўлган туристлар, стажёрлардан сўраб олинган ва бошқа норасмий манбалардан қўлга киритилган маълумотлардан ҳам фойдаланади.

Ана шундай «тадқиқотлар» натижасида пайдо бўлган

антисовет уйдирмалар бевосита қўпорувчилик ҳаракатлари ёки кампанияларида ҳам, Гарвард университетида «советолог» кадрлар тайёрлашда ҳам фойдаланилади. 60 йилларда ана шу университетнинг ўзида халқаро муносабатлар бўйича марказ тузилди. Бу марказ давлаттарнинг, энг аввало социалистик мамлакатларпинг ташкини сиёсатини ўрганади.

Ана шундай «тадқиқот»чи ташкилотлардан бири Нью-Йоркдаги Колумбия университети қошидаги коммунизм проблемалари бўйича тадқиқот марказидир. Унинг директори Збигнев Бжезинский деган зот бўлиб, у социалистик мамлакатларга қарши диверсион идеология сиёсати юргизишнинг ваъзхонларидан ҳисобланади. Идеология соҳасида ўртага «кўприк ташлаш» ва коммунизм «эрозияси» ҳақида назариялар худди ана шу институтда ўйлаб чиқилган. Бой китоб, ҳужжатлар тўпланган базага эга бўлган мазкур муассаса бизнинг мамлакатимиз ҳақида фактларни кўнлаб бузиб кўрсатиш, КПСС, совет халқи адресига бўйтондан иборат уйдирмалар тўқиши орқали гайри илмий ишлар тайёрлашга ихтинослашмоқда. Тадқиқот марказидаги зотлар мўътабар кишиларнинг фикрлари, воқеалар, рақамларни шундай ғаразгўйлик билан талқин қиласидиларки, охири улар фан кўзлаган мақсадга хизмат қилмайдиган ҳолда тақдим қилинади. Колумбия университети АҚШ нинг дипломатик, разведка, ҳарбий ва бошқа муассасалари учун СССР бўйича мутахассислар тайёрлаб беради.

1962 йилда Жоржтаун университетининг стратегик тадқиқотлар маркази ҳозирги «Хожа институти»га асос солинди ва ўзининг ўрта реакцион антисоветизми билан тез орада машҳур бўлди. Унга собиқ адмирал Рали Берк бошчилик қиласиди. Бу ашаддий акционер, «Жон Бёрч жамияти» аталмиш фашистлар ташкилоти билан яқин алоқаси борлиги билан шуҳрат топган.

АҚШнинг разведка ва қўпорувчилик пропаганда хизмати ўз мақсадлари учун яна Мачиган университети қо-

шидаги рус ва шарқий Европа тадқиқот мәрказы, «Совет Иттифоқинн ўрганиш университети» «Совет ва Шарқий Европа тадқиқотлари бўйича Жон Кэрол институти», Вашингтон университети қошидаги «Ўзоқ Шарқ ва Рус ишлари институти» ва ўнлаб бошқа шу каби марказлардан ҳам фойдаланади. Америка матбуотининг ёзишича, номлари кўрсатилган ва тилга олинмаган шуларга ўхшаш университет ташкилотларининг кўпчилигиган МРБ ва Американинг бошқа разведка органлари шундай шохобчаларга жуда қаттиқ эҳтиёж сезган 50—60 йилларда майдонга келган. Аслини олганда улар ана шу сон-саноқсиз «марказ» ва «институтлар» фаолиятини номигагина хусусий ҳисобланган фондлар (Фредерик Броун фондиди, Ҳобби фондиди, Рубиков фондиди ва ўнлаб бошқалар) ёрдамида маблаг билан таъминлаб туради.

АҚШ разведка тармоклари социалистик нағорни қарни қуонорувчилик идеология фаолиятида «хусусий», «бетараф», ҳукуматдан ташқарин» ва доказо нашриётлар, радиостанциялар, жамиятлар, иттифоқлар ва шу кабиняларга айчада катта аҳамият бермоқда. Бунга йирик «Фредерик Прэгсер» нашриёти яққол мисол бўла олади. Мазкур нашриёт американлик муаллифлар ҳамда социалистик мамлакатлардан ўтган қочқинларининг бемаза антисовет мазмундаги исарларини чои этади. Бу китобларнинг кўпгина қисми пулепиз жўнатилишига қарамасдан мазкур нашриёт зарар кўрмай ишлайди, чунки у бошқа ўпсаккиз матбуот органи қаторидан МРБ маблагига ҳисобига ишлайди.

Антисоциалистик радиоэшиттириш системасида «Озод Европа» (маркази Мюнхенда) радиостанцияси яқин вақтларгача ҳам хусусий муассаса сифатида иш кўриб келди. Мазкур станция 28 та кучли радиопередатчикка эга бўлиб, чех, словак, венгер, поляк, румин ва болгар тилларидан эшиттириш беради. Унинг Европадаги социалистик давлатларга берадиган жами эшиттиришлари ҳафтасига деярли З минг соатни ташкил қилади. У кундалик тен-

денциоз ахборот түплаш бўйича катта аппаратга эга. «Озод Европа» билан ҳамкорлик қилган кимсалар разведка ишларидан ҳам тап тортмайдилар.

Эндилика АҚШ конгресси ҳужжатларидан яхши маълумки, бу ашаддий бўхтон ва дезинформация ўчиғи МРБ ихтиёрида бўлиб, у томонидап маблағ билан таъминланади. Саккиз йил давомида «Шарқий Европани тадқиқ этиш ва анализ қилиш» бўлимида бўлган поляқ разведкачиси А. Чеховичнинг гувоҳлик беришича, «Озод Европа» бир томондан Шарқий Европадаги социалистик мамлакатлар ҳақида разведка ахборотлари түплаш билан, иккинчи жиҳатдан эса радиоэшиттириш орқалп мазкур мамлакатларга қарши идеологик диверсияларни амалга ошириш билан шуғулланади.

СССР га қарши қўпорувчилик кирдикорларини ташкил этиш ва амалга оширишда «Озодлик» радиостанцияси ҳам ана шундай роль ўйнайди. Унинг ГФР, Тайвань ва бошқа жойларга ўрнатилган кучли станциялари СССР халқларининг 19 тиллда ҳафтасига 1600—1700 соатдан антисовет эшиттириш беради. Буржуа пропагандистлари узоқ вақтгача мазкур радиостанцияни контролреволюцион мухожирларнинг мустақил давлатдан ташқари ташкилоти сифатида кўрсатиб келди. Бироқ бир қатор кирдикорлар фош қилингандан кейин сир очилди. Маълум бўлишича «Озодлик» радиостанцияси ҳам шпионлик — қўпорувчиллк ишлари учун ғоят катта маблағ сарфлаётган АҚШ раҳбар допралари томонидан МРБ нинг яширин каналлари орқали маблағ билан таъминлаб турилади.

АҚШнинг разведка ва пропаганда-қўпорувчилик органдарни аҳвол жиддий равишда мураккаблашган вақтларда гўёки оппозицияни кучларномидан эшиттириш берайётган бўлиб маҳфий передатчикларни ишга солади. Америка ёлланма каллакесарларини Плайя-Хирон яқинига тушириш вақтида ана шундай қароқчи радиостани-

циялардан бири Суон оролидан Кубага эшилтириш берган эди.

АҚШнинг разведка ва бошқа маҳсус хизмат муасасалари кўпгина антисовет муҳожирлик ташкилотларини қўпорувчилик ишларига тобора кўпроқ жалб этмоқдалар. Масалан, узоқ ўн йиллар давомида империалистик разведкага бош эгиг хизмат қилиб келаётган «Халқ меҳнат иттифоқи» (ХМИ) нинг қўпорувчилик соҳасидаги фаолияти кучайди. ХМИ нинг шпионлари, унинг сафидаги сотқинлар, диверсантлар ва террорчилар Улуғ Ватан уруши орасида ҳам, уруш давомида ҳам, Гитлёр разведкасининг агентлари сифатида совет халқига қарши хиёнаткорона кураш олиб бордилар. Улар ҳозирги вақтда ҳам АҚШ ва бошқа империалистик давлатлар разведкалари топшириғи билан Совет давлатига қарши яширин курашда яна ҳам кўпроқ жонбозлий тўрсантиб қатлашмоқдалар. Алмай Маркази СССРга юбориш учун шпионлар ташлайдп ва ёттайдип капиталистик мамлакатларга борган совет гражданларини Ватанга хиёнат қилиши учун йўлдан урмоқчи бўладилар, бевосита СССР территориясида антисовет платформага мойиллиги бўлган кимсаларни қидириб топишга уринмоқдалар, кейинчалик улардан яширин антисовет группалар тузиш ва совет жамиятнга душман қарашлар ва адабиётларни тарқатиша фойдаланишга, улар билан СССРга сафар қилган капиталистик мамлакатлардан келган чет элликлар орқали алоқа ўриатишга умид боғламоқдалар: ва ниҳоят, КПСС фаолияти, СССРнинг давлат органдари, унинг ички сиёсий аҳволи тўғрисида шпионлик ахборотлари тўплашга интилмоқдалар. «Россия халқларини озод қилиш учун кураш иттифоқи» (РХОКИ) ва чет эллардаги бир қатор антисовет ўйналишдаги ташкилотлар ҳам ана шундай кирдикор билан шуғулланади.

Миллий муносабатлар соҳасида Совет давлатига қарши қўпорувчилик ишларини «Украина миллатчилари ташкилотининг чет эл бўлими» (УМТЧЭБ) таъминламоқ-

да: унга капиталистик мамлакатларда муҳожирликда яшәтган украин буржуа миллатчиларининг энг реакцион элементлари бирлашган: келиб чиқиши украинналик бўлган буржуа миллатчиларининг «босиқроқ» қисми тўпланган «Украин бош озодлик ҳаракати чет эл вакиллари» (УБОХЧЭВ), энг реакцион литва муҳожирларидан иборат «Литвани озод қилиш олий комитети» (ЛОҚОК), совет халқининг ашаддий душманларидан иборат буржуа латиш муҳожирларини бирлаштирган «Даугавас ванаги» (унинг аъзоларидан кўплари Улуғ Ватан уруши йиллари гитлерчилар билан актив ҳамкорлик қилган), эстон буржуа муҳожирларининг антисовет доираларини бирлаштирган «эстонларнинг Швециядаги вакиллиги» (ЭШВ), гражданлар уруши давридан буён ўзининг совет давлатига душманлиги билан шуҳрат топган ва ҳозир ўз составига ашаддий антисовет арман муҳожирларини бирлаштирган «Дашнок Цутюн» кабилар ҳам ана шундай қўпорувчилик ишлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Ана шу ва бошқа миллатчи ташкилотларда Улуғ Ватан уруши йиллари оғир жиноятлар қилиб жазодан қочиб қолган қўпгина собиқ гитлерчин сотқинлар бор. АҚШ империалистлари Совет Иттифоқига қарши идеологик диверсия ва бошқа мақсадларда фойдаланаётган капиталистик мамлакатлардаги энг қутурган реакцион яхудий буржуа-миллатчи элементларни бирлаштирган халқаро сионистик марказлар, ташкилотлар борган сари қутурган кучга айланиб бормоқда. Сионистик ташкилотлар орасида сўнгги вақтда «Америка раввин совети», «Америка еврейлари бирлашган ёрдам комитети» («ЖОИНТ»), «Бутун дунё сионистик ташкилоти», «Еврейларни ҳимоя қилиш лигаси» ҳаддидан жуда ошиб кетди.

СССРга қарши идеологик диверсияда қатнашишга АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги қўпгина антикоммунистик (социал демократлардан тортиб фашистларгача) ташкилотлар кенг жалб қилинмоқда. Йи-

периалистик махсус хизмат ҳомийлигига 1966—1967 йилларда бир қатор ғарб мамлакатларидағи реакцион кайфиятдаги бир қисм студент ёшлар ўртасида майдонга келган сурбетлик билан «Генийларнинг энг ёш ташкилоти» (ГЭЁТ) аталған ташкилотни бунга мисол қилиб күрсатып мүмкін. Бу тиинк антикоммунистик уюшма бўлиб, унинг вакиллари 1969—1970 йилларда бизниг мамлакатимизга турист сифатида келиб бир қатор иғвогарлик ҳаракатлар уюштиришга урингандаридан совет жамоатчилиги томонидан тегишли зарбага учраган эди.

Бу ўринда албатта чет эллардаги реакцион диний марказларин тилга олмай бўлмайди. Улардан кўплари америка разведка хизмати томонидан рағбатлантириб турилади ва социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишлари билан шуғулланади. Масалан, МРБ нинг маҳфий қўллаб-қўлтиқлаши туфайли «Бруклин чөловист маркази» (Нью-Йорк), ва «Баптистларнинг жаҳон иттилоғи» (Вашингтон) Совет Иттилоғидаги чөловист ташкилотлар ҳамда баптистлар сектаси билан иолегал алоқалар ўрнатиш, Совет жамиятига қарши идеологик хуружларда улардан фойдаланишга уринмоқда.

Америка монополияларига хизмат қўрсатадиган АҚШ разведка тармоқларининг турларинб тұрадиган қиёфаси ана шундай. АҚШ нинг империалистик доиралари ҳозирги замон империализмининг социалистик мамлакатларга қарши барча қўпорувчилик ишларининг ташкилотчиси сифатида иш кўрмоқдалар. Бу америка разведкаси бир қатор иирик империалистик давлатларнинг разведкаси томонидан социалистик давлатларга қарши амалга ошираётган кирдикорларга катта таъсир қўрсатаётганлигига ва АҚШ га қарам майда капиталистик давлатлар разведка органларини ўзига бўйсундираётганлигига яққол кўринади.

Америка разведкаси НАТО, СЕ'ПО, ОАГ каби аффрессив ҳарбий, сиёсий блоклар системасида ту-

силган разведка халқаро координация органларида етакчи роль ййнайди.

НАТО да МРБ ва Пентагон билан яқин алоқада ишловчи разведка алоқалари бўйича Европа координация комитети, олий бош қўмондон штаби қошпода махсус разведка бошқармаси, Европадаги таҳмин қилингани уруш — ҳаракатларп районларида қўмондонликлар штабларининг разведка органлари мавжуд.

СЕНТО да ҳарбий разведка ва контрразведка комитети тузилган. СЕНТОда ҳарбий планлаштириш бирлашган штабининг разведка бўлими бор. ОАГ да АҚШ ва Латин Америкаси разведка ва контрразведка фаолиятини координациялаш маркази ишлаб турибди.

Америка разведка тармоқлари бошқа империалистик давлатлар разведкаларидан янада активроқ фойдаланиш мақсадида бир қатор аралаш разведка ва координациялаш органлари билан ҳамкорлик қиласди. Масалан, Лондонда АҚШ, Англия ва Канаданинг бирлашган разведка бюроси жойлашган. Улар ўртасида ўзаро ахборот алмашиниш тўғрисида шартнома тузилган, бир қанча капиталистик мамлакатларда АҚШ Махсус хизматининг вакнллари, маслаҳатчилари ва инструкторлари ишлаб турибди. Бундан ташқарн, Америка разведкаси социалистик давлатларга қарши қўпорувчилик ишларини координациялаш учун тез-тез турли капиталистик мамлакатлар разведка хизмати раҳбарларининг кенгаш ва учрашувларини ташкил этади.

АҚШ разведкаси Англия разведкаси билан яқин алоқада ишлайди. Унинг бош органи мустақил давлат комитети ҳуқуқида иш кўрадиган «Сикрет интеллидженс сервис» (СИС) дир. Мазкур кекса разведка хизматининг вазифаси империалистик сиёсатдонларнинг назарида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларда СССРнинг қудратини сусайтириш ва зимдан қўниориш, айрим мамлакатларни социалистик ҳамдўстликдан ажратиш ва уларда капиталистик тартибларни

қайта тиклаш учуу фойдаланиши мумкин бўлган сиёсий ва иқтисодий тенденцияларни аниқлаш ва ўрганишдан иборат.

КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида СССР ҳарбий иқтисодий потенциали тўғрисида ахборотлар қўлга киритиш, идеологик диверсиялар ва бошқа қўпорувчилик ҳатти-ҳаракатларини ташкил қилиш ва амалга оширишга СИС катта аҳамият бермоқда. Англияда СИС дан ташқари тармоқ ҳарбий разведка хизмати: пиёда аскарлар ҳарбий разведка бошқармаси, денгиз разведкаси ва Британия Рейн армиясининг разведка бошқармаси бўлиб, улар совет ракета-ядро қуроли ҳарбий денгиз флоти, олисга учувчи авиацияси, ҳаво ҳужумига қарши мудофааси ва ракетага қарши мудофааси ҳамда бутун ҳарбий иқтисодий потенциали хусусида маълумот тўплаш билан шуғулланади.

АҚШ билан ГФР разведкалари ўртасидаги ҳамкорлик ўзига хос характерда шаклланган. 50- йилларнинг охиригача «Гален ташкилоти» сифатида маълум бўлган Фарбий Германия разведка хизмати аслида америка разведкасига тобе эди ва у томондан маблағ билан таъминлаб келинди. «Гален ташкилоти» федерал разведка хизмати (БНД)га айлантирилгандан кейин унинг АҚШ разведкасига тобелиги анча сурайди. Бироқ БНД СССР ва Варшава шартномасига кирган бошқа қардош мамлакатлар қуролли қучлари бўйича, жосуслик ишларини социалистик давлатларга қарши идеологик диверсияни тайёрлаш ва амалга оширишда аввалгидек АҚШ разведкаси манбаатларини ҳисобга олиб иш кўради. БНД ўзининг структураси ва имкониятлари бўйича бошқа капиталистик мамлакатлар разведкалари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. БНД системасига СССРга, ГФР даги совет муассасалари ва гражданларига, шунингдек бир қатор бошқа мамлакатларга қарши қўпорувчилик билан шуғулланувчи кўпгина бўлинмалар бўлиб, улар турли пунктларда, шу жумладан Фарбий

Берлинда жойлашган. ГФР да япа бир разведка хизмати — Мудофаа министрлигининг ҳарбий разведкаси мавжуд. Унинг фаолияти асосан СССРнинг ҳарбий-иқтисодий потенциали ва Варшава шартномаси мамлакатлари қуролли кучларининг дислокацияси, жанговар қобилияти тўғрисида разведка ахбороти тўплаш ва ўрганишга қаратилган.

Америка разведкаси (аввало МРБ) Япония разведка органларини тиклашда катта ёрдам кўрсатди. Юксак даражадаги бир группа америка разведка консультантлари Япониянинг асосий разведка органи: министрлар кабинеги қошидаги инфомация тўплаш ва анализ қилпиш бошқармаси тадқиқот бюросини ташкил этишда қатнашди. Ҳозирги вақтда бу асосий эътибори СССР ва Узоқ Шарқдаги социалистик мамлакатлар ташқи ва ички сиёсати ҳақида, СССРниңг ҳарбий-иқтисодий потенциали тўғрисида маълумот тўплашга қаратилган катта ва малакали разведка аппаратига айланган. Япония разведкасида бевосита АҚШ разведкаси учун, у қизиққан масалалар бўйича инфомациялар тўплаш ва докладлар тайёрлаш одат тусига кирган.

Америка разведка хизматлари Совет Иттилоғи ва бутун жаҳон социализм системасига қарши қўпорувчилик ишларининг аванпост (олдинги марра) ларидан бирига айланган Истроил разведкаси билан мустаҳкам алоқа қилиб турди. Истроил разведкасига раҳбарлик Буш министр иктиёрига берилб қўйилган. Разведка ва контрразведка органларининг амалий фаолиятини изга солиб турувчи координациялаш разведка комитети унинг бевосита қарамогида ишлайди. Улардан асосийлари: ташқи сиёсат разведка бошқармаси, ҳарбий разведка бошқармаси (Модени Аман) хавфензлик хизмати (Шин Бет)лардир. Ташқи ишлар министрлигининг инфомация бўлими ҳам актив разведка ишлари олиб боради. Истроилнинг бутун разведка механизми идеологик диверсия ўтказиш мақсадида араб давлат-

лари ҳақида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар түгрисінде көңг сиёсий, ҳарбий ҳамда иқтисодий ахборот түплашга қаратылған. Истроил разведкасы Араб мамлакаттарнан қарши көңг күламда диверсия ва құпорувчилик ишларини планлаштирумокда ва амалға ошироқда.

Истроил разведкасы фаолиятида «СССРда еврейлар масаласы» деган бұхтоидан иборат гапларни түқиш ва тарқатышға катта ўрин берилмоқда. Истроил разведкасы ўз ишида дунёнинг күнгінә мамлакатларда илдиз отған күп сонли спонистик ташкилотларға суяшмоқда.

Америка разведка тармоқлари ҳамда ушинг иттифоқчилари маңсус хизмати структурасы ва таркибий қисмнини харakterлаб берувчи умумий ва тұла бұлмаган маңылымотлар ана шулардан иборат. Уларнинг ҳаммаси социализм, демократия ва тиңчлик лагерига қарши құпорувчилик шылдары болып саналады. Бу күчлар хилдахит күрінішінде бұлно, иккі ғиддиятлардан холи эмас. Бирок бұ мұраккаб меканизмнинг ҳаммаси вахимага тушғанлықдан ашаддий антикоммунизм, меңнаткашларға душманлық, жағон революцион жараёшнинг муттасил ривожланиши ва социализм системасының бона құдрати ҳамда таъсирининг ўсипи олдидә құрққанларидан ҳамкорлықда ҳаракат қылмоқдалар.

ШАКЛЛАР ЯНГИ — МАЗМУНЛАР ЭСКИ

Хозирғи замон империализми глобал разведка дектринасини ишлаб чиққанлиғы ва уни амалға ошириш учун 50—60 йилларда улкан разведка машинасини яратғанлиғи разведка ва бошқа маңсус хизмат органдарының иккі система ўртасындағы қарама-қарши курашыннан янғи шаронтыға мослаштириш учун катта зарурат сезғанлиғи оқибатидир. АҚШ, Англия ва бирқатар бошқа империалистик давлатлар разведкасы да социалистик давлатларға қарши құпорувчилик да құ-

ланиб келган традицион йўналишлар, формалар ва методлар етарли эмас деб топилди.

Эндилиқда империалист мамлакатлар раҳбар доиралари социализм билан капитализм тинч-тотув яшаш шаронтида разведкадан синфий кураш воситаси сифатида фойдаланиб, ўзларининг маҳсус хизмат оргаилари фаолиятини социалистик мамлакатлар ички заминини, уларнинг бирлингини ва ҳалқаро позицияларини бўшаштиришга қаратмоқдалар.

Империалистик разведканниң СССРга ва бутун социалистик системага қарши фаолиятида қўйндаги асосий йўпалишлар кенг қўлланилмоқда:

— сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида шпионлик ахборотлари;

— социалистик давлатлар бирлингини бузиш;

— СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ижтимоий-сиёсий негизига ичдаи зарар етказиш, социализмни аста-секин эрзияга учрашини ташкил қилиш;

социалпистик давлатлар ички ривожиётини ва социалистик жамиятини турли қатламларида содир бўлаётган социал жараёнларни ўрганиш;

— социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар фаолияти ва ривожланишини характерлаб берувчи тенденцияларни ўрганиш;

Империалистик разведка ана шу сипаб ўтилган ва бошқа қўпгина янги қўнорувчиллик йўналишларида актив ҳаракат қилиш билан бирга, традицион кирди-корларидан бири — СССР тўғрисида разведка ахборотлари тўплашни бўшаштиргани йўқ. Улар бу ишни қўнт билан ва тобора кенг қўламда амалга ошироқдалар.

Империалистик давлатлариниң, аввало АҚШ шиғ раҳбар донралари мамлакатимизни барча маҳфий сирларини билишга, Совет Иттилоғининг давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига кўз ташлаб туришга интиладилар. Улар Совет ҳокимияти турли

қатламларининг кайфияти ва уларниң ички ва халқаро ҳаётнинг муҳим фактларига муносабати билан жуда қизиқадилар, айниқса мамлакатимиз ҳаётида салбий жараёнлар ва ҳодисалар қидиришга зўр берадилар, миллий муносабатлар, диний эътиқод масалаларида пайдо бўладиган проблемаларни ҳал этиш практикаси ҳам улар назаридан четда қолмайди, кўпгина сиёсий жамоат арбоблари ва бошқалар ҳақидаги маълумотларга катта аҳамият берадилар.

СССРнинг халқаро эътибори ортиши ва униң ҳозирги замонда таъсири кучайиши билан империалистик давлатлар раҳбар доиралари ва разведканинг совет давлати ташки сиёсатига: униң актуал халқаро проблемалар соҳасидаги позициясига, бошқа социалистик мамлакатлар нокапиталистик ривожланиш йўлига тушиб олган ва капиталистик мамлакатлар билан ўзаро муносабатларига, СССР нинги ташки сиёсат соҳасидаги планларига оид ахборотларга қизиқиши яна ортади.

СССР нинг агрессивлиги ҳақидаги уйдирмалар билан ниқобланиб империалистик давлатлар Совет Иттифоқининг мудофаа қудрати, униң қуролли кучлари: турли қўшин турлари, қисмлари айниқса стратегик ракета ҳаво ҳужумига қарши қисмларнинг структураси, дислокацияси, қуролланиши, жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилияти ҳақида мунтазам равнинда атрофлича ахборот тўплашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. АҚШ реакцион доираларининг ҳарбий стратегик планларига биноан Америка разведкаси 50-йиллардан бошлаб зўр бериб СССРга қарши ракета-ядро урушига разведка ҳозирлиги кўрмоқда. У АҚШ қўмондонлиги белгилаган режа бўйича биринчи ядро зарбаси берилиши кўзда тутилган обьектлар ҳақида аввало мамлакатимизнинг ракета-ядро потенциалига зарба етказиш имкониятлари ҳақида, турли қувватда ядро зарбаси беришга мўлжалланган марралар ва обьектларнинг аниқ координатлари тўғрисида маълу-

мотлар түпнамоқда ва уларни ўрганмоқда. Аввалгидек улар Қуролли күчлар ва халқ хўжалигининг сафарбарлик имконияти, уруш ҳаракатлари бўлиши тахмии қилинган жойлар, СССРнинг тўсатдан берилган ядро зарбасини даф этиш ва оддий қуроллардан фойдаланиб уруш ҳаракатлари олиб бориш қобилияти билан қизиқмоқдалар.

Империалистик давлатлар разведкаси мамлакатимиз экономикаси ҳақида кеңг ахборотга эга бўлишга интилоқда. Уларга ҳарбий иқтисодий потенциал тўғрисида, мудофаа саноати иши тўғрисида, у ишлаб чиқараётган маҳсулотининг характеристи ва ҳажми, қазиён олувчи ва қайта ишловчи саноат, ишлаб турган, қурилаётган ва лойиҳаланаётган корхоналар (уларниң йўналиши, қуввати, технологик ускуналари, ишловчилар сони) тўғрисида, энергетика, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо ва молия-кредит системаси ҳақида хилма-хил маълумотлар керак. СССР билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқалари анча кенгаяётган ҳозирги вақтда империалистик разведка кўпроқ мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини характерлаб берадиган маълумотлар бўлаи тобора кўпроқ қизиқмоқдалар.

Илмий-техника революцияси натижаларидан капиталистик монополиялар манфаати йўлида максимал даражада фойдаланишини кўзлаб империалистик давлатлар ҳукуматлари ўзларининг разведка хизматларини совет фанининг йирик ютуқларига оид ахборотларни кўлга киритишга сафарбар қилмоқда.

Америка ҳукуматининг расмий ҳужжатларидан бири — АҚШ Президенти қошидаги фан ва техника бўйича маҳсус группанинг докладида очиқдан-очиқ АҚШнинг фан соҳасидаги сиёсатининг мұхим жиҳати «ишончли разведка ахборотлари ва агентлар» кўлга

кірітган маълумотларга суюнш кучайғанлигидир»¹ дейнлади. Империалистик разведка эннисига фаннинг барча асосий йұналиши, аввало перспективасы ва тез ривожланадын — ядро физикасы, ракета техникасы, электроника, лазер техникасы ва ҳоказоларнинг актуал проблемалари түғрисида маълумот түплаш вазифаси юқлатылған. Бунда мамлакатининг ҳарбий құтисодий потенциалига муҳим таъсир күрсатадын фундаментал құмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлық шларига алоқида әထибор берилади.

Разведка органлари ўзларининг сиёсий, ҳарбий құтисодий ва илмий-техника характеристидаги разведка ахборотлари түплаш фаолиятида аввалиндең очиқ ва яширин шпионлик имкониятларидан кең фойдаланмоқдалар, бунда ҳар иккى ҳолда ҳам разведканинг туралы техника воситаларини кең құлланмоқдалар. Үлар ишаритидек террор, заражуандачылық, диверсия, худди шунингдек курашнинг бошқа кескин формаларидан фойдаланишдан ҳам тап тортмаётірлар.

Бироқ коммунистик матбуотда идеологик диверсия деб ном олған янги йұналиш — ғоявий қўпорувчилик жадал ривожлантирилмоқда. Бу социалистик мамлакатларни ичдан бўшаштириш, улар сафини бузиш социализмни «аста-секин эволюция» га учратиш натижасида капитализмни тиклашга мўлжалланган душманлик ҳаракатларининг бутун бир системасидан иборат. КПСС МК апрель (1968 йил) Пленуми «КПСС нинг жаҳон социалистик системаси бирлиги учун куравши ва ҳалқаро ахволнинг актуал проблемаларн» түғрисидаги қарорида шу муносабат билан бундай дейилганды. Ҳозирги вақтда антикоммунистик пропаганданинг ғоят катта барча аппарати социалистик мамлакатлар, ҳалқаро коммунистик ҳаракат бирлигини бўшаштиришга,

¹ „Science and Technology Tools for Progress“. The Report of the President's Task Force of science Policy. April, 1970.

давримизнинг илғор кучлари сафини, социалистик жамиятни ичдан бузишга қаратилган. Империализм, энг аввало АҚШ империализмің жиддий силкенишларга дуч келгандылығы, ички ва ташқы сиёсатда катта қийинчиликларга учраганлығы сабабли ҳарбий-сиёсий соҳада иғвогарликлар уюштириш билан бир қаторда социалистик мамлакатларга, коммунистик ва барча демократик ҳаракатга қарши спёсий ва идеологик қўйпорувчилик қилишга тобора кўпроқ зўр бермоқда¹.

Идеологик диверсия социалистик мамлакатларга нисбатан қўйпорувчилик қилиш формаларидан бири, халқаро империализм томонидан амалга оширилаётган ўртага «кўприк ташлаш» дан иборат америка сиёсий доктринасининг таркнбий қисми сифатида қуйидаги асосий элементлари: а) айрим социалистик давлатлар билан тинч-тотув яшаш билан бир қаторда бошқаларига нисбатан чекланган (локал) уруш ва бошқа агрессияв ҳаракатлар қилиш; б) баъзи социалистик мамлакатларнинг социалистик система манфаатларига зид равишда капитализм билан яқинлашувини ҳар тарафлама рағбатлантириш; в) айрим социалистик давлатларнинг Совет Иттилоғи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини бўшаштиришни ўз ичига олади. АҚШ да антикоммунизм тарбиботчиларидан бири З. Бженский сурбетлик билан шундай дейди: «Борди-ю, биронта мамлакат ССРдан мустақиллигини ўстира борса у ҳолда тегишлича рағбатлантириш: башарти бирор мамлакат ўзиннинг ички системасини либераллаштируса, бунда кўмаклашиш керак. Аксинча, бунинг тескарисига олиб борадиган тенденция кўзга ташланса, АҚШ ёрдам беришни тұхтатиши керак»².

¹ «Коммунистическая партия Советского Союза в революциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК КПСС». 8-нашри, 9-том, М., 1972, 423-бет.

² L. Brzezinski. Alternative to Partition. N. Y., 1965, p. 159.

Идеологик диверсия илхомчилари социалистик мамлакатларнинг «эрозия» га учрашига, коммунистик идеологиянинг «трансформацияланishi»га аста-секин уннинг буржуа идеологияси билан алмашинишига умид боламоқдалар. Улар ўзлари кўз тутган «эрозия»ни таъминлаш учун яширин оппозициячи кучларни тайёрлаш ва ҳаракатга келтиришни мўлжалламоқдалар. АҚШ сенатининг ташқи пшлар комиссияси 1960 йилдаёқ «коммунистик идеологиянинг эвентуал эрозияси асосан коммунистик жамият ва коммунистик орбитадаги кучларга боғлиқ — деб таъкидлаган эди. Бундай «эрозия» га қўмаклашиш учун четдан қилинадиган маҳсус ҳаракатлар чеклангандир, бироқ бундай ҳаракатларни зўр бериб амалга оширишга арзирилди¹.

Идеологик диверсантлар тилга олинган идеологик ўзгаришлар социалистик давлатларда сиёсий ўзгаришларга отиб котиши, суъза аввалик коммунистик партинин раҳбарлик ролини тутганига, сиёсий ва идеологик парокандалилка ва ҳокимият органлариниғ бузилишига, давлатнииг сиёсий ва иқтисодий муассасалари бўшашувига, широъардида меҳнаткашлар ҳокимиётининг негизи дарз кетишига олиб келиши мумкин деб тахмин қилмоқдалар. Улар идеологик диверсиянииг ҳозирги босқинча мамлакатдаги ревизионистик ва оппортунистик элементлардан иборат «яширин оппозицион кучлар» ҳокимият төпасига келишига қўмаклашиши назарда тутишади. Кейинчалиқ мамлакатни капиталистик мамлакатларга иқтисодий ва сиёсий қаррамлигини ўрнатиш ва социалистик тузум аста-секин буржуа тузуми томон огиб кетишига кўз тутишмоқда.

Империалистик кучлар 1968 йили Чехословакияда идеологик диверсияни худди ана шундай қадамба-қадам амалга ошироқчи бўлган эдилар. ЧКПнинг 1970 йил

¹ «Идеология и внешняя политика», М., «Иностранная литература» нашриёти, 1960, 122- бет.

декабрь пленуми қабул қылган ҳужжатда таъкидланған идей, Чехословакия империализми томонндан пухта ўйланған сиёсий ва идеологик диверсия объекти бўлган эди.

«Ўнг кучларнинг ички ҳужуми, дейилади ҳужжатда, жаҳон антикоммунизми ғоявий марказлари билан мустаҳкам bogлиқ эди. Уларнинг узоқ вақт ўтказган таъсири ва улар ишга солган идеологик диверсия методлари ҳамда турли психологик операциялар ЧССР ва социализмнинг бутун иегизиппаста-секин қўпоришга ва партия ичида ревизионизм таъсири кучайишига қунт билан йўналтирилган эди. Мазкур марказлар ЧССР га қарши ягона тактика билан иш кўрдилар, бунда партия ичида баъзи кризисли ҳодисалар кучайиши оқибатида ЧКИ ички аҳволида содир бўлган бўшаувдан фойдаландилар»¹.

Шундай қилиб, идеологик диверсия социалистик система ва алоҳида социалистик мамлакатларга қарши империализмнинг қўпорувчилик фаолиятининг комплекс формасидир. Идеологик диверсиянинг баъзи операциялари одатда қўпорувчилик мазмунидаги пропаганда, сиёсий, психологик разведка ва ташкилий-техникавий тадбирларни ўз ичига олади.

Социализм тарихий ҳужум қилиб турган, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши термоядро урушини бошлаб юборишдан тийин турин учун ҳарбий, иқтисодий соҳада етарли потенциалга эга бўлган ҳозирги замон шароитида империализм кучлари идеологик диверсияга ғоят катта умид боғламоқдалар. Идеологик диверсия бўйича америка мутахассисларидан бири бўлмиш Э. Решаурэ деган кимса бу ҳақда очиқдан-очиқ ганириб: «Модомики антикоммунизм сиёсатида ҳарбий

¹ «Уроки кризисного развития в Компартии Чехословакии и общества после XIII съезда КПЧ», Документ, принятый на пленуме ЦК КПЧ в декабре 1970 г., М., Политиздат, 1971, 10-бет.

восига қўлами чекланган ва жамоатчиликда салбий фикр уйготар экан, иқтисодий восита эса суст ва кам самарали экан, биз стратегик қуролларимизнинг учинчиси — идеологик воситадан фойдаланишга мажбурмиз»¹.

Шу сабабли империалистик доиратар Чехословакияда ғарбага учраганиларидан кейин ҳам идеологик диверсиядан воз кечганлари йўқ. Л. И. Брежнев Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада 1969 йилда бўлиб ўтган ҳалқаро кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, империалистларнинг социализм позицияларини ичдан бузиш, социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларга ихтилоф ва ёлғизланиш уруғини сочиш соҳасидаги уринишлари бир лаҳза бўлсин тўхтаганий йўқ².

Хөзирги вақтга келиб идеологик диверсия тағин ҳам ухтароқ шундай шундайлоқда. Уни амалга өширишта тобора кўпроқ турли давлат органлари, реакцион жамоат ташкилотлари (айниқса сионистик ташкилотлар) жалб қилинмоқда, идеологик диверсияни амалга еширишга йилдан-йилга кўпроқ маблағ сарфламоқдлар.

Улар «совет тузумини эрозияга» учратиш вазифасини кўлгари сурар экан совет ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлигини, мамлакатимизда социалистик жамиятга қарши ижтимоий кучлар йўқлигини кўрмасликлари мумкин эмас ва шу сабабли идеологик диверсия ёрдамида «совет кишилари айрим гуруҳларининг дунёқарашига бир амаллаб таъсир кўрсатишга, уларнинг синфий оғигини сийқалаштиришга ҳали ҳам умид қиллиб келмоқдлар»³.

¹ Цитата «Правда»нинг 1968 йил 30 апрель сонидан олиниди.

² Коммунистик ва ишчи партиялар ҳалқаро кенгashi. Ҳужжат ва материаллар, М., Политиздат, 1969, 53-бет.

³ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқ ва мақолалар, «Ўзбекистон» нашриёти, 2-том, 241-бет.

Империалистик донорларининг СССРга қарши қўпорувчилик пропагандаси қунт билан, бир мақсадга йўналтириб олиб борилади · ва аста-секин совет жамияти айрим қатламларидағи «норозиликни бўрттириш»ни мўлжаллади.

Империализм планларидаги совет ёшларини ижозий интеллигенцияни, ҳарбий хизматчиларни динга ишонувчиларни ва совет гражданларининг бошқа баъзи табакаларига идеологик таъсири ўтказиш катта ўрши тутади. СССР территориясида яширин антисовет группа ва ташкилотлар тузиш бўйича махфий иш олиб бориш кўзда тутилади. Бундайларга моддий ёрдам берншади ва душманлик фаолиятини четдан туриб координация қилишади. Империалистик разведка томонидан сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган совет гражданларини Ватланга хиёнат қилиш ва Гарбга қочишга кўндириш учун таъсири ўтказишга уриниш ҳам Совет давлати сиёсий негизига зарба беришга қаратилган.

Шуни айтиш керакки, бизнинг матбуотимпзда баъзан идеологик диверсия билан қўпорувчиликдан иборат империалистик пропаганда бир қаторга қўйилади. Бу унчалар тўғри эмас. Масалан, империалистик давлатлар разведкаси ва маҳсус хизматларининг душманликдан иборат пропаганда ёрдамида соцпалистик давлатлар территорияларида яширин группалар тузиш ва уларнииг ҳаракатини баъзи бошқа қўпорувчилик ишлари билан боғлаб олиб боришини оддий идеологик диверсия ҳаракати деб ҳисоблаб бўлмайди. Идеологик диверсантларнинг мўлжалича, қўпорувчилик пропагандаси аҳоли ва унинг айрим группалари ўртасида империалистлар кўзлаган мақсадга олиб бора оладиган сиёсий ва психологияк вазият яратиши керак. Америкалик идеологик диверсия тарғиботчиси Г. Шпеер, энг муҳими, деб таъкидлайди, бевосита пропаганда қилинувчилар «сиёсий жиҳатдан ўринли оппозицион ҳаракат» қилишларига эришишдан, аниқроғи ишни сусайтириш, диверсия қи-

лиш, миш-миш тарқатиш, порози кимсаларни ёки яширип фаолият билан шуғулланаётганларни уюштиришдан иборат»¹.

Социалистик давлатларга қарши олиб бориладиган идеологик диверсия ва операцияларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси империалистик давлатларнинг раҳбар доиралари ва уларнинг хизматидаги бўлган турлти даражадаги назариячи ва идеологлардир.

Империализмнинг социалистик давлатларга қарши қўпорувчилик фаолияти формаларидаи бирин бўлган идеологик диверсия Фарбнинг энг реакцион монополистик доираларининг «совуқ уруш» даврида кўзлаган бош мақсади — социализмни тугатиш ва социалистик мамлакатларда капиталистик тартибга шароит яратиш мақсадиди. Ж. Кеннеди сўзи билан айтганда анча «нозикроқ, шу куннинг талабига жавоб бератиган восита ва методлари билан таъминлашга қаратилган.

СССР ва бошқа социалистик давлатларга қарши идеологик диверсия уюштириш ва ўтказиш буржуа идеологияси оғир кризисининг янада чуқурлашганлигини, унинг илғор социалистик идеология билан очиқ кураш олиб боришга қобил эмаслигини, тарихий синфий жиҳатдан ҳаләкатга маҳкумлигини акс эттиради.

¹ Цитата: Г. А. Арбатовнинг «Идеологическая борьба в современных международных отношениях» китобидан (208-бет) олинган.

ШПИОНДАҢ

Империалистик давлатларининг разведкаси ва бошқа махсус хизмат органлари Совет Иттилоғига қарши қўлпорувчилик фаолиятида шпионликка, яъни ўз разведкачилари, агентлари ва эмиссарлари орқали ўзларини қизиқтирган маълумотларни тўплашга катта аҳамият бермоқда. Империалистлар Ватанинига тури расмий йўллар ёки баҳоналар билан, яширин йўллар билан айғоқчи юбориш, шунингдек ёлланган шпионлар, СССР ичидағи баъзи сиёсий ва маънавий беқарор элементлардан фойдаланиш орқали ўз муддаоларига эришмоқчи бўладилар.

Совет қонунларига асосан шпионлик алоҳида хавфли давлат жинояти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ҳарбий ва иқтисодий қувватига оид давлат сирни бўлган маълумотлар чет эл разведкаси қўлига тушиши мамлакатимиз сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий қувватига зарар етказади. Империалистик давлатлар шпионликдан фойдаланиш орқали тинч-тотув яшаш шароитида Совет давлатига қарши курашда, СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига янги қуролли ҳужум тайёрлаш учун ўзларига қулай шароит яратиб олишга уринмоқ-

далар. Улар мамлакатимиз мудофаасида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, ядро ва бошқа оммавий қирғин қуороя билан биринчи зарба бериш тахмип қилинган мұхим қарбий, халқ хўжалик ва бошқа обьектлар тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишга шитилмоқдалар.

Шинопликнинг хавфи яна шу билан белгиланадики, у одатда диверсия, заараркушадалик, террор, антисовет пропаганда ва ҳоказоларни тайёрлаш ва амалга ошириш билан узвий боғланган бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир шпионлик факти Совет давлатига, бизнинг жамиятимизга, бевосита ва жиддий зарар етказади, ҳар бир совет гражданининг хавфсизлиги ва фаровонлигини хавф остида қолдиради.

Синфий мақсадларни кўзлаб шпионлик билан ҳам кичик, ҳам йирик капиталистик мамлакатлар шуғулланмоқда. Бунда шпионликнинг интенсивлиги монополистик буржуазия раҳбар доиралари ва уларга суюнги группаларининг агрессивлиги билан бевосита боғланадир. Мазкур доиралар нечоқлик агрессив бўлсалар, шпионлик шунчалар кенг миқёсда олиб борилади.

Уз фаолиятида жаҳонга ҳукмрои бўлишга интилаетган Америка Қўшма Штатлари империалистларининг ўзи глобал шпионлик доктринасини майдонга ташлангани бежиз эмас.

Совет давлатининг шпионлик билан кураш соҳасидаги тарихий тажрибасидан маълумки, империалистик разведка СССР территориясида эиг масъулиятли вазифаларни ҳал қилишда аввало яширин агентлардан кенг фойдаланиб келди ва фойдаланмоқда. Душман агентлари Совет мұхитига сүқулиб олгач, разведка қизиққан обьектларда ишлайди ёки унга яқни жойлашиб шпионлик маълумотлари тўплашга ва уни яширин равишда ўз марказларига юбориб туришга ҳаракат қиласидилар.

Бир қатор совет ва чет эл матбуоти хабарларида маълумки, мамлакатимизда фош қилинган баъзи тажрибали разведкачилар ва агентлар СССРда ишлаш учун

Жаҳсус тайёрликдан ўтган, рус тилини, баъзан ҳатто бошқа совет халқлари ва элатлари тилини биладиган шахслар капиталистик мамлакатларнинг Москвадаги өлчинхоналарида хизматда турган, дипломатик паспортга эга бўлган, яъни аслида дипломатик дахлсиликтан фойдаланадиган кишилар бўлиб чиқсан.

Бошқа разведкачи ва агентлар ўз мавқеига кўра чет эл коммерсантлари, мутахассислари, саноат фирмалари-нинг вакиллари, виставкаларнинг ходимлари, олимлар, студентлар ва ниҳоят туристлар спофатида СССРга кириб келганлар. Жуда кўп уринишлари фош қилинганингига қарамасдан душман разведкаси шпионлик учун СССР билан капиталистик давлатлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган дипломатик, савдо-сотик, илмий ва маданий алоқалардан сурбетлик билан фойдаланмоқчи бўлмоқдалар.

Бир қатор йирик империалистик давлатлар, айниқса АҚШнинг разведка хизмати СССР тўғрисида разведка маълумотларини разведка техникаси ёрдамида тўплашни ҳам йилдан-йилга кенгайтирмоқдалар.

ЯШИРИН ҲОЛАТДА

СССР териториясидаги тегишли обьектлар тўғрисида разведка марказиниң қизиқтирган маълумотларни тўплаш ва узатиш учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланган, яхши таълим кўрган агентни тайёрлаш ва мўлжалланган жойга ташлаш — империалистик мамлакатлар разведка хизмати ўта конспиратив профессионал фаолиятининг энг муҳим босқичларидан биридир.

Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам душман разведкаси совет гражданларида агентлар ташлаш ва ёллашда катта қийинчликларга дуч келмоқда. Шу сабабли улар кўпинча муҳожирлар ва мамлакатимиздан чиқсан бошқа кимсалардан агентура ташлашга мажбур бўлмоқда-

лар. Күп ҳолларда шпионликка кандидатларни чег өлдаги хилма-хил антисовет мұхожири ташкилоттар ва совет халқыга нисбатан душманлық қайфиятидаги бошқа шахслар орасыдан топмоқдалар.

Бир неча йил аввал америка разведкасы Литва ССР территориясига шпионлик қилиш учун совет давлат чегараси орқали Гунг исмли агентини ташлайди, унинг жиностий кирдикори Улут Ватан уруши давридаёқ бошланған: у совет Литвасининг немис-фашист босқынчилари вақтінча босиб олган территориясида фашист құшиилалинг жазо операцияларда қатнашған. У жавобгарликдан қўрқиб, чекинаётган гитлерчилар билан қочади. Сўнг кўчириб келтирилганлар лагеридан америка қисмларидан биридаги хизмат кўрсатиш бўлинмасига ўтади ва ниҳоят америка разведкасининг агентига айланади. Мазкур шпионни тайёрлашда АҚШ разведкасининг тажрибаси офицерларни пойтирок этади, улар агентни ҳарбий харакердаги разведка маълумотларни тўплашшинг турли методларига, совет территориясига кириб олган ва шпионлик вазифаларини бажаришда конспирация ва маскировка усулларига риоя қилишга ўргатадилар. Гунгта Совет армияси ва бир қатор мудофаа саноати обьектлари тўғрисида кўнгина маҳфий маълумотлар тўплаш вазифаси юклапади. Яхши тайёрликдан ўтганлиги ва пухта экипировка қилинганилиги (объектга ташланганилиги)га қарамасдан шпион вазифасини бажара олмади. У ўз вақтида фош қилиниб, қамоққа олинди. Бошқа бир америка агенти, Карпин деган кимсанинг тарихи бундай: Улуг Ватан уруши бошларида у Совет Армиясида хизмат қилишдан бош тортади. Дизертир сифатида Белоруссиянинг фашистлар вақтінча босиб олган территориясида қолади ва гитлерчилар полициясига хизматга киради. Белоруссия ва Украина даги бизнинг партизан отрядларимизни қиришга ташланған немис-фашист жазо отрядлари билан ҳамкорлик қиласы, фашист оккупантларига қарши курашган совет гражданларини қамоққа олиш ва

отишида қатнашган. Урушнинг сўнгги кунларида Қарпин топ-мор қилинган немис-фашист қўшинларининг қолган-қутгаилари билан Германиянинг Фарбий зонасига қочади. Гитлерчиларниң арзандасини кўп ўтмай америка разведкаси ўз багрига олади ва агент сифатида ётлади.

Каллакесар, совет ҳалқининг ашаддий душмани Қарпин мамлакатимиз Марказий районларидан бирорда муҳим шпионлик тошириқни бажаришга мўлжалланади. У бир неча разведка мактабидаги таълим олади. Бироқ қисмати баробири аввалги сотқининкига ўхшайди: Қарпин самолётда Совет Иттифоқи террориясига ташлангандан сўнг тез орада қўлга тушади ва давлат хавфсизлик органлари томонидан фош этилади.

Ана шуларга ўхшаган юзи қора кимсалардан ташланган империалистик разведка агентлари ҳар томонлама таълим кўради. АҚШ ва бир қатор бошқа капиталистик мамлакатларда разведка мактаблари мавжуд. У ерларда агентларни келажакдаги иш, шпионлик техникаси ва тактикаси, миналаштириш — қўпорувчилик иши ва диверсия уюштириш, конспирация ва маскировка қондатари, шифердан фойдаланиш; маҳфий ёзув, қурол ишлатиш, радио алоқа, мўлжал олиш (орентирование), шахсий хавфсизликни таъминлаш, парашютдан сакраш, сувостида сузиш ва ҳоказоларга ўргатишади.

АҚШда Совет Иттифоқига қарши қўйорувчилик ишлари олиб бориш учун ташкилий равишда агентлар тайёрлаш мавжудлигини таъниб олиб, америка журнали «Нейшис бизнес» шундай ёзган эди: «Биз психологик урушнинг энг хатарли турлари бўйича шпионлар, диверсантлар, мутахассислар тайёрлаймиз. Уларни бирори маҳфий сирни билиб олиш учун рус корхоналарига қандай суқилиб олишга, кўпrikларни, темир йўл станцияларини ва ҳарбий заводларни портлатишга ўргатишади. Улар маҳфий алоқа боғлаш усувларини биладилар ва бинобағрии кўргани билганинни хабар қиладилар.

Улар ахоли зин жоїлашған жойларга бориб ташвишли миш-мишлар тарқатадылар».

Агентлар тайёрлаш программасында уларни антисоветизм рухида зўр беріб тайёрлаш ҳам киради. Шу мақсадда КПСС ва Совет хукумати спёсати, СССРнинг ички ахволи ва уйдаги турмуш шароити душманлик позициясидан туриб таҳлил этиладп. Ўқувчилар албатта «Америка овози» радиостанциясининг, «Озодлик» ва бошқа қўпорувчи радиостанцияларининг антисовет иғвогарлигидан иборат эшилтиришларини тинглайди, шунингдек антисовет газеталар, журналлар ва китоблар билан танишади. Агентлар билан чет эл антисовет марказлари ишнинг бошлиқлари билан «дил тўкиб» сұхбатлашадилар.

Агентларнинг маънавий юзтубанлиги яна ана шундай таъсир билан кучайтирилади. Фош қилинган америка шпионларидан бири оқибатда шундай деди: «Бизни ўзишни штаби ўй қуролига айлантириш учун америка оиласи пасигашликтан иборат инстинктларни шакллантириди»

Шпионларни «ишга» ўргатиш курси ҳам жуда пухта ўйланган. Бўлажак агентлар совет кишиларининг турмуши ва одатларини, совет қонунчилиги асосларини, ишга, ўқишига жойланиш тартибини, пропискадан ўтиш, меҳмонхонада яшаш, барча турдаги транспортда мамлакат нимаидан юрпш қондаларни ва бошқа қўлгина нарсаларни ўрганадилар.

Ҳар бир агент учун сохта таржиман ҳол, яъни афсона тўқилади. Уларга жўнатиш олдидан Совет Иттилоғида тикилган кийимлар кийинтирилади, совет документлари, тегишли тоза бланкалар билан, радио алоқа, яширии ёзув восьталари, тайник учун контейнерлар, шифер блакнотлар, заҳарлар, кўплаб совет пуллари, ва албатта, қурол берилади.

Масалан, совет органлари томонидан қўлга туширилган америка шпионлари Османов билан Саранцевдан: радиостанция, яширин ёзув восьталари, заҳар, пистолётлар, кўплаб совет пуллари, совет ҳужжатларининг тоза

Бланкалари, штамплар, печатлар ва уларнинг қўнорувчилик пшларига хизмат қиласидиган бошқа ашёлар чиқди.

Агентлар Совет Иттифоқига жўнатиш олдидан атрофлича инструктаждан ўтказилади. Уларга аввало, радиостанция, қурол, яширин ёзув воситалари ва бошқа сирни очиб қўядиган ашёларни яшириш учун қулай жой ташлаш тавсия қилишади. Зарур хавфсизлик ва конспирацияни таъминлаш мақсадида ҳақиқий Совет хужжатларини қўлга киритиш маслаҳат бериллади. Бунинг учун барча воситалардан: сотиб олиш, ўғирлаш, қаллоблик, ҳатто ўлдиришгача бўлган барча ҳаракатлар яроқли ҳисобланади. Агентлардан маҳаллий шаронитга имкони борича пухта мослашиб олиш, шубҳа остида қолмаслик учун барча чораларни кўриш талаб қилинади.

Шпионлик фаолиятининг барча йўллари: разведка қизиқсан обьектни шахсан кузатиш ва ўрганиш, ана шу обьектлар атрофидаги жамоат транспортида, ошхона, ресторан ва бошқа жойларда совет кишилари сўзларини, нималарни сўраб суринтиришларни зимдан эшитиш ва ҳеказолар қунт билан ўрганилади.

Агентларни чегарадан ўтказишда фойдаланиладиган техника воситалари муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Бунинг учун кичик самолётлар ва вертолётлар, ракета пояслари, ўта кичик сув ости кемаларни ва бошқа мосламалардан фойдаланилмоқда.

Чунончи оғирлиги 115 килограмм келадиган бир ўринли америка вертолети жуда қисқа вақт ичидаги йиғиниб, тахт қилиниши мумкин. Бу вертолетнинг яшиклигига жойланган деталлари агент турган жойга самолётдан парашют орқали ташланиши мумкин.

Жарлик, дарё, тўсиқлардан ўтиш учун американинг «Нью — Жерси» фирмаси елкага боғланадиган ракета пояси ишлаб чиқди. У иккита портатив ракета двигателидан иборат. Бундай пояс ёрдамидаги 50 метр масофага сакраш мумкин. Шпионлик техникасида янги ўта кичик сув ости кемаси ҳам пайдо бўлди. Бундай кемаларнинг

янги моделларида тезлик соатига 20 километрга, сув остига тушиш имконияти 35 метргача оширилди. Шпион бундай кемадан чиқиб соҳилгача сузуб келади. Сувлик чегарадан ўтишда бир америка шпиони костюм — кемадан фойдаланди.

Ҳар бир шпион олдига: ҳарбий, илмий, ишлаб чиқариш ва бошқа сирларни биладиган Совет кишиларини топиш, улар билан «тил топиб» гаплашиш вазифаси юклатилади. Табиийки, улар энг аввало сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан бекарор, жиноятчи кимсаларга кўз тикадилар Шубҳасиз, улар советларга қарши кайфиятдаги шахслардан фойдаланишга, айрим бундай кимсаларни шпионлик қилишга, шунингдек антисовет адабиётлар, душманлик руҳидаги миш-мишлар тарқатишга, ёки совет паспортлари, гувоҳномалари, пропускалари ва бошқа ҳужжагларни қўлга киритишда фойдаланиш имкониятини қулдан оермаслинига уринадилар.

Ҳалқаро аҳвол жиҳдий равишда кескинлашган наийларда ёки СССРга қарши уруш ҳаракатлари бошлангудай бўлса империалистик разведка асосан яширин иш кўрадиган агентларга катта аҳамият беради. Чет эл матбуотининг хабар беришича, бир қатор йирик капиталистик мамлакатларда бундай агентлар тайёрлаш билан кўп йиллар давомида шуғулланмоқдалар.

АҚШ, Англия ва бошқа капиталистик мамлакатларниң разведкаси ҳамиша СССРга яширин агентлар ўтказишга имконият излайди. Шу билан бирга улар эпг муҳим сиёсий, ҳарбий, илмий-техника маълумотларини қўлга киритиш учун совет гражданларидан айниқса хизмат доирасига кўра давлат сирлари билан танишишилардан агентлар ёллашга итиладилар. Разведка учун бундайлар жуда қадрли кадрлар ҳисобланади.

А. Даллес ўзининг «Искусство разведки» (разведка санъати) китобида шу муносабат билан бундай деб ёзган эди: «Агар разведка хизмати пухта қўриқланадиган объектга ўз агентици юбора олмаса унинг ўша жой-

дагы кишилардан агентлар ёллашда бошқа иложи қолмайды. Эхтимол у одам сизни қизиқтирган ахборотга бевөсита құли етадиган жойда бүлмаслиги мүмкін. Эхтимол у хизмат фаолиятнин әнди бошлаган бўлиши, бироқ бу уни қачонлардир сиз мўлжаллаган обьектга қўли етадиган вазифага олиб чиқиши мүмкін. Энг муҳими, у яроқли ва шубҳа тугдирмайдиган туб жойли киши бўлиши керак!».

Империалистик давлатларнинг разведкаси Совет гражданлари орасидан давлат сирларини биладиган кишиларни аниқлашга жон-жаҳд билан уринадилар. Бироқ бунда жиғдий қийинчиликларга дуч келадилар. Чунки Совет ҳокимияти йиллари бизда социалистик тузумга, ўз халқига ғоят содиқ бўлган янги кишилар авлоди вояга етди, улар буржуа разведкасининг кирди-корларига тегишлича зарба берадилар.

Шунга қарамасдан, Пеньковскийга ўхшаган юзи қоралар ҳам йўқ эмас. Улар ўзларининг ахлоқий бузуқлиги, сиёсий беқарорлиги сабабли душман тузогига плинадилар ва ватанимизга қарши турли қўпорувчилик ишлари, шу жумладаи шпионлик қилишда душман қуролига айланиб қоладилар.

Пеньковский иши бўйича тергов вақтида терговчи айбланувчидан сўради:— Айтингчи, Пеньковский, сиз Совет ҳокимияти даврида туғилган, маълумот олган киши бўла туриб қандай қилиб совет кишиси қиёфасини, уят, виждонни батамом йўқотиб, оддий бурчни ҳис этмасдан сотқинлик қилишга пастлашиб кетдингиз?

Савол Пеньковскийга ёқимсиз бўлганидан у истаристамас жавоб берди:

— Менинг пасткашлик жарнга қулашим, ярамаслик қилишимга айниб кетишм сабаб бўлди. У бир оз ўйланниб қолгач, ҳар сўзда бир тутилиб, давом этди: менда жиғдий қусурлар: ҳасадчилик, шуҳратпастлик, енгил

¹ Allen Dulles. *The Craft of Intelligence*. N. Y., 1963.

ҳаётга ўчлик мавжуд эди, аёллар билан кўп элакишардим, буларнинг устнiga ичкликка ружу қилдим.

Қамдан-кам бўлса ҳам айрим граждайларни боїлик, шахсий бойлик ошириб қолиш умиди йўлдан уради. Яқинда Совет ҳокимияти органлари томонидан министрликлардан бирига илгари инженер бўлиб ишлаган Юров деган кимса жиноий жавобгарликка тортилди. У хизмат мавқеини сунистеъмол қилиб капиталистик мамлакатлардан бирининг разведка хизмати билан bogланган, чет эл фирмаси вакили билан жиноий алоқада бўлган. Бу сотқин қимматбаҳо совфалар тарзида тўланган ҳақдан оғзи қулоғига етиб чет элликларга сир сақланган ахборотларни бериб турган, бошқа хизматлар қўрсатган. Терговда маълум бўлишича, Юровнинг сотқинлиги оқибатида Совет Иттифоқига бир неча ўн миљлон сўм зарар етказилган.

Яна бир қатор сотқинларнинг чет элликлар билан жиноий алоқа боғлашига ҳам очқўзлик ва майший попоклик сабаб бўлган. Чунончи, Талинский, Аносов, Судобин, Крейсик ва бошқалар жиноий жавобгарликка тортилди. Уларнинг ҳаммаси илгари, турли муассасаларда хизмат қилган вақтида ҳақ эвазига давлатнинг илмий-техника ва иқтисодий масалаларга онд махфий ахборотларини капиталистик мамлакатлар разведкачила-рига бериб турган.

Жуда кам бўлса ҳам, баъзан чет эл разведкаси совет мамлакатида узоқ йиллар яшаганига қарамасдан Совет давлатининг ашаддий душманлигича қолган граждандарни ўз агенти қилиб ёллаш фактлари ҳам учраб туради.

Шпионлик практикасида қўрқитиш ва турли хил иғвогарлик кўп тарқалган. Масалан, империалистик давлатлардан бирининг разведкаси гражданин Карповнинг пайига тушиб бир йилдан ортиқ кузатади, уни обрўсизлантирадиган майший фактларни тўплайди, характеридаги ожиз томонларини аниқлайди. У алоқа

боглашда кишиларининг фарқига бормайдиган ичкилигъка ўч киши бўлиб чиқди. Оқибатда, Карпов чет элтн командировкага борганда душман разведкаси ана шу ожиз томонлардан фойдаланиади. Бир марта у тунги машшатхонага борган бўлади, ўша с尔да уни енгилтак хотилилар орасида маст ҳолда суратга туширишади. Бунинг устига ўша кечаси у подотчет олган анча катта пулни ўғирлатиб қўяди.

Шпионлик хизмати уни дўқ-пўписа, ваҳима билан қўрқитиб ўзига агент бўлиш ва Совет Йиттифоқига қарши шпионлик билан шугулланишини таклиф қиласди. Башарти кўнмаса разведка унинг барча чет эл саргузаштларини матбуотда эълон қиласмиш деб қўрқитишиади. Чўчиб қолган Карлов шпионлик қилишга роси бўлади ва буни ёзма равишда тасдиқлайди. Бироқ бир неча кун ўтгач туғилган вазиятини таҳлил қилиб зудлик билан Совет Йиттифоқига қайтади ва бу ерда тегишли совет органларига ҳамма гапни самимий равишда айтиб беради. Шу билан чет эл разведкаенниң ундан Совет давлатига қарши қўпорувчилик пишида фойдаланиш истаги амалга ошмай қолди.

Бироқ империалистик разведка мамлакатимизга юбораётган агентларнинг бари манший бузук, **анойи** одамлар, уларни фош қилиш осон, деган фикрга бормаслик керак. Улар орасида тегирмондан йирик чиқадиган эпчил, устомон одамлар оз эмас. Душманинг кучига, маккорлигига, ақл ва имкониятларига етарли баҳо бермаслик нақадар хатарли экани маълум.

Империалистик разведканинг мамлакатимизда кўзлаган мақсадлари барбод бўлиши, фош қилиниши замирнида маънавий-сиёсий, синфиий характердаги сабаблар ётибди. Чет эл разведкаси агенти катта ақл, қобилият эгаси бўлиши, қисқаси разведканинг «пирин» бўлиши мумкин. Бироқ униг ўзи ва мамлакати разведка системаси суюнган маънавий-сиёсий негиз **фаразиг** асосланган, турмушп аллақачон чириб битган **маъна-**

вий бўшлиқдан иборат. Душман агенти ўз синфи — капиталистлар синфи мақсадлари учун хизмат қилмоқда, деб эътироуз билдиришлари мумкин. Тўғри, буни ҳисобга олмаса бўлмайди. Фақат у жаҳон даврасидан кетиб бораётган синфиниг, одамзодни қонга ботиргани синфиниг, ўз моҳиятига кўра ахлоққа зид бўлган синфи ниг манфатларини ҳимоя қилишини унутмаслик керак!

Бундан ҳам муҳими шуки, энг тажрибали душман шпиони Совет Иттифоқи территориясига келибоқ фақат тегишли совет органилари эмас, балки барча совет кишилари билан тўқашадилар. Кучлар нисбати бундай бўлганда ҳамиша ҳалқ голиб чиқади.

ДИПЛОМАТИК ПАСПОРТ БИЛАН

Империалистик давлатларнинг паҳбар доипалари Совет давлати ташкил топган дастлабки кунларданоқ социализм мамлакатидаги расмий ваколатхоналардай ўз разведкалар ҳатти-ҳаракатини яшириш учун фойдалана бошлаганлар. Йиғлиз разведкачи дипломати Б. Локкарт 1918 йили Совет ҳукуматини ағдариш, В. И. Ленинни ўлдириш, мамлакатимизда капиталистлар ҳокимиятини тиклаши мақсадида шпионлик — қўйорувчилик тармоғини тузган эди. 20—30 йилларда дипломатик, савдо ва ҳайр-эҳсон миссиялари ниқоби остида ўнлаб шпионлар Совет ҳокимиятига қарши не-не қораишларни қилмадилар. Иккинчи жаҳон уруши даврида ёса Англия ва АҚШ элчихоналаридаги разведкачилар антигитлерчи коалициядаги иттифоқлик алоқаларидан фойдаланиб мамлакатимиз тўғрисида интенсив равишда шпионлик ахборотлари тўплаш билан шугулландилар.

СССР нинг жаҳондаги барча мамлакатлар билан дипломатик, савдо ва бошқа расмий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Душман разведкаси бу алоқаларни четлаб ўтади, деб бўлмайди. Аксинча, разведкачилар

ўзларининг СССР территориясида бўлган вақтида бехатарлигини таъминлаш учун кўпгина дипломатик паспорт олишга интплади. Негаки, чет мамлакатларнинг дипломатлари ва баъзи расмий вакилларига халқаро ҳуқуқ ва шартномалар принципига асосан шахсий дахлсизлик ҳуқуқи берилади.

Дипломат-разведкачилардан СССРда агентура разведкаси олиб бориш учун фойдаланиш практикаси ҳаммага маълум.

Фақат сўнгги йилларда ё Америка элчихонаси маданий бўлимнинг бир неча ходими фош қилинди. Ана шу бўлимнинг иккинчи секретари Жерман Пушкин кўчасидаги подъездлардан бирида жиҳозланган тайникдал шпионлик материалини олиб туришда қатнашган. Бўлимнинг атташеси Гарнетт Москвада ўқиётган африкалик студентлар орасидан агент ёллашга уринган, улар ўз навбатида олий мактабда бирга ўқийдиган ҳамкасларини «сиёсий сабаблар» билан АҚШ га кетишини уюштиromoқчи бўлганлар. Маданият бўлимнинг маслаҳатчиси Рассел ва бўлим ходими Вернер совет олимларидан агентлар ёллаганлар ва у орқали кенг миқёсда шпионлик ахборотлари олиб турмоқчи бўлганлар.

Чет эл дипломат-разведкачилари энг мукаммал техника: узоқ масофадан суратга оладиган кучли телебъективли фотоаппаратлар ва кийимга, бошқа ашёларга яширинган протатив радиоэлектрон ва радиоразведка аппаратлари, йифинчоқлик овоз ёзиш воситалари билан таъминланган. Улар ўзларининг дипломатик дахлсизлигидан фойдаланиб, совет халқининг тарихи, урф-одати, маданияти билан танишиш баҳонаси остида мамлакат бўйлаб кўп сафар қиласидар. Бироқ кўпгина фактлар бундай дипломатлар сафаридан аслида разведка мақсадларида фойдаланилишини кўрсатади.

Баъзи разведкалар бундай сафарлар самарасига юксак баҳо бериб, йилдан-йилга шу воситадан фойда-

ланмоқдалар, сафар шаронти, транспорт **ва күзатиш обьектини ҳисобга олган ҳолда күзатиш уеүлларини такоми**. Глаштпремоқдалар, сафарларни атрофлича, пухта тайёрламоқдалар.

Бундай шпионлик хатти-ҳаракатлари бир неча марта шов-шув билан фош қилингандан кейин, унинг күэй илғамас томонлары совет ва жаҳон жамоатчилигига маълум бўлиб қолди. Узоқ Шарққа сафар қилган америка ва инглиз ҳарбий дипломатик вакплларининг кўпчилик олдида шармандали фош қилинганини ҳамманинг эсида.

1964 йил октябринда совет гражданлари (Москва — Владивосток поезди пассажирлари) поездда кетаётган тўрт чет элликнинг шубҳали қадам босишига эътибор берадилар. Улар поезд кетаётган йўл атрофидаги темир йўл узеллари, кўприк, тоннель, ҳарбий течника ортилган состав, саноат корхоналари ва бошқа обьектларни суратга туширишар, топографик карталарга белгилар қўйишар, шунингдек алланарсаларни ёзиштар эди.

Уша чет элликлар: АҚШ элчихонасининг ҳарбий атташеси полковник Ж. А. Обри, АҚШнинг СССРдаги ҳарбий атташеси ёрдамчиси подполковник К. Р. Ливер, ҳарбий ҳаво атташеси ёрдамчиси Майор Ж. Ф. Смит, шунингдек Буюкбритания ҳарбий-денгиз атташеси ёрдамчиси капитан-лейтенант Н. Н. Лавиллар эканлиги аниқланди. Маълум бўлишича, улар ўзлари турган мамлакатдаги чет эл дипломатлари ҳамма тан олган нормаларни кўпол равишда бузиб, чиидан ҳам разведка ишлари билан шугулланганлар.

Улардан тортиб олинган материаллар полковник Обри, подполковник Ливер, майор Смит ва капитан-лейтенант Лавил учига чиққан шпионлар эканлигини тўла таасдиқлади. Улар номерланган фотопленкаларга 900 дан ортиқроқ сурат олганлар. Разведка топшириқлари ва уларнинг бажарилиши 26 блокнотга ёзиб олинган. Буларнинг ҳаммаси улар темир йўл узеллари,

күнриклар, тонеллар, радио қурпымалари, аэроромлар, ҳарбий қисмлар жойлашган ерлар ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган бошқа обьектлар ҳақида ўзларига керак маълумотларни қўйт билан тўплаганлар.

Поезд босиб ўтган йўл давомида ёзилган ёзув ва лавҳаларда маълумотлар аниқ акс этган. Масалан, ёзувлардан бирда шундай дейилган: «Юқори вольтли электр узатгич линия (2 номерли фотоаппарат, А катушка, 24-кадр); дарё кўприги, икки казарма, ҳарбий аэрором (6 номерли фотокамера, В катушка, 21—24-кадрлар), «чандаги сурат». Мана бир ёзув: «катта диаметрли қитъаларро ракета учун 12 та ҳали ўришмаган тягач: «Земля — Земля» (4 камера, Ё катушка, 5—7-кадрлар)».

Хатто бу ишлардан бехабар киши ҳам ёзувлар оддий кундалик эмаслигини билади. Бунинг устига разведка-чишлардан мазкур сафар учун тайёрланган топшириқ ёзуви ҳам чиқади. Унда 400 дан зиёд савол бўлиб, шу жумладан транссибирь темир йўли қирғоидаги обьектлар рўйхати бирма-бир келтирилган. Афтидан мазкур обьектлар америка ва инглиз разведка хизматинн жуда қизиқтирган бўлса керак.

Буларнинг ҳаммаси Обри, Ливер, Смит ва Лавилларнинг сафари разведка операцияси сифатида аввалдан планлаштирилган ва пухта тайёрланганинидан далолат беради. Совет кишиларнинг ҳушёрлиги туфайли мазкур режа барбод бўлди ва унинг қатнашчилари СССРдаги дипломатик хизматларини барвақт тугаллашга тўғри келди.

Совет кишилари берган сабоқлардан кейин ҳам разведкачи дипломатлар тийилмади. Мамлакатимиз бўйлаб маҳсус сафарлар тўхтагани ўйқ. Фақат бундай сафарлардан кузатилган асл мақсадни хас-пўшлаш усувлари, албатта анча нозиклаштирилди.

Автомобиль сайдларида улар совет шоферларисиз иш бигиришга, бироқ Совет Йиттилоқида чиқарилган

машиналарда юришга, совет кийимларини кийишга, фақат русча гаплашишга ва шу каби бир қатор воситалардан фойдаланиб ниқобланишга уринмоқдалар.

1967 йил ёзида Москва корхоналаридан бирининг ходими Шугоев Москва — Ленинград тош йўли бўйлаб кетар экан йирик саноат обьекти ёнида дипломатик белгиси бўлган машина тўхтаганига эътибор беради. Қараса машинадан икки киши чиқади ва копотни кўтариб моторни кавлаштира бошлайди. Учинчىй йўловчи машина ичida қолиб, очиқ ойна орқали телебъектив билан обьект иншоатларини суратга тушира бошлайди. Шугоев ҳушёрлик кўрсатади ва чора кўришни сўраб ГАИ инспекторига мурожаат қиласди. Текширишдан маълум бўлишича, булар АҚШнинг Москвадаги ҳарбий атташеси ҳодимлари подполковник Де Руш, майор Ликуу ва Скуби бўлиб чиқади.

Атташеси СССРдаги ҳарони ҳаво атташеси Дэвиде ва АҚШ нинг ҳарбий денгиз атташеси ёрдамчиси Ландриген Узоқ Шарқдаги шаҳарлардан бирига бориш ҳоҳинин билдирадилар. Уларга рухсат берилади. Бироқ, кейинчалик маълум бўлишича, уларни шаҳарниг ўзи эмас, балки мұхим бир обьект қизиқтирган. Улар шаҳарга келибоқ ўша обьект томон йўл оладилар. Аввал шаҳар транспорти ёрдамида, кейин пиёда юриб, гўёки сайр қилишгандек бўлишади. Бироқ обьект атрофидан иҳоталанган тўсиқ (такта девор) олдинга келиб, ундан ошиб ўтишга урнишади. Худди шу пайтда уларни дружжиначилар кўриб қолади ва тўхтатади. Совет кишиларини бепарво деб ўйлаб, бундан фойдаланмоқчи бўлган шпионлар бу гал ҳам қўл еди.

Америка дипломатлари гарбий чегарарадаги шаҳарларимизга тез-тез бориб, СССР Мудофаа министрлигининг шу шаҳар доирасидаги юқ базаси билан жуда қизиқади. 1970 йил баҳорида мазкур шаҳарга АҚШ ҳарбий атташеси ёрдамчиси майор Шумакер билан ҳарбий денгиз атташеси ёрдамчиси капитан-лейтенант Эглин келади.

Улар автомобиль сафарини Москвадан әмас, Варшавадан бошлашади. Уларнинг автомобили поезд орқали келтирилади.

Шумакер билан Эглини шаҳарга қоронги тушишини мўлжаллаб кириб келади ва тўхтовсиз юқ базаси томон жўнайди. Машинанинг чирогини ўчириб йўл босишади. Улар объект территориясига киришга, баъзи бир кузатишлир қилиш ва ёзишга улгуринади. Бироқ бу рекогносцировка (вазият билан танишув) эди холос. Эртасига эрталаб саҳарда Шумакер билан Эглин яна юқ базаси томон жўнайди. Бу гал улар фақат кузатиш ва ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки йўлда учраган ҳарбий техникани суратга ҳам туширинади. Тақиқланган зона белгисини назар-нисанд қилмаган душман разведкачилари бевосита юқ базасига яқинлашадилар, Бироқ патрул уларнинг йўлни тўсади. Ишиниг бундай бўлиши дипломатларга албатта ёқмайди ва улар жонжаҳди билан норозилик билдиришади, ҳужжатларини кўрсатишни истамайди, дагаллик қилишади, ҳарбий хизматчиларни ҳақоратлашади, улар билан жанжал чиқаришга урниншади, ўзларини жазаваси тутган қилиб кўрсатади. Эглини ҳатто ўзини ерга ташлаб, кийимларини йирта бошлайди. Ниҳоят, бу қиликлар оғир-босиқ патрулларга таъсир килмаслигига ишонишгач, Шумакер билан Эглин ҳужжатларини, икки фотоаппарат, плёнка, ёзувлар қилинган блокнот, кўпгина бошқа нарсаларни кўрсатишади. Воқеа содир бўлган жойда тузилган актда буларнинг ҳаммаси ўз ифодасини топди. Унга американлик мазкур шинонлар кирдикорларини ифодалайдиган кўпгина ҳужжатлар илова қилинди.

Дипломатларнинг разведка мақсадларида қилган сафарларидан улар бошқа маибалардан олинган маълумотларни аниқлаш, текшириш учун фойдаланган пайтлар ҳам бўлади. Америка разведкачи-дипломатлари ўзларининг агентларидан мудофаа заводлари жойлашган район ҳақида маълумот олиб, бу маълумотни тўғрилиги-

и и текшириш учун АҚШ нинг Мөсквадаги ваколатхоиси ҳарбий атташеси ва унинг ёрдамчисини маҳсус сафарга чиқишини уюштирганлар.

Дипломатик ниқоб остида ҳаракат қилаётган капиталистик мамлакатлар разведкачилари СССР гражданилари билан муроқатда бўлган пайтларда айниқса актив, шу билан бирга нозик разведка ишлари олиб борадилар.

Империалистик давлатларнинг раҳбар доиралари ўз элчихоналари ходимларининг совет граждаплари билан яқин алоқада бўлишларини ҳар тарафлама рағбатлантирадилар. Элчихона ўзини қизиқтирган кимсалар билан яқиндан танишиш учун хилма-хил баҳоналардан фойдаланиди, бу мақсадда, хизмат воситалари, шунингдек норасмий учрашувдан фойдаланадилар. Бунинг учун дипломатлар Совет муассасалари ва жамоат ташкилотларига ташриф буюрдилар, расмий дипломатик кабупатросимларни уюштирадилар ва киофильтъимлар намойинни қилиш, элчихонага келувчиларни қабул қилиш, миллӣ сөврин ва мукофотларни топшириш, конференция ва симпозиумларда қатнашиш вақтида ўзларининг гаразли шиятларини амалга оширишга имконият қидирадилар. Танишувда илм, санъат, адабиёт, тил, харисмандлик (балиқ овлаш, марка тўйлаш ва ҳоказо) соҳасида бўладиган муносабатлардан ҳам фойдаланишади. Сўнгги йилларда Москва ва бошқа шаҳарлардаги баъзи Совет муассасаларига дипломатларнинг расмий визитлари анча кўпайди. Бундай визитлар пайтида улар мазкур муассаса ҳал қилаётган вазифаларни билиб олишга, бу муассасаларнинг характеристики, фаолияти хусусида тасаввур олишга уринмоқдалар. Шу мақсадда етакчи мутахассислар билан танишишга интиладилар. Бунда кўпинча чет элликлар учун белгиланган тартиб, муассасага ташриф буюриш учун тегишли министрлик ва идоралар билан келишиш тартибини ҳам бузишади.

Совет давлат аппарати, илмий техника арбоблари, никодкор интеллигенция билан алоқа боғлашда эяни-

хоналарда ва дипломатларниң квартираларында ўтика-
зиладиган қабул маросимларынга катта ўрин берилади. Бунда совет муассасалари, ижодий союзлар ва бошқа
тәшкиләтләрниң расмий вакиллари билан бир қатор-
ра алоҳида шахсларни таклиф қиласылар. Шубҳа
йүқки, бундай учрашувларда разведкачиларни қизиқ-
тирган маълумотларни билб олиш учун құлдан келгә-
нича ҳаракат қылышади.

Разведкачилар ва агентлар ўз суҳбатдошиның ишон-
чини қозонишга, сүнг баъзи кишиларниң лақмалиги,
создалиги ёки сиёсий гүрлигидан фойдаланиб ўзини
қизиқтирган маълумотларни билб олишга уринади.
Керакли ахборотлар майдада фактылардан ажратиб
олинади. Бироқ ана шу майдада фактылар идрок
билан таҳлил қилинганда ўрганилаётган проблема хусу-
сида керакли тасаввур ҳосил қилиш учун киғоя қиласы.

1969 йилининг охирида областлардан бирiga гарб
дипломатларидан бир гурухи боради. Расмий кишилар
билан бўлган учрашувларда улар областда қандай
саноат обьектлари борлигини, қандай маҳсулотлар қанча
миқдорда ишлаб чиқарилишини, совуқ тушган даврда
сув таъминоти қандайлигини, рангли металл конлари
бор-йўқлигини, областда ахборот воситалари структура-
си қандайлигини, медицина ходимлари қандағай тайёрла-
ниши ва уларниң сони қанчалигини, мазкур жойда
қандай специфик касалликлар учраши ва улар билан
кураш қандай ташкил қилинганини суринтиришади.
Суҳбат самимий вазиятда ўтади, бир қарашда берилгай
саволларда ҳам бир оз гараз борлиги кўзга ташланмай-
ди: гўёки дипломатлар Совет Иттифоқи хусусида ўзлари-
ниң тасаввурларини кенгайтироқчи бўлгандек туюла-
ди. Бироқ разведкачи мутахассислар учун (группа
орасида бундай кимсалар борлиги шубҳаси) саволга
берилган жавоблар СССРнинг ҳарбий иқтисодий
қувватига онд муҳим маълумотлар бериши мумкин
эди.

Совет гражданнининг турли табақалари билан алоқа боялашда буржуа журналистлари өлчихона ходимларига чисбатан кенгроқ имкониятларга эга. Журналистлар СССРининг цекки ҳәётги ва ташқи сиёсатидан кўнроқ хабардор бўлган Совет матбуоти ходимлари, ташқи ишлар, савдо, ташқи савдо ва бошқа министрликлар ходимлари билан, ёзувчилар, фан, маданият ва санъат намояндадарни давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари ходимлари билан учрашиши мумкин.

Шпионлик билан кураш тарихида буржуа журналистларидан шпион сифатида фойдаланилган ҳоллар кўп учрайди, 1920 йили ёқ американинг биз тилга олиб ўтган «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг муҳбири М. Гаррисон деган аёл Совет Россиясига келиб сиёсий ва ҳарбий соҳада актив шпионлик ишлари билан шуғулланади. Бунинг учун УИНК оғизи олонидан Жаво-гардника гартилади.

Яқинидагина ўша «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг муҳбири етакчи совет газеталаридан бирининг сиёсий шарҳловчиси билан учрашиб, у орқали Яқин Шарқда вазият кескинлашуви муносабати билан Совет Иттифоқи қўйиши мумкин бўлган қадамларни билиб олмоқчи бўлади.

Учунга чиқсан антикоммунистлар тоифасидан бўлганайрим буржуа муҳбирлари ўзларининг профессионал бурчларини унудиб сурбетлик билан сиёсий разведка билан шуғулланадилар. Американинг «Вашингтон пост» газетасининг муҳбири А. Шуб билан Италия газетаси «Стампа» муҳбири Э. Кареттолар ана шу соҳада жуда активлик кўрсатдилар ва журналистликка ярашмайдиган хатти-ҳаракатлари учун СССРдан чиқариб юборилди.

Хуллас мамлакатимизга юборилган буржуа журналистларининг баъзилари шундай маълумотлар тўплаш билан шуғулланадиларки, кўпинча улар шпионлик маълумотларидан фарқ қилмайди.

Империалистик разведканинг СССРга қарши шпион-лик фаолияти умумий системасида турли сүйесий, илмий ва справочник нашрлар, вақтлі матбут, радио, телевидение материалларини, ҳужжатлы фильмлар, оммавий лекциялар ва бошқа очиқ ахборот манбалари маълумотларини маълум мақсадин кўзлаб тўилаш ва ишлаб чиқиш катта ўрин тутади. Илмий техника ва ҳарбий адабиётлар, атом энергияси, ядро химияси, биология, ракетасозлик, ракета ёнилгиси, электроника, телемеханика автоматика ҳамда фан ва техниканинг замонавий гармоқларнiga багишланган ишларга айниқса кўпроқ қизиқмоқдалар.

Бехабар кишиларга бу ғалати туюлади. Халқаро китоб алмашиниш тартибида олинган бу очиқ нашрлар қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин, деб тажжубланишади улар.

Шунга қарамасдан маҳсус хизмат органларининг халқаро китоб алмашинишда қатнашмайдиган ҳам давлат, ҳам маҳаллий идора нашриётларин томонидан муайян проблемаларга бағишилаб чиқарилган совет адабиётларини қўлга киритишга уринаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айни бир мавзуга багишланган кўпдан-кўп адабий манбалардан эҳтиётсизлик билди ёки унча аҳамияти йўқ деб ўтказиб юборцилган фактларни битталаб тўилаб, пировардида муайян хulosага келиш қийин эмас.

Сўнгги йилларда чет эл илмий ташкилотларни ва нашриётларидан мамлакатномиздаги турли институтлар, корхоналар, мутахассислар номига ҳар хил анкеста ва сўровлар кўши келадиган бўлиб қолди. Уларда илмий-техника ва бошқа масалаларга оид нашр қилингани ва нашр қилинмаган материалларни, фан ва техниканинг муайян соҳасида ишловчи ходимлар тўғрисидаги маълумотларни чет элга жўнатиш яхши ният билан ниқобланиб сўралади. Айтайлик, америка физика институти, томонидан совет илмий ташкилотларнiga юборилган анкетага жавоб олиш учун «назарий физика масалалари

бүйіча ҳали журналларда нашр қилинмаётган мақолаларнинг оттисклариниң қайта күнайтириш ва тарқатыш учун марказлашған хизмат яратыншының энг яхши йўлариниң қидиришга бел bogлагanligi баҳона қилипади. Бундай анкета ва сўровларни тузувчилар кўпинча разведка хизмат органлари чирмандашиб ўйнашини айтиб ўтирасак ҳам бўлади.

АҚШ, Англия ва баъзи бошқа капиталистик мамлакатларнинг разведка хизмати аллақачоноқ юқори малақали мутахассислардан ташкил топган маҳсус муассаса тузганлар. Мазкур муассасалар бошқа очиқ манбалардан олинадиган барча адабиёт ва материалларни қунт билан ўргапади ва анализ қиласади. Баъзи разведка раҳбарлари баёнотига қараганда улар бундай йўл билан амча муҳим маълумотларни қўлга киритишга мұяссаф ہўлганлар.

— Шинополук фасолиёт! Деганда сиз нимани низарда гутаётганингизни тушунолмаяпман. Мен ўзим эса шпионликка ҳеч қанақа алоқам йўқ. Мен коммерсантман, савдо-сотиқдан бошқа ҳеч нарса мени қизиқтирмайди.

Бу гапни худди шпионнинг ўзи айтгани кишининг күлгисини келтиради. У. Винн шпион ва сотқин Пеньковскийнинг қора ишларига шерик. Бироқ унинг гапида озгина жон бор. Инглиз фуқароси Винн чипдан ҳам коммерсант, бироқ шпион ҳам, яъни иккى юзли бир кимса. Винниң ўзи тан олган жавоблар тиркалган тергов ишидан, шунингдек мазкур шпионнинг 1967 йилда Лондонда «Хатчинсон» нашриёти томонидан нашр қилинган «Человек из Москвы» («Москвадан келган одам») деган «мемуар» китобидан маълум бўлшича, у Москвага кўп марта қилган сафарида иккى мақсадни кўзлаган. Улардан муҳими—шпионлик бўлган. У сотқин Пеньковскийдан жуда ҳам сир тутилган маълумотларни олиб инглиз разведкасиға етказиб турган. Ёрдамчи вазифаси эса совет ташки савдо ташкиотлари билан турли коммерция масалаларини ҳал қилишдан иборат бўлган.

Совет давлат хавфсизлик органлари томонидай шиин Виннинг фош қилиниши имперналистик давлатлар разведка хизмати билан баъзи коммерсантлар ўртасида мустаҳкам иттифоқ ва ҳамкорлик борлигини жаҳон жамоатчилигига очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Ўнглиз разведкаси Винни ишончли кимса ҳисобланганлиги еабабли ўз ишига тортган. Бунинг устига СССРга мунтазам келиб туриш учун Виннда баҳона ҳам бор эди. Буржуа корчалонларини Винн шпионликда қўшимча бизнес борлигини пайқаб бир топшириқни қабул қилгая. Чунки бу билан инглиз разведка хизматидан мўмайгини «чойчақа» ундириб олиш, шу билан бирга ички бозордаги рақобат курашида мазкур қудратли ташкилотнинг кўллаб-қўлтиқлашига суюниш имкониятига эга бўлгая.

Совет суди ҳукми билан Винн қилмешига яраша жазо олди ва Совет Иттифоқи дарвозаси унга бир умр ёлиб қўйилди. Бироқ, кўпгина фактларнинг кўрсатишича, имперналистик давлатларнинг разведкалари йилдан-йилга СССРга кўплаб келаётган коммерсантлар, саноат фирмаларининг вакиллари, виставкалар, транспорт ҳодимларидан шпионликда фойдаланиш мақсадидан өз кечганлари йўқ.

СССРнинг савдо ва саноат алоқаларни йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Чет эллик савдо ва саноат вакиллари мамлакатимизнинг турли районларига келиб совет давлати муассасалари ва идораларига, илмий-тадқиқот ташкилотларига ва корхоналарга борадилар, совет гражданлари билан иш юзасидан ёки шахсий алоқа бөглайдилар.

Имперналистик давлатларнинг разведкалари албатта бўнгай ўзи учун ўнгай вазиятдан бирор маълумот олиш учун фойдаланишга уринмаслиги мумкин эмас.

Капиталистик давлатларнинг баъзи коммерсантлар, мутахассислар ва бошқа савдо-сотиқ доиралари бизниси мамлакатимизга қилган сафарларидан фақат коммерсия мақсадларнда фойдаланиш билан чекланмайдилар.

Пешинградга битта бетараф капиталистик мамлакат-нинг савдо фирмаси вакили сифатида Олар деган кимса келган. Совет савдо ташкилотларининг ходимлари у бир илмий-тадқиқот институтининг ёш мутахассислари билан танишнишга жуда иштилганилигига эътибор қилишади. Қейинчалик маълум бўлишича, Олар мазкур илмий-тадқиқот институтининг кичик илмий ходими Петров билан танишади ва уни маҳфий тема юзасидан ўтказган тадқиқотлар натижаларини беришга кўндириш учун зўр бериб уринган.

1971 йили «Внешторгреклама» бирлашмаси билан музокаралар олиб бориш учун Совет Иттилоғи америкалик коммерсант Купер келди. Лекин Москвада уни рекламадан бошқа нарсалар кўпроқ қизиқтириди. Купер мамлакатимизда ўриатилган гартиб-қондани менсимасдан, ўз ташаббуси билан, Москва ва Ленинграддан бир қатта илмий-тадқиқот муассасаларини бориб кўрди, совет мутахассислари билан бўлгай суҳбатда киравлик қилиб, ядро физикаси ва космик биология соҳасидаги тадқиқот ишларимизда қандай янгиликлар борлигиди билиб олмоқчи бўлди. Тўғрисини айтганда, мақсадига эришолмади.

Гарбдаги йирик саноат фирмаларининг биридан келган мутахассис Дойссер мамлакатимизнинг шарқий районларидан бирида узоқ вақт туриб қолди. Бу шахс мұхим саноат обьектлари ва радар установкаларини сурбетларча, очиқдан-очиқ фотосуратга ола бошлади. Разведка нуқтаи назаридан қизиқиш туғдирган мутахассислар билан учрашганида улардан баъзиларини советларга қарши иш олиб боришга зўр бериб унади.

Волга бўйидаги бир ёш шаҳарда корхонага полиэтилен ишлаб чиқарадиган установкани ўрнатишда Гофман исмли ажнабий мутахассис иштирок этди. Дастрлабки кезларда бу мутахассис ҳаддан ташқари дилкаш, совет ҳалқига дўст бўлиб кўринди. Бироқ муайян вақт ўтгандан кейин Гофманнинг разведка учун ахборот тўплаёт.

гани аниқланди. У муҳим саноат объектлари, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, зенит ракеталари учирладиган старт майдончалари ва шу кабилар билан ниҳоят даражада қизиқди. Гофман жанговар техникани фоторасмга олаётганида қўлга тушди ва СССРдан чиқариб юборилди.

Қоғоз фабрикаси учун чет элдан сотиб олинган ускунани ўрнатиш юзасидан капиталистик мамлакатларнинг биридаги фирма билан тузилган шартномага мувофиқ, Совет Иттифоқига Ворсье деган буржуа мутахассиси келди. Ишга энди киришган пайтларида у мамлакатимизга ва ҳалқимизга тўғри, самимий муносабатда бўлди. Лекин маълум вақтдан кейин советларга қарши қаратилган гаплар тарқата бошлади, совет гражданларининг баъзиларини чет элга кетишга унади, советларга қарши қаратилган адабиётлар тарқатди, жосуслик йўли билан ҳарбий объектлар тўғрисида маълумотлар тўплади.

Украинадаги химия комбинатида чет элдан сотиб олинган ускунани йиғиб ўрнатишда иштирок этган япон фирмасининг мутахассиси Тикахоси Харую зўр бериб ҳарбий ва иқтисодий масалаларга тегишли ахборотлар тўплади. Шундай ножӯя ҳаракатлари учун у СССРдан ҳайдаб юборилди.

Фарб мамлакатларидан келган мутахассислар делегацияларининг аъзолари разведка йўли билан турли ахборотлар тўплаган ҳоллар ҳам бўлган. Масалан, капиталистик мамлакатларнинг биридан СССРга келган темирйўлчи — мутахассислар делегациясининг аъзолари Москва, Ленинград, Рига, Киев, Луганск ва Ростов-Дон шаҳарларидаги темир йўл объектларини бориб кўргац вақтларида маҳфий разведка билан шугулланганлар. Маълум бўлишича, бу делегация аъзолари СССРга жўнашдан олдин маҳсус тайёргарликдан ўтган, фото ва киноаппаратлар, ихчам магнитофонлар ҳамда разведка учун керак бўладиган бошқа техник воситалар билан таъминланган экан. Делегация аъзоларига объектлар

барвақт тақсимланиб, уларнинг ҳар бирни ўзига «бирки-тилган» объект тўғрисида мумкин қадар кўпроқ маълумот тўплаши лозим бўлган.

Капиталистик давлатларнинг мамлакатимиизда турли кўргазмалар ташкил этишдан мақсади ҳам шу, яъни империалистик разведкани қизиқтирадиган ахборотлар тўплашдир. Кўргазма ташкил этиш халқаро савдо, саноат ва илмий-техника алоқаларини кенгайтириш формаларидан бирни бўлгани учун, мутахассисларнинг ҳамда совет жамоатчилиги кенг доирасининг эътиборини ўзига тортади. Капиталистик давлатлар томонидан ташкил этилган кўргазмаларнинг ходимлари орасида ҳамма вақт малакали разведкачилар ва жосуслар бўлади. Қимга ва қандай саволлар бериш кераклиги уларга олдиндан айтиб кўйилган бўлади, улар сұхбатни ўзларини қизиқтирадиган томонга буриб юборишга жуда уста, улар гўё самимий сұхбатлашаётандек бўчиб, мутахассисларни миздан кўп нарсани, қандай илмий ва техника масалалари ҳал қилинаётганлигини, фаннинг ва техниканинг уёски бу соҳаси қай даражада ривож топганлигини билиб олмоқчи бўлишиади. Империалистик разведка, шундай қилиб, кўргазмалардан маълумот тўплаш мақсадидагина эмас, балки идеология соҳасида кўпорувчилик шиллари олиб бориш учун ҳам фойдаланади.

ССРДа капиталистик мамлакатлар томонидан ташкил этилган кўргазмаларнинг бир қашасида кўргазмага борган совет кишиларига анкета тўлгазиш таклиф этилган; анкетада мана бундай саволлар бор; фамилияси, исми, отасшиниг исми, ёши, ихтиоси (касби), илмий даражаси, унвони, ишлаш жойи, қизиқтирадиган илмий-техника масалалари ва ҳоказо. Бу саволларга кўпчиликдан жавоб олинса, шу жавобларга асосланиб, баъзи совет ташкилотларининг ва муассасаларининг қандай иш билан шуғулланаётганлиги; айрим корхоналарининг қандай маҳсулот шиллаб чиқариши, айрим фан-техника тармоқларининг ҳарақиёт даражасини юзаки бўлса ҳам

анализ қилиш мүмкін. Масалан, СССР Фанлар академиясы Сибирь бұлымының Академиклар шаҳарчасыда 1968—1969 йилларда Англия, Япония ва Франция томеннидан ташкил этилган техника китоблари ва илмий ускундар күргазмасыда, шуннингдек Москвада ўтказылған Англия ва Германияның «Химия», «Қышлоқ хұжалик техникаси», «Оргтехника» күргазмаларыда шуидай анкета түлғазынш таклиф этилди.

«АҚШ графикасы» күргазмасы гидларидан айримлары күтпілмаганды Үрта Осіё районларынан бириң қандай ракета позициялары борлығы ва уларның қаерда жойлашғанлығы билан қизықты қолди. Москвада ўтказылған Америка саноати күргазмасының ходими эса чет эллік мәжмөуларни мамлакатимизда сайр қылдырып қозасыдан белгиланған тартибни бузып, үзіча Горькій обlastига боради ва у ердаги жуда муҳым корхона биносини ва үнга олиб борадын темір нұл тармоқларыны расмга олаётган вақтыда уни шу корхона ишчилари құлға туширади.

Ленинградда ўтказылған Америка савдә-саноат күргазмасының иккита ходими тегишли рухсат олмасдан Украинаның жанубий районларына боради. Чет элліклар учун ёпік ҳисобланған районға ўтиб олганларыда уларни совет гражданлари құлға туширади.

«АҚШ медицинасы» күргазмасының, яъни бундай қараашда ҳар қандай махфий ниятдан үзоқ бўлиб кўришган бу тармоқтарни иккى ходими — Маннаскер билан Шительманшынг ҳарбий характердаги маълумотлар тўплаш билан шуғулланғанлығи далалларда исбот қилинди.

АҚШ, Англия, ГФР, Япония ва бошқа капиталистик мамлакатларниң разведкалари денгиз савдо ва балиқчиллик флоти кемалары экипажининг баъзи аъзоларидан, мамлакатлар ўртасыда қатнайдиган поездларнинг айрим бригада аъзоларидан, халқаро ҳаво йўлида қатнайдиган самолётларининг экипажи составига қўшилған айрим шахслардан СССРда жосуслик қишлиш учун фойдала-

нади. Бу категориядаги чет элликлар Совет Иттифоқиң күргина йирик шаҳарларига мунтазам равища бориб-келиш ва дengiz соҳилидаги, дengiz бўйи районларидаги, магистрал темир йўллар ҳамда асосий ҳаво йўллари яқинда муҳим объектларни мунтазам равища ўрганиш имкониятига эга. Бу разведкачилар бутун куч-куватини совет ҳарбий-дengиз портларининг қаердалиги ва техника билан қуролланиш даражаси, Совет Ҳарбий-Дengиз Флотининг кучи, қуроллари ва техникаси қаерда тўплаганлигига ҳақида, СССР территориал сувлари ва дengиздаги давлат чегарасининг қўриқланиш системаси, муҳим саноат, темир йўл ва бошқа объектлар тўғрисида, СССР территориясига яширин йўл билан ўтиш имкониятини билib олиш мақсадида чет эллик дengизчиларининг совет савдо портларида бўлиш режимига ҳақида маълумот йиғиши ва тўплашга сарфламоқда. Чет эл кемалари экипажи сўрниш авзодларини оғона киши ҳужжати билан ёки бутуслай ҳужжатсиз совет соҳилига чиқиб олишига кўп марталаб барҳам берилган.

Жосуслик билан қўлга тушган В. Алърихснинг айтишча, у штурман бўлиб ишлаган вақтидаёқ жосуслик қила бошлаган. У кемада Совет Иттифоқи портига келар экан, совет дengиз портларининг ҳолати ҳақида, соҳил яқинидаги сувиниг чуқурлиги, портларнинг қўриқланиш системаси тўғрисида, шунингдек СССР Ҳарбий-Дengиз Флотига тааллуқли кемалар, ҳарбий қисмларининг жойлашиши, уларнинг шахсий состави ҳамда қуроллари тўғрисида маълумот тўплаган.

Япон балиқчилари ва Япония дengиз флоти дengизчилари орасидаги разведкачилар ва жосуслар Узоқ Шарқдаги совет портларида бўлгандаридан тўғридан-тўғри кузатиш йўлни билангниа эмас, балки техника воситалари(фото, кинотехника, радиотехника ва электрон аппаратлар) ёрдамида ҳамда совет кишиларидан суриштириб, улар билан алоқа боғлаб ҳар хил ахборотлар тўплашга уринишади.

Империалистик разведканинг одатини яхши биламиз; шунинг учун, СССРнинг капиталистик мамлакатлар билан хизматга доир алоқаларни ривожлантиришидан, бундай алоқаларнинг кўп хиллигидан жосуслик соҳасидаги «мутахассислар» келгусида ҳам давлатимизга қарши қаратилган қўпорувчилик ишлари учун фойдаланишлари мумкинлиги бизни таажжублантирмайди. Бироқ мамлакатимизга Farbdan иш билан келувчи ажнабийларнинг кўпчилиги жосусликни маъқулламаяптилар ва улар тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вазифаларни вижданан бажаришга уринмоқдалар.

«ЛИНКОЛЬН ОПЕРАЦИЯСИ» ВА БОШҚАЛАР

Илм-фан ҳозирги вақтда инсонлар ҳаётида борган сари каттароқ роль ўйнамоқда. Фан соҳасидаги алоқалар фаннинг ривожланиш суръатини ва характеристикини белгилаб берадиган жуда кўп факторлардан бирин бўлиб, муҳим аҳамиятга эга. Муболағасиз айтиш мумкин, илмий-техника революцияси шароитида фаннинг турли тармоқларида олимлар ўртасида алоқа ўрнатиш фан ва техникани илгарн суриш учун туртки бўлади.

Америкалик машҳур олим Норберт Винер олимлар ўртасидаги алоқаларнинг илмий пжодиёт учун катта аҳамияти борлиги тўғрисида бундай деб ёзган:

«Мен идрокли, доно одамлар билан барвақт танишганлигимдан ғоят мамнунман, ҳолбукни мени бошқа алоқалар фан соҳасига мутлақо бошқа йўл билан етаклаши ҳам мумкин эди, бу ҳолда мен ҳар хил илмий алоқалар йўқлигидав ношуд тентакка айланиб қолардим. Илмий алоқаларнинг нисбатан камлиги ҳалокатга олиб бормаган бўлса-да, ҳар ҳолда сезиларли даражада зиён етказган ҳоллар жуда кўп бўлган»¹.

¹ N. Винер. Я — математик. М., «Наука», 1967, 344-бет.

Илм-фан соҳасидаги алоқалар фан соҳасида эришилған ютуқларни ва ихтироларни кенг ёйишга ёрдам беради. Улар эрншилган ютуқларни таңқидні таҳлил қылиш ишларини жонлантириб юборади, күзда тутилаётган проблемалар ва тадқиқот йўналишларининг илмий жиҳатдан маъқуллатилишига имкон беради, олимларнинг бир-биринн илмий гипотезалар, назариялар, фактлар билан, шунингдек самарали тадқиқот усулларни ва методлари билан бойитишга йўл очиб беради.

Фан-техника тараққиёти юксак даражага кўтарилиган Совет Иттифоқи сингари давлатда фан соҳасида мамлакат ичида самарали алоқалар ўрнатиш учун жуда катта имкониятлар бор, албатта. Бироқ Совет Иттифоқи илмий-техника соҳасидаги ҳамкорликни изчиллик билан кенгайтириб, социалистик мамлакатлардаги олимлар билан гина эмас, балки капиталистик мамлакатларнинг олимлари онларни ҳам алоқа боғламоқда. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Коғигин КПСС XXIV съездиде қўлган докладида, илмий-техника соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш янги беш йиллик топшириклиарини муваффақиятли бажаришимизга ёрдам бермоғи лозим, деб таъқидлаган эди.

Империалистик давлатларининг разведкалари олимларининг алоқа боғлашга объектив иштилишларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қўлмоқдадар. Шунисп ачинарлики, илмий-техника соҳасида фикр ва тажриба алмашиб мақсадида совет олимлари билан мунтазам равишда учрашиб турадиган баъзи олим ва мутахассисларни шу соҳадаги разведка ишларига тортиш амалда қўлланиммоқда.

Америка разведкаси жосуслик йўли билан маълумот тўплаш учун махсус операциялар ишлаб чиқмоқда. Шундай операциялардан бири «Линколни операцияси» деб аталади; бу операция СССРнинг ракетасозлик соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳақида жосуслик йўли билан маълумот тўплаш

учун америкалик олимлардан фойдаланиши кўзда туради.

Америка матбуотида босилиб чиқсан кўпгина хабарларга қараганда, Марказий разведка бошқармаси (МРБ) Совет Иттифоқига юбориладиган делегация аъзоларини танлашда кўпинча иштирок этиб, ўз разведкачлари ва агентларини делегацияга қўшиб қўяр ва улар учун шу программаси тузиб берар экан; илмий-техника ишлари соҳасидаги разведкани қизиқтирадиган масалаларни аниқлаб берадиган саволлар жуда пухта ишлаб чиқилар экан.

Делегация составидаги олим ва мутахассисларнинг СССРга бориб келгалик тўғрисидаги ҳисобот бериш тартиби ҳам МРБ иштирокида ишлаб чиқилган. Ҳисоботда конкрет илмий масалалар тўғрисидаги ахборот мукаммал баён қилиниши, СССРдаги у ёки бу фан тармогининг ривожланиш даражасини АҚШ даги шу фан тармогига солиштириб уларга берилган қиёсий баҳо кўрсатилиши, СССРдаги фан ва техниканинг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек совет жамоатчилигининг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ёзилиши шарт қилиб қўйилган.

АҚШ Фанлар миллий академияси қошидаги СССР ва Шарқий Еврона мамлакатлари масалалари бўйича комитет ҳатто бу тўғрида қўлланма чиқарган. Қўлланмада, жумладан, бундай дейилади: «Тажриба алмасиши мақсадида СССРга бориб келган ҳар бир олим чет эл бўлимига ҳисобот тошириши лозим, унинг ҳисоботи фойдалан ахборот манбаси бўлиб ҳисобланади... Олим мазкур мамлакатнинг қаерларида бўлганлигини, қайси институтларга борганлигини, бу институтларнинг адресларини, бўлимларнинг рўйхатини, институтларда ишловчи олимларнинг номларини, шунингдек институтларда олиб борилаётган ишларнинг таърифини ва уларга берилган баҳони хронологик тартибда ҳисобда кўрсатниши керак». Қўлланмага мувофиқ, етакчи совет мутахас-

сислари билан бўлган учрашувлар ҳисоботда алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим.

Ҳар йили Совет Иттифоқига капиталистик мамлакатлардан юзлаб олимлар ва мутахассислар делегациялари келади. Бу делегация аъзоларининг ҳар бирнга потенциал разведкачи деб қараш ақлсизлик бўлур эди, албатта. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, келган олимлар ва мутахассислар орасида мұхим масалаларга тааллуқли илмий ишлар ва лойиҳалар ҳақидаги яширин ахборотларини билиб олишга уринувчи шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, Совет Иттифоқига илмий ахборот алмаши учун келган америкалик олим Стивин баъзи совет олимлари билан учрашганида улардан ўзи учун керакли маълумотларни билиб олишга уринади. Стивин усталик билан иш қилади. Насл-насабининг руслигига таяниб у мамлакатида дўстона муносабатдалигини, бизнисиг «ватандошимиз» эканлигини таъкидлайди. Шу йўл билан у баъзи олимларни ўзига ишонтириб, ажнабийларга рухсат этилмайдиган айрим илмий муассасаларга бориш учун рухсат олишга мусассар бўлади.

Бундан уч йил муқаддам Урта Осиёдаги совет республикаларига америкалик ўсимликларни ос олимлар келади. Шу олимлардан иккитасининг юриш-туриши қандайдир шубҳали кўринади. «Районнинг ўсимликлар дунёсини ўрганиш» баҳонаси билан бу иккя шахс мұхим ҳарбий обьектлар жойлашган ерга бормоқчи бўлишади. Бундан ташқари, улар СССР Урта Осиё қисмининг йирик масштабли харитасини зўр бериб ахтаришарди.

Мамлакатимизга олим сифатида келган разведкачилар хусусан ҳалқаро илмий конференцияларда, конгрессларда, симпозиумларда, кенгашларда турлї ахборотлар олишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Чунки бундай илмий анжуманлар нисбатан тор соғадаги масалаларга бағишлиланган бўлиб, унга фанниг у ёки бу тармоғига алоқаси бўлган юқори малакалы мутахассис-

ларгина йиғилади. Бундай конференция ва симпозиумларга капиталистик мамлакатлардан келувчи олимлар анжуманда ўзини қандай тутиши кераклиги ва қандай саволлар бериши лозимлиги түғрисида күпинча маҳсус ташкилотлардан йўл-йўриқ олган бўлади. Шу саволларнинг жавобидан разведкани қизиқтирадиган масала түғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумжин.

Москвада гидродинамика бўйича ўтказилган халқаро илмий конгрессда ажнабий делегатлардан бирни мудофаа аҳамиятига эга бўлган баъзи бир масалаларнинг СССР да қай даражада ҳал қилингандигини, яъни қандай аҳволда эканлигини билиншга кўп уринди. Москвада кристаллографларнинг халқаро илмий конгресси ўтказилган вақтда ҳам голландиялик вакил баъзи нарсаларни билиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Жуда сахнйлик қилиб сувенирлар улашди, баъзи олимларимиз билан дўстлашиб олмоқчи бўлди. Унинг кўзлаган мақсади СССРда фаннинг шу тармоғига алоқадор бўлган энг муҳим ва перспектив масалалар устида ишлётган олимларни шу соҳадаги тадқиқот ишлари олиб борилаётган институт ва лабораторияларнинг қасрдалигини улардан билиб олиш эди.

Шундай фактлар ҳам бўлганки, халқаро илмий конференцияларнинг ишида қатнашган американлик «олимлар» маҳсус суҳбатларни ёзиб олиш учун кийими тагида ихчам магнитофон олиб юришган.

Империалистик мамлакатларнинг разведкалари СССРга консультант сифатида юбориладиган олимларни, шахсий кишилар ва туристларни ўз тошириқларини бажаришга жон деб жалб этади. Туристлар мамлакатимизга биронта совет ташкилотининг таклифи билан эмас, балки ўзларни келишади; шунга қарамай, улар илмий ташкилотларга боришга, совет олимлари ва мутахассислари билан шахсан танишшишга ҳаракат қиласидилар. Так олиш керакки, баъзап бунинг уддасидан чиқадилар ҳам.

Кейнер исмли америкалик олим Совет Иттифоқига турист сифатида келади ва дарҳол совет олимлари ҳузурига ташриф буюради (у бу олимлар билан АҚШда учрашганида танишиб қолган экан). Кейнер бу ғайри расмий учрашув вақтида ўз танишларига мудофаа масалалари боғлиқ тадқиқот ва конструкторлик ишлари тўғрисида саволлар беради, сұхбатни ёзиб олади. Ҳаддан ташқари қизиқувчи туристга нисбатан тегишли чоралар кўришга тўғри келди.

Шундай айтиш керакки, империалистик разведканинг кўрсатмасига мувофиқ иш кўраётгап буржуа олимларининг совет олимлари билан бўлган учрашувлардан бир томоплама фойда олишга уринишни кўзга яққол ташлашиб туради. Улар ўз ишлари, ҳатто умумилмий характеристидаги масалалар ҳақида ҳам жуда кам ва истар-истамас гапириб: «Бу фирманинг сирия» ёки «Бу томонни Геншатон махфилиштирган» деб қўя қолишади. Бироқ ўзлари совет олимларининг тадқиқот ишларни билан ҳаддан ташқари қизиқишишади.

Соф виждонли, жиддий олимлар СССРга қарши жосуслик қилиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифларни, одатда газаб билан рад этадилар. Улар ҳозирги замон империализмининг ички реакциони сиёсати билан ташки агресив сиёсатини ўтказишда разведкачи ташкилотлар қандай роль ўйнаётганини жуда яхши билишади. Бироқ умуман буржуа зиёлларни ичидаги бўлганидек, булар орасида антикоммунизм, реакция ва ирқчилик тарафдорлари ҳамда мунофиқлар, иккى юзламачилар ҳам борки, улар илм-фан науояндлари ниқоби остида жосуслик қилишдан бош тортмайдилар, бу эса уларнинг социализмга ва ушинг асосий таяничи — Совет давлатига ғарши курашиш методларидан биридир.

«Советолог ва кремленолог» деб аталувчи сохта олимларининг пайдо бўлиши ҳозирги замон империализмининг ёмон оқибати бўлиб, буржуа фанининг кризисга учраганлигидан, тубдан бузилётганилигидан далолат

беради; бу сохта олимларнинг сиёсат соҳасидаги жосуслик маълумотларига кўп жиҳатдан асосланган тадқиқотлари бутунлай СССРга қарши қўйорувчилик ишлари елиб боришга қаратилгандир.

Кейинги йилларда мамлакатимизга ана шундай сохта олимлар, яъни «рус ишлари бўйича мутахассислар» тез-тез келадиган бўлиб қолди. Улар совет гражданларига хилма-хил саволлар бериш ҳамда маҳсус анкеталар тарқатиш йўли билан ўзларини социологик тадқиқотлар ўтказаётган қилиб кўрсатишига ҳамда шу тарзда жосуслик маълумотлари тўплашга уринмоқдалар.

Империалистик давлатларнинг разведкалари мамлакатимизга узоқ муддатга стажёр, аспирант ва студент бўлиб келадиганлардан баъзиларини жосуслик ишига тортмоқдалар.

Ажнабийларнинг шу топфасидан бўлган разведкачилар ва жосуслар бевосита илмий-техника разведкаси соҳасидаги топшириқларни ҳам, шунингдек бошқа соҳадаги топшириқларни ҳам бажармоқдалар, масалан, бошқаларни жосусликка тортиш иши билан шугулланмоқдалар.

Биринчи ҳолда стажёр, аспирант учун СССРда бўлпш программаси ишлаб чиқилади; бу программада унинг разведкани қизиқтирадиган масалалар билан мумкин қадар кўпроқ танишиши кўзда тутилгандир. Америкалик Ўерт Москвадаги тадқиқот институтларидан бирига стажировкага, яъни тажриба ортиришга келади; унинг ўз илмий иши юзасидан тузган программаси жуда кенг бўлиб, фанинг кўпгина тармоқларига тааллуқли масалаларни ўз ичига олган, бу программа қабул қилиниб, илмий иш шу асосда олиб борилгандами, ў давлат ёнларини ўз ичига олган кўпгина маълумотларни қўлга юритган бўлур эди.

Бошқа ҳолларда стажёрнинг иш программасида ёки аспирантнинг ўқув программасида жуда кўп илмий муассасалар ва ташкилотлар билан танишиш, шунингдек

уларнинг илмий темаларига кўпинча ҳеч қандай алоқаси бўлмаган масалаларни ўрганиш кўзда тутилган бўлади. Масалан, Англиядан СССРга рус адабиёти тарихини ўрганиш учун келган стажёр Бекер вақтининг кўпроқ қисмини адабиётга эмас, балки совет ёшларини йўлдан уришга сарфлади, ахлоқсиз, мафкураси бузуқ шахсларни ўз тузогига илинтиришга ҳаракат қилди. мақсадига эришган бўлса, у бундайлардан совет воқелиги тўгрисида гаразли сиёсий ахборот олган бўлур эди.

1967/68 ўқув йилидаги СССР Фанлар академияси билан АҚШ Миллий академияси ўртасида илмий ахборот алмашув бўйича Иллинойс университетининг физика профессори Кларк Робинсон мамлакатимизда стажировкада бўлди. Стажировка вақтида Робинсон ёш совет олимни Викторов билан дўстлашди, унинг хулқ-атворини, нималар билан қизиқишини, нималарни ёқтиришини, хуш кўришини, оиласавий аҳволини обдан билib олди; кейин Викторовни Америка элчинонаси маданият бўлимининг ходими Вернер билан учраштириди; Вернер эса ундан Америка жосуси тайёрлашга кўп уринди.

Америкалик стажёрлардан Стефан Саломон — Индиана штатидаги университетининг физика лабораторияси илмий ходими ва Энтони Трома — Стенфорд университети математика профессоринини ассисенти ҳам ёш олимни йўлдан уришга ҳаракат қилишди. Улар Викторовни АҚШ элчинонасининг маслаҳатчиси Рассел билан учраштириди.

Викторов тегишли совет органларига ёзган аризасида бу «стажёрлар» ва уларнинг раҳбарлари, яъни америка элчинонаси разведкачи дипломатлари фаолиятинн батағфосил таърифлаб беради. Унинг бу аризаси «Литературная газета»сида «Жаноб Рассел ва бошқалар» деган сарлавҳада босилиб чиқди. Мана шу аризанинг мазмуни:

Мамлакатимизга илмий ахборот алмашиш бўйича келган американлик физик-олим Робинсон 1968 йилнинг

бошида мени АҚШ нинг Москвадаги элчихонаси дипломати жаноб Вернер билан таништириди,—деб ёзади Викторов.— Робинсон бу дипломат Совет Іттифоқига яқинда келганинги ва мамлакатимизни яхшироқ тушунив олишга ҳамда рус тилини тузукроқ ўрганишга ёрдам бера оладиган киши билан танишмоқчи бўлаётганлигини айтib, мендан у билан танишишга розилик олиш учун кўп уринди.

Аввал бошда сұхбатларимиз танишиш, билим орттириш тарзида ўтди: жаноб Вернер биzinинг мамлакатимиз билан қизиқди, мен эса, ўз павбатида Қўшма Штатлардаги ҳаёт билан қизиқдим, тил ўрганиш жиҳатидан бу сұхбатлар иккаламизга ҳам бирмунча фойда берди. Дипломат сертакаллуф бўлиб чиқди, илмий ишим учун материал тўплашда қўйналаётганлигимни билиб, АҚШ дан зарур китобларни өлдиришда менга ёрдам беражагини айтди. Кейинчалик бу доимий тус олди.

Бора-бора сұхбатларимизда сиёсий масалалар ҳам қўзготила бошланди. Мен сұхбатдошларимнинг турли мулоҳаза ва фикрларидан уларнинг мамлакатимизга душманлик муносабатида эканлигини тушунив олдим. Менинг айрим танқидий гапларимни улар, афтидан, қандайдир бир алоҳида нуқтаи назарим деб ўйлаган бўлсалар керак.

Жаноб Вернер маданият бўлимида ишлар ва элчихонанинг кутубхонаси унинг ихтиёрида эди. У менга илмий темамга тааллуқли китоблар билан бирга, АҚШ да рус тилида нашр этилган бошқа бир қанча китобларни ҳам берди. Мазкур китобларни ўқиганимдан кейин бу жанобнинг кўзлаётган мақсади менга равshan бўлди-қўйди — китобларда мамлакатимиз ва коммунизм тўғрисида, юмшоқ қилиб айтганда, анча беъмани, ёмон сўзлар ёзилган эди.

Жаноб Вернер билан бўлган шундай учрашувларининг бирида сұхбатимиз инчоят даражада «жиддийлашиб» кетаётганлигини сездим. Менинг фикрим, танишларим-

нинг ва ҳамкасбларимнинг бир қанча халқаро ва ички сиёсий воқеалар түғрисидаги фикрларни уши шиҳоят даражада қизиқтиради.

Польшага командирровкага жўнашим олдидан жаноб Вернер билан бўлган сұхбат менинг янада кўпроқ ҳушерлигимни оширди. Вернер менга польшалик зиёлиларнинг кайфиятига алоҳида эътибор беришни, мамлакатнинг турли районларидаги вазиятга баҳо беришни ва ўз кузатишларимни АҚШ нинг Варшавадаги элчихонаси ходимига, ушинг яқин танишига, гапириб беришимни тавсия этди. Жаноб Вернер тавсия этган ишларининг биронтаси билан ҳам шуғулланмадим. Августда тўсатдан зиёфатга таклифнома олдим, зиёфатни АҚШ элчихонаси халқаро конференцияда қатнашган америкалик олимлар делегацияси шарафига уюштирган экан. Зиёфатга келганимга атиги ўн минут бўлған эди, америкалик бир олим онлан гаплашю турганимда кимдир орқадан келию мени қўлтиқлади; ўрта бўйли, тўладан келган, очиқ юзли, шоҳ кўзойнек тақиб олган, рус тилини аъло даражада биладиган бу киши мен билан танишиб, ўзининг АҚШ элчихонаси ходими Рассел эканлигини айтди. Сұхбатдошим Расселни кўриб хижолат бўлди ва кечирим сўраб, тезда ёнимиздан кетиб қолди.

Уиниг бизни ёлғиз қолдириши Расселга маъқул тушди; Рассел бу учрашувни орзиқиб кутганлигини, мени Америка элчихонасининг яқин дўстни деб билишини, мен учун ажойиб китоблар тайёрлаб қўйганлигини ва баъзи бир муҳим масалаларни ҳал қилиб олиш учун яқин ўртада учрашувимиз зарурлигини айтди. Менинг АҚШ элчихонаси биносига кинофильм кўриш учун келишим қулагай бўлармикин, келганим тақдирида бу ерда «Ўзгалир»нинг диққатини жалб этмай, бемалол сұхбатлашиш мумкин бўларди, деб, менинг шу тўғридаги фикримни билмоқчи бўлди. Лекин довдираб қолганлигимни кўриб, бу масала ҳақида бош қотирмаслигимни илтимос қилди ва бундай учрашув йўлини ўзи топажагини айтди. Жа-

Жаноб Рассел менинг түғримда аниқ маълумотларга эга ёкан, унинг оиласи ва плмий ишлам түғрисидаги баъзи мулоҳазаларидан шуни тушуниб олдим.

Шундан бир ярим-икки ой ўтгандац кейин, институтимизда ташкил этилган кечаларнинг биринда чекиш хонасига кетаётганимда иккнин киши менга етиб олди; булардан бири америкалик стажёр-физик Саломон эканлигини илгаридан билардим, лекин иккинчиси унинг ватандоши — математика институтининг ходими Тромба эканлигини кейин билдим. Улар мени туалетхонага олиб киришди, Тромба хонани тезгина кўздан кечириб, бегоналар кириб қолмаслиги учун эшик олдида туриб олди, Саломон эса бундай эҳтиёткорлик учун кечирим сўрагац, жаноб Расселнинг саломийи тошишмоқчилигини, мени унтишмаганин ва яқин қуналарда Америка элчинхонасига мени таклиф қилишмоқчи эканликларини ва албатта боришим кераклигини айтди. Кўп ўтмай, мени АҚШ элчинхонасига зиёфатга таклиф этишди. Таклифномада жаноб Рассел билан унинг рафиқаси Рассел хоним онлавий тантана муносабати билан мени коктейль ичишга таклиф этаётганилиги ёзилган эди. Мени Рассел хоним кутнуб олиб меҳмонхонага бошлаб кирди, у ерда мени жаноб Расселнинг ўзи қучоқ очиб кутиб олди. Салгина кечикиб келган бўлсам ҳам, ўзимдан бошқа меҳмонни кўрмадим, таажужбланганимни сезди шекилли, жаноб Рассел мени қучоқлаб, деди: «Жаноб Викторов бу менинг кичкинагина ҳийлам. Бугун сиз менинг яккаю ягона меҳмонимсан. Учрашув учун шаронит тугдирман деб ваъда бергандим сизга, бегоналар дўстона суҳбатимизга халақит берган бўларди».

Жаноб Расселнинг узоқ давом этган бу суҳбатда айтган гапларини бирма-бир сўзлаб бернишнинг ҳожати йўқ. Мен фақат асосий гапларгагина тўхтаб ўтаман.

Суҳбатимиз бошида жаноб Рассел 30—40 минут вақтини менинг нима учун АҚШ фойдасига ишлаш таклиф қилиниаётганилигини асослаб беришга сарфлади.

Ниҳоят, улар билән ҳамкорлик қилишга «розилик» бердим ва суҳбат шу билан тугаса керак деб ўйладим, чунки шартлашганимиздан кейин қадаҳ күттардик. Жаноб Рассел бизнинг таниш эканлигимиз сир тутилиши зарурлигини ва у билан, барча эҳтиёт чораларини кўргани ҳолда, кимлар орқали боғланиш кераклигини айтди. Мабодо жаноб Расселни зудлик билан кўришни истаганимда АҚШ элчихонасидан бошқа ерда яшайдиган америкалик икки дипломатга қўнғироқ қилишим лозимлигини айтиб, менга уларнинг квартира телефонлари номерини берди.

Жаноб Рассел улар билан гаплашганимда ўз фамилиямини тилга олишга ҳаққим йўқлигини ва ўзимни СССРга келган америкалик олим, дипломат Том Грег деб танитишим зарурлигини айтди, чунки мен инглиз тилида яхши гапиравардим.

Кейин Рассел менга биринчи топшириқни тушуниди. Уни фан-техника соҳасида ахборотлар алмашиш ва халқаро конференцияларда қатнашиш учун АҚШга борадиган совет олимлари, менинг ҳамкасбларим тўгрисидаги ҳар қандай тафсилотлар қизиқтирасиди. Жаноб Рассел навбатдаги учрашувга бу кишилар тўғрисида тўла маълумот олиб келишинин илтимос қўлди.

Жаноб Рассел СССРда ўтказилаётган муҳим илмий-техника тадқиқотлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам, ҳарбий заводлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам уни қизиқтиришини айтди, лекин бундай маълумотлар тўплаш билан маҳсус шугулланишим шарт эмаслиги, «социаликча» билиш мумкин бўлганлар тўғрисидаги ахборотларнинг ўзи кифоя қилишини айтди.

Жаноб Рассел суҳбатимиз чўзилиб кетганлиги шубҳа туғдириши мумкинлигини айтиб, мени хавфсизлик учун элчихонадан ўз автомобилида олиб чиқиб кетишни таклиф этди. Биз ҳовлига чиқдик, у машинанинг орқа эшигини очди ва кечирим сўраб, ўриндиққа ётиб олишимни

ильтимос қилди, кейин устимни плашч билан бекитди. У элчихонадан машинани жуда тез ҳайдаб чиқди, Пушкин майдонида мени машинадан туширди-да, хайрлашмасдан тезда жүнаб қолди.

Мұлжалланган навбатдаги учрашуви мизда жаноб Расселга гүё мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқарадын бир қаңча заводлар ҳақида маҳсус тайёрланған ахборотларни топширдім. Ү менга дикқат билан қулоқ солды, саволлар беріб, баъзи нарсаларни аниқлады, кейин уларнинг ҳаммасини бирма-бир ёзіб олди. У техника соҳасидаги мутахассис бўлмаганлигидан шундай қилғаш бўлса керак. Сўнгра жаноб Рассел Совет олимлари тўғрисида характеристика тайёрлаш ишининг қандай бораётганлигини суриштирди. Мен америкалнклар совет олимлари тўғрисидаги бундай маълумотларни ҳеч қачон ололмасликларини атайн айтдим, чунки бу жуда сермашаққат иш эканлигини, бунинг учун одамлар билан учрашишим зарурлигини, бунга эса камида ярим йил вақт кетишини тушунтирдім. Жаноб Рассел бунинг дарқақиқат машаққатли иш эканлигини тан олди, лекин бу ишни яқин икки ой ичида ниҳоясига етказиш зарурлигини айтди.

Жаноб Рассел отпускага кетишини, шунинг учун унга тегишли зарур маълумотларни СССРда ташкил этілган «АҚШ халқ маорифи» кўргазмаси, раҳбарларидан биринга топширишимни ильтимос қилди, бу кишини шахсан огоҳлантириб қўйганлигини ҳамда бу америкалик Расселнинг ўзи сингари ишончли одам эканлигини таъкидлади.

Бундан кейинги сұхбатимиз мазмуни мен кутгандаги дан бошқача бўлиб чиқди. Жаноб Рассел Совет Иттифоқида ишлаш жуда қийин эканлигини (жосуслар учун қийин бўлса керак деб тушундим), мушкул аҳволга тушиб қолиш мумкинлигини айтди, шу туфайли мен оиласам билан АҚШга кетгудек бўлсам, у ва бошликлари бизни бажонидил қабул қилишларини ва ҳозирданоқ бу бо-

рада баъзи бир тайёргарлик ишлари олиб борилаётган-
лигини англатди».

Бундай баёнотга изоҳининг ҳожати йўқ.

ТУРИСТЛАР ОРАСИДА

— Сизнинг улуғ мамлакатингизга боришни, унинг ажо-
йиб ютуқларини ўз кўзимиз билан кўришни кўп йил-
лардан буёни орзу қиласадик. Биз Москва, Ленинград,
Киев, Волгоград, Брест, Тбилиси, Боку, Тошкент, Братск,
Владивостокда ва бундан бошқа кўпгина шаҳар ва қиши-
лоқларда бўлишни, совет кишилари билан танишишни ва
дўстлашишин истаймиз.

Дунёнинг турли томонидан СССРга группа билан ва
якка ўзлари келаётган туристларнинг кўпчилиги шундай
дейди.

Мамлакатимиз ҳаёти билан танишишинистаганлар-
нинг ҳаммасига совет халқи очиқ юз билан эшигини кеңг
очиб қўяди ва туристларнинг саёҳати кўнгилли ўтиши,
наф келтириши учун қўлидан келганини аямайди. Совет
Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида кейинги йил-
ларда янгидан-янги меҳмонхоналар, пансионатлар, кем-
пинглар, туристик базалари, ресторандар ва кафелар
қурилдики, буларнинг ҳаммаси юз минглаб туристларга
хизмат кўрсатади.

СССРга келувчи туристлар сони йилдан-йилга кўна-
йиб, ҳозирнинг ўзида қарийб миллиопн кишига етди. Бу-
нинг бонси — Октябрь Ватанининг жуда зўр жозибадор
кучга эгалигидир. Буржуа матбуоти, радио ва телевиде-
ниесининг советларга қарши қаратилган тарғиботини пи-
санд қилмасдан, баъзи бир чет эл антисовет, айниқса сио-
нистик ташкилотларнинг дўқига ва қўрқитувига қара-
масдан, буржуа жамиятининг ҳамма табақа вакиллари
Совет Иттифоқига келмоқда.

Туризм туфайли бизнинг чет эллик дўстларимиз то-
бора кўпаймоқда. Улар СССРга келиб, унинг ҳар бир

соҳада жуда катта мұваффақиятларга эришганлыгын үз күзлари билан күрмөқдалар, уларни халқимизнинг тиңликсеварлиги ва хайрихохлиги, меҳмондўстлиги ва ҳушмуомалалиги, меҳмонларга бўлган чуқур ҳурмати жалб қилмоқда. Капиталистик мамлакатларининг ҳатто буржуа тарғиботи томонидан қўрқитилган ва социализм тўғрисида хотўғри тасаввурга эга бўлган гражданлари ҳам мамлакатимизни кўриб кетганларидан кейин кўпинча ўзларининг социализм тўғрисидаги, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсати ҳақидаги фикрларини ўзгартирмоқдалар.

Шубҳасизки, туристларнинг кўпчилиги мамлакатимизга яхши ният билан келишади ва мамлакатимиздан дўст бўлиб кетишади. Лекин ҳар замон-ҳар замонда разведкачи, жосус, эмиссар ҳам мамлакатимизга гурпст сифатида келиб қолади.

Америкадаги реакциян газеталардан бирин оммавий туризм вужудга келтираётган имкониятларга баҳо берриб, бундан бир неча йил мұқаддам бундай деб ёзган эди: «Қўшма Штатлар шундай бир континентлараро қурол кашф этдик, бу ядро қуроли ҳам, баллистик қурол ҳам эмас, бу — американлик туристдир». Ўшандан бери СССРга турист сифатида келган қанчадан-қанча жосулар ва идеологик диверсантлар мұваффақиятсизликка учради. Совет ҳукумати туризмдан жосуслик мақсадларида фойдаланиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол эканлиги ҳақида баъзи капиталистик мамлакатларининг ҳукуматларини расмий равишда огоҳлантириди. Шунга қарамасдан, айрим капиталистик мамлакатлардаги разведкалар ўзларининг СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган қўпорувчилик фаолиятида туристлардан фойдаланмоқдалар.

Кунлардан бир кун Москвага Кристнер Чарльз Роберт исмли американлик турист ташриф буюрди. У совет пойтахти билан юзаки танишди-да Озарбайжоннинг кўркам жойларинн томоша қилиш мақсаднда Бокуга жў-

иаб кетди. Бу ерда Кристнер рус тилини яхши билиши-ни баҳона қилиб, таржимон-гид ёрдамидан воз кечди ва шаҳарни ҳамроҳларсиз, якка ўзи кезди, кўп жойларни фоторасмга олди, совет кишилари билан учрашди. Бу ерда унинг саноат объектлари ва ҳарбий қисмлар билан ҳаддан ташқари қизиқаётганлиги пайқаб қолинди.

Кристнер Бокудан Волгоградга жўнади. Маълум бў-лишича, у йўлда кетаётиб ҳам вақтни бекор ўтказмабди. Вагон деразаларидан айрим объектларни ва ўзининг эътиборини жалб қўлган нарсаларнинг ҳаммасини расмга олибди.

Лекин Волгоградда Кристнер муваффақиятсизликка учради: у валютачи-спекулянгта дуч келади, иккаласи тезда тил топишади; Кристнер унга чет эл пудини сотмоқчи бўлади; айни битим пайтида ҳар иккаласи қўлга тушади. Тинтв вактила валютачининг ёнидан жуда яса та суммада америка долларси ва совст пули топиб олинидан ва мусодада қилиниади, «турист» Кристнернииг ёнидан икки дона фотоаппарат, қўйин дафтари, кийим ичидан боғланадиган камар, унинг ичидан эса турли маълумотлар ёзилган қофозлар, шунингдек объектлар расмга олинган плёнкали кассеталар топилади. Текшириб кўрпилса, плёнкага ҳарбий ва бошқа муҳим объектларнинг расми олинган ва қофозларга жосуслик йўли билан тўпланган маълумотлар ёзилган экан.

Тожикистоннинг Вахш водпайсига пахтацилик мутахассисларида ташкил тонган бир гуруҳ amerikaлик туристлар келишади. Тожикистонлик пахтакорлар ҳам-касларни меҳмондўстлик билан кутиб олишар экан, улар орасида пахтанинг қандай етиширилишини тузуккина тасаввур қилолмайдиган «мутахассислар» ҳам борлигига эътибор беришади. Бундайларнинг делегация составига нима учун киритилганлиги тезда аён бўлади: шундай туристлардан бирининг пахтазор ўрнига мудофаа аҳамиятига эга бўлган баъзи объектларни фоторасмга олаётганлиги пайқаб қолинади.

Баъзи туристлар олдиндан пухта ўйлаб, яхши ташкил этилган махсус жосуслик операцияларини ўтказиш учун мамлакатимизга келишади.

Гарбдаги капиталистик мамлакатлардан бирига СССРдан кўчиб кетган Антон Петровски жойлашиб олади. Бу шахс ва унинг оиласп — хотини, иккита ёш боласи ва онаси — бошқа мамлакатлардан шу ерга кўчиб келган оплалардан ўзининг очкўзлиги, бойиш ва давлат ортириш истаги билангина ажралиб турмаса, булар ўртасида бошқа сезиларли фарқ йўқ эди. Петровскиниң хирслигини бу ердагилар ҳам сезиб олишди. Ана шу нафси бузуқлиги уни ахири балога йўлиқтирди.

Петровски ўзига диққатни жалб этди. Қандайдир бир жаноб у билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолди, унинг ўтмиши, оиласи, СССРдаги қариндош-уруғлари, даромади, келгусидаги режаларни ва бошқалар ҳақиди суриштира бошлади. Қейинчалик эса унга тўғридан-тўғри жосусликни таклиф этди. Жосуслик қандай фойда келтиришини Петровски дарров фаҳмлай қолмади; жосуслик билан шуғулланишга розилик бергани учунгина унга бир йўла жуда катта пул тегишини ва қейинчалик разведка ҳар ой унга пул тўлаб туринини билгач, Петровски таклифга кўнди қўйди.

Орадан яна бир қанча вақт ўтди, шу ўтган давр ичнада мазкур шахс Петровски билан мунтазам равишда учрашиб турди, унга жосуслик йўли билан ахборот тўплаш методларини, шифрларни ва рамз билан махфий ҳэт ёзишни ўргатди. Бу янги жосусга унинг бажарадиган вазифаси ҳам секин-аста маълум қилинди. Разведкага мамлакатимизнинг гарбий районларидағи совет қўшилари ҳақидаги баъзи бир маълумотлар зарур эди. Баъзи маълумотларни Петровскиниң ўзи СССРга автотурист сифатида бориб тўплаши лозим эди. Белгиланган программани амалга оширишни Петровскиниң СССРда яшовчи акасига топшириш мўлжалланди, чунки Петровски уни жосусликка тортиши лозим эди.

Разведка Петровскига акасининг характеридаги бўш томонлардан, қариндошлиқ тўйғуларидан фойдаланиш йўлларини ўргатди ва акасини маҳфий иш тутишга, ишифр, маҳфий ёзув ва шу кабилардан фойдаланишга қаандай ўргатиш кераклигини ҳам кўрсатди.

Петровскига СССРга ёлғиз ўзи бормай, каминр оиласи ва СССРда қариндош-уруглари кўп бўлган яна битта кекса аёл билан бирга боришини маслаҳат кўришиди. Бундан кўзланган мақсад — жосуслик хуружнига қариндош-уругни зиёрат қилиш ниятида ўтказилаётгани саёҳат тусини беришдир. Разведка Петровскига жуда эҳтиёт бўлишини, Совет ҳокимиятининг эътиборини жалб этмасликни, кўрсатилган маршрутдан четга чиқмасликни, тартиб-қоидаларни бузмасликни, ўзи билан фотоаппарат, бинокль ва шу кабиларни олмасликни насиҳат қилди.

Август ойи эди. Петровскининг автомашинаси Брест чегараси контролъ-пропуска пунктига етиб келди. Жосустуристни ва унинг ҳамроҳларини бошқа кўпгина ажнабий туристлар сингари кутиб олишиди. Зарур расмиятчиликлар адо этилгандан кейин улар Минск шаҳрига жўнаб кетишиди.

Жосус хўжайнлари чизган режа бўйича иш бошлади. Петровски ўз ҳамроҳлари билан кемпингда тўхташди. Эртасигаёт қариндош-уруглар ва ошналар билан бинринчи бор учрашилди. Учрашув кетидан учрашув бўлаверди. Петровски кўпдан бери кўрмаган одамлари билан суҳбатлашар экан, оддий гапларни жуда эҳтпёткорлик билан шундай бурдики, бу гаплардан уларнинг совет воқелигига муносабатини билиб олиш мумкин эди. Сўз орасида у совет қўшинларининг дислокацияси, алоҳида муҳим объектларнинг қаерда жойлашганлиги билан ҳам қизиқиб қўйди. У гўё сайд қилаётгандек, Минск шаҳрини бир неча бор айланди ва унинг яқинидаги шаҳарларга бориб келди. Петровски айниқса ўзиning акаси билан кўп ва юзма-юз учрашди. У билан гаплашар экан, разведка йўли билан материал тўплаш кераклигини очиқ-

дан-очиқ англатди. Акаси аввал бошда күнмади, касатлигини бақона қылди, лекин, ахире, ён берди. Петровски акасига сүнгиги күрсатмаларни бериб, узоқ ва яқын қариндешлири билан хайрлашды ва қайтганидан кейин құлға катта пул тушишидан ҳузурланиб йўлга отланди.

Лекин унинг орзуси рўёбга чиқмади. Топшириқни астайдил бажараман деб ҳовлиқиши ва шилкимлиги шубҳа туғдирганинги Петровскининг ўзи ҳам билмай қолди. Чегара контроль-пропуска пунктіда текшириш вақтида Петровскининг машинасидан уни бадном қилувчи ҳужжат топилди. Жосусни фош қилиш ана шундан бошланди.

Кейин ҳамма иш ўз тартиби билан борди: Петровскининг қамоққа олиниши, бўйнига қўйилган айбни ва ҳатто аниқ далилларни, шу жумладан акасининг гувоҳлик бериб айтганларини инкор этишга уринишларининг муваффақиятсизликка учраши; кейин айбини қисман тан олпши; сўнгра тўла эътироф этиши ва чин юракдан тавба қилиши; гражданлигини қабул қилган мамлакат элчихонасининг вакиллари билан учрашиши; совет халқига қарши душманлик қилганинги учун афсусланаётганинги билдириб ҳамда империалистик раведканинг ҳийла-найрангларини фош қилиб матбуотда баёнот бериши; чет эл мухбирларини таклиф этиб, шу иш юзасидан ўтказилган очиқ суд процесси ва, ниҳоят, совет суди чиқарган одил ҳукм.

Япониялик кўпни кўрган разведкачи Утикова Маса-фунинг СССРга қилган жосуслик саёҳати ҳам худди шундай тугади.

СССР тўғрисида жосуслик ахборотлари тўнлашин ўзига касб-хунар қилиб слтан Утикова репатриация муносабати билан Совет Иттифоқидан Японияга қайтгаси кишиларни сўроқ қилиш билан бир неча йил шуғулланади. Кейинчалик балиқларни муҳофаза қилиш юзасидан тузилган совет-япон аралаш комиссиясининг таржимени сифатида Совет Приморьесига ўзи ҳам пкки марта

келиб кетди ва совет Ҳарбий-Денгиз Флоти түғрисида
йўл-йўлакай маълумотлар тўплади.

Кўпни кўргац разведкачи Утикава совет Шарқида ва
Монголия Халқ Республикасида бир ой давомида саёҳат
қўлиш ҳамда Хитой Халқ Республикаси чегарасидаги
вазият түғрисида, совет қўшинларининг дислокацияси
ҳақида, ҳарбий ва граждан аэродромининг жойланиши
ҳамда ускуналаниши түғрисида, ишлаб турган ва қури-
лаётган саноат корхоналари, юқори кучланишли электр
узатиш линиялари түғрисида, совет халқининг моддий
жинҳатдан таъмнланиши даражаси, СССРнинг Монго-
лия Халқ Республикасига кўрсатаётган иқтисодий ёрда-
ми ҳақида, Монголия аҳолисининг Хитой Халқ Респуб-
ликасига муносабати түғрпсида имконият борича жосус-
лик маълумотлари тўплаш ҳақида топшириқ олади.

Бундай масъулиятли ва мураккаб сафарга ишчи
учун катта тайёргарлик талаб қўлиниади Профессионал
разведкачи Утикава ўз вақтида Петровски олган наси-
ҳатга муҳтоҷ эмас эди. Шунга қарамай, жосуслик соҳа-
сида ундан кўра кўпроқ тажрибали ҳамкаслари унга
бир неча марта йўл-йўриқ бердилар. Унинг устозларидан
бири — 1949 йилда Узоқ Шарқда ҳарбий трибунал томо-
нидан ҳарбий жиноятчи сифатида судланган ашаддий
разведкачи Қото Қавогаси эди.

Сафарга чиқиши учун тайёргарлик кўраётганда улар
разведканинг барча қора ниятларини қаттиқ сир тутиш
зарурлигига ҳамда муваффақиятсизликка учрагац тақ-
дирда кўриладиган ҳимоя чораларига алоҳида эътибор
беришди. Япониядан СССРга келган 120 кишилик ту-
ристлар группаси Утиказанинг жосуслик фаолиятини
яшириш мақсадида ташкил этилган демоқчи эмасми, з-
лекин шундай бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар ҳолда,
шунча киши орасида битта разведкачи кўзга чалинмас-
лиги турган гап. Утикавани разведка ташкилотидан рас-
мий равишда ишдаи «бўшатишиб», унча катта бўлма-
ган «Такэда» савдо фирмасининг ходими сифатида рас-

мийлаштириши ва сафарга жўнаётганида ўша ташкилот номидан ҳужжатлар беринди.

Утикава «Туркмения» теплоходида келган япониялик туристлар билан бирга мамлакатимиз түнроғига қадам қўйган пайтидан то қўлга тушгунингача жуда эҳтиётилик билан иш кўрди. Лекин шууга қарамай, юксак профессионал малакали, учнга чиққаи бу жосус ўз шишига шу қадар берилиб кетдикли, туристик ҳужжатида ўзининг савдогар деб ёзилганлигини ҳам унутиб қўйди ва шу сабабдан муваффақиятсизликка учради.

Утикава ҳарбий объектларни суратга олаётган пайдада, яъни жиноят устида қўлга тушдн. Тергов вақтида у «Такэда» номли Япония савдо фирмасининг вакилиман, деб туриб олди. Унинг бу даъвоси қип-қизил ёлғон эканлиги аниқ далиллар билан псбот қилинди: унинг ёнидан 17 дона фотоплёнка чиқди, плёнкалар очириб кўрилганда уларда ҳарбий, саноат ва транспорт объектларининг сурати тушган 806 та кадр чиқди: жосус булардан ташқари, СССРнинг давлат ва ҳарбий сир ҳисобланган маълумотларни ҳам ёзиб олган экан.

Айтплаганларга яна шуни қўшиб қўйиш мумкинки, гарчи Япония министрлар кабинети аъзолари, япон расмий маъмурларига Утикаванинг ҳеч қандай дахли йўқ, деб расмий баёнот қилган бўлсалар-да, айборнинг ўзи совет ҳарбий ва саноат объектларини суратга олганлигини, ҳарбий сир ҳисобланувчи маълумотлар тўплаганини ва бу ишларнинг ҳаммасини Япония министрлар кабинети қошидаги тадқиқот бюросининг кўрсатмасига мувофиқ бажарганлигини тан олди.

Империалистик давлатлар разведкаси туризмдан ўз жосуслари ва равзедкачиларининг СССР чегарасидан расмий йўл билан ўтиб олиши учунгина фойдаланмайди. Баъзи ҳолларда туризм у ёки бу группанинг кўпгина қатнашчилари томонидан ярим махфий равишда турли маълумотлар тўплаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

АҚШда туристлар учун маҳсус саволнома тузилган-

лиги ва разведка мақсадида турлп мәйлумотлар түплаш-
га мүлжалланган бу саволнома СССРга саёҳат қилувчи
турристларга тарқатилиши ҳақида чет эл ва совет матбуо-
тида 50- йиллар охиридаёқ хабар қилингандык эди. Амери-
калик турпстлар АҚШга қайтганларидан кейин ўз саё-
ҳатлари ҳақида ёзма ҳисобот беришлари лозим эди.

Италияда чиқадиган «Паэззе сера» газетасида бундан
бир неча йил муқаддам АҚШ давлат департаменти
махфий циркуляридан бир парча босилиб чиқди; бу цир-
кулярда айттилишича, жами америкалик гражданлар чет
давлатларга борганларида, уининг иттифоқдош ва дўст
мамлакат бўлишидан қатъни пазар, албатта равзедка
йўли билан ахборот түплашлари лозим экан. «Баъзи
ҳолларда,— деб таъкидланади бу ҳужжатда,— бу мә-
лумотларниң түпланиши ва ўз вақтида жўнатилиши
Кўшма Штатлар тақтири учун хотимларни аҳамиятга
эга». Яна шу ҳужжатда дейлади: «Америкалик граж-
данлардан олинган ахборотлар давлат мағфаати учун
ахборот хизматига топширилиши лозим» (яъни развед-
кага топширилиши лозим).

1970 йилда СССРда туристларниң піккита катта
группаси (жами сони 500 кишидан зиёд) саёҳат қилиб
юришди. Битта капиталистик мамлакат гражданларида
ташкил топган бу туристик группалар Москвани ва яна
бир қанча йирик шаҳарларни томоша қилишди ва теп-
лоходларда Москва — Ростов-Дон маршрути бўйича
саёҳатга чиқишиди.

Баъзи туристларниң юриш-туриши ғалати туюлди.
Улар рус тилини жуда яхши билганиларни учун тўсаг-
дан ўзларини СССР граждани қилиб кўрсата бошлади-
лар ва совет кишилари билан бўлган суҳбатда ўзларини
гоҳ Ульяновск автозаводининг, гоҳ ўзларига маълум
бўлган бошқа корхоналарниң ходимлари қилиб ташит-
дилар ҳамда шундан фойдаланиб, суҳбатдошлидан ўз-
ларини қизиқтираётган обьектлар ҳақида очиқдан-очиқ
сурштиридилар. Яна шу нарса ҳам аниқландики, ўз

ватанида реакцион ташқилотларга дахлдор бўлгали баъзи туристлар ҳатто ҳарбий ва бошқа муҳим обьектларни суратга ола бoshлаганлар ва разведка йўли билан турли маълумотлар тўплаганлар. Оқибат натижада улар кўлга тушишди.

Эмек пемли американлик аёл Тошкентга турист сифатида келишип тўғрисида маҳаллий гражданларнинг баъзилари га уларнинг АҚШда яшовчи қариндош-уруғлари срқали олдиндан хабар қилидиди, Тошкентга келганидан кейин улар билан учрашади, гаплашади, орада бўлиб ўтган сўзлардан Узбекистон ССРда миллий муносабатлар тўғрисида бир тарафлама маълумот олишга уринади.

Эмек бу билан чеклаимайди, у ўзбошимчалик қилиб республиканинг қишлоқ районларига боради. Ҳамма жойда ўз ҳолидан норози одамларни топишга уринади, суратга олади, хираклиқ қилиб кўп нарсаларни суринтиради. Қулай пайтни пойлаб ва ҳатто ноқулай пайтда ҳам совет воқеилиги тўғрисида ёлғон-яшиқ гаплар тарқатади ва Америкадаги ҳаётни мақтайди.

Америкалик турист Эмекни совет жамиятига хусумат қилишга шима мажбур этган? У бутун масъулнитни ўз бўйинга олиб ўзича шундай қилганими ёки муҳим маълумот тўплагани учун катта пул олиш мақсадида бирорвоннинг тошириғини бажарганми? Буни аниқ билиш қийин. Бутун фаолияти Совет давлатига қарши қаратилганлиги ва мамлакатимизда ажнабийлар учун ўрнатилган тартиб-қондани бузганлиги сабабли Эмек мамлакатимиздан ҳайдаб юборилди.

1968 йил августидан Совет Иттилоғига Буюк Британиядан Даниел ва Ридер деган автотуристлар келишиди; улар ўзларини Манчестер университети рус бўлимининг студентлари деб атасди. Бу автотуристлар Москва, Харьков, Краснодар, Ростов-Дон, Одесса ва яна бир қанча шаҳарларда бўлишиди, кўпгина совет кишилари билан суҳбатлашишди ва ҳар бир суҳбатда уларнинг ўша

даврда Чехословакияда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисидаги фикрларини билишга ҳаракат қилишиди. Ғалати бир ҳодиса кўзга ташланди: бу автотуристларнинг машиналари негадир ҳарбий аэродромлар ёки бошқа ҳарбий обьектлар яқинида албатта бузилар ҳамда чўлдаги темир йўл разъездларида узоқ тўхтаб қолар эди.

Нима сабабдан шундай қилаётганликларини тушуптириб беришни совет ташкилотлари бу «турист»лардан талаб қилди; фактларни рад қилаолмаганликлари сабабли улар айбларини тан одилар, яъни СССР бўйлаб саёҳат қилганларидаги ҳарбий аэродромларнинг дислокацияси, улардаги самолётларнинг типлари, совет қўшинларини СССРнинг гарбий чегараси томон қайта жойлаштириш, тош ўйларнинг ҳолати ва шу кабилар тўғрисида ахборот тўплаганликларига иқорор бўлдилар. Ридер эса бу маълумотлар уларни СССРга тувиликтик саёҳатга жўнатиш, нул харажатларини кўтарган фирмаларга тошириш мақсадида ва Манчестер университети рус бўлимнинг бошлиғига бериладиган ёзма ҳисоботда фойдаланиши учун тўпланганлигини айтди.

Империалистик давлатларининг разведкалари туризмдан жосуслик мақсадида фойдаланаётганликларини кўрсатувчи кўпдан-кўп бошқа мисолларни көттиришимиз ҳам мумкин. Совет мамлакатига иисбатан душманларча муносабатда бўлган айрим шахсларнинг ўз ташаббуси билан жосуслик қилиб, турли маълумотлар тўплашга уриниш ҳолларини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, чет эл туристларининг кўпчилиги мамлакатизмга яхши иштади билан келишади. Бунга ишончимиз комил.

ХУСУСИЙ ИШ БИЛАН СОВЕТ МАМЛАКАТИГА САЁҲАТ

— Шу кунлар ичида мен кўп ўйладим ва кўп нарсани англаб-тушуниб олдим. Гўё кўзим энди очилгандек

бўлди. Мени СССРга хоинлик қилиш учун юборган ташкилот — мамлакатингизга душманлик қилаётган ташкилотdir. Шу ташкилот тағин ўзини меҳнаткаш халқ иттифоқи деб атайди-я...

Бу йигит Латин Америкаси мамлакатларидан биринда истиқомат қилувчи рус эмигрантининг ўғли бўлиб, ҳеч қаҷон кўрмаган қариндошлариши зиёрат қилиш учун СССРга келибди. Лекин НТС бошлиқлари унинг сафаридан жосуслик ҳамда идсологик диверсия мақсадида фойдаланмоқчи бўлишган. Бироқ бу хилдаги уринишнинг дарҳол олди олиниди. Йигитининг эса тавба қилишдан бошқа иложи қолмади.

Совет халқи душманларининг навбатдаги кирдикорлари фош қилинди. Бу воқеа шундан далолат берадики, империалистик давлатларнинг разведкалари СССРга хусусий иш билан келувчилардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиласадилар.

Собиқ чор Россиясидан чет элга кўчиб кетиб, кейинчалик совет гражданлигини қабул қилган кишилар ва Улуғ Октябрь революциясидан анча илгари турли сабаблар билан мамлакатдан кетиб қолганлар совет халқининг муваффақиятлари ва қилаётган ишлари, турмуш шароити билан ниҳоят даражада қизиқмоқдалар, бу қизиқиш йилдан-йилга ошмоқда, ана шу факт аллақачонлардан бери ўзига диққатни жалб этмоқда. Қапиталистик давлатларнинг, қардosh социалистик мамлакатларнинг минглаб гражданлари ва чет элда доимий яшовчи совет гражданлари СССРга қариндош-уруглари, танишлари билан учрашиш, мулкий муносабатларини тўғрилаш каби шахсий ишлар билан келишмоқда.

Кўпинча улар бундай саёҳатга яхши инят билан чиқишиади. Лекин империалистик давлатларнинг разведкаси бундай шахсий иш билан қилинадиган сафарни ҳам Совет Иттифоқига ўз жосусларини юборишнинг энг қулай ва маъқул йўли деб билади, иегаки СССРга шахсий иш билан келувчилар чет эл гражданларининг бошқа

категориясига қараганда мамлакатимизни бемалол вәузоқроқ вақт томоша қилиш ҳуқүқига эга, ўз ватанинга истаган вақтда жүнаб кетиш ва тақрор келиш имкониятында.

Разведкаларнинг бу соҳадаги кирдиқорлари ҳам биз учун янгилик эмас. Улар эмигрантлар орасидан, СССРдан кўчириб кетилган совет граждандлари орасидан душман разведкасини қизиқтирадиган районлар билан алоқаси бўлган шахсларни танлаб олиб, улардан СССРга юбориш учун жосус тайёрлайди, сўнгра шу жосусларни маҳсус топшириқ билан мамлакатимизга турист қилиб жўнатади. Улар Совет Иттифоқидан кетиб қолганлар билан никоҳда бўлган чет эл граждандларидан, яъни мамлакали жосуслардан ҳам фойдаланишади, бундайларни Совет мамлакати бўйлаб жосуслик сафарига, одатда, эр-хотин сифатида жўнатишади.

Бир қашча капиталистик мамлакатларда, хусусан АҚШда СССРга бориб келгаиларни разведка мақсадида сўроқ қилиш расм бўлиб қолган.

Айтнлганинг неботи учун бир неча мисол келтирамиз.

Европадаги капиталистик мамлакатлардан биринда Левченко-Вирэн дегаи аёл, касаба союз активистининг хотини яшайди. У ўн икки яшарлигига Украинадан онаси билан биргага кетиб қолган экан, шунинг учун ўз ватанини яхши эслайолмайди.

Левченко-Вирэн Совет Иттифоқида қариндош-уруларидан биттасини ҳам билмайди; у фақат амакиси В. И. Кузьменкога аҳён-аҳёнда хат ёзиб, унинг жавоб мактубидан онлавий янгиликларни батағеси билдиб туради. Бундан бир неча йил муқаддам бу аёл амакисидан ташқари, жуда кўп амакивачча ва аммаваччаларига ҳам тез-тез хат ёзадиган бўлиб қолди. Левченко-Вирэн уларнинг ҳаётини билан қизиқар экан, қариндошларини беҳад соғинганлигини ва Украинани бориб кўришга иштиёқ-мандлигини ёzáди. Сўнгра қариндошлари билан дийдор

көрнештүк үчүн уни Совет Иттилоғыга чақиришини ва шу түргида унга таклифнома юборишини амакисидан қаттық туриб илтимос қилади.

В. И. Кузьменконинг илтимосини қондириб, жиянинг СССРга келишига рухсат бериллади. Қизиги шундаки, Левченко-Вирэн сафарга чиқишга негадір шошилмайды. У фақат бир неча ҳафтадан кейингина келиш күни түғрискіда барча қариндошларига хабар қилади.

...Чет эллик аёлнинг келишини кичкина завод посёлкаси ахолисиң яхши эслашади. Чунки Левченко-Вирэннинг келиши, қариндош-урұғларига ҳаддан ташқары мөхри болыптырағанда үларга бир талай совға-саломлар олиб келгандылығы түғрискідеги гаплар оламни тутиб кетди.

Левченко-Вирэн янги шароитта тез мослашды. У амакисиникіда барча қариндош-урұғлары билан дастлабки бор учрашганидан кейин ҳар бир қариндошнинг уйда мәжмой бўлди, улардан ҳар нарсанни сурнштираверди, аммо ўзининг чет элдаги ҳаёті түғрискіда жуда кам гашнирди. У посёлкада кўп кишилар, хусусан ёшлар билан танишди.

Левченко-Вирэнни ҳамма нарса қизиқтириди: у қариндош ва ташнишларининг қаерда ишлаши, моддий-математик турмушки, ҳаётда эрпашган мұваффақиятлари ва бошидан кечирған қиийинчилікклары биланғина әмас, ҳатто посёлка ва районнинг келгусидеги ривожи, яқшы атрофдаги саноат корхоналарыда қандай маҳсулот ишлаб чиқарилаётгандығы, йўл шохобчалары, автобус ва темир йўлларда юриш имкониятлари ва ҳоказолар билан ҳам қизиқди.

Амакисиникіда узоқ яшаган сари уни қизиқтириди-гай нарсалар кўпаяверди ва унинг дилқашлиғы ортаверди. У биронта қариндоши билан бошқа шаҳарларга бориб-келар, яигидан-яиги кишилар билан учрашарди. Белгиланган хизмат мүддати тугагач ўз пхтиёри билан армияда қолиб ҳарбий хизматини давом эттираётгандай узоқ қариндоши билан танишганидан кейин у бундай

ҳарбий хизмат шароити, унинг фойдаси, қиййинчиликла-ри, бундай хизматга расмийлаштириш тартиб-қоидала-рини шунчалик батафсил суриштирдики, гёё унинг ўзи Совет Қуролли Кучларининг кадр ҳарбий хизматчиси бўлмоқчими, дейсиз.

Посёлкада чет эллик меҳмоннинг ҳаддан ташқари хи-
ралиги, шилқимлиги тўғрисида гапира бошладилар. Бу
гап В. И. Кузъменконинг қулоғига етди. У хушмуомала-
лик билан жиянини огоҳлантирди ва жиянининг: «Совет
Украинаси кучли таъсир этганлиги туфайли менда тे-
варак-атрофга шундай қизиқиш туғилди» деган изоҳини
эшиганидан кейин анча тинчланди.

Бир куни чет эллик меҳмон йирик саноат шаҳрида
истиқомат қилувчи аммасининг қизиникига меҳмондор-
чиликка жўнади. Аммасининг қизи бу шаҳардаги йирик
корхонада инженер-химик бўлиб ишларди. Левченко-
Вирэн узини улфатчилик, столда ҳар хил ичимликлар
тўлиб-тошиб ётган катта зиёфатлар шайдоси қилиб кўр-
сатди ва кўп киши иштирок этадиган шундай зиёфатлар
ташкил этишга пулини аямади. Зиёфатга асосан уй бе-
касининг ҳамкаслари ва танишлари таклиф этилди.
Уларнинг кўпчилиги инженер-химик ва бошқа малакали
мутахассислар эди. Меҳмонлар бир оз кайф қилиб олган-
ларидан кейин, чет эллик меҳмонга эътибор бермай, ўз
корхоналаридаги ишлар тўғрисида, ўзлари билан бирга
ишловчи машҳур химик-олимлар ҳақида, уларни қизиқ-
тираётган илмий ва техникавий масалалар тўғрисида га-
нира бошладилар. Бу хилдаги сухбат Левченко-Вирэнни
зериктиргани, у уй бекаси сифатида меҳмонларни зиё-
фат қилиб юриб, гёё уларнинг гапларига қулоқ солма-
стгандек эди.

Шундай бир зиёфатдан кейин яқинда янги корхона
ишга туширилажаги ва мутахассис-химиклар етишмаёт-
ганлиги тўғрисида гап очилиб кетди. Левченко-Вирэн
шу корхонага ишга киришга рози эканлигини аммава-
часига айтиб, бунинг учун нималар зарур эканлигини би-

либ беришини ундан илтимос қилди. Шундай деркан, гүйе руҳлангандай бўлиб, СССРга келган биринчи кунларида ноқ ўзининг келажаги тўғрисида кўп ўйлаганлигини, унинг ҳаёти жуда муваффақиятсиз бошланганини шунинг учун Украинада қолиб, яхши ихтисос эгаллашга ва қариндош-уруғлари яқинида яшашга қарор қилганини айтди.

Левченко-Вирэн ўзи мўлжаллаётган ишга ўрнашиш тартиби тўғрисида бір неча кун мобайнида таишларидан суриштиради. Узоқ йиллар чет элда яшаганини учун ҳозирча янги корхонага ишга қабул қилиниши мумкин эмаслигини билганидан кейин, жуда бўлмаса ўша корхонани унга кўрсатишини аммаваҷчасидан илтимос қилади ва уни кўндиради. Йўлда кетаётib Левченко-Вирэн бу корхонанинг қандай маҳсулот чиқаришини, корхонани кўришклаш тартибини ва унга маҳаллий поездда ҳамда автотранспортда бориши йўлларини тахминан бўлса ҳам билиб олишга уринади. Эртаси куни ўша томсига ўзи мустақил жўнайди. Бу Левченко-Вирэннинг сўнгги сафари бўлади: корхона ишчилари уни қўлга тушириб, милицияга топширадилар.

Совет ҳукуматининг қарорига биноан, Левченко-Вирэнга СССРдан 24 соат ичиди чиқиб кетиш буюрилди. Ана шунда унинг ҳақиқий башараси кўринди-қолди: совет кишиларига бўлган самимилигидан, амакисига ва боцқа қариндошларига бўлган меҳрибонлигидан ассар ҳам қолмади. Левченко-Вирэн ғазабланди, дўқ урди ва В. И. Кузьменконинг «Меҳмоним бўла туриб мени шарманда қилдинг» деган сўзларига жавобан: «Бунинг шармандалик жойин йўқ, сизга ҳеч нарса бўлмайди. Мен эса бу сафар туғайли анча пул ишлаб олдим, шу охирги кўнгилсизлик рўй бермаганда бундан ҳам кўпроқ пул ишлаган бўлардим» деди.

Левченко-Вирэн қариндош-уруғлари билан хайрлашиши ҳам истамади. Бу қаллоб жўнаб кетгандан кейин унинг нима иш билан шуғулланганини батамом аник-

ланы. Бу шахс қарндошлар түйғуларини ишга солиб, жосуслик қилиб юрган экан.

Яна бир вөкөа. Польша Халқ Республикасы граждани Завьялов Белоруссиянынг гарбий областлариңдан бирига қарндошларини зиёрат қылганни бир неча марта келган.

Варшавадаги АҚШ элчиностаси папохида иш юритаёт-тап Америка разведкаси ходимлары Завьяловини учратыб қолишиади. Улар Завьяловнинг Совет Иттилоғында қылган саёҳатлари билан қизиқишиади. Чунки Завьяловнинг Белоруссиядаги қарндошлари разведкани қизиқтираёт-тап мұхым ҳарбий обьект жойлашган районда истиқомат қылышын равзедкага маълум бўлиб қолади.

Разведка Завьяловни ҳар томонлама яхши билди слади. Сиёсий ҳаётдан ўзинни четта тортувчи, маслаксиз, қалтафаҳм ва осонликча тошиладиган пулга жуда ўч, ҳатто чайқовчиликдаи ҳам ҳазар қилмайтиган Америкада амирекатикларга жуда маъқул тушади. Буният устига, уни жосусликка тортиш уича қийини ҳам эмас ва кайта лул ҳам талаб қилмайди. Завьяловнинг Англияда узоқ қарндошлари борлиги, у аллақачонлардан бери шу қарндошлари билан дийдор кўришишни орзу қилаётганлиги аниқланади. Америка разведкаси ўзининг Англиядаги ҳамкасблари ёрдамида Завьяловнинг Англиядаги қарндошлари олдига боришини ташкил этади, ана шу йўл билан уни жосусликка тортишади.

Завьялов ССРдаги қарндошлари билан навбатдаги учрашувини Америка разведкасининг тошириги бўйича ўтказди. Унинг бу галги келиши ташки кўринишидан илгариги сафарларидан фарқ қылмади: Завьялов қарндошлари билан учрашди, совгалар берди ва олди, дам олди, турли манший масалаларни ҳал қилиншда қатнашди ва ҳоказо. Лекин бу гал Завьяловни амалда бошқа нарса қизиқтирди: у жосуслик қилиб, махфий равишда турли маълумотлар тўплади, ҳарбий обьектларни кузатди, уларнинг ҳар қандай белгисини ҳарбий қисмларининг дислокациясини, улар Совет Армияси қўшинларининг

қайсі түрігі мансублигінің ва шу кабиларни ёдлаб олди, баъзан эса шифр билан өзиб қўйди. СССРга шу сафарги келішиңда жосуслык йўли билан муҳим маълумотлар тұплаганлыгынің у кейинчалик, тергов вақтида тан олди.

Келгуси йили Завъялов ҳарбий масалага тааллуқли жуда муҳим маълумотлар тұплаш тұгрисінде тоғириқ олиб, яна Белоруссияга келди. У тоғириқпен бажарыш мақсадида ўзін шахсан құзатиши олиб борышдан ташқари, күп парсаларни қариндошларидан ва танишларидан суриштириб билиб олади.

Область шаҳаридаги йирік штаб яқинидә истиқомат қылувчи ва үйига иш олиб ҳарбий кийимлар тикувчи ақаси билан учрашувчи Завъялов учун жуда фойдалы бўлди. Чунки машиначи олдига офицерлар ва белгиланған хизмат муддатини туттаганидан кейин ҳам қолиб ҳарбий хизматини давом эттирувчилар жуда кўп келарди. Ҳарбий хизматчиларниң баъзилари кийим кийиб кўринш вақтида маҳмадоналиқ қилиб баъзи гаиларни айтиб қўшишар эди: улардан эшитилган маълумотларни таққослаб, баъзи ҳарбий қисмларнинг түрини ва қаерда жойташғанлыгын осонгина билиб олиш, ҳарбий қисм ва бўлишималар айрим командирларининг ҳарбий тайёргарлиги, обрўси ва ишбилармонлигиги, офицерларининг интизомлилиги ҳамда ахлоқий-ҳарбий сифатларни ва бошқалар тұгрисінде ҳақиқатга яқын келадиган хулоса чиқарниш мумкин. Шу маълумотларни Завъялов ўз қулоги билан эшитар эди.

Завъяловинің Совет Қуролли Қучларига, шуниндеек Польша Қўшинларига қарши жосуслык қилаётгашыны Польша Халқ Республикасининг хавфсизлик органдары фош қилиб, уни қамоққа олишиди.

Донецк обlastидаги Часовой Ярда истиқомат қылувчи Акулина Павловна Савченкони кўргани қизи билан күёви (голландиялық гражданлар) келишади.

Савченконинг қувончини бутун шаҳар эшитди. Бундай севинчли хабар шаҳарга ёйилмаслигиги мумкин эмес,

ахири. Акулина катта қизини ҳалок бўлган деб ҳисобларди, чунки 1942 йилда фашист босқинчилар унинг ўн саккиз ёшли қизи Татьянани қулликка ҳайдаб олиб кетгандан кейин деярли йигирма йил мобайнида ундан домдарақ бўлмаган.

Меҳмонларни самимий кутиб олишди. Улар жуда дилкаш экан. Ўзлари ҳақида кўп нарсаларни айтиб беришди. Фашист концентрацион лагерининг бошқа маҳбуслари қатори Татьяна ҳам кўп азоб кўрган, готландиялик ёш йигит Гендрик Фелд ҳам шу лагерга қамалган экан. Улар концлагерда танишган. Совет Армияси фашист босқинчиларни тор-мор қилиб, маҳбусларни озод этгандан кейин Татьяна Гендрикка турмушга чиқади ва ёш эр-хотини эришини ватанинига кетишади.

Гендрик ҳам ўзи тўғрисида гапириб берди, лекин у фашистлар концлагерида бошдан кечирганларини воламади ва Савицкини тағдил саводника чиқадиганни тилга ҳам олмади.

Биринчи учрашув вақтидаги ҳаяжонли дақиқалар, шов-шувлар ўтиб ҳаёт ўз вазнига тушди. Татьяна Акулина Павловнага ва сингилларига жуда илтифотли, меҳрибон; уларга яхши совгалар олиб келди. У турли буюмларни жуда кўп олиб келган экан, щуннинг учун тезда ортиқчасини сотишга киришди, Татьяна ўзига ҳам, эрига ҳам совет пули жуда даркор деган баҳона билан, буюмларининг нархини жуда ошириб юборди ва харидор тошиб беришни сингилларидан илтимос қилди.

Гендрик ҳам зерикаб ўтирмади. У фотоаппаратни бир дақиқа ҳам қўлидан қўймади: у янги қариндошларини ҳам, ўзининг диққатини жалб этган манзараларни, ёдгорликларни ва биноларни ҳам бажону дил суратга олди. Унга Донбасс ёқиб қолганлигини ва у билан яхшироқ танишмоқчи эканлигини айтди. Фелд қариндошларининг велосипедини миниб яқинроқ ва узоқроқ жойларга ҳам сайр қилди. Часовой Яр ва унинг теварак-атрофидаги жойлар уни қизиқтирумай қўйди, у

энди қўшни саноат шаҳарларига бориб кела бошлиди. У ердан чарчаб, чангга ботиб, лекин мамнун бўлиб қайтар ва келган заҳоти фотоаппаратига янги плёнка қўяр эди.

Кечки овқатдан кейин Фелдлар Донбассдаги турмуш шароитлари, Донбасс саноатининг ривожланиши ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтиришдилар. Янги қурилишлар ёки Совет Қуролли Кучлари ҳақида сўз очилиб қолса Гендрикнинг рухи кўтарилади. У яқиндагина Совет Армиясида хизмат қилиб қайтган Петр Полишчук (хотинининг қариндоши) билан суҳбатлашишни хусусан яхши кўрар эди.

Фелд хотинидан олдин кетадиган бўлиб қолди. Йўлга чиқиш олдидан яна Полишчукни гапга солди ва қадаҳ кўтараётib унга:

— Гапиргандарингни ҳаммасини мепга ёзиб юбор,— деди.

— Нега?—ҳайрон бўлиб сўради Полишчук.

Гендрик оғзи бўш суҳбатдошни тузоққа иличтирдим деб ўйлади шекилли, эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйди.

— Биласанми, мен Совет Иттилоғига жўнаётганимда сизнинг мамлакатингиз тўғрисида маълумот тўплаш билан шуғулланувчи бир киши Совет Армияси ва Донбасс тўғрисида баъзи бир тафсилотларни билиб келишимни илтимос қилди ва бунинг эвазига менга катта пул ваъда этди...

Полишчук мушкул аҳволга тушиб қолганлигини англаб тегишли совет идораларига хабар қилгунча Гендрик Фелд Совет давлат чегарасидан чиқиб кетишга улгурди. Шу сабабдан Фелднинг разил хатти-харакати учун унинг хотинига Совет ҳокимияти тегишли идоралари ҳамда ўз қариндошлари олдида жавоб бернишга тўгри келди.

Эр-хотин Фелдлар фош қилинди. Улар ҳақида совет матбуотида босилиб чиқди. Империалистик давлат-

нин разведка хизмати ҳам фош қылнди, чунки бу ташкылтар инсонлик қиёфасини йўқотган одамларни, оналик меҳридек мұқаддас, эзгу түйгүни таҳқирлайдиган палилдарни ва Үлуг Ватан урушида беҳисоб қурбонлар беріб инсонларни фашистлар қийин оқхонасидан озод қилган халққа ёмонлик тилайдиган, кўриамаклик қиладиган разилларни жосусликка жалб этиб, ўз топшриклиарни бажартириш учун СССР га жўнатадилар.

Разведка айрим шахсларни жосусликка тортиш ва Совет Иттилоғига тошириқ билан юборишдан ташқари, жосусликнинг яна бир бехатар усулини кенг қўлланмоқда, бу Совет мамлакатига бориб келган кишиларни разведка йўли билан сўроқ қилишdir. Бу иш билан тажрибали ва Совет Иттилоғининг тегинли районларини яхши биладиган ҳамда уларни қизиқтирадиган объектлардаги ўзгаришларни пайкаб олалигиган, разведка шарф шутукланади. Авариига матбуотида бир неча бор босилиб чиққан даъватига қарашнида, Совет Иттилоғини шахсан кўриб келган шахсларни сўроқ қилиш йўли билан тўпланган маълумотлар қимматга тушадиган манбалардан олишган маълумотларни тўлдинар экан.

Юз минглаб рус, украинна, белорус ва яхудийлар, литваниклар, латишлар, эстонлар, арманлар ҳамда СССРда яшайдиган ўнлаб миллат ва элатларининг вакиллари жаҳондаги капиталистик мамлакатларга тарқалган. Шулардан кўпчилиги мамлакатимизда яшайдиган қариндош-уруглари ва дўстлари билан хат олишиб туради ва дийдор кўришиш тўғрисида келишиб олишади.

Совет Иттилоғига келишга рухсат ола билган толемандлар зўр беріб сафарга тайёрланади: узоқ давом этган жудоликдан кейин Ватанини зиёрат қилишга ҳар киши ҳам мұяссар бўлавермайди, ахир. Айрим кишилар учун бундай саёҳат Ватан билан биринчи учрашув бўлиб ҳисобланади.

Разведка шуидай кишиларнинг баъзилари билан алоқа боғлаб, уларга катта пул эвазига йўл-йўлакай нималарнидир кузатишни ва билиб олишни, нималарнидир элтишини ва кимларгадир қандайдир нарсалар топширишни ва улардан нималарнидир махфий суратда олиб чегарадан яширин равишда олиб чиқишни таклиф этади. Юқорида баён этилган воқеалар ана шу йўл билан содир бўлади.

ЖОСУС РОБОТЛАР

Кейинги йигирма йил ичидаги жосуслик ахборотларини интенсив суратда тўплашда техникавий разведка воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Империалистик давлатларда жосуслик йўли билан ахборот тўплашга ёрдам берадиган мавжуд аппаратлар физиканинг бир қанча соҳаларида, радиоэлектроика, кибернетикада, шунингдек бошқа фан соҳаларида эришилган муваффақиятларга асосланниб тўла такомиллаштирилган ва янги турдаги аппаратлар яратилган. Шулар орасидан биринчи навбатда қўйиндагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

радиоразведка—Совет Иттифоқи радиостанцияларининг ишини кузатиб бориш ва улар томонидан юбориладиган очиқ ва шифрланган хабарларни ушлаб қолиши йўли билан маълумот тўплашга мўлжалланган;

радиотехник разведка—совет радиолокация станциялари, радионавигация, телевизион бошқарув станциялари, ва шу кабиларниг ишини текшириб бориш йўли билан маълумотлар тўплашга мўлжалланган;

радиолокацион разведка—ер устидаги, денгиздаги, ҳаводаги ҳамда космосдаги обьектларни радиолокация¹ ёрдамида топишга имкон беради;

¹ Радиоразведка, радиотехник ва радиолокацион разведка воситалари адабиётда кўпинча радиоэлектрон разведка воситалари деган умумий тушупча билан берилади.

фоторазведка ва телевизион разведка— фотоаппарат ҳамда телевизион аппаратлар ёрдамида хилма-хил ҳужжатли ахборотлар түплашга мүлжалланган;

акустик ва гидроакустик разведка— бирорларнинг ганини эшитиб олишга имкон берадиган ва товуш таассуротларини (товуш эфектларини) олиб ташлайдиган турли аппаратлар ёрдамида ахборот түплашни таъминлайди;

инфрақизил разведка — ер устидаги объектлардан чиқадиган, шунингдек ракета учиринш ҳамда ядро қуролларини синовдан ўтказиш ва шу кабилар вақтида ҳосил бўладиган электромагнит тўлқинларни қайд қилиш йўли билан маълумот түплашга мүлжалланган.

Империалистик давлатларнинг техникавий разведка системасида кўп хил техник воситалардан фойдаланидалики, улар ёрдамида разведка аппаратларини зарур пунктларга ўриштириш, уларининг бенуқсан ишлашини ҳамда самарали қўлланилишини таъминлаш мумкин. Разведка учун мўлжалланган сунъий Ер йўлдошлари (АҚШ разведкасига хос), самолётлар, вертолётлар, ҳаво шарлари, аэростатлар, сув усти ва сув ости кемалари ер устидаги стационалар ҳамда кўчма радиотехника постлари шулар жумласидандир.

Техника жиҳатдан ривожланган ҳамма капиталистик мамлакатларнинг разведка хизматлари техникавий разведка воситалари билан озми-кўпми таъминланган. Техникавий разведка кенг қулоч ёйган давлат АҚШдир. Америка Қўшма Штатлари фойдаланаётган турли-туман техник разведка воситалари ер шарининг ҳамма қисмидан маълумот түплаш имконини беради.

АҚШ разведка хизмати бутун бошли разведка комплекслари барпо этиб, ҳар хил техник разведка ва алоқа коситаларидан фойдаланиш тартибини ўрнатмоқдалар. Масофадан бошқариладиган бу жосус-роботлар қисқа муддатда ва катта ҳажмда ҳар хил маълумотлар тўп-

лашга, уларни тегишли жойига етказиб беришга ҳамда ишлаб чиқишига имкон беради.

Америкаликларнинг ўзлари берган баҳога қараганда, бу воситалар ичидаги йўлдош-жосуслар бирпичи ўринда туради.

АҚШ разведкаси 60-йиллар бошиданоқ жосуслик маълумотлари тўплаш мақсадида маҳсус яратилган сунъий Ер йўлдошларидан мунтазам равишда фойдаланмоқда. Улар ёрдамида СССР территориясида жойлашган ер устидаги нишонлар ҳамда обьектлар разведка қилинмоқда, метеорология ва геодезия маълумотлари тўпланмоқда, умумий вазиятнинг ўзгариши узлуксиз кузатилмоқда, янги пайдо бўлган обьект ва нишонларнинг вазифаси ҳамда характеристи батафсил аниқлаб олинмоқда. Шу блан бирга, кўринадиган ва инфрақизил нур диапазонларида ишлайдиган фотоаппаратлар ёрдамида жойлар суратга олипмоқда, радиовоситаларнинг, радиолокация ҳамда радиотехника воситаларининг сигналларни кенг диапазондаги частотада ушлаб қолинмоқда.

АҚШ мутахассислари космик разведкани энг самарали ва келажаги порлоқ разведка ҳисоблайди, чунки у СССР территориясини бемалол ва мунтазам равишда кузатишга имкон беради. Космосда учиб юрадиган аппаратлар жуда катта майдонларни ниҳоят дараражада қисқа муддатда текшириш ва жосуслик ахборотини тезда Ерга узатиш қобилиятига эга.

Америка матбуотида босилган маълумотларга қаранганд, уларда разведка мақсадида қўлланилаётган сунъий Ер йўлдошларидан энг кўп тарқалгани «Самос» деб аталувчи фоторазведка сунъий йўлдошидир.

Бу сунъий йўлдошларга разведка ускунаси сифатида телекамералар ва фотоаппаратлар ўрнатилади, телекамералар ахборот тўплайди ва сунъий йўлдош программада белгиланган бошқариш пунктлари тепасидан учиб ўтган вақтда бу ахборотларни Ерга узатади, фотоаппа-

ратлар эса күрнәдиган ва инфрақизил нурлар диапазонларыда ишлайды.

«Самос» йўлдоши баландлиги 180—540 километр келадиган эллинс шаклидаги қутбий орбиталарга чиқарлади. Сунъий йўлдош доимо бир хил орбитада учиши ёки йўлдошдаги махсусдвигателлар ёрдамида янада баландроққа чиқиши мумкин. Сунъий йўлдошнинг зўр берниб ишлаш даври ўрта хисобда 10—20 кунга чўзилади.

Сунъий йўлдош қандай мақсадда қўллашишига қараб, ундаги фотокамералар Ер сатҳининг майда масштабли планинг ёки майда масштабли стереоскопик суратини ё бўлмаса йирик масштабли стереоскопик суратини олиши мумкин. Биринчи ҳолда — йўлдош 180 километр баландликда учиб юрганида эни 160—180 километр келадиган жойларнинг фоторасмини олиш мумкини, бундай фоторасмда 4—6 метр катталикдаги обьект ва буюмларни аниқ олтиб булади; иккичи ҳолда — йўлдош 130—140 километр баландликда учиб юрганида эса эни 12—15 километр келадиган жойнинг фоторасми олиниади, бу расмда ярим метр катталикдаги буюм ва обьектлар аниқ кўриниш билиниб туради.

Сурат олинган фотоплёнка сунъий йўлдошдан капсулаларда 1—4 сутка оралигила Ерга ташлаб турилади. Денгизга тушган плёнкаларни бутун сақлаб қолиш учун бу ишга АҚШ ҳарбий-дengиз кучларининг тегишли кемалари ва махсус самолётлари жалб қилинади. Денгизга тушган контейнерни тезда чиқариб олишининг иложи бўлмаган ҳолларда контейнердаги соатли механизм ишга тушиб плёнкани портлатади ва контейнерни сувга чўқтиради. Сунъий йўлдош топшириқни бажарганидан кейин ундаги фотоаппарат жойланган контейнер ҳам Ерга қайтиб тушади.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, радиоэлектрон разведка учун энг замонавий ва истиқболи порлоқ восита — «Феррет» деб аталадиган Ернинг сунъий йўлдошидир. Бу йўлдош радиотўлқин чиқарувчи манбалар-

ни фойдалапидаётган барча түлқинтар диапазониде то-
нишга, берилеётган сигналларни ушлаб қэлишга ҳамда
уларнинг характеристикаларини аниқлашга, радиотүл-
қин манбанинг қаерда жойлашганинги ва манба-
нинг бажараётган ишини билишга, радио орқали сўз-
лашган гапларни ёзиб олишга имкон беради.

Бу сунъий йўлдош баландлиги таҳминан 500 кило-
метр келадиган қутбий, доиравий орбитага яқин чиқа-
рилади. У 12 соат ичиде СССР териториясидаи ети
марта учнб ўтади. «Феррет» йўлдошнинг актив ишлаш
жаври 3—4 ойга чўзилади. У фойдали ахборотларни ва
тлеметрик маълумотларни Ерга турли частотада иш-
лайдиган бир неча передатчик ёрдамида узатади, шу-
нингдек ушлаб қолинган радиосигналлар ёзилган маг-
нит ленталари жойланган контейнерларни Ерга таш-
лайди.

Фотоплёнкалар ва разведка маълумотлари ёзилган
магнит ленталари жойланган контейнерлар ҳамда йўл-
лошлардан радиоканаллар орқали олинган ахборотлар
уларни йигадиган ва техника ёрдамида қайта ишлайди-
гани марказга келиб тушади. Олинган жосуслик маълумот-
ларининг шифрларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва
уларга баҳо бериш иши билан ЦРУ, РУМО, АНБ нинг
ҳамда АҚШдаги бошқа маҳсус идораларнинг экспер-
тларни муайян объектлар ва проблемалар бўйича қатъий
ихтиослаштириш принципида иш тутадиган алоҳида
экспертлар группалари шуфулланади.

Мутахассис разведкачишлар олинган ахборотин син-
цикраб текширадилар, уларни космик разведка йўли
 билан, бошқа техника воситалари ёрдамида олинган
ҳамда жосуслар тўплаган илгариги маълумотларга
солиштирадилар, бу хилдаги объектларнинг турли
вақтларда олинган фоторасмларини бир-бiriга тақ-
қослаб, шу йўл билан разведка қилинаётган объект ва
нишонларни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қила-
дилар.

АҚШда «Самос» ва «Феррет» сунъий йўлдошлари билан бир қаторда муайян мақсадга мўлжалланган бошқа жосус-йўлдошлардан ҳам фойдаланилади. Космосга учириладиган разведка воситаларини такомиллаштириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда.

Америка телеграф агентлиги ва матбуог органлари АҚШда янги турдаги маҳфий жосус-йўлдош учирилганлигини 1970 йил июнда хабар қилиши. Шу муносабат билан «Нью-Йорк пост» газетаси бундай деб ёзган эди: «Самос» типидаги космик жосуслар «У-2» разведкачи самолётини сиқиб чиқарганидек, бу янги самовий жосус ҳам унча баланд учмайдиган ва Ерга қайтиб тушадиган фотосурат олувчи йўлдошларнинг фойдаланилишига чек қўйиши мумкин...».

Янги йўлдош 70-йиллардаги жосуслик воситасига йи-
ланни мумкин».

Бу йўлдош муқим ишлаб турадиган қилиб Ердан тахминан 35 минг километр баландликка учирилди. Америкалик мутахассисларнинг фикрича йўлдошнинг учирилиши жосуслик соҳасида янги давр бошланганинги билдиради.

Маълумки, муқим ишлаб турадиган, бошқарилувчи космик кема ва орбитал станциялар яратиш устида Америка Кўшма Штатларида йирик тадқиқот ишлари олиб борилмоқдаки, уларнинг асосий вазифаси космик разведка олиб боришdir. Экипажи 2—3 кишидан иборат орбитал станциялар яратиш ҳам планлаштирилган. Америкалик мутахассисларнинг фикрича, бундай станция разведка топшириқларини анча тўла бажариш, обьектларни актив ахтариб тониш ва аниқлашнинг ҳамда разведка ташкилотларига умумлаштирилган ахборотларни дарҳол юбориб туришнинг уддасидан чиқа олади ва ҳоказо. Айтишларича, 1975 йилда янада каттароқ имкониятларга эга бўлган орбитал станция яратиш кўзда тутилган программа бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда эмиш.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, америкаликлар разведка ахборотлари юбориш учун сунъий пўлдошлар алоқасидан кенг миқёсда фойдаланишмоқда. Масалан, матбуот хабарларига қараганда, АҚШнинг Ҳарбий Ҳаво Кучлари «Компасс Лицк» системасини яратишган: бу система Ернинг бир қанча сунъий пўлдошларидан ташкил топган бўлиб, ҳавода олиб борилган фоторазведка материалларини Ҳинди-Хитойдан Пентагонга зудлик билан узатишга мўжжалланган. Бу система аъло сифатли фототасвирларнинг ва бошқа жосуслик ахборотлари нинг катта тезликда узатилишини таъминлайди.

Америка Қўшма Штатлари космик разведкани зўр берип ривожлантириш билан бирга, ҳаво разведкасини ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти. Пентагон намояндалари разведкачи самолётлардан олингаётган ахборотлар АҚШнинг бадном «миллий манфаати»ни таъминлаш учун ҳаётий аҳамиятга эга, шунинг учун улар СССР ва бошқа социалистик давлатларга қарши қаратилган ҳаво жосуслигинн ҳамма йўллар билан кепгайтиришга ёрдам беряётганликларини неча бор маълум қилидилар.

Ҳаводан жосуслик қилиш учун турли тиндаги бошқа-риладиган ва учувчисиз реактив ҳамда поршени самолётлардан фойдаланилади, бу самолётларга фото ва радиоэлектрон разведка қиласидиган махсус аппаратлар ўрнатиландир. Мазкур самолётлар социалистик давлатлар яқинидаги Америка базаларига жойлаштирилган. Улар социалистик мамлакатларнинг давлат чегаралари бўйлаб вақт-вақти билан патруллик қилиб учиб жосуслик маълумотлари тўплайди ва келиб-келиб уларнинг ҳаво чегарасига ҳам тажковуз қиласиди.

Американинг разведкачи самолётларн Болтиқ ва Баренц денгизлари, Шарқий Сибирь ва Япон денгизлари зоналарида ҳамда совет давлат чегарасининг бошқа участкаларига яқинроқ зоналарда патруллик қилиб учиб юриб совет территориясини ҳаводан мунтазам равища

ВА узоқ вақт равзедка қпладилар. Жаҳон океанинг акваториясининг турли пунктларида сузиб юрган совет савдо ва балниқчиллик кемалари тепасидан разведкачи самолётларининг иғвогарлик-жосуслик мақсадида учеб үтиш ҳоллари кўп бўлган ва бўлиб турмоқда.

Кейиниги ўй йил ичидағина АҚШнинг социалистик давлатлар ҳаво чегарасини бузгаи ўнлаб разведкачи самолётлари дўст социалистик мамлакатлар территорияси тепасида уриб туширилди ва қўнишга мажбур этилди, шу фактининг ўзи Америка разведкаси Совет Итифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тўғрисида маҳсус усуналанган самолётлар ёрдамида жосуслик маълумотлари тўплаш юзасидан кенг миқёсда пш олиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Ҳаво разведкасига «У-2» типидаги товушдан тез уча-диган реактив самолётлар (уларнинг бири Свердловск раёнинда жаданшамга жунаганди) еки учун тезлиги соатига 3000 километрдан ҳам зиёд бўлган ва жуда узоқ вақт учеб юра оладиган «А-11» типидаги самолётлар юборилади. Разведка мақсадида «Орлон», «Нептун» типидаги самолётлардан, шу жумладап АҚШ стратегик ва тактик авнацияси ҳамда ҳарбий-дениз кучларининг пилотсиз уча-диган разведкачи самолётларидан ҳутм фойдаланилади.

Социалистик мамлакатларининг давлат чегаралари бўйлаб патруллик қилиб учеб жосуслик қилишда реактив самолётлардан ташқари винт-моторли самолётлар ҳам қўлланилилади. Масалан, нормал учун тезлиги соатига 550 километр бўлган, 12 минг километргача учеб бора оладиган ҳамда қўнмасдан 20 соатдан кўпроқ вақт учеб юра оладиган «ЕС-121» самолёти шу мақсад учун мўлжалланган. Бу самолётдаги маҳсус разведка асбоб-усуналарининг оғирлиги таҳминан 6 тоин келади, унга радардан ташқари, частоталар кенг спектрини контролъ қиласидиган ўнлаб разведкачи приёмниклар, ҳисоблашечим қурилмалари, магнитофонлар, олинган ахборотни

ишилаб берадиган аппаратлар ҳамда мустақил ишлайди-
ган бир неча навигация системалари ўрнатилган.

АҚШнинг халқаро авиация линияларида фойдалани-
ладиган айрим ҳарбий-транспорт ва ҳатто пассажир са-
молётларига ҳам жосуслик маълумотлари тўплайдиган
радиотехника ва бошқа аппаратлар ўрнатилган.

Америкаликлар дengизда ва dengiz bўйи участкала-
рида разведка ишларини олиб бориш учун вертолётлар-
дан фойдаланади. Масалан, шу мақсадга мослаштирил-
ган «Си Кинг» вертолётига радиолокатор, гидролокатор
ва маҳсус радиоаппарат ўрнатилган. Бу вертолёт 4 соат-
ча давом этадиган учиш даврида нишон ва объектларни,
айниқса очиқ dengизда сув ости кемаларини излаб топа-
олади.

Америка разведка ташкилотлари разведкачи само-
лётлар билангира кифояланмай. Совет Иттилоқининг
узоқ районларн тўғрисида ҳам жосуслик маълумотлари
тўплаш мақсадида мамлакатимиз територияси тепаси-
даги фазога фоторазведка ва радиоэлектрон разведка
аппаратлари билан таъминланган учувчисиз аэростатлар
(ҳаво шарлари) учирлишга уриниб кўриши. Қейинги
йилларда ҳам шундай уринишлар бўлгандиги пайқалди.

Космик разведка олиб боришини АҚШ ўз монополия-
си қилиб олган бўлса, Англия, ГФР, Япония ҳамда баъ-
зи бир бошқа империалистик давлатларнинг разведка
ташкилотлари ҳаво разведкаси ёрдамида социалистик
мамлакатлар тўғрисида жосуслик маълумотлари тўп-
лаш билан мунтазам равишда шугулланмоқда.

Америка Қўшма Штатлари техникавий разведка учун
ҳар хил dengiz кемаларидан ҳам фойдаланмоқда. Халқ-
аро dengiz сувларида ўнлаб маҳсус разведкачи кемалар
Америка ҳарбий-dengiz кучларининг ёрдамчи кемалари
ниқоби остида сузуб юришади. Булар «Пуэбло», «Ли-
берти» типидаги ва шунга ўхшаш бошқа кемалардир.
Мустақил равишда узоқ вақт сузуб юришга мосланган
бу кемаларга турли-туман радиоэлектрон аппаратлар,

алоқа воситалари ўрнатилган. Мазкур кемалар Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг ссҳиллари яқинидаги районларида жойлашган радиотехника воситаларининг ишини контролъ за анализ қилиш йўли билан жосуслик маълумотлари тўплайди.

Разведкачи кемаларнинг экипажи қисқа вақт давом этадиган ва кучсиз сигналларни ушлаб қолиш ҳамда топиш юзасидан тегишли тайёргарлиги бўйлан техникий разведка мутахассисларидан тузилади. КХДР нинг чегара соқчилиги томонидан қўлга туширилган Америка разведка кемаси «Пуэбло»да кема командасидан ташқари, 28 кишидан иборат разведкачилар группаси ҳам бўлган, бу группа олиб борадиган иши жиҳатдан кема капитанига бўйсунмас экан.

АҚШ ҳарбий-дengиз кучларининг радиолокаторлар ва гидролокация станицялари билан усунонланган ҳарбий сув усти кемалари билан ёрдамчи кемалари радиоэлектрон разведка билан ҳам шугулланади. Улар денигиздаги ва ҳаводаги нишон ҳамда объектлар билан бир қаторда соҳилдаги, соҳил яқинидаги объект ва нишонлар тўғрисида ҳам жосуслик маълумотлари тўплайди. Бир қанча йирик ҳарбий кемаларда жосуслик ахборотлари тўплайдиган ва уларни қайта ишлайдиган маҳсус автоматлаштирилган системалар бор.

Америка мутахассисларининг таъкидлашича, сув ости кемалари дengиз разведкаси системасидә муҳим ўрин ҳаллайди. Кўзга кўринмай, мустақил рэвишда узоқ масофаларга сузиб бора олиши туфайли сув ости кемалари катта ҳажмдаги турли-туман разведка топшириклиарини бажара олади. Совет Иттифоқининг сув ости кемалари базаларини разведка қилишда улар алоҳида роль ўйнайди. Разведка ишлари самарали ўтиши учун, америкаликлар, сув ости кемаларини радиолокация ва гидроакустика станциялари, радиоразведка ва радиотехникавий разведка воситалари, мукаммал фотоаппарат ҳамда оптик аппаратлар билан таъминлайди.

Хонаси келганды шуни ҳам айтиш керакки, америка матбуютидан олинган маълумотларга қараганда, баъзи бир сув ости кемаларидан, шунингдек кичик торпедали катер ва ҳаво ёстиқчали катерлардан соҳилга диверсантлар ва разведкачилар группасини тушириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. АҚШда шуни ҳисобга олиб, «Грейбек» сув ости кемаси қайта ускуналанган. Бу кемага 60 нафар разведкачи сигади, кемадаги разведкачилар соҳилга ўзи ҳаракатлашидиган тўрт кишилик аппаратда туширилиши мумкин.

Чет эл матбуютида ёзилишича разведка қилувчи техник воситалар ёрдамида тўплланган жами ахборотлар радиолокацион ва радиотехник разведканинг кўп соили стационар станциялари ҳамда махфий эшиттиришларни ушлаб қолувчи станция ва постларидан АҚШ ишинг разведка хизматига, биринчи навбатда Миллий ҳафсаизлик агентлигига узлуксиз равишда келиб турди.

Ер устидаги стационар постлардан олиб бориладиган радиоэлектрон разведка Англия, ГФР, Франция, Япония ва техникаси тараққий этган бошқа капиталистик давлатларни социалистик мамлакатлар тўғрисидаги жосуслик ахборотлари билан таъминловчи асосий пост бўлиб ҳисобланади.

Бу постларни махсус радиоразведкачи бўлишмалар ташкил этади ва уларга хизмат кўрсатади. Энг замонавий радиоэлектрон аппаратлар ўрнатилган мазкур постлар частоталар кенг спектрида электромагнит нурлар сигналини излаб топади, қайд қиласи, шундай сигнал тарқатувчи манибанинг ўринини аниқлайди ҳамда ушлаб қолипган электромагнит сигналларни таҳлил қиласи. Радиоэлектрон аппаратларни юксак малакали операторлар ва мутахассислар бошқаради.

Радиоэлектрон разведка баъзан обьектдан жуда узоқда бўлса ҳам, узлуксиз ва яширин равиша ишлаб, тезда катта ҳажмдаги турли-туман жосуслик маълум

мотлари олишга имкон беради. Малакали разведкачилар қайд қилингандай ахборот ва сигналларнинг мазмунини билмаса, лар ҳам, сигнал юборувчи қурнлмаларниң ишига қараб, улар хизмат кўрсатаётган объектлар, уларнинг вазифалари, жойлашган ўрини, баъзан эса кўчишлар, бўлажак ҳаракатлар ва ҳоказолар ҳақида муҳим хуносачиқариши мумкин.

АҚШнинг разведка хизмати стратегик радиоэлектрон разведка олиб бориш мақсадини кўзлаб (бу эса бизга матбуотда босилиб чиқсан хабарлардан маълум), ўз мамлакатлари территориясида ҳамда иттифоқдош ва хусусан СССР билан чегарарадош бўлган қарам капиталистик мамлакатлар территориясида радиосигналларни ушлаб қоладиган икки мингдан кўпроқ стационар постлар ва юзлаб радиолокация ҳамда радиотехник постлар ташкил этди. Бундан ташқари, радиоэлектрон разведка тақтиқ мақсадларда фондаланиладиган кўп миқдордаги стационар ва қўчма постлари АҚШ қуролли кучлари составига кирадиган ҳамда Фарбий Германияда жойлашган маҳсус ҳарбий қисмларда, чет элдаги Америка авиацияси ҳамда флотининг қуролли кучларига хизмат кўрсатадиган ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз базаларида ҳам бор. Англия, ГФР, Франция, Япония ва Союзка капиталистик давлатлар разведкалари ихтиёридаги радиоэлектрон разведкаларнинг ўнлаб стационар постлари социалистик мамлакатларни нишонга олган.

Радиоэлектрон разведканинг америка постлари Совет Иттифоқи территориясини ҳар томондан қуршаб турибди. Бу постлар Фарбий Германия ва Туркияда, Эрон ва Покистонда, Япония ва Аляскада, Канада ҳамда Гренландияда ва ҳатто дунёдаги ўнлаб мамлакатлардаги АҚШ элчихоналари биноларида жойлашган. Бу постларнинг аппаратурлари совет граждан ва ҳарбий алоқалари системасини, радиолокация ва навигация системалари ҳамда пайқаб қолган бошқа ҳар қандай электрон системаларни нишонга олган.

СССРнинг деярли бутун территорияси уларнинг кўзи остидадир. Шу билан бирга Совет Йиттифоқининг чегара районларида ва Европа қисми территориясида кўл етарлик зоналарининг айниқса зич, кўп табақали ва ср юзида ўзаро яширии постлари ташкил қилинди.

Радио эшиттиришларин тутиш хизматининг амелия восьиталарининг интилишлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун чет эл матбуотлари хабар қилгани фактни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу фактга кўра АҚШ разведкасининг радиоэшиттиришларини тутиш бўйича Туркия территориясида ҳаракат қилувчи постлари қуруқликдаги, кемалардаги ва самолётлардаги 1500 совет радиостанцияларининг иши устидан радиокузатив олиб боради.

Бутун ер шари — қуруқлик, денгиз кенгликлари, ҳаво, космик фазо бўйлаб тарқалган АҚШ техникинин разведкасининг турли восьиталари ёрдами билан олинган барча стратегик жосуслик ахборотлари тегишли марказларда тўпланади. Маълум разведка комплексларига хизмат кўрсатувчи бу марказлар электрон ҳисоблаш машиналари, ахборот олиш, ишлаш, ҳисобга олиш ва тарқатиш учун автоматлаштирилган қурилмалар билан, шунингдек маҳфий алоқа восьиталари билан таъминланган.

Марказлар кўплаб келиб тушган жосуслик ахборотларини дасттаб қайта иштайдилар, сўнгра уни миллый ҳавфсизлик Агентлиги марказий аппарати ва бошқа разведка хизматининг тегишли бўлимларига узатадилар.

Жосуслик фотосуратлари, телевизион ёзувлар ва шу каби ахборот мактабларидан радиотехник ва радиолокацион разведка олган маълумотларни таҳлил қилиш орқали қўлга киритилган. Миллый ҳавфсизлик агентлиги мутахассислари томонидан дешифровка қилинган радио тутиш материалларидан олинган жосуслик маълумотлари оқими АҚШ разведка хизматининг марказий аппа-

ратида ҳар томонлама анализ қилиниб, баҳоланади. Шундан сүнг тайёр ҳолда асосий истеъмолчиларга — МРВ, Пентагон, давлат департаменти, милллий хавфсизлик кенгашига, МРВнинг кўрсатмасига мувофиқ эса бу билан қизиққан давлат органлари ҳамда илмий марказларга берилади.

Америка жосус-роботи шу йўсинда ишлайди. Техника разведкасининг бу улкан, мураккаб, кенг тармоқли системаси объектив разведка ахборотларини етказиб берувчи ҳисобланади. Аслини олганда эса америка разведка хизматларида СССР ҳақида АҚШ ҳукмрон доираларини қизиқтирувчи маълумотларнинг худди ўзи тўпланади. Техника разведкаси томонидан қўлга киритилган кенг жосуслик ахборотларининг тугал шарҳини америка жосуслари ва эксперлари берадилар. Улар Америка амалдорлик перархиясининг энг реакцион, ишенингда душман қисмийни намоёндагаридир. Бу элементлар дунёқарашининг типик ифодачиси Аллен Даллеснинг ўзидир.

Баъзи империалистик давлатларнинг жосус-роботлари СССРга ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши аича тор доирада бўлса-да, лекин кўп ҳолда шундай ҳаракат қилмоқда.

Бироқ кези келганда, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, радиоэлектрон разведканинг имкониятлари беҳад чексиз эмас. Улар бўшлиқда электромагнит тебрапишларнинг (радиотўлқинларнинг) тарқалиш шаронтига, жосуслик аппаратурасининг (танлаб тутишлик, шовқиндан ҳимоя қилувчилик қобилиятига) имкониятларига разведка олиб борилаётган обьектлар аппаратураси параметрларига ва ҳоказоларга bogлиqdir.

Замонавий техника воссталарини империалистик давлатлар томонидан разведка мақсадида қўлланиш усуллари лозим даражадаги мукаммаллика эришган. Бу ҳақда тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун империалистик разведкалар томонидан радиоэлектрон ва фотो-

аппаратуралар зўр бериб ишлаб чиқилаётгани ва фойдаланилаётгани СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга юборилаётган разведкачилар ва агентларни шахсан таъминлаш учун овоз ёзиб оладиган ва радио алоқа олиб борадиган аппаратларнинг энг янги воситалари, шунингдек капиталистик мамлакатларда жойлашган совет муассасаларига, совет гражданлари истиқомат қиласидиган квартиralар ва меҳмонхона номерларига яширин эшитув техникаларининг ўрнатилаётганини эслатиб ўтиш кифоя.

АҚШнинг маҳсус хизматлари, айниқса Федерал текшириш бюроси ва америка ҳарбий разведкасининг баъзи ортнлари АҚШ ташқарисида жосуслик операцияларини кенг кўламда амалга ошира бориб, тараққий парварлик кайфиятидаги америка гражданларини таъқиб қилиш учун, америка жамиятининг барча қатламларидаги бошқача фикрли кишиларни аниқлаш учун жосусликнинг маҳфий техника воситаларини қўлламоқдалар.

* * *

Капиталистик мамлакатларнинг разведкалари ва бошқа маҳсус хизматлари ҳозир ҳам Совет давлатига қарши курашда ўтмишдагидек, биринчи галда, жосусликка аҳамият берадилар. СССР тўғрисида разведка ахборотларини тўплашдек анъанавий усуллардан воз кечмаган ҳолда, улар Совет Иттилоғининг капиталистик ва тараққий этаётган мамлакатлар билан узлуксиз ривожлашаётган дипломатик, савдо илмий-техника ва маданий алоқаларини жосусликни амалга ошириш учун янада кўпроқ мослаштиришга интиладилар.

Етакчи империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ҳамма воситалардан, шу жумладан инсоннинг космосдаги зафарларидан ҳам жосуслик мақсадларида фойдаланадилар. Ҳозирги замон илмий-техника рево-

люциясининг энг муҳим ютуқларини глобал жосуслик учун қўллаш реакцион кучлар ўз мақсадларига эришиш учун маблагларни аямасликларини кўрсатади.

Совет кишилари капиталистик мамлакатлар билан бўладигаи алоқаларнинг кенгайишини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайдилар. Мамлакатимизда чет элликларниң фоят кўпчилиги ўзини яхши тутади. Бироқ Совет Иттифоқига жинояткорона характеристердаги топшириқлар билан келган кишилар шуни яхши билишлари керакки, СССРда жосуслар албатта фош бўладилар.

ИДЕОЛОГИК ДИВЕРСИЯ

Империализм Совет давлатига, қардош социалнстик мамлакатларга, социализм системасыга қарши бетиним идеологик уруш олиб бормоқда. Империалистик донра-лар синфиі курашда асосий күчни идеологик соҳасыга ташлаб ҳозирги ижтимоий ҳәёттинг ўзгарувчан шароит-ларига мослашишга ва шу билан биргә жаҳон майдо-нидаги күчлар инсебатида йўқотган имкониятларининг ўрнини тўлдиришга урнимоқдалар. Империалистик буржуазия капитализмнинг ҳалокатини ва социализм-нинг шиддатли одимини, унинг голибона идеологияси-нинг ёйнилишини тўхтатиб қолишга бутун чоралар билан ҳаракат қилмоқда.

Жаҳонга ҳокум бўлишилик тўғрисидаги хәёлий орзу-умидлар қуршовида аввалгицек қолиб келаётган импе-риализм реал мавжуд оламда жаҳон социализми, барча антиимпериалистик күчларнинг оғишмай ўсиб бориця билан вужудга келган янги вазиятга жон-жаҳди билай мослашмоқда. Бу унинг социализмга қарши кураш так-тикасии ўзгартириб туришга, ўзаро чамбарчас алоқа-дор бўлган ташки сиёсий, ҳарбий-стратегик ва пропаган-дистик доктриналар ва концепцияларни қайта кўриб чиқишга мунтазам мажбур қилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг ҳуқмрон доиралари дарҳол СССР ва ҳалқ демократик мамлакатларига қарши қаратилган бебошларча антикоммунистик пропагандани авж олдириб юбордилар. «Психологик уруш» воситалари билан улар бу мамлакатлар аҳолисини маънавий жиҳатдан бузишга, социалистик тузум негизларини қўйнишга қаратилган контрреволюцион чиқишлиар, террор-чилик ва бошқа ҳаракатларни тайёрлаш мақсадида уларга ўз таъсирини ўтказишга интилдилар. «Психологик уруш» манфур «вазминлик» кейинчалик эса «озодлик» сиёсати танижасида вужудга келди. Бу ҳарбий соҳада, ядро қуролини қўлланиши билан «глобал уруш»га йўл очишгача бўлган «қўйлашиб ўч олиш» доктринаси билан қўллаб-қувватланди.

Социалистик мамлакатларда тартибсизликлар кеттириб тикирлишин кўзда тутувчи оу очиқдан-очиқ агрессив ташки сиёсий йўл АҚШ қуроли кунчларининг зараташини учун баҳона бўлиб, 1956 йилда Венгрияда рўй берган контрреволюцион исён вақтида у мутлақо мағлубиятга учради.

Совет Иттилоғи Ернинг биринчи сунъий йўлдошнини учирив, бутун дунё олдила ўзининг техник-иқтисодий қудрати даражасини намойиш этган вақтида таниқли Америка сиёsatчилари ва идеологлари жаҳонда ўзгарған шаронти ҳисобга олган ҳолда социализмга қарши кураршининг янги тактикарни излай бошладилар. Социалистик мамлакатларнинг ҳар бирига «алоҳида ёндашиш», социалистик ҳамдўстлик билан алоқасини бўшаштиришга тайёр эканлигини кўрсатадиган бирон-бир мамлакатни «тақдирлаш» зарурияти асосланади. Шу аснода АҚШ империализми айрим социализм мамлакатларига ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши «маҳаллий» ёки «чекланган» уруш олиб боришни кўзда тутувчи «тадбиркор таъсир кўрсатиш» тўғрисидаги ҳарбий-стратегик доктринаси олга сурилди.

Америка империализмининг бошқа янги сиёсий доктринаси президенти Жонсон томонидан эълон қилинган «Шарқий Европага кўпrik қўйиш» деган анча машҳур формула билан 1964 йилда узил-кесил расмий тус олди. Уша вақтда АҚШ давлат департаменти сиёсатини планлашириш Советининг раиси лавозмнини эгаллаб турган У. Ростоу Америка империализми бу стратегиясининг ҳақиқий моҳиятнни таъкидлаб ўтган эди. «Бизнинг вазифамиз,— деган эди бу реакцион идеолог,— шундан иборатки, агар бу мумкин бўлса, коммунизмни тинч йўл билан тугатишига ёрдам беришдир». Ростоунинг сўзига қараганда, бунинг учун Қўшма Штатларга «ҳозир коммунистик йўналиш хавфи остида турган мамлакатларни ўз вақтида орқасидан эргаштириб кета оладиган национализм ва либерализмнинг буиёдга келаётган кучларни билан конструктив ҳамкорлик қилиш зарур».

Ҳозирги замонда буржуа ва коммунистик идеологиялар ўртасидаги кураш капитализмдан социализмга ўтишнинг тарихий процессида жамиятнинг маънавий ҳаётидаги инъикоси ҳисобланади. Бу кураш оммага, кишига таъсир этиш учун курашдан иборатдир. Унинг доираси мураккаб ва ўзига хос бўлиб, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадиий ва диний қарашларни ўз ичига олади. Бу кураш, қаршилик кўрсатаётган кучлар кўпинча бевосита тўқнашиб турмаса ҳам, сусткашлнк ва лоқайдликка бефарқ қарай олмайди. Бу кураш жараёнлари теран, унинг натижалари кўлинча дарҳол баён қилинмайди, балки вақти билан ва энг хилма-хил воситалар орқали намоён бўлади. Шу тарзда ёки бошқача йўспинда киши онгидা акс этиб ва одамларнинг, социал гуруҳлар ва синфларнинг амалий фаолиятида намоён бўлади.

Жаҳон революцион процессининг тобора авж олиб бориши, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг янгидан-янги тарихий ғалабалари империализм ва социа-

лизм ўргасидаги идеологик курашынг күчтегиши ва кескинлашишини белгилөвчі асосий омилдир.

КПСС ХХIV съезді социализм системасы ҳал құлувчи антиимпериалистик күч сифатыда янада күшіроқ қарор топғанлыгын таъқидлаб үтди. СССРда коммунистик қурилишда зёр мұваффақияттарға әрішилди. Қардош мамлакаттарда социализм қурилиши мұваффақиятты авж олмоқда. Шу мұносабат билан халқаро майдонда тинчлик, демократия ва социализм фойдасынга күчлар нисбатта да янада ўзгаришлар юз берди.

Тинчлик ва халқлар хавфсизліги үчүн курашда жағын социализм системасыннан ролі үсди. Шу нарасаға әрішишга мұваффақ бўлиндик, империализм агрессия күчларыннинг интилишига қарамай халқаро кескинлик юмшай бошлади.

Тинчликнин актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизлік мустаҳкаммалаш мақсадында Коммунистик партия ўзининг ХХIV съездінде бу йўналишдаги фәолитишине янги конкрет программасын илгари сурди.

Халқ турмуш даражасини юксалтиришда социализмнинг капитализмға ишебатан афзаллуклари борган сари яққол кўримоқда. КПСС ХХIV съездінде сўзга чиққан Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясыннинг бош секретари Гэсс Холл бундай деган эди:

«Бир томондан, эртаңги кунга мұтлақо ишончсизлик, капитализмда жамият ҳаётіда актив иштирок этнішдан четлатишга сабаб бўладиган бегоналостиш ва умидсизлик ҳиссиги ўсишини, иккинчи томондан, жамият учун зарурлиги ҳиссиги, унинг социализмда ривожланишини шахснинг ўзи белгилашы мумкинлигини қандай таққослаш мумкин.

Капитализм жамиятидаги ҳаётни, унга хос бузуқлик, таҳқирлаш, қаттиқ азоб-үқубат ва хор-зорликларини — капитализм туғдирган ирқчиликнинг бу маҳсулини социализмда гуллаб-яшнаётган ҳаёт билан, ирқчиликдан ҳалос бўлган, ҳар бир кишининг тенглиги ва мұносаб

иззат-журматига асосланган ҳаёт билан қандай қилиб қиёслаш мумкин?

...Чуқур умидсизликни тугдирувчи оммавий гиёвандлик ёки бутун кашталистик жамиятни бошидан оёғигача қамраб олган порахүрликни ўлчаш имкони йўқ.

...Каштализм чириб бориши билан унинг талабларига жавоб берини оғирлашади. Ҳаётий бойлуклар смирилади. Шунга мувофиқ равишда социализмининг инсоғ өхтиёжларини янада кўироқ қондириши қобилияти ўсади, турмуш янада гуллаб-яшиайди¹.

Социализм мамлакатлари томонидан олга қўйилгали ҳар бир қадам жаҳон революцион жараёнига баракали таъсир кўрсатмоқда. В. И. Ленининг Социализм гала-ба қилган мамлакат ўзининг хўжалик ютуқлари билан кашталистик дунёга янада кучлироқ революцион таъсир кўрсатади, деган пайғамбарона сўзи тасдиқланди. Ҳар бир бундай ютуқ идеологик қарама-қаршиликни кучайтиради, коммунизм билан курашга янгидан даъват этади.

Социализм муваффақиятлари ҳозирги дунёда, шу жумладан кўпгина мулоҳазакор кишиллар ўзларига капиталистик тузум истиқболлари тўғрисида, иисониятнинг тараққиёт йўллари тўғрисида, социал қайта ўзгаришлар тўғрисида савол бериб турадиган империалистик мамлакатларда айни бевосита идеялар курашида кўзга ташланади. Социализм фоялари бу ерда ҳам меҳнаткашлар оммасининг анча кенг қатламишини қамраб олиб, буржуа идеологиясининг таъсирини сусайтирмоқда.

Марксизм-ленинизмнинг кишилик жамияти ривожланишида омманинг асосий, белгиловчи роли тўғрисидаги асосий қондаларини ҳозирги давр кўп марта тасдиқламоқда. Ҳатто ҳалқ вакиллари томонидан эмас, балки давлат-монополистик буржуазиянинг юқори табақалари

¹ XXIV съезд Коммунистической партии Советского Союза, I том, 416—417-бетлар.

томонидан шакллантириладиган империалистик давлатларнинг расмий сиёсатида ҳам халқнинг бавосита ва шунингдек, тўғридан-тўғри таъсири кўринади. Бу айниқса меҳнаткашларнинг ҳукмрон доираларнинг реакционички ва агресив ташқи сиёсий акцияларига қаратилган қаршиликларининг узлуксиз ўсиб бораётганлигида яққол кўринади.

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг давлат-монополистик ҳукмронликнинг барча системаларига қарши қаратилган кескин синфий жанглари юксак босқичга кўтарилди. Гинчлик учун, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун умумдемократик ҳаракатлар кенг қулоч ёди. Жаҳон империализмининг таянчи — Америка Қўшма Штатларида меҳнаткашларнинг урушга қарши ҳаракатлари борган сари оммавий ва кескин социал тус олмоқда.

Капиталистик тузумдан фарқли улароқ социализм омманинг ижодий куч-ғайратини ҳар томоплама ривожлантиради, сиёсий ҳаётга актив жалб этишга, ишли синфининг, деҳқонлар ва интеллигенциянинг янгилашган қатламларининг давлатни бошқаришга тортишга имкон беради.

КПСС Марказий Комитетининг партиянинг XXIV съездига Ҳисобот докладида таъкидланганидек, «Бизда жамиятнинг бутун сиёсий системаси меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган ташабbusи коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда»¹.

Капиталистик мамлакатларда халқ оммасининг сиёсий активлигини тўхтатиш, уларни жамиятни тубдан ўзгартириш, эксплуатацияни йўқотиш учун интилишларини босиб қўйиш учун ҳукмрон империалистик доиралар ўзларининг мамлакатларидаги меҳнаткашларга қарши кенг идеологик ҳужум олиб бормоқдалар, социализмнинг тарихий ғалабаларини алдаш ва ёлғон-яшиқ хабарлар

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, 93-бет.

Билан бадном этишга уримоқдалар. Айни вақтда империализм социализм мамлакатларидаги меңнаткашларга идеологик таъсир ўтказиш учун янада күпроқ күч сарфламоқда. «Биз ҳар доим синфи душманимизнинг ўқи состида яшаб турибмиз,— деган эди Л. И. Брежнев Чехословакиядаги «Авто-прага» заводида 1971 йил 27 майдада сўзлаган нутқида.— Капитализм дунёсига ялпи ҳужумимиз тўхтовсиз кучайиб бораётган шароитда нақадар кўп муваффақиятларга эришсак сиифий душманинг бизга мана шу ўқ узиши, мана шу ҳужумлари шу қадар шиддатли бўлаверади»¹.

Империалистик буржуа идеологияси кескин кризисни қанчалик кўпроқ бошидан кечирса империализм ва социализм системаси ўртасидаги идеологик кураш шу қадар кучли бўлмоқда. «Янги тарихий давр пролетариатнинг революцион дунёқарашига чи!накам зафар олиб келди. Марксизм-ленинизм илғор инсоният ўй-фиркининг ҳукмдори бўлиб қолди.

Буржуа таълимотлари ва мактаблари тарихий синовга бардош бера олмадилар. Улар турмуш илгари сурган масалаларга илмий асосда жавоб бера олмадилар ва бера олмайдилар. Буржуазия эндиликда халқ оммасини ўз орқасидан эргаштириб бора оладиган идеяларни илгари суришдан ожиздир. Капиталистик мамлакатларда тобора кўпроқ кишилар буржуа дунёқарashi билан алоқаларини узмоқдалар. Буржуа идеологияси чуқур кризисни кечирмоқда»².

Буржуазиянинг реакцион социал перспективалардан маҳрум синфга айланәтганлиги буржуа идеологияси чуқур кризисининг ички манбаларини ташкил этади. Империалистик буржуа идеологиясидаги тушкунлик тасоди-фий ҳол эмас. Буржуазия томонидан олга сурилган

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, З-том, 418-бет.

² КПСС Программаси ва Ўстави, Тошкент, Ўздавнашр, 1962, 97—98-бетлар.

идеялар ва назариялар реал воқеулукни англашга, ижтимоий тараққиётининг энг муҳим вазифаларини ғодалашга эмас, балки ўз умрини яшаб бўлган ва жамиятпинг ривожланишига ҳалақит бераётган социал тартибларни ҳимоя қилиш ва асослашгагина хизмат қилади.

Монополистик лаганбардорларининг АҚШда 1957 йил охирида йирик бизнес маблаги билан амалга оширилган «миллий мақсад»нинг назарий изланишларини ёйишга уринишлари беҳуда бўлиб чиқди.

Ҳатто энг истеъоддли буржуа тадқиқотчиси ҳам байкирлар ва саноатчиларни шошилган социал заказларини бажаарар экан, империализмнинг реакцион сиёсати ва практикасини ҳимоя қилувчи маддоҳликдан юқори кўтарилишига қодир эмасдир. Жуда деганда у социал қайта қуришининг туб проблемаларида узоқ бўлган ёрдамчи амалий тадқиқотлар билангина шуғулланади.

Тарайчанинг ўзини олимни Жон Бернал шунин ҳақоний кўреатиб ўтган эдикни, «гарб цивилизацияси» тўғрисидаги фикрнинг лидерлари... асrimизнинг энг муҳим проблемаларини: иқтисодий муҳтоҷлик, мустамлака зулми ва уруш проблемаларини янгича ҳал этишни кўрсатиб беролмайдилар. Эски ечимлар тиш-тирногигача қуролланган ва ихтпёрида жуда катта полиция кучлари бўлган капитализмий абадий сақлаб қолишдан бошқа нарсани билдирамайди. Бу идеяга қанчалик баландпарвоз ёрлиқлар ёпиширилмасин... барибири у эркак ва хотин-қизлар оммасини илҳомлаштиришга мутлақо қодир эмас»¹.

Боши берк кўчага кириб қолган буржуа фикри ҳаммадан аввал ўз далилларини ҳаёсизлик билан турлича асослайди. Бу фикрларни олга сурувчи реакцион олимлар агрессив урушларни, одамларни оммавий қиришини, ирқчилик ва неофашизмни оқлашга уринадилар. Санъат ва

¹ Дж. Бернал. Наука в истории общества. М., «Иностранная литература» нашриёти, 1956, 616-бет.

алабиётда биз қабиҳ ҳисснётлар ва хулқ-атвор формалариниң капитализмга хос бўлган зўрлик, бузуқлик ва бониқа ярамас социал қасадликларининг мадҳ этилишини кузатамиз.

Инсоният капитализмга иисбатан ишончини ўйқотмоқда. Ривожланган мамлакатлар меҳнаткашларининг ҳам, сабиқ мустамлака мамлакатлари меҳнаткашларининг ҳам унга иисбатан ишончлари пучга чиқди. Объектив фикр юритувчи америкаликларининг эътироф этншларича, капитализм бутун дунёда жиркаич сўз бўлиб қолди.

Монополистик буржуазиянинг анча узоқни кўрувчи маддоҳлари империализм идеологиясининг шармандаси чиққашалигини илгариёқ тушуниб қолган эдилар. Империализмнинг ҳимоя қилиш ўринга улар бу тузумниң ҳақиқий моҳиятини, унинг социал табиатини ва асосий муассасаларини оғзаки гаплар билан ниқоблай бошлидилар. Улар капитализмни қандайдир бошқача, гўёки тамоман нокапиталистик тузум спфатида таърифлайдилар. Капиталистик давлатларининг ташки сиёсий пропагандаси эҳтиёжига кўра маҳсус ўйлаб топилган идеялар ва назариялар ҳам пайдо бўлди.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар турли даражага ва марта-Садаги зотлардан ташкил топган идеологларниң катта армияси антикоммунизмин — илмий коммунизм идеяларига қарши, инсониятниң энг прогрессив, ҳақиқий илмий идеологиясига қарши курашга йўналтирилган империалистик буржуазиянинг назария ва амалиётини кўллаб-куватлашга ташланган.

КПСС Программасида кўрсатиб ётилганидек, империализмнинг қуроли — антикоммунизм буржуа идеологияси инқирозининг сўнгги даражага етганлигини кўрсатади.

Дунёнинг иккι системага бўлинниб кетиши билан бу системаларининг идеологиялари халқаро майдонда нуфузли қудратли манбага айландилар. Икки қарама-

қарши дунёнинг синфи кураши тажрибаси марксизм-ленинизмнинг оммани қамраб олган илғор идеялар улкан моддий кучга айланади, деган муҳим қоидасини янада тасдиқламоқда.

Машҳур буржуа олими Моргентау 1967 йилда америка журнали «Foreign Affairs»да босилган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи устунлик учун традицион тарзда курашаётган икки буюк давлат сифатидагина эмас, балки икки душман ва сиғишмайдиган идеология манбалари, бошқарувнинг икки системаси, ҳаётнинг икки тасвири сифатида ҳам бир-бирларига қарши турибдилар. Бу системанинг ҳар бири ўзининг сиёсий аҳамияти ва муассасалари диапазонини кенгайтиришга, душман томонини эса бундай кенгайишига йўл қўймасликка ҳаракат қиласди. Моргентаянинг фикрича, энг муҳими шукӯи, идеологик кураш воситалари империалистик давлатга бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб имконини беради. Идеологик кураш, дейди ў, «динамик куч»дан иборат. Бу куч орқали жаҳоннинг ҳамма ерида баъзан дипломатия ва пропаганда методларни қўллаш ёрдами билан, баъзан эса шубҳали воситалар — қўпрувчилик фаолияти ёки ошкора куч ёрдами билан гоҳ яширин, гоҳ очиқдан-очиқ аралашиб»¹ сиёсати амалга оширилади.

Идеологик курашнинг характеристи ва кўламига алоқа ҳамда оммавий ахборот соҳасидаги техника воситаларининг тараққиёти катта таъсир кўрсатади. Инсонни жаҳонда рўй берабётган кўпгина воқеаларнинг шоҳиди қилиб қўювчи ҳамда уни бошқа мамлакатлар ва ҳоказолар ҳаётидан ранг-баранг информациялар билан тез таништирувчи бу воситалар кишилар кенг оммасига

¹ Цитата. Г. А. Арбатовнинг «Идеологическая борьба в современных международных отношениях» номли китобидан олинди. 46—47-бетлар.

идеологик таъсир кўрсатиш учун илгари мутлақо кўрилмаган имкониятларни яратиб берди.

Капиталистик дунё оммавий коммуникацияларнинг замонавий воситаларидан ўз истагича фойдаланди. Монополистлар ва давлат идеологик хизматидагиларнинг кичик гуруҳлари қўлида тўпланган бу воситалардан империалистик буржуазия ҳалқ оммасини мәъниавий қулликка тушириш, буржуа тузумида тарқалган «оммавий маданият»ни ёйиш, антикоммунизмни тұхтосиз пронағанда қилиш ва социалистик система мамлакатларига, мустамлака қарамлиги ҳамда миллдий зулмдан озод бўялан ҳалқларга қарши, социал озодлик ва тинчликкни барча кучларига қарши бошқа идеологик ишлар олиб бориши мақсадида фойдаланди.

Одамлар ақл-идроқи ва қалби учун бўладигига урушда империализм идеологик қурол-ярголарнинг барча арсеналини ишга солади. Бироқ совринни буржуа ионағандаси олмоқда. У капиталистик мамлакатларнинг расмий давлат органлари: ҳукумат, бошқа снёсий ведомстволар, информация агентлеклари ва бошқалар, миллий ва ҳалқаро буржуа жамоат ташкилотлари, коммерция билан шугулланувчи корхоналар, черковлар, ҳар турли (расмий статутга эга бўлмаган эмигрант антисовет ташкилотлар тинцдаги) уюшмалар, шахсий кишилар номидан амалга оширилади.

Буржуазия одатдаги пронағанда билан бир қаторда социалистик мамлакатларга қарши «психологик операция» деб аталмиш операцияни ҳам ўтказишга тобора кўпроқ киришмоқда. Бу операция давлатларнинг тинчтотув яшаши шароитида кўни планли қўпорувчилик идеологик диверсияни амалга оширишдан иборатdir.

Энди бу ерда идеологик курашнинг традицион формаларидаги сингари илмий коммунизм идеялариши ва социалистик қурилиш практикасини, шунингдек империалистик давлатининг, буржуача ҳаёт тарзини очиқдан-очиқ ташқид қилиши йўқ. Идеологик диверсия «социалистик»

терминология билан ўзини ниқоблайды, бир идеологияннинг иккинчиси билан, яъни марксизм-ленинизмни реформистик ва буржуа идеяларни билан алмаштириш астаскин, деярли сезиларнинг рўй беради. Улардан эса «тинч» контрреволюцияга, социалистик жамиятни ичдан тадріжий қўпоришга осонлик билан ўтиши мумкин.

Идеологик диверсияларнинг маккороналиги ва хавфлилиги шундаки, уларнинг ёрдами билан империалистик сиёсатдан социалистик мамлакатларнинг ички ишларига бемалол оммавий аралашиш имкониятини тажрибада амалга оширишга ҳаракат қиласидилар. Идеологик диверсия шу йўсинда махфий агрессияннинг ўзига хос кўриниши бўлиб қолади. Капиталистик дунёнинг идеологлари ва сиёсатдонлари унга таяниб, оммалашаётгани буржуа идеологияннинг ўрнини тўлдиришга умид боғладилар. Идеологик диверсантлар ўз ниятларини опатла тушта ишоратга, уни охирнгача сир туни билан инициаторларга таисир кўрсатишни истайдилар.

Хозирги замон шароитида идеологик диверсия — антикоммунизмнинг социалистик мамлакатларга қарши курашда асосий таяницидир ва шунинг учун ҳам у алоҳида хавф тутгиради.

Чехословакияни социалистик ҳамдўстликдан ажратишга урниган империализм ниятларининг барбод бўлиси «кўпприк қўйиш» сиёсатига сезиларни зарба берди. Бироқ «кўпприк қўйиш» тушунчасиннинг ўзиёқ бу расмий мурожаат натижасида йўқолган бўлса ҳам, империализм идеологик диверсиянинг маҳсус хизматлари ва марказлари социалистик давлатларга қарши қаратилган қўпорувчилик ҳаракатларини янада катта кўламда кенгайтира бошладилар. Шу йўсинда улар тактикасида баъзи жанддий янги моментлар пайдо бўлди.

Жаҳон социализмини система сифатида парчалаб ташлашга, айрим социалистик давлатларни «семиришга» астойдил зўр бераётган империалистлар социализмнинг уёки бу мамлакатларини Совет Иттилоғига қарши

қўйишга ҳамда «сиёсий ва идеологик жиҳатдан социалистик мамлакатларнинг кўнглини олиб, уларнинг «ички эволюциясини» қўлга киритишга уринмоқдалар». Бу йўлда улар фақат шалоғи чиққан эксплуататор синфларнинг қолдиқларигагина ишониб қолмай, балки ревизионистик, оппортунистик элементларга ҳам умид боғламоқдалар.

Империалистик идеологлар антикоммунистик стратегиянинг асосий мақсадларига эришиш учун навбагдаги айланма маневр планини ишлаб чиқдилар. Бу маневр социалистик мамлакатлардаги вазиятини таҳлил қилиш орқали улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни излаб топиш ва кучайтиришни кўзда тутади. Сўнгра социалистик мамлакатларнинг интернационал бирдамлигини фронтал кўпориши кўзда тутилган. Бундай қўпорувчилик фаолияти оқибатида национализм ва майдада буржуа индивидуализми кучларнинг галабасига олиб келиши керак.

Империализмнинг қўпорувчилик марказлари социалистик мамлакатларда социалистик тузум муассасаларини «демократлаштириш» ва «тузатиш», деган демагогик шиорлар остида ташкилий оппозиция уюштиришга уринмоқдалар. У ёки бу социализм мамлакатлари — ижодий интеллигенцияси ва ёшлари орасида идеологик диверсия ўтказишга зўр берилмоқда. АҚШ хукуматидорларидан бири чиқарган инструкцияда тўғридан-тўғри «жамоат фикрини шакллантиришга алоқадор Сўлган ёзувчилар, танқидчилар, студентлар ва бошқа шахсларни актив қайта тарбиялаш» зарурлиги тўғрисида гапирилади. Империализмнинг маҳсус хизматидағилар ижодий интеллигенция орасида шундай одамларни қидириб топишга ҳаракат қиласидиларни, бу одамлар маҳсус хизматдагилар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишлари ёки атрофдагиларга, биринчи галда ёшларга салбий таъсир кўрсантишлари лозим.

...70-йиллар бошида АҚШда «Гүңчлик манфаатлари йүлида янги стратегия» эълон қилиниди. Бу ташки сиёсат доктринаси тинчликсеварлик деган баландайарвоз иборадан кенг фойдаланади ва ҳатто социалистик мамлакатлар манфаатларини сўзда эътироф ҳам қиласди. Бироқ унинг умумий йўналиши эски, антикоммунистик характер қасб этади. Унн амалга ошириш учун Пентагон тегишли ҳарбий доктрина ишлаб чиқди. Бу доктрина «реалистик ўзини тута билиш стратегияси» номи билан машҳурдир. Америка империализмининг «жаҳонда раҳбарлик қилишга» интилиши, «реалистик ўзини тута билиш стратегияси» оқибатлари «кучларини сақлаш» ва АҚШ «ҳарбий қудратини ўстириш»ни кўзла тутади.

Буларнинг ҳаммаси фақат реализм ҳисси йўқлигини донгина далолат бермай, балки у «тинчлик манфаатлари» тўғрисида мулоҳаза юритишга интилиши арчи

империализм ва социалистик ҳамдўстликни парчагани дамда запфлаштиришга ҳаракат қиласди.

Алоҳида мамлакатни жаҳон социализм системасидан ажратиб олини учун антикоммунистик васваслар идеологик диверсия ва бошқа «типч воситалар» билангина шекланиб қолмайдилар. Улар уруш очишдан ҳам тоймайдилар. Масалан, Европадаги қуруқликдаги қўшиллар қўймондоилигининг махфий оператив иланида «Шарқий Германия ва Чехословакияни «озод этиш» кўзда тутилганди. Унда «идеологик диверсия» тўғридан-тўғри агрессия учун «қулагай вазият»¹ яратиб берни керак лебаник қилиб айтилган.

Хоёрча эса империалистик дунёнинг социалистик ҳамдўстликка қарши шиддатли идеологик урушида идеологик диверсия буржуазия позициясининг заиф томонини, унинг омма орасида йўқолиб бораётган таъси-

¹ Цитата. «Правда» газетасининг 1968 йил 19 июль сонидан олинган.

рий тұлдіришта қаратылған. У идеологик шурушинге үзінгә хөс махфий фронттада, иборат бўлиб, ҳозирги замон антикоммунизм асосий умидини унга борлагаги.

МАҚСАД ВА ОБЪЕКТЛАР

Идеологик диверсия — бу шұхта үйланғац әдәбий-часынға ташкыл қылнғац тадбирлар системасындар.

Идеологик диверсантларнинг вазифалари турни қлапли бўлиб, барқарор әмас. Бу вазифалар **вазиятта** қараб үзгариб туради. Социалистик мамлакатлар ва миллий-озодлик ҳаракати кенг ёйилған давлатлардаги шарт-шароитти үрганиб, антикоммунизм идеологларик ва сиёсатдоцларни биринчи галда социалистик қурилиш ҳамда революцион курашда өңдірілген зиддиятлар ва қийинчиликлар вужудга келгани жойда қўпорувчилнидан иборат бўлган идеологик ҳаракатларни амалга оширишга интиладилар.

Бутун социалистик ҳамдўстликининг бирлиги ва жиислигини, коммунистик ва ишчи партияларнинг тоғий бирлигини қўпориш, уларнинг ўзаро алоқаларини саифлаштириш, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг халқаро обрўсими тушириш — уларнинг ҳал қиммоқчи бўлган вазифалари мана шулардан иборат. Империалистик кучлар айрим социалистик мамлакатларни социалистик ҳамдўстликдан ажратишин, уларни Совет Иттифоқига ва бир-бирига қарама-қарши қўйишини, халқаро алоқаларни бўшаштиришини, халқлар ўргасида шубҳа уругини сенишини, маркеч-ленинча идеологияниң ва иролетар интернационализми сиёсатининг обрўсими тўкишини истайдилар.

Бу масала бўйича америка империализми идеологларининг ўзлари мана бундай дейдилар.

«Блокни парчалаш бизнининг биринчи галда **вазифа миздир**», — деб ёзди АҚШ давлат доирасынга яқин бўлган сиёсий шарҳловчи Сульцбергер.

АҚШ империалистлари социалистик мамлакатлар ўртасындағы муносабатларнинг ривожланишини диққат билан күзатып бормоқдалар, социалистик ҳамдүстлик ишінде баъзан келиб чиқадиган чигалликларга ва вақтнинчалик оғирликларга тезда ўз муносабатларни билдири-моқдалар, уларнинг чукурлаштиришга ва кескинлаштиришга ҳамда америкалик философ С. Хук «Сиёсий докимият ва шахс эркинлеги» китобида очиқдан-очиқ өттироф этганидек «Европадаги социалистик мамлакатларнинг СССР билан штрафоқи уларнинг манбаатла-рига зид келаётгани түғрисидеги тезисин исботлаб бериш» га интилмоқдалар.

Бу фикрлар антикоммунизм практикасынга тұла мос келади. 1969 йил 7 іюнда Москвада коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Қенгашыда сүзға чиқкан Л. И. Брежневтің ^{Антиборьшизм} ^{Марксизм-ленинизм} коммунистик ва бутун революцион қарқатыннан издан наро-нақда бўлишига умид боғлаш Әндилликда империализм синий стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир»¹.

Идеолоғик диверсантлар олдига социалистик мамлакатларнинг ижтимой-сиёсий негизини заифлаштириш, коммунистик партияларнинг мамлакат ишінде раҳбарлық ролини ва уларнинг оммага таъсирини бўшаштириш, коммунистик партияларни меҳнаткашларнинг бошқа жамоат ташкилотлари (қасаба союз, ёшлар ташкилотлари ва ҳоказолар)га қарама-қарши қўйиш, коммунистик идеологиянинг «кемирилишига» ҳамда буржуа дунё-қарашининг кучайишига имкон туғдириш ва ниҳоят социалистик мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини издан чиқариш мақсади қўйилган.

Империалистик давлатларнинг пропаганда, развед-ма ва бошқа маҳсус хизматларининг идеологик дивер-сиялари социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 435-бет.

ғоявий-сиёсий бирлигига қарши йўналтирилган. Утар зиммасига ишчилар синфи, дәхқонлар ва интеллигенциянинг иттифоқини бўшаштириш ва издан чиқарни. миллий сиёсатнинг обрўсини тўкиш, партиясизларни коммунистларга, ёшларни кекса авлодга, қишлоқ аҳлини шаҳар аҳолисига қарама-қарши қўйиш, меҳнаткашларнинг ватанпарварлигини, синфий оиги ва сиёсий ҳүшёrlигини заифлаштириш вазифаси юкландади.

Идеологик диверсияларнинг кўпорувчилик мақсадларида ички антисоциалистик кучларнинг душманлик фаолиятини активлаштириш катта ўрин тутади. Бундай кучлар социалистик ривожланиш йўлига кирган мамлакатларда маълум даражада сақланиб қолмоқда.

Чехословакияда 1968 йил ёзда рўй берган воқеалар айни шу кучлар биринчи галда социалистик ҳокимият органлари ва бошқармаларининг ишидан иорозилик уйғотаётганлигини, антисоциалистик ва аксл жамоатчилик тенденциялари ва кўринишларини қутуртирганларни ва йўлдан оздирганилкларини кўрсатди.

Идеологик диверсия планлари кенг ва узоқни кўзлагандир. У гражданлар уруши оловини ёқиш, мамлакат ичидағи антисоциалистик кучларни очиқдан-очиқ тўплаш учун барча шароитларни яратиш ва уларнинг контреволюцион фаолиятларини ташқаридан қўллаб-қувватлаш сингари социализмни «емиришишинг» қатор этапларини ўз ичига олади. Бунда империализмнинг бевосита ҳарбий аралашуви ҳам истиесо эмас.

Кўрамизки, бунда қўпорувчилик вазифаларининг бутун бир системасини босқичма-босқич ва параллель ҳал қилиш назарда тутилади. Уларнинг конкрет мазмани ва бажарилиш изчиллиги социалистик ҳамдўстликдаги ва унинг айрим мамлакатларидаги вазиятга қараб координатлаштирилади. Коммунистик идеологиянинг аста-секин «емирилиши» ва «тинч» контреволюциянинг ҳаракатидан бошлаб идеологик диверсантлар социализм билан курашин шундай олиб бормоқчиларки.

пирбардида социализмни капиталистик түзүм билан «аста-секин» алмаштириш учун шароит ҳөзирлаш имиони вүждуга келсин.

Идеологик қўпорувчилик фаолиятида объектлар танлашда тегишли социалистик мамлакатлардаги вазијат, улар ривожланишининг социал-сиёсий, иқтисодий, миллий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади. Ҳатто уларниң географик мавқеи ҳам эътибордан четда қолмайди.

Коммунистик идеалларнинг, илмий коммунизм науариясининг, жаҳон революцион процессининг ривожлашиши тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг кишилар ақлу идроки ва қалбига тобора кўпроқ таъсирини ҳар томонлама заифлаштириш учун, табиийки, биринчи галда марксча-ленинча пазариянинг асосий қоидалари га ҳужум қилинади. Философияда, социологияда, тарихда, экономикада, социальда, маданиятта ва санъат соҳаларда пролетар дунёкаранинг принциплари муттасиб ҳужумга учраб туради. Антикоммунистлар марксизм-ленинизмнинг синфлар ва синфи ҳураш тўғрисидаги, пролетариат диктатураси тўғрисидаги, ишчилар синфи партияси ва унинг меҳнаткашларнинг ҳокимиятни қўлга киритишидаги ҳамда социалистик революция ғалаба қозонгаг мемлакатда социалистик жамият қуришдаги раҳбарлик роли тўғрисидаги ўлmas таълимотини рад этишга ёки обрўензлантиришга жой-жаҳдлари билан ҳаракат қиласидилар.

Империализмга қарши курашда муваффақиятга өтчишиш кўп жиҳатдан антиимпериалистик кучларнинг ғаъби биринчи галда, ҳалқаро коммунистик ҳаракатининг мустаҳкам бирлигига боғлиқдир. Шу билан бирга, коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда бўллиб ўтган Ҳалқаро Кенгашининг Асосий ҳужжатида таъкидланганидек, «марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига содикдик, ўз ҳалқи манфаатларига социализмниң умумий ишинга фидокорона ва садоқат

бидан хизмат қилиш — коммунистик ва ишчи партияларининг ягона ҳаракати самарадорлигини ва түғрийўлини белгилашнинг мұхим шарти бўлиб, уларниң тарихий мақсадларида муваффақиятга ёришишларининг гаровидир¹.

Худди шунинг учун социалистик ҳамдўстлик, қардош партияларининг ҳалқаро мунисабатлари, социалистик мамлакатларининг ҳалқаро алоқалари, Узвро Иқтисодий Ердам Кенгаси, Варшава шартномасининг ҳарбий ташкилоти мунтазам равишда ўққа тутилмоқда.

Империализм идеологик диверсияларининг социалистик мамлакатлар ичидаги асосий обьекти коммунистик ва ишчи партияларидир. «Рус масаласи» бўйича антикоммунистик фикр юритишга ихтисослашиб олған американлик профессор Жорж Кеннан бундай деб ёзган эди: Агар кимда-ким Коммунистик партияларининг сиёсий қурол сифатидаги бирлиги ва кучига шикаст етказса, Совет Россияси энг кучли миллтий жамиятдан энг ожиз ва ҳароб миллтий жамиятга тезда айланиси қолиши мумкин².

Коммунистик партия ишчилар синфиининг, барча совет ҳалқларининг гоявий ва сиёсий раҳбаридир. Ў меҳнаткашларни юксак гоявийлик, совет ватанинварварлиги ва интернационализм руҳида ҳормай-толмай тарбияламоқда. Партияларининг бутун фаолияти ҳалқ манфаатларига чексиз содиқликнинг ифодасидир.

«Партия ва бутун совет ҳалқи манфаатларининг бирлиги,— деб таъкидланади КПСС XXIV съездининг Хисобот докладида,— жамиятимизнинг енгилмас куч, ҳар қандай қийинчиликларни бартараф эта билиш қобилиятини багиштайти. Партия билан бутуни меҳнат-

¹ «Международное Совещание коммунистических и рабочих партий», 329-бет.

² Цитата, «Известия» газетасининг 1971 йил 22 январь сонидан олинди.

кашларнинг ажралмас бирлиги — бизга олға томон да-
дил қадам ташлаш, энг мураккаб вазифаларни ҳал қи-
лиш имконини беради. Бизинг партияимиз меҳнаткаш-
лар ишончини гоят эъзозлайди ва қадрлайди»¹.

Бизнинг партияимиз ҳалқнинг туб манфаатларини
ифодаловчи тинчликсевар ташқи сиёсатни сабот билан
ўтказиб келмоқда. Бу сиёсат жаҳон социалистик систе-
масини янада жипслаштиришга ва тараққий эттиришга
капитал мамлакатларидағи ишчилар ҳаракати билан
бирдамлик ва интернационал ҳамжиҳатлик принципини
оғишмай олиб боришига, коммунистлар сафларини
марксча-ленинча негизда жипслаштиришга, ҳалқларнинг
миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлашга, импе-
риализмнинг агресив сиёсатига қарши пишиб етилган
**ҳалқаро проблемаларни йўлга солиш ва турли ижтимо-
ий тузумдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшапанинг**
принциплари негизига қурилган муносабатларни
ривожлантириш учун курашда ривожланастга
мамлакатлардаги революцион-демократик партиялар
 билан, барча антиимпериалистик кучлар билан алоқа-
ларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси давлатимиз-
нинг ташқи ва ички сиёсатини фақат ишлаб чиқибгина
қолмай, балки уни ҳаётда амалга оширишни ҳам уюш-
тиради. У коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини
ҳал қилишда ишчилар синфининг ва барча
меҳнаткашларнинг кўп қирралик фаолиятига кундалик
раҳбарликни амалга оширади. Партияниң раҳбарлик
ролини ошириш совет жамиятини ривожлантиришнинг
энг муҳим қонуниятидир.

Гарбнинг разведка, пропаганда ва бошқа маҳсус
органлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига
қарши идеологик диверсиялар қилиш билан унинг
раҳбарлик ролини, ҳалқ оммаси ўртасидаги таъсирини

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, 118-бет.

заифлаштиришга, унинг ташқи ва ички сиёсатининг конкрет сиёсий қарорларининг ва ниҳоят, унинг ташкилотчилик фаолиятининг обрўсини тўкишга умид боғлайдилар. Бунинг учун идеологик диверсантлар ўзларининг қўпорувчиллик ҳаракатларини фақат умуман партиягагина эмас, балки унинг айрим звеноларига: раҳбарлик органларига, назарий ва идеологик муассасаларига, партиянинг перифериядаги ташкилотларига ҳам қарши қаратадилар. Улар партияниг давлат бошқарув органлари билан, касаба союз, ёшлар, ижодий ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳоказолар билан алоқаларини бузишга уринадилар. Социалистик ижтимоий муносабатларни вужудга келтиришнинг асосий қуроли бўлмиш социалистик давлат империализм идеологик диверсияларининг сўзсиз обьекти ҳисобланади.

Совет давлатининг фаолияти ишлаб чиқаришни социалистик план асосида ташкил этиш, халқ фаровонлигини яхшилаш, жамиятнинг маданий даражасини ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Социалистик давлат гражданларнинг ижтимоий шахсий манфаатларини муҳофаза қиласди, ҳуқуқларни такомиллаштиради ва қонунчиликни мустаҳкамлайди, социализм галабаларининг посбони бўлиб, халқаро революцион-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

КПСС ХХIV съезди таъкидлаб ўтганидек, совет давлатни мустаҳкамлаш социалистик демократияни ҳиада ривожлантириш йўли билан амалга оширилади. Мамлакатимиздаги халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советлари — халқ ҳокимиятининг ҳақиқий тимсоли бўлиб, уларнинг сафарида икки миллиондан ортиқроқ депутат бор. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўз иш фаолиятларида **25 миллион** активга таянадилар.

Совет давлати тараққиётининг ҳамма босқичларида социализм галабаларини душман элементларининг ва

жадонъ империализмининг тажовузкор күчларидан мұхофаза қылыш уиши жоңақон иши бўлди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун давлат қуролли күчларни, давлат хавфсиэлиги органларини ва ҳокимиятнинг бошқа органларини мустақамлацига доимо эътибор беради.

Идеологик диверсантлар социалистик давлатни ичидаи занфластиришга ҳаракат қилиб, партияниң ташқи ва ички сиёсатни ўтказишдаги, социалистик экономикани яратишдаги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини тарғибга солишдаги, жамоат тартибини қўллаб-қувватлашдаги, қонунчиликка риоя қилишдаги, совет кишилариниң ҳуқуқ ва манфаатларини таъмнилашдаги ташкилотчилни ролини пасайтириш учун имкониятлар излайдилар. Совет давлатининг баъзи ҳокимият органларига, айниқса, Совет Армиясига юстшилди да, шундай хавфсиэлини органларига дод туширишта қаралтилган империализмининг қўнорувчилик ҳаракати тўхтамаянти. Диверсантлар социалистик давлат қуролли күчларининг қудратини занфластириш учун идеологик восита ва усулилар ахтариб тошишга айниқса қаттиқ киришганлар. Империалистик дунёning сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари ўзларига шу ҳақда ҳисоб бермоқдаларки, фавқулодда вайрон қилувчи ҳарбий ҳаракатлар донрасига одамлар ва техниканинг катта қисмини қамраб олувчи хусусиятга эга бўлган ҳозирги замон урушида, у агар бошланса, сиёсий ахлоқий, психологик факторлар, шахсий составининг юксак-ахлоқий сиёсий сифатлари ва қуролли күчларининг бевосита уларга bogлиқ бўлган жангварлиги муҳим аҳамият касб этади.

Совет Қуролли Күчлари даҳшатли қуроллар билан таъмнинланган бўлиб, улар катта вайронгарчилликка олиб келувчи кучга эга ва ер шарининг ҳар қандай нуқтасига етиб бора олади. Бу қурол ўз Ватанига ва Коммунистик партияга чексиз содиқ бўлган совет жангчилари қўлидадир.

Коммунистик партия томонидан тарбиялаған ғож-
вий-етуқылкык, империализм, шағаррессия күчлари биләп
синфий курашда ўз ўрин ва ролнин тұғри тушуниш ҳам
совет жаңгиларининг шонлы қоролидир. Идеологик
диверсия ташкилотчилари худди шу қоролии қўлдан
тортиб олишни орзу қиласы. Буны амалга ошириш
қанчалик қийинлигига қарамай улар шахсий составга,
айниқса армия ва флотининг командир кадрларига қар-
ши қаратилган идеологик қўнорувчилик ишлари олиб
боришдан тиййимлаётирлар, улар орасига шубҳа уру-
гини сепишга, сиёсий сезигрликни ўтмаслаштиришга
уюшқоқлик ва интизомни бўшашибтиришга ҳаракат
қиласидилар. Жаңгиларининг жаңговарлиги ва жаңта
тайёрлиги, Совет Армиясининг ўз мамлакати ва бошқа
социалистик давлатлар меҳнаткашлари билан алоқалари
идеологик диверсантларни жосуслардан кам қизиқтири-
майди.

СССРга қарши олиб борилган идеологик диверсия-
ларда, айниқса, социалистик ҳаёт тарзини обрўсизлан-
тиришга доир айрим урнишилар билан баъзи бир совет
кишилари орасида норозилик тугдириншга ва капиталистик
мамлакатлар меҳнаткашлари кўзи ўнгидага унинг
мавқенини камайтишга ҳаракат қиласидилар.

Социалистик ҳаёт тарзі негизинда ишлаб чиқарувчи
вөситаларга бўлган ижтимоний мулкчилик, кишини киши
томонидан эксплуатация қилишининг ўқлигиги ётади.
«Юз ишлардан буён бирорларга,— деб ёзган эди
В. И. Ленин,— эксплуататорларга кул бўлиб ишлаб ке-
лингандап кейин, биринчи марта ҳар кимининг ўзига иш-
лаши учун имконият вужудга келмоқда, шунда ҳам энг
ялғи техника билан маданиятнинг барча ютуқларига
суюниб ишлаш имконияти вужудга келмоқда»¹.

Хамма меҳнаткашларининг шахсий, колектив ва иж-
тимоний мағфаатларини гармоник үйгүлештириш учун

¹ В. И. Ленин. Асарлар. 26-том, 419 бет.

объектив имкониятлар, СССР Конституцияси ва бизнинг барча ижтимоий укладимиз томонидан гарантияланган меҳнат қилиш, дам ва билим олиш ҳуқуқи; белул мажбурий ўрта таълим бериш, белул медицина хизмат кўрсатиш, давлат томонидан пенсия билан таъминлаш, колективизм ва инсонпарварлик, жамиятнинг юксак мақсади бўлиши барча меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш тўғрисидан ғамхўрлик коммунистик гоявийликнинг, совет ватапарварлиги, коммунистик идеалларга содиқлик, интернационализм — СССР меҳнаткашларининг ҳаёт тарзига хос хусусиятларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати ана шулардан иборатdir.

КПСС XXIV съездид янги социал тадбирларнинг кенг программасини белгилаб берди. Бу тадбирлар «барча аҳоли табақаларининг фаровонлигини оширишга, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини бир-биринга якшаштиришга, ҳозирга қарашга ва зам олмоқ учун, совет кишилариининг қобигиятлари ва икодий активигини ҳар томонлама ривожлантироқ учун тағин ҳам кўпроқ қулай шарт-шароит яратиб беришга қаратилган...»¹.

Социалистик ҳаёт тарзи узлуксиз такомиллашмоқда. Буржуача ҳаёт тарзига хос ва ҳозирги замон капитализмийнг барча кризисли ҳодисаларини акс эттирувчи турғунлик ва деформация ҳолати унга ётдир. Идеологик диверсантларнинг шиддатли ҳужуми ва бўғтонлари айнан социалистик ишлаб чиқарниш муносабатларига, ҳалқнинг моддий фаровонлиги даражасига ва социализм мамлакатларига ҳар қандай социал ўзгаришларга қартилиши ҳам ана шулар билан изоҳтанади.

Империализм идеологик диверсиянинг объектларидан бири социалистик мамлакатлар ишчилар синфиидир.

Совет Иттифоқида ишчилар синфи жамиятмизнинг социал-синфий структураснда катта ўрин тутади.

¹ КПСС XXIV съездининг матерналлари, 221-бет.

СССРдаги меҳнаткашларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган, мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг 9/10 қисмини қамраб олган ишлаб чиқарувчи воситаларга давлат мулкчилиги билан бөглиқ бўлган ишчилар синфи жамоат маҳсулотининг анча катта улушини яратиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини тужудга келтириш учун курашда илфор мэрраларда туради. «Ишчилар синфи,— деб кўрсатиб ўтилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида,— жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ишчилар синфи-пинг революционлиги, интизомлилиги, уюшқоқлиги ва колективчилиги унинг социалистик ижтимоий муносабатлар системасидаги етакчилик мавқенини белгилаб беради»¹.

Совет ишчиси тимсолида ишсоний муносабатларнинг юксак нормаларини қарор топтирувчи онгли меҳнаткашларнинг ва коммунизм учун актив курашчининг хислатлари бирга қўшилиб кетади.

Коммунистик идеалларни элтувчи ва рус пролетариати шонли революцион анъаналарини давом эттирувчи совет ишчилар синфи ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайини ва унинг иқтисодий қудратининг яратувчиси, мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ҳаётида ишлаб чиқарниши бошқаришининг актив қатнашчидир.

Империализмнинг СССР ишчилар синфига қарши олиб бораётган идеологик диверсиялари унинг синфий ўзини англашими ўтмаслаштиришга, сиёсий активлигини пасайтиришга йўналтирилган. Матлубот социализм деб атала-диган машҳур концепцияни тарқатиб, ишчилар синфини совет жамиятининг бошқа социал гуруҳларига, айниқса, интеллигенцияга қарама-қарши қўйиб, бизнинг душманларимиз шумий-техника революцияси юзага келтирган баъзп биря ялги ҳодисалардан онгли равишда ўз манфа-

¹ КПСС XXIV съездининг материаллари, 82-бет.

атларидан йўлида фойдаланишга уринадилар. Улар ишчи-лар синфи «ҳозирги замон» саноати ва интеллигентия давлатга» ҳамда омманинг социализм ва коммунизм учун курашга бошчилик қилолмайди деб, уни «консерватив куч» сифатида тасвирлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Идеологик диверсантларни шишон сифатида СССРдаги колхозчи-дехқонларни ҳам таънладилар.

КПСС XXIV съездидан совет тузумининг сиёсий асоси бўлган ишчилар синфи ва колхозчи дехқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш лозимлигини уқтириб ўтди. Бу иттифоқ идеологик диверсантларга эндиликда тинчлик бермаётган эди. Улар колхозчилар ва ишчиларни маънавий ва меҳнат бирлингизни бузинши истардилар.

Совет интелигенцияси қараш интенсив қўпорувчилик ишлари олиб борилмоқта. Бундай тарбија ишларни муниспектлар, энг авват, социалистик жамиятини ичдан маънавий жиҳатидан бузиншига умид бөглайдилар.

Социалистик тузум даврида етишган совет интелигенцияси бизнинг жамиятимизниг таркибий қисми ҳисобланади. У ҳозирги замон фани ва маданиятнишг юксак чўққиларини забт этиш, етишиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбияси бўйича наргина қўйига вазифаларни бажаришни таъминлади.

Социализм шароитида ўсиб етишган совет илмий-техника интелигенцияси илмий-техника тараққиётни ейинsha, ижтимоий, табиий ва техника фанларини ривожлантиришда буюк роль ўйнайди. Бу фанларниг ривожланиши мамлакатимизниг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратига бөглиқдир. Совет фанини ривожлантира бориб, олимлар, инженерлар ва техниклар социалистик мамлакатлардаги ўз ҳамкаслари билан ҳамкорликда социализм капитализмдан илмий-техникавий жиҳатдаи устун эканлигини кўрсатмоқдалар.

Совет ижодий интелигенцияси илгор социалистик маданиятни яратиш бўйича муваффақиятли иш олиб

бормоқда. Езүвчилар имизнинг, рассомларимизнинг онтизмий ва ҳаётбахш коммунистик гоялар билан йўғрилган асарлари катта гоявий-тарбиявий роль ўйнамоқда, совет кишисида янги дунё қурувчисига хос бўлган юксак маънавий хислатларни шакллантирмоқда.

Совет жамиятида интеллигенциянинг тобора ўсич бораётган бу ролидан идеологик диверсантлар, шубҳасиз, ўз мақсадлари йўлида фойдаланимоқни хоҳлайдилар. Антикоммунистлар интеллигенцияни Коммунистик партия ва Совет давлатидан ажратиб олишга, унинг ғайратини умумхалқ вазифаларидан четта тортишга ҳаракат қиладилар. Улар гоявий жиҳатдан бузук ва бадиий қиммати наст бўлган асарларни кўкларга кўтариб мақташ билан айрим олимлар, ёзувчилар, рассомлар ва артистлар онгда коммунистик дунёқарашишин «эрозия»га учрашига умид боғлайдилар.

Антикоммунизмнинг социализм, тинчлик ва тараққиёт кучлари билан кескин идеологик кураши ўз доирасига ёшларни ҳамма вақт жалб қиласди. Кўнгина идеологик диверсиялар Совет Йиттифоқидаги ва бошқа социалистик мамлакатларидаги ёш авлодга бузук буржуа гоялари билан таъсир кўрсатишни кўзлаб ишлаб чиқилемоқда за амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўнрогини ташкил этувчи совет ёшлари партия ва халиқнинг энг яхши революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарининг муносиб давом эттирувчилари ҳисобланади. Коммунистик гоявийлик руҳида тарбияланган, ўқимишли ва истеъодли, меҳнатсевар ва саботли, ғайратли ва фидокор совет ёшлари актив ижтимоий кучdir.

«Партия коммунизминиг ёш бинокорларни билан ҳақли суратда фахрланмоқда,— дейди Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездидаги — ўзимизнинг сиёсий тажрибамизни, иқтисодий ва маданий қурилиш проблемаларини жалб этиш тажрибасини янги авлодларга ўргатиш, ёшларни гоявий жиҳатдан тарбиялашга раҳбарлик қилиши,

уларнинг ўз оталари ишини, улуғ Ленин ишини муносиб давом эттиришлари учун ҳамма чораларни кўриш — бизнинг бурчимиздир!».

Ёш авлоднинг гоявийлигига тажовуз қиласар экан, антикоммунистлар шунин яхши биладиларки, совет ёшларнинг юксак спёсий, ишчанлик ва маънавий хислатлари социализмда ижтимоий ҳаётнинг барча укладлари билан тарбияланади. Шундай бўлса ҳам улар идеологик диверсион қора ниятларини тўхтатмаётпирлар. Ёшларнинг синфий жангларин бошида кечирмаганлиги, ҳаёт тажрибаси, сезгирилиги етарли бўлмаслиги ва тъсирга тез берилишини ҳисобга олиб, идеологик диверсантлар ёшларга хушомадгўйлик қиласидар, уларни ҳозирги замон буржуя назарияларига тортишга, улар онгига маслаксизлик ва нигизмни сингдиришга, ёшлар союзига аъзо бўлмаган ёшларни комсомолга шарб мөслим партияга, еш авлодни совет кишиларини кеска авлодларга қарама-қарши қўйишга ва шу йўл билан ҳеч бўлмаса ёшларнинг қандайдир қисмини ревизионизм йўлига оғдиришга ҳамда социалистик тузум билан бевосита курашга тортишга ҳаракат қиласидар.

Социалистик тузумнинг «эрозия»га учраши тўгрисидаги орзулар идеологик диверсантларни СССР халқлари ўртасидаги социалистик ҳамдўстликни ёмонлаштиришга эришишга ундейди. Бу йўлда улар аввалгидек миллатлар ва халқлар ўртасидаги душманлик оловини ёқувчи, меҳнаткашларнинг синфиий онгии лойқалатувчи империалистик реакциянинг синаалган қуроли бўлмиш буржуя миллатчилигига мурожаат қиласидар.

Социалистик тузум мамлакатимизда миллӣ масалани тўла ва узил-кесил ҳал қилишини таъминлади.

Меҳнаткашларнинг социализм қуриш ва уни жангларда ҳимоя қилиш учун курашларида, биргаликда қилган меҳнатларида СССРдаги миллатлар ва халқлар

КПСС XXIV съездининг материаллари, 174—175-бетлар.

ўртасида, социалистик мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик муносабатлари қарор топди ва мустаҳкамланди. Ҳар бир қардош республика иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан жадал ривожланмоқда. Коммунистик партия халқларнинг тенглиги ва дўстлигига асосланган ленинча миллый сиёсатни изчилик билан амалга ошириб келмоқда. Ҳар қандай кўрпнишдаги миллатчилик, ҳар қандай миллый нигилизм социализм билан мутлақо мос келмаслигига асосланган партия буларни миллый хусусиятлар сифатида писанд қилмасликка қарши, уларни бўрттириб кўрсатишларига қарши кескин кураш олиб боради.

Миллый сиёсатнинг ленинча принциплари тантанаси КПСС XXIV съезди делегатларининг нутқларида ёрқин намойиш қилиниди. Съезд қарорларида бу принциплар ижодий жиҳатдан янада тараққий қилди.

Ғарбнинг қўпорувчилик марказлари СССРда буржуа миллатчилигини авж олдиришга ишониб, ленинча миллый сиёсат назарияси ва практикасини нотўри талқия қиласидилар, миллый адвокатлар чиқарадилар, миллай айирмачиликни ёядилар, миллатчилик руҳи сингдирилган кишилар социалистик тузум билан курашишга, оғир жиноятлар қилишга тортадилар.

Империалистик разведкаларнинг ҳар бир идеологик қўпорувчилик ҳаракатларидаги, уларнинг пропаганда органлари ва бошқа маҳсус хизматлари душманлик фаолиятининг асосий объекти совет кишиси — унинг дунёқараши, меҳнатга, маънавий ва ахлоқий масалаларга, моддий бойлнкларга муносабати ҳисобланади.

Совет социалистик тузуми янги кишини — коммунизм қурувчисини, ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини, жамоат олдидаги ўз бурчини чуқур тушунган, мамлакатнинг тўла эркли ва ғамхўр хўжайинини тарбиялади. Фоявий эътиқод, колективизм, ижтимоий онглилик, билимдонлик, маданиятилик, юксак инсонпарварлик ва меҳнат кишисига муҳаббат совет кишиларининг типик

жусусияттариниң таңыл - этади. Социализм - иңсон жаҳсииң күламыни ўзгартыриб, унинг ҳастий мақсадларини юксалтириди, билим даражасини көнгайтириди, әртанги күнга ишончини мустақкамлади, юқсак ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик, ўз Ватани ва унинг буюи ишлари билан фахрланиш ҳисларини тарбиялаб етишириди. Совет кишисининг янги қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқи ва дүпёқараши буржуа идеологияси билан, ўтмиш сарқыллари билан доимий муросасиз курашда қарор топди ва қарор топади.

«Партия совет кишиларининг ватанпарварлик рухиши,— деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида,— уларниң бутун кучларини ўз социалистик Ватанни үшпаташ учун, революцион ғалабаларини, социализм ишиниң қимоя қилиш учун багишлашга тайёр әканлигини гоят қадрлайди»¹.

Шу билан бирға совет жамияттың за мағына ишлефаси социалистик житмөй оғы билан мөс келмайдын одамлар ҳали ҳам бор. Идеологик диверсантлар энг аввало ана шундайларга — манбаатпараттарга ва порахұрларга, сиёсий жиһатдан айнинганларга на ингилестларга тұдматчи ва анонимчиларга, ичкілікбоз ва текинхұрларга ишонади. Улар ўз муҳитидан ажралиб чиққап бүндай кишиларни зүр бериб излайдылар, иродасыз, енгілтак, нотүғри тарбия натижасыда расвоси чиққанларни ёки ноқулай ҳаёт шароитига тушиб қолғанларни ўз домларига илнитирмоқчи бўладилар. Бүндай кишиларни шубҳа оғуси билан заҳарлашга, дүпёқарашини аста-секин ўзгартышишга, мәннавий бузашынша, социалистик турмуш укладига иисбатан норозилик түгдеришишга, жамиятга қарши қаратилган ҳаракатта тортишга ёки ҳатто социалистик давлатта қарши жиноят қилишга етаклайдилар. Идеологик диверсияның ҳар қандай ҳаракати совет кишиси шахсии сездирмай, аста-

¹ КПСС XXIV съездинин материалари, 95 бет.

жескин түшкүиликка туширишни мұлжаллайдың ғоясын, ақлоқий ҳалокат ва ҳатто жиностың қилемінің бүнинең оқибатидір.

Империализм идеологик диверсиясининг мақсады обьектлари ана шундай. Бұу мақсадлар агрессив бўлиб, ўзгарувчан шароитларининг пухта ҳисоб-китобига яссолапади ва ён бермайдиган узоқ, жескин қарама-қаршиликка суюнади. Идеологик диверсантлар ўзларининг қабиҳ таъсирлари билан мамлакатимиздаги бутун ижтимоий ва давлат ҳаёти соҳасини қамраб олишини имкон борича совет кишиларининг кўпчилигига ўз таъсирини ўтказишни истайдилар.

ВОСИТА ВА УСУЛЛАР

Империализмининг идеологик қўйорувчилик фаолияти учун етарли равишда мақсад ва обьектларнина характерли бўлмай, балки ҳар бир айрим ҳолларда курашнинг ўзига хос восита ва усулларни характерлидир.

Меҳнаткашларнинг кенг оммасига, социалистик мамлакатлардаги социал ва этник группаларга, айрим гражданларга, социал-сиёсий ва иқтисодий шароитлар тез ўзгариб турган мамлакатлардагиларга идеологик диверсия ташкилотчилари катта эътибор берадилар, улардан диверсиион ҳаракатларда хилма-хил восита сифатида фойдаланишини кўзлайдилар.

Пирин капиталистик давлатларда, айниқса АҚШ ва ГФРда бу иш кенг йўлга қўйилган. Ҳеч қандай муболагасиз айтиш мумкини, уларда идеологик диверсантлар армияси сон жиҳатдан империалистик мамлакатларининг қуролли кучлари билан бемалол баҳслаша олади.

Идеологик диверсантлар у ёки бу воситаларни ташлаб олиш билан синфий курашнинг янги вазиятига тезда мослашадилар, акциялар ўтказишнинг хусусиятлари ва конкрет шароитларини ҳисобга оладилар.

Идеологик диверсияларнинг турли усуллари турли социал-хуқуқий табиатга эга. Айрим ҳолларда бу расмий восита ва каналлар информацияларни тарқатиш учун хизмат қиласди. Бошқа пайтларда эса улар империалистик разведкалар арсеналидан ўзлаширилган яширии қонунга хилоф куч ва воситалардир.

Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ихтиёрида оммавий коммуникацияларнинг фавқулодда самарадор воситалари бор. Масалан, АҚШда бир исчада юз йирик радиостанция ва 400 га яқин телевизион марказ ишлаб турибди. Ўнлаб катта қувватли америка радиостанциялари фақат социалистик мамлакатлар гражданларини идеологик қайта ишлашга ихтиносослаштирилган. Улар ер шарининг ҳамма қитъаларига жойлаширилган. Сўнгги маълумотларга кўра, жаҳонда 160 информацион агентлик ишлаб турибди. Газеталарининг бир кунги тиражи уч милиард нусхага етади.

Идеологик диверсия раҳбарлари оммавий коммуникация воситалари социалистик мамлакатларда буржуя пропагандасини олиб бориш учун қулай имкониятларга эгалигини яширмайдилар.

Техника тараққиёти, жумладан алоқа йўлдошларини қўлланиш оммавий коммуникация воситалари таъсири доирасини келгусида кенгайтириш имкониятини беради. Масалан, СССРда «Молния-1» телевизион алоқанинг яратилиши ва АҚШда «ЭХО-1» алоқа йўлдошидан фойдаланиш ва бошқалар яқин келажакда мамлакатнинг энг очиқ ерларига ҳам космос орқали телевизион программаларини узатиш имкониятини беради.

Америка алоқа йўлдошларининг учирилиши биланоқ Вашингтондаги сиёсий арбоблар уларни «русларга қарши пропаганда уруши» учун қандай қилиб мослаштириш масаласини ўрганишга киришдилар.

Америка разведкаси томонидан ташкил этилган антикоммунистик ёлғоннинг улкан фабрикалари ва

юқорида биз эслатиб ўтган радиостанциялар «Озод Европа» ва «Озодлик» деган сохта шиорлар остида чиқади.

1971 йилда сенатор К. Қейс матбуот учун баёнот билди чиққанида, бу радиостанциялар бюджетларининг асосий қисмими — 34 миллион долларнинг 30 миллиондан кўпроғи МРБнинг бевосита ёрдамидаи иборат, бу эса солиқ тўловчи кўпгина америка радиостанциялари учун кутталмаган совға ҳисобланади, деган эди. «Озод Европа» ва «Озодлик» (илгари «Халоскорлик» деб аталарди) радиостанцияларни ўттиз йилдан бери ишлаб келмоқда. Бутун шу вақт ичиди америка пропагандаси жамоатчилик фикрини бу иккни радиостанция «хукуматга қарашли эмас» ва улар «шахсий ионалар» ҳисобиди таъминлапади, деб зўр бериб ишонтиришга уринади. Бу ёлғон-яшиқлар батамом фош қилиб ташланди.

1972 йилдан бошлаб «Озод Европа» ва «Озодлик» радиостанциялари фаолиятини эндиликда расман АҚШ ҳукумати маблағ билан таъминлаб турибди.

МРБ ГФР территориясида жойлашган бу радиостанцияларни таъминлабгина қолмай, балки бевосита уларга раҳбарлик ҳам қлади.

«Озод Европа» радиостанциясини МРБ ходими Р. Уолтер бошқарди. «Озодлик» радиостанциясининг раҳбари подполковник К. Скотт ҳам МРБ ишлаб эски ходими.

Бу ҳар иккни радиостанциядаги бошқа асосий лавозимларни ҳам америка разведкасининг эски ходимлари эгаллашгап. Уларнинг назорати остида икки мингга яқин хизматчи ишлайди, уларнинг таҳминан ўндан бир қисми америкаликдир.

Номлари зикр этилган радиостанцияларнинг кўпгина редакциялари контрреволюцион ва антисоциалистик элементлар, хоинлар учун бошпанадир. Уларнинг хизматчиларининг қарийб ярми эмнгрантлардир.

«Озод Европа» радиостанцияси чех, словак, поляк,

венгер румын ва болгар тилларыда бир ҳафтада 540 соат эшитириш қиласи, «Озодлик» радиостанцияси СССР халқларининг 19 тилида пропаганда эшитиришлари олиб боради ва суткада 375 соат вонзлик қиласи. Ҳар икки радиостанцияда ҳам контрпропаганда ва жосуелни мақсадларни кўзлаб ташкил этилган махсус яширии эшитиц хизматлари бор. «Озод Европа»нинг бундай хизмати социалистик мамлакатларниң қарийб 50 радиостанцияси эшитиришларини кузатиб боради. «Озодлик» радиостанцияси Совет Иттифоқидаги 100 га яқин радиостанцияларининг эшитиришларини қабул қиласи ва ёзиб олади.

МРБнинг ҳар иккя радиостанцияси ҳам, деб ёзади «Нью—Йорк таймас» газетаси, «коммунистик дунёниң ичидан информация берувчиларни жалб этади, коммунистик радиоэшитиришларни эшитади, антикоммунистик лекциялар ва пашолар билан чиқиши барб штотчи инвалидларни кўзлаб-куватлайди» ҳамда ўтацқоғлариниң натижаларини фой ве журналистика оламидаги теглишли шахсларга тарқатади.

1972 йил декабрида эса Австриядаги чиқадиган «Фольксштимме» газетаси СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Озодлик» радиостанциясининг фаолияти тўғрисидаги махфий инструкцияларидан парчаларни эълон қиласи. Газета хабар берадики, редакция ихтиёрида мазкур қўпорувчиллик марказининг галамислик ва иғвогарлик характеристидаги фаолиятини фош этадиган хужжатлар бор.

«Фольксштимме» ихтиёридаги хужжатлар ичидаги масалаш, 1971 йил марта Нью-Йоркда босилган «Озодлик» радиостанциясининг сиёсати тўғрисида қўлланма деб аталувчи, шунингдек, «қўлланмада» баёп этилган асосий директиваларни унинг кундалик фаолияти учун қўлланиш тўғрисида инструкция ҳам бор.

«Озодлик» радиостанцияси, дейнлади «қўлланмада», СССРдаги, шунингдек чет эллардаги совет ҳарбий ва

граждан шахслар учун эшиттиришлар олиб боради. Унинг программалари радиостанцияларниң түққизат арманы, сөзарбайжон, рус, татар-бошқирд, белорус, грузин, Шимолий Қавказ, Туркистан ва Украина бўлимларида тайёрланади. «Қўлланмада» эшиттиришларниң ғаламислик характеристики ниқоблаш зарурлиги тўғрисида кўрсатма ҳам бўлиб, бу эшиттиришлар шундай олиб борилиши керакки, гўёни унда СССРдаги тегишли халқларниң иуқтани назари ифода қилинсин, дейилади. «Радиостанцияларниң барча бўлимлари СССР халқлари иуқтани назарининг тарафдори ва уларниң марказлашган диктаторлик ҳукмронлигидан озод бўлнишга интилишларини қўллаб-қўвватлади».

«Қўлланма»даги бу сўзлар, деб ёзади «Фольксштимме» газетаси, Совет Иттифоқидаги ишчилар ва деҳқонлар ҳокимиётини ағдариб ташлашга даъват этишдан бошка ҳеч бир нарса эмас.

«СССРдаги марказлашган диктаторлик ҳукмронлигига»ни ағдариб ташлашини хоҳловчи бу жаноблар кимлар?— деб сўрайди газета ва унинг ўзи шуплай жавоб беради; улар бир ҳовуч эмигрант-контрреволюционерлар ва МРБ жосуслик идораларининг агентлари дир. «Қўллаима» буни тасдиқлайди: «Озодлик» радиостанцияси фаолиятида СССРдан чиқиб кетган эмигрантлар ва кўпгина мамлакатларниң радиостанциялар комитети билан мустаҳкам алоқада шиш олиб боришдан мағбаатдор бўлгани граждандлари қатнашади. Улар эса америкалник граждандлар уюшмаси ҳисобланади». Айни пайтда,— деб таъкидлайди «Фольксштимме»,— бу комитетининг унинг радиостанцияси билан биргаликдаги фаолиятини америка жосуслик идоралари маблағ билан таъминлаб турпши ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайдилар. «Фольксштимме» газетаси маҳфий инструкциялар тўғрисида (улардан бири бевосита СССРниң 50 йиллигига багишлиланган) ёзиб, бу инструкциялар СССР халқлари ўртасида ишончсизликни келтириб чиқарни ва улар жипслигига

рахна солиш мақсадыда ҳамма актуал воқеаларга маңын беришга буюради, деб таъкидлайді. Инструкция «ҳамма вақт ҳам ҳақиқатта риоя қилавермасынкка» дағытат этади. Ҳаёсизларча «базын воқеа ва фактларни түқиш мүмкін» чүнкі уларни «СССРнинг бепоён территориясида текшириб чиқишининг имкони йўқ» эмиши.

Антикоммунистлар идеологик қўпорувчилик фаолиятида расмий оммавий алоқа йўллари воситаларидан кенг фойдаланиш билан бирга имконияти туғилди дегунча яширии, маҳфий воситаларини: 1968 йил Чехословакия воқеаларни пайтида содир бўлганидек қалбаки ташкилотлар ва шахслар номидан эфирида иш кўрувчи яширин радиостанциялар, маҳфий босмахоналар ва душманлик руҳидаги яширин матбуот материалларини кўпайтурувчи бошқа воситаларни ишга солмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, империалистик кучлар сошилмас, қарши мағкуравни қўпорувчилик ҳаракатида радио ва босмахона становигидан, кинематография ва энг янги электрографик матбаадан ҳамда сунъий йўлдошлар компьютерлардан «қурол» спфатида кенг фойдаланмоқдалар. Агресив капиталистик давлатлар қуролларининг барча турлари бўйича ким ўзарга пойга қўймоқдалар. Идеология қуроли бундан мустасно эмас. Идеологик қўпорувчилик механизми империализмнинг агресив ҳарбий машинасининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Бунин буржуя матбуотининг ўзи ҳам очиқдан-очиқ тан олмоқда. Хусусан, Гарбий Германияда чоп этилаётган «Ауссенполитик» журнали бундан бир неча йил муқаддам бундай деб ёзган эди: «Идеологик конфликт ўтган йиллардаги қизғин урушлар каби ҳаёт-мамот курашидир; балки фақат у кураш бошқача турдаги солдатни талаб қиласади». Хўш, булар қанақа солдатлар экан?

Коммунизм ва жаҳон революцион ҳаракатига қарши курашда ҳар хил характердаги уисурлар бош бириктирган. Империализм хизматида турувчи мағкуравий қў-

порувчилар галаси ўз ижтимоий ақвони, давлат, миллат ва партияларга мәнсублиги, маълумоти, касби ва ўтмиш фаолияти жиҳатидан баттар машъумроқ ва ҳар хил тоифадаги унсурларни тасаввур қилиш қийни. Уларни социализм ва коммунизмга, барча меҳнаткашларга син-фий нафрат, антикоммунизмнинг ғайри инсоний мағкураси бирлаштириб турибди.

Фояйи қўйорувчиларнинг олдинги сафларида йирик монополистлар, буржуа парламентлариниг аъзолари, жумладан баъзи империалистик давлатларнинг ҳукумат аъзолари, реакцион партиялар ва клерикал ташкилотларининг раҳбарларини, яъни Г. Трумен, Д. Даллес, У. Черчилл, К. Аденеуэр, Д. Маккарти ва Б. Голдуотерларнинг издошлари бормоқдалар. Мана шулар мағкуравий қўйорувчилик стратегиясини белгилаб, унинг илдиз отган аппаратини маблаг билан таъминлаб турибдилар.

Капиталистик давлатлардаги разведка антикоммунистик пропаганда ташкилотлари, контрразведка ва бошقا маҳсус хизматларниң раҳбарлари, шунингдек антикоммунизм ва антисоветизмнинг энг кўзга кўрган наزارётчи ва идеологлари ҳамда уларнинг ўнг ва «сўл» оппортунизм ва ревизионизм раҳбарларидан иборат хушомадгўйлари бир ногона пастда турадилар. Бу кучлар мағкуравий қўйорувчилик стратегиясини назарий жиҳатдан «асослашга», уни оқлашга ва жамоатчилик наазаридан ялтироқ сўзлар билан ниқоблашга уриниб, мағкуравий операциялар ва ҳаракатларнинг форма ва методларини, унинг тактик принципларини ишлаб чиқишига, ҳалқаро майдонда, хусусан социалистик мамлакатлар ичкарисидаги аҳволнинг ўзаришига қараб уларни чархламоқдалар.

Дипломатия органлари разведка хизмати ва пропаганда аппарати ходимлари буржуазия партияларидаги антикоммунистик, миллатчилик, клерикал, ўнг ва «сўл» оппортунистик ташкилотлар ва муассасалардаги наза-

жытчилар, олимлар, философлар, социологлар, икти-
содчилар, юристлар, «кремлшунослар», «советшунослар»,
Шарқий Европа мамлакатлари бўйича мутахассис жур-
налистлар, ёаувчилар, публицистлар, буржӯазия мат-
буоти, радиоси, телевидение ва киноси ижодий ходимла-
ридан иборат турли йўналишлар ва ҳар хил тусдаги
идеологик қўпорувчиларнинг жуда кенг доираси идеоло-
гик қўпорувчилик ҳаракатларидан фойдаланишга
мўлжалланган «иш» ахборотни тайёрлаш билан банд-
диirlар. Реакцион буржӯазия интеллигентиясининг бу ва-
килларни одатда юксак профессионал тайёргарликка эга
бўлган кишилардир. Улар социалистик мамлакатлар
тўғрисидаги кўп маибалар, жумладан жосуллик орқали
олинган ҳар хил информациини қайта ишлаш ва ўз хў-
жайнинларнинг буюртмаснга биноан антисовет китоб-
ларни устамонлик билан тайёрлаштирулар. Шарқий на-
зиқ исараси асерларидан гортиб социалистик мамлакатлар-
га оммавий информация каналлари орқали юборилает-
ган антисовет варақалар қисқача мақолаларгacha рав-
шани-аниқ факtlарин қаеддан бўзуб, ёёқ-бўёгини
түргилаб, аҳамиятсиз парсани муҳим деб кўрсатиб,
ҳар галгидек «эътиборли маибалардан маълум бўлниши-
ча» деган жилдий иборалар билан ўзлон қитмоқдалар.

Мафкура соҳасидаги қўпорувчиларнинг кўни сонли
гурухи бевосита қўпорувчилик ҳаракатларини амалга
ошириувчи шахслардан ташкил тоиган. Булар қаторига
биз юқорида эслатган капиталистик давлатларнинг
дипломатик амадорлари ҳамда социалистик мамлакат-
лардаги бошқа вакилларидан, социалистик мамлакатла-
рга турист чет эл мутахассислари, делегация аъзолари,
виставкалар ва ҳоказолар составида келган анти-
коммунистлар киради. Шунингдек, оқ муҳожирлар ва
миллатчиларнинг ҳамтовоқлари, сотқинлар, ватан-
фурушлар ва социалистик мамлакатлардан капиталистик
давлатларга қочиб ўтган хошилар, «сўл» сектантлар,
ўнг оппортунистик унсурлар ҳамда коммунистик ва

иңиши партыйлардан ҳайдалган мургадлар, реакционерков рухонийлари, эмиссарлар ва маҳсус хизматдаги агентлар, контрабандистлар, валютачилар, жиноятычи үйсурлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Биз мағкуравий қўпорувчиларниң алоҳида-алоҳида категориялари тўғрисида кейинироқ батофси тўхтадишимиз туфайли ҳозир уларниң баъзи бирларинигина ҳарактерлаб ўтмоқчимиз. Шу борада битта мисол келтириамиз.

Бундан бир неча йил муқаддам СССРга қарши бўлган ҳар хил мағкуравий ҳаракатлариниг бизнинг адабиётимиз ҳақида эмигрант пашрларда ва «озодлик» радиостанциясининг кек ва гараз тўла чиқишиларида, Совет Иттифоқи гражданлари, пжодий интеллигенция шаънига уюштирилган қуруқ сафсатадан иборат лекция, антисовет ҳарактердаги китоб ва шахсий хатларда ҳамда совет адабиёти ривожини ҳар хил йўллар билан бузуб кўрсатиш ишларида айниқса А. А. Сионский актив иштирок этди.

Сионский ёшлигида оқ гвардиячи офицерлардан эди. У гражданлар урушида актив иштирок этади, кейинчалик Қизил Армия томонидан Врангель қўшинлари торомор келтирилгач, Совет Россиясидан жуфтакни ростлаб қолади. Францияда ўрнашиб олган Сионский орадан кўп ўтмай «Рус империяси иттифоқи»—советларга қарши оқмуҳожирлар ташкилотининг ихлосманд иштирокчиси сифатида танилди. Бу ташкилот советларга қарши тарғибот қилиш, чет эллардаги совет вакилларига қарши террор ва фитна уюштириш билан шуғулланди.

«Рус империяси иттифоқи» (иккинчи жаҳон урушига ча рус умумқўшини иттифоқи номи билан юритилган) янада йирикроқ оқ гвардиячи террорчилар ташкилоти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эди. Бу ташкилот қатор империалистик давлатлариниг жосуслик разведкаларига хизмат қиласар эди. Улуг Ватан уруши даврида «Рус империяси иттифоқи» немис-фашистлар разведка-

си хизматига ўтиб, уларнинг жосуслик мактабларида ўқитиш учун агент кадрлар билан таъминлаб турар эди. Сионский узоқ вақтлар «рус империяси иттифоқи» контрразведкасининг бўлимига бошчиллик қилди.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари томонидан бутунлай тор-мор келтирилгандан кейин ҳам Сионскийнинг советларга қарши бўлган қараашлари мутлақо ўзгармади. Ҳатто у 1948 йили яна Франциядаги советларга қарши муҳожирлар ташкилотининг раҳбарларида бири бўлиб олди. Бу гал муҳожирлар ўз ташкилотини «Суворов иттифоқи» деб атай бошладилар. Шунингдек, кейинчалик империалистик разведкадаги ҳомийларниг маслаҳати билан Сионский «адабий фаолият» билан шугулланишга қарор қилди. Бу тасодифий бир ҳол эмас эди. Советларга қарши курашнинг бу янги йўли антикоммунистлар ўртасида мафкуравий курашнинг ниқобланган формаси билан мафкуравий қўпорувчилик ишларида Сионскийга янада активроқ қатнашиш имконини берди. Фанатик—антикоммунист қуролини ташламади балки курашнинг янги шароитига мослаша борди. Лекин шу қадар ақли қисқалигига қарамасдан, Сионскийниг советларга қарши миш-мишлардан иборат нағмаси мафкуравий қўпорувчилик марказларн томонидан маъқулланмоқда ва у вақт-вақти билан жосуслик ишларига юбориб туршилоқда.

Мафкуравий қўпорувчилик ҳаракатларида буржуазия агентураси коммунистик ва ишчилар ҳаракатида ўнг оппортунистлар ва «сўл» ревизионистлар катта қизиқиш билан иштирок этмоқдалар. Ҳозирги замон антикоммунизмидаги уларнинг роли асосан шундан иборатки, айниқса 1968 йилги Чехословакия воқеаларидан кейин, ўнг оппортунистик элементлар узоқ вақт Чехословакия Коммунистик партияси сафида ниқобланниб олиб, социалнэмни «яхшилаш» йўли билан риволюциянинг марксча-ленинча гоявий магзини ва социалистик ижтимоий алоқалар мазмунини ишучга чиқаришга, буржуазия

мафкурасининг социалистик жамиятга кириб келиши учун йўл очишига, ЧКПнинг мамлакатдаги раҳбарлик ро-ли ва обрўсини камситишга ҳаракат қилдилар. Маочи авантюристик группанинг хитойлик «сўл» ревизионистлари ўнг идеологик қўпорувчилар билан бирлашиб олиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати ва бошқа социалистик мамлакатларга жон-жаҳд билан ҳужум қилишда Farb мамлакатлардаги антикоммунизм жарчиларидан асло қолишмайдилар.

Кейинги пайтда капиталистик давлатларда разведка ишларида «таъсир қилиш» агентларидаи айниқса кенг фойдаланишмоқда. Негаки бу агентлар мавжуд алоқалардан фойдаланиб, социалистик мамлакатлардаги давлат аппарати ва жамоат ташкилотларининг раҳбар звениолариға суқилиб кириб, ичдан зарба бериш учун ёлғон-яшик хабарлар ҳамда иғвогарлик руҳидаги мишишлар тарқатиш билан шугулланмоқдалар. «Таъсир қилиш» ёрдамида гарблик корчалонлар социалистик ҳамдўстликда зиддиятлар чиқариб ички вазиятини кескинлаштириш, кризис пайдо қилиш, аҳолининг маълум қисми ўртасида душманлик кайфиятлари туғдиришни истар эдилар. Империализм лагерида ҳақиқатан социалистик мамлакатларда демократик кучлар томонидан ўз вақтида фош қилишган ва мисн чиққан гитлерчи машъум «бешиничи колонна»ни тузиш гоялари аста-секин ўзига йўл очмоқда.

Империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари мафкуравий қўпорувчи кадрлар сафини доимо тўлдириб туриш хусусида ҳар томонлама жон куйдирмоқдалар. АҚШда ҳар йили социалистик мамлакатлар бўйича имтиёзли шароитларда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш кучайтирилмоқда. Социалистик давлатлардан муҳожирликка тортишни рағбатлантириш учун ҳар қандай имкониятлар изланмоқда.

Мафкуравий қўпорувчилик ишларининг ташкилотчилари четдан туриб ҳаракат қилувчи кадрларга таяниб-

гина қолмай социалистик мамләкәттәрнинг ичидан зүйберій, үзларнга ҳамфирк ва ёрдамчилар изламоқдалар. Империалистик пропагандә түзөгига илингани ва унинг жарчисига айланған шахслар мафкуравий құпоруувчилар нинг түгридан-түгри иттифоқчиси бўлиб қолмоқда. Марксча-ленинча назариянинг принципиал қоидаларини хато изохловчилар баъзи адабиёт, публицистика, кино ва театр асарларида совет воқеlegини бузаб күрсатувчи идеология фронтининг айрим ходимлари душман кучларининг беихтиёр ёрдамчиларига айланмоқдалар. Коммунизминг мафкуравий душманлари бундай асарларни дарҳол илиб олиб, уларни социализм түррисидаги ҳақиқат деб күрсатишга уринадилар, уларниг авторларини эса «классик» гений» ва шу сингарни сифатлашлар билан буркайдилар.

Америкалик назарийетчи А. Хартор ва П. Симонсон коммунистиче кишине пропагандада пропаганда оомба-тардан күчлөркүйде деб баъз бермоқдалар. Бу қуоралынинг мафкуравий құпоруувчилар құлида нақадар хавфли эканлигини баҳолаш учун буржуазия пропагандасининг фарқланувчи асосий хусусиятларини қараб чиқиш керак.

Модомини, В. Н. Ленин таъкидлагашидек, бизниге пропагандамизнинг вазифаси оммада илмий коммунизм билимларини вужудга келтириш, уларда түгри дунёқарашины ва ижтимоий воқеlegини түгри идрок этишга ўргатышдан иборат экан, у ўзининг шу хусусиятлари билан ҳам буржуазия пропагандасининг тамомиля аксиидир.


Агар коммунистик пропаганда инсон оигини прогресив гоялар ва назариялар, янги билимлар билан бойитишини, уни ўраб олган ташқи муҳит түррисида түгри хulosалар чиқаришини ўргатышни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, буржуазия пропагандаси буржуазия гояларини инсоининг онги эмас, балки сезгиларига таъсир қилидириб қўлланишга ҳаракаг қиласади. Бунииг учун маълум психологик ўхшашликлар түплешдан иборат барча

Баъзи бир антисовет мэгбуютининг кўриниши — мана шундай!




Чет эл разведкачисининг фойдаланишга улгуролмаган сохта хужжат ва бланкалари ҳамда асбоблари.






Доимо ишлатиладиган чекиш трубкаси, пичок, совун, ғалтак, соқол олиш асбоблари каби предметларда сирлар яширинган.



Дори-дармонлар ичига махфий жойлаштирилган курол-яров
ва асбоблар.



Чет эл агентларидан бирининг ишлатган митти радиостан-
цияси.



Америка жаз-оркестри музикантти Кроу томонидан СССРнинг турли хил районларидан синаш учун олинган грунтли банкалар. Булар таможня текшируви натижасида топилган.



Англия элчихонасининг собиқ ходимлари Харпер ва Нептон
ҳамда канадалик Маккинон Москва ҳарбий намойишини
махсус суратга олиш пайтида.



саволларга тайёрлаб қўйилган жавоблариға амал қилган ҳолда ҳаётнинг ўзи тақозо этадиган маълум ҳаракатлар қилишини талаб этади. Натижада одамларга мафкуравий таъсир этиш психологияк таъсир этиш билан алмашинади.

Англия буржуазия пропагандасининг назаринётчиси ва практиги А. Фрезернинг сўзлари билан айтганда, пропаганда — бу одамлар унингсиз ўзларини бошқача тутиши мумкин бўлмаган ҳолатга кўндириш фаолияти ёки санъатидир. Ў буржуазия пропагандаси ақлга қараганида кўпроқ ҳиссиёт орқали норозилик туйғуларини уйғотишни тан олади. Л. Фрезер шундай ёзади: «Пропаганда да қайси ҳис-туйғулар бевосита ва билвосита роль ўйнайди? Унга шундай жавоб беради: барча ҳис-туйғуларга — кўрқув каби оддий, ғурур ё саргузаштларни хуш кўриш каби мураккаб, очкўзлик каби иомуносиб ёки ҳамдардлик ё ўз-ўзини ҳурмат-иззат қилиш каби ҳис-туйғулар, худбиилик, шуҳратпарастлик каби ҳистийғулар ёки бошқаларга қаратилган, масалан, оиласа муҳаббат сингари ҳис туйғуларга пропаганда таъсир кўрсатиши лозим. Барча инсоний туйғулар ва инстинктлар турли вақтларда пропагандистлар учун нишон ҳисобланувчи кишилар хулқига таъсир кўрсатиши (ёки шунга уриниши) учун восита бўлган»¹.

Агар марксча-ленинча пропаганда оммани ҳаёт жараёни ва ҳодисаларни тўғри тушуниш ва баҳолашга даъват этилган бўлса, империалистик пропаганда одамларни ҳақиқатни ва нжитмоний воқеликни тўғри тушунишдан чалғтишга, оммани алдашга мўлжаллангандир.

Америкалик профессор М. Чукас ўзининг «Пропаганда нишиб етилади» китобида буржуазия пропагандасининг мана шу хусусиятига алоҳида тўхталиб, шундай дейди: «Ҳар қандай пропагандистлик фаолиятининг ўз кўлами жиҳатидан хоҳ йирик, хоҳ кичик бўлсин, доимий ва аж-

¹ Г. А. Арбатов. Идеологическая борьба в современных международных отношениях, 177–178 бетлар.

ралмас хусусиятн балки одамларни алдай елиш қоби-
лиятидир»¹.

Бу ҳақиқатан барча империалистик пропаганда наэза-
риётчиларининг яқдиллик билан айтган фикридир. Улар-
нинг ҳаммаси ҳам тап тортмай ўз пропагандистларига
фактларни бузуб кўрсатиш ва ёлгонни пардалаб беришга
тавсия қилдилар. Бу борада Чукас ҳам шуни тасдиқ-
лайди: «фактларни қасдан бузуб кўрсатиш пропага-
дист ишининг ажралмас таркиби бўлиб қолмоқда. Импе-
риалистик пропаганда хизматининг баъзи раҳбарлари
ҳатто буржуа давлатлари сиёсий арбобларининг расмий
баёнотларида ёлгонга йўл қўйилишини оқламоқдалар.

Капиталистик мамлакатларда «пропаганда» тушунча-
сининг «ёлғон» тушунчаси билан ёнма-ён туриши
тасодифий эмас, албатта. «Бизнинг жамиятимизда про-
пагандага,— деб ёзади америкалик У. Дэвисон.— қинни-
нин спон-жинқ, фактларни гаразгўйлик билан баёни
қилиш ва яширии лўттивозликлар ёрдамида эркин
фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилишга уринувчи соҳа
деб қарайдилар»².

Хозирги замон буржуазия пропагандасида омманинг
диққатини ижтимоий ҳаёт проблемаларидан ва кўнгил-
сиз гоялар ҳамда хулосаларга отиб келишга қодир
хақиқий инфомациядан чалғитиш расм бўлиб қолган. Шу мақсадда империализмнинг пропаганда машинаси
мехнаткашлар диққат-эътиборини кино жанглар, суратли
иашларга жалб қилиш, кино юлдузлари, миллиардер-
лар, гангстерлар, истеъфодаги министрлар, «тасодифий
муваффақият рицарлари» шахсий ҳаётини ёритувчи
хабарлар, шунингдек «маданий индустроля»нинг ҳар хил
кўнгил олувчи томонларига тортмоқдалар. Йиҳқилиб
инсон жинддийроқ тафаккур қилмаса бўлгани.

¹ M. Choukas. Propaganda Comes of Age. Washington; 1965.

² W. Ph. Davision. International Political Communication N. Y.—Washington, 1965.

Агар коммунистик пропаганда ишсонин улуглашга, унинг руҳий дүйесини бойитишга, унда гумаштик ва олижкаоб түйгүларни тарбиялашга хизмат қылса, империалистик пропаганда халқ оммасида хусусий мулкчилик психологиясими, шахсиятпаратстлик, ирқчилик, милитаризм, коммунистик гояларга ва социалистик мамлакаттар халқлариға нафрат түйгүларни ва турли-тумаң хурофот **ва** иримларни уйготишга қаратылғандир. Бу пропаганда кишиларга мағкуравий урушда ҳам, шуннингдек коммунизм билан бўладиган қуролли тұқишаувда фойдаланиш мумкин бўлган сифатларни сингдирмоқда. Буржуазия пропагандасининг ана шу хусусиятими кўпчилик назариечилар таъкидламоқдалар. Хусусан, америкалик прогрессив публицист Д. Селдес империалистик пропагандани агрессия қуроли деб жуда тўғри таърифлайди.

Буржуа пропагандасининг бу қисқача таърифланган хусусиятлари (уни тўлароқ характеристикиси бу иш олдига қўйган мақсадга кирмайди) ана шу пропаганда тиги социалистик мамлакатларга қаратылганда янада ёрқинроқ намоёни бўлади. Айниқса унинг қўпорувчилик характеристири янада ойдинлашади.

Вашингтонда тайёрланган «Пропаганда руҳидаги радиоэшиттиришларни қандай тузиш лозим» инструкциясида империалистик пропаганданинг қўпорувчилик моҳияти тўғрисида очиқдан-очиқ қуидагича айтилади: бир халқни бошқасига, аҳолининг бир гуруҳини бошқа бир гуруҳига, имкон борича кўпчиликни озчиликка қараш гижи-гижлатиш усулидан фойдаланинг. Бу жуда муқимдир... Пропагандадан безовтали туилар, ўз-ўзини ўлдиришлар, қочоқлик, тартибсизликлар, хатолар ва иккилашишларни келтириб чиқариш учун фойдаланинг».

Бундай пропаганданинг мақсади социалистик мамлакатлар гражданларининг коммунистик дүйеқарашини чияларчин қилиш, уларнинг синфиий онгини ўтмаслаштириш, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тўғри тунушу-

нишга халақит берниш, меҳнаткашлар онгини буржуа тасаввурларын ва қараашлари билан заҳарлаш, гоявий кураш ва сиёсий воқеаларга суст қараашни тарбиялаш, инсоннинг маънавий асосига раҳна солиш ҳамда уларни безовтали ва ташвиши ҳолатда тутиш, бу мамлакатлардаги аҳолининг айрим гуруҳлари хулқига антикоммунистлар томонидан олдиндан ишлаб чиқилган усулда таъсири қилиш, улар территориясида оппозицион гуруҳлар, социализмга қарши кучлар ва контреволюцион ташкилотларни вужудга келтиришдан иборат.

Пропаганда воситаларини қайта ишлашда фақат пропаганда билан шугулланувчи органларнинг тажрибасидан, разведка ва реклама ишларидан фойдаланибгина қолмасдан, балки бутун илмий текшириш ишларидан, социология маълумотларидан, психология, кибернетика ва фаннинг бошқа турларидан ҳам фойдаланилмоқда. «Пропагандағи фақат эмпориик усулу да рәсебарларник қўниши нўли билан олиб борин мумкин,— дейди Англия ва Америка пропагандасини вакили, назарётчи ва практик П. Лайнбарджер.— Лекин бунда фақат даҳогина ўз сизгисига ишонган бир ҳолатда яхши самарага эришиши мумкин. Агар пропаганданинг мақсадлари аниқ таърифланган бўлса, руҳий ва маънавий жиҳатдан илмий ҳисобланиб, санъатга айлантирилган психология урушнинг самарали қуороли бўлиши мумкин. Бунинг учун пропагандистлик тадбирларини қисман бўлса-да, илмий методлар асосида назорат қилиб туриш талаб қилинади. Гарчи антропология, социология, сиёсий иқтисод, география ва бошқа файлар пропагандага қандайдир алоқада бўлсалар ҳам, унга энг яқини психология фани ҳисоблапади»¹.

Бу кузатишлар социалистик мамлакатларда аҳолининг ҳар хил социал группаларини мафкуравий таъсири

¹ П. Лайнбарджер. Психологическая война М., Воениздат, 1962, 49—50-бетлар.

усуллари билан ишіга солиши орқали ўтказылған құпорув-
чилик ҳаракаттарынинг самарадорлығини ошириш учун
бұлған бевосита урунншылардан бири эканини күрсатиб
турибди.

Сүнгеги йилдар ичидә антикоммунизмнинг асосасы
«тиңдің үйі билан сүкіліп кириш» ва «косойишта контрево-
люция тактикасыға ўтиш», «фактлар ва фактларниги-
на» «объектив» баёни қылыш мавқенда туриб, тарғиботчи-
лик ҳатты-харакати ҳаддан ташқары авж олдирилди.
Лекин «фактлар» эса бир қатор шарҳлар, изоҳлар билан
берилдікі, бунда социализм тақдирі түгрисіде «қай-
гурыш» билан биргаликда «социализмни тақомилашти-
риш» іўл-йўриқлары ҳам күрсатылғандыр.

Лекин бу «виждонлитик», «объективлик» ва «қайгур-
ыш» замырида тарғиботчылдың шундай бир мак-
корлығы ётибдікі, у социалистик мамлакатлар граж-
данлари, тингловчилар, томошабишилар ва ўқувчиларнинг
ишинчіни қозоопшыга, шу билан бирга әнг зарур самара-
дорликка әришишга қаратылғандыр. Ўз-ўзидан маълум
бўляптики, бу фактларда пропаганданинг ёвуз мақсад-
ларин яширилиги ва антикоммунистик йўналишда экан-
лигини очиқ кўринш мумкин. Яъни мазмуни бутуилай
бошқа-ю, жилди тамоман бошқача.

Мана шунга ўхшаш мисоллардан біттаси.

Ўзининг социалистик жамиятга душманлиғы билан
яхши маълум бўлған йирик Америка газетасы «Нью-
Йорк таймс» мамлакатимизда Совет ҳукумати ўрнатыл-
ған дастлабки уч йил ичидә юзлаб мақолаларида бу
ҳокимиятнинг инқизори ҳақида жар солған бўлса кейин-
чалик, 1967 йили 9 январда Совет ҳукуматининг 50
йиллигига бағищланган мақолаларининг бирида шундай
деб ёзган әди: «Бугунги кунда Совет ҳукумати дунедаги
иккита әнг құдратли ва таъсирчан давлатлардан бирига
айланди: халқининг турмуши ҳали Россия тарихида
бўлмаган даражада юксалди, Совет Иттилоғи туфайли
фан, техника, музика ва адабиёт олами янада бойиди».

Тұғри гап. Бу ҳар қаңча шончга сазовордир. **Лекин буржуа** газеталари бизнисиг мұваффакиятларымыз **сирийші шархлашда** эса ҳамон ўз позицияларидан чекингандашар ийк. Мақоланиң охирида шундай дейилады, «Россиянинг маркази бўлмаш Европа-Оснё тикисликлиарида фавқулодда талантли ва меҳнатсевар халқлар зомискарлар даврида ҳам худди подшолар давридаги дик үлкан мұваффакиятларга эришиллар». Мана шундай. Бу ерда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, **бу гап-кар фактларни атайин сохталаشتитиб «объектив» өюқеалар орасидан танлаб олингандылыги шак-шубҳаси.**

Империалистик пропаганда кўп ҳолларда қабиҳ **мақсадлар** кўзда тутилган информациялар тарқатмоқда. **Уёки бу маълумотни** эълон қиласар экан, фактларга асосланган ва кенг жамоатчилик томонидан тасдиқланган фактлар ташасу олиниади-ю, лекин бу фактларни практиковий ҳаётниң мухим томонларин кўрсатылмайди. Шундай ғилиб, 1968 йили империалистик пропаганда Чехословакия воқеалари тұғрисида ҳам кўплаб информациялар, коммунист-раҳбарларнинг хато хатти-харакатларини ёурттириб кўрсатувчи мақолалар эълон қилди. Социалистик қурилишнинг турли соҳаларпда меҳнат қилаётганга хатога йўл қўйганлиги сабабли вазифасидан озод қилинган шахсларнинг номлари тўла келтириб ўтилган. Шунга ўхшаш мамлакат ҳаётига оид фактларни систематик равишда эълон қилиш ва бузиб кўрсатиш натижасида баъзи бир кишиларда мамлакатнинг раҳбар партиясига нисбатан норозилик туйғулари пайдо бўлди.

Бунга бевосита дастлабки тушган информациядан таъсирланиш туфайли эришилмоқда. Империалистик пропаганда марказлари социалистик мамлакатлар учун информацийнинг ички манбаларидан бир неча минут бўлсада олдинроқ кетишга ҳаракат қилмоқда. Тингловчи **да** ўқувчилар эътиборини кўпроқ буржуазия информациияси манбаига тортишга қаратилганини шубҳасиэдир.

Антикоммунистлар учун қулай усулда ёритилган ахօօн рөтлар киндерин әтіп-бориши, ишончпен бошқа информация маңбасынан қаралғанда маълум даражада пасайтыради. Олдирик хабарлар эшитгандай одамлар эса, бундай «янгиликтер»нин ва ҳар хил миш-мишларни тарқатышда актив ҳаракат қыладылар.

Империалистик пропаганданинг типик усулларидән бири — реал фактларин тенденциоз руҳда қайта ишлеу, уларни нүкүл күнорувчилик мақсадларыда үйдирмадан иборат ва атай ёлғон-яшиқ маълумотлар билан аралаштириб тарқатышдан иборат.

Хозир Америка пропагандасынинг құлланыётганды үзүсүлни ифодалаб, «психологик уруш» назариётчиларидән бири Л. Фараго ўзининг бундан йигирма йил аввал чоң этилгас «Ақллар уруши» китобида АҚШ пропагандасы ҳеч қачон түгри ва объектив бўлолмайди, деб ёзган эди. У фақат спртдан ҳақиқатга ўхшаб кўриниши лозим, чунки дагал сохтачилик тез фош бўлиб қолниш мумкин.

Бугун жаҳон жамоатчилиги сўнгги ўи йиллуклар ичидә бир неча марта америка пропагандада органларинингнина эмас, ҳатто АҚШ расмий шахслари баён қылған фактлар, айниқса бу мамлакат раҳбар доиралари, разведкаси ва ҳарбийларининг Вьетнамдаги социалистик кучларга инсбатан агрессив ҳаракатлари тўғрисида ёлғон тенденциоз пропаганда, тўғридан-тўғри алдамчилклари фош қилинганинг гувоҳи бўлди.

Социализм ва тиңчлик кучлари қўлга киритилган ғалаба тобора ишончлироқ, коммунистик ва буржуазия идеологияси ўртасидаги кураш шиддатли **ва жиддий** тус олаётгандар сари антикоммунистик пропаганда практикасида ниқобланган ёлғон ва бўхтои тез-тез ишга солинмоқда. В. И. Ленининг «Буржуазиянинг ишчилар ўртасидаги гоявий таъсири пасая, барбод бўла **ва кучизланана борган вақтда, буржуазия ҳамма жойда ва ҳа-**

миша уччига чиққаш ёлғон-яшиқлар ва тұхмат ёғдириш йўлига кўчпб келди ва шундай қилади»¹.

Тарихий тажрибалар шундан далолат берадыки, социализм күчлари у ёки бу мамлакатда қийинчиликларга дуч келса тараққиётининг мураккаб даврини бошдан кецираётган пайтда ашаддий ёлғон, позик тұхмат ва сурбетларча сохтачилик лойқа оқимдек тошиб кетади. Чехословакияда рўй берган воқеалар пайтида социализм душманларининг ўз кўлами ва йўналишига кўра антисоциалистик тұхмат кампанияси авжига чиқди. Антикоммунистларнинг бу иғвогарлик хатти-харакатлари Чехословакия меҳнаткашларининг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлидаги Совет Иттифоқи, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Венгрия ва Польшанинг кескин ҳаракатларидан кейин жазава тусини олди. Империалистик лагерь тұхматчишарни ёштар да мәденияттің устары атасын гуруҳлари орасида миллатчилик ва советларга қарши қайғиятни авж олдириш учун иғвогарлик мақсадларида бу интернационал ҳамкорликнинг бирдан-бир түғри ҳаракатини оккупация» деб атаб, тражданлар урушини бошлашга гиж-гижладилар. 1968 йилнинг августи охирларида Чехословакияда бир неча күн мобайнида яширии боситган варақалар, тұхматчилик мазмунидаги чақириқлар ва газеталар билан тұлыб-тошиб кетди.

ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак ЧКП нинг XIV съездидә қилған докладыда бу воқеаларининг асл моҳиятига баҳо беріб бундай деган әди: «Ўша даврда рўй берган воқеаларни обьектив таҳлил қилиш шуни тасдиқлайдыки, энг яқин социалистик иттифоқчиларимизнинг ўз вақтида берган интернационал ёрдамисиз мамлакатимизда ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқ ҳокимияти маглубиятта учраган бўлур әди. Бу фақат бизнинг халқимиз учунигина эмас, балки

¹ В. Н. Ленин. Асарлар, 20-том, 524—525-бетлар.

шуннангдек Европада тинчлар иши учун ҳам чуқур оқи-
баттарга олиб келар, социализм позициясини хавф
естида қолдирап ва бутун ҳалқаро революцион ҳара-
катыга зарар етказган бўлур эди¹.

Империалистик пропаганданинг қўпорувчилик фао-
лиятида антикоммунистлар ўз ниқобларини сидириб
ташлаб, «вождонилик» ва бошқаларни унугиб қўйиб,
бирданига ягона команда асосида бир ёқадан бош
чиқариб шовқин-сурон кўтарадилар: ёлғон-яшиқ хабар-
лар, иғвогарлик баёнотлари, буржуа мамлакатларидаги
эътиборли шахсларнинг чиқишларини ташкил қилип,
конференциялар, симпозиумлар, чақириқ ва бошқалар
ёмғирдан кейинги қўзиқориндек қўпайиб кетади.

Бу ҳаддан ошган бебош демагогия одатда социалистик мамлакатлар ва жаҳон революцион ҳаракатида
йирик сиёсий воқеалар арафасида авжинга чиқади. Буниг
боиси бу воқеалардан кенг ҳалқ оммасининг диққат-
эътиборини четга тортишдан иборат. Масалан, 1969 йил
Коммунистик ва ишчи партиялари кенгашинга тайёргар-
лик даврида империалистик пропаганда Чехословакия
воқеаларини бузиб талқин қилди. Идеологик қўпорувчи-
лар КПСС XXIV съездидан СССРнинг 50 йиллиги ара-
фасида Совет Иттифоқини обрўсизлантириш мақсадида
бир неча ойлаб сионистик донорларда бизнинг мамла-
катимизда яхудий миллатидан бўлган гражданларнинг
ҳукуқлари «каментилаётгандиги» тўгрисидаги эски саф-
саталарни ҳадеб жар солдилар. Улар далилларининг
бўхтон ва беъманиликтан иборатлиги хатти-ҳаракат-
ларнинг бефойда эканлигидан ҳеч тан тортмадилар.

Империалистик давлатларнинг разведкаси очиқдан-
очиқ антисовет ва антисоциалистик қўпорувчилик про-
паганда ҳаракатларнда, пропаганда органлари ва бошқа
махсус хизмат ташкилотлари қўпинча ҳийлакорлик усу-

¹ Г. Гусак ЧКП XIII съездидан кейин партиянинг фаолияти на-
жамият тараққиёти ҳамда партиянинг навбатдаги вазифалари тў-
рисидаги ҳисобот доклади. 1971, 25 май, Политиздат, 1971, 82-бет.

лари қўлланиб, «темир парда»дан ўтган «гувоҳлар» номидан пропагандистик материаллар тузиш ёки ана шу «гувоҳлар»нинг «объектив» чиқишиларини уюштирадилар. Бу «гувоҳлар» эса оддий қилиб айтганда, социалистик мамлакатлар ёки коммунистик партиялар сафидаң қочган хоин ва сотқинлардан иборатди.

Ўўл-йўлакай, қизиқ бир нарсани таъкидлаш лозим: гарб мамлакатларининг разведкалари оддий турмуш мантиқига суюниб, хоин ва сотқинларга ишончсизлик ва нафрат билан қарайдилар. Бунда агар киши ўз ватанига хиёнат қилишга қасд қилган экан, у исталгай пайтда уни ўз пинжига олганларга ҳам осонлик билан сотқинлик қилиши мумкин деган мантиқни эсда тутадилар. Шунга қарамай, идеологик қўпорувчилар жон деб хоинлар билан микрофон олдида суҳбатлар уюштирадилар. 1970 йилнинг январида инглиз маҳсус хизмат ташкили Совет Иттилоғидан келган спёсий муҳоррарларини конференцияси деб атальмиш йигинши ўтказди ва Якушев, Кузнецов, Беленков ва бошқа хоинларни йигинга келтиришди. Уларнинг уйдирмалари Буюк Британиянинг тарғиботчилик хизмати органлари томонидан Совет Иттилоғига қарши идеологик қўпорувчилик фаолиятида кенг қўлланилди.

Худди ўша пайтларда Франция тарғиботчилик органлари коммунизм гояларидан чекинган муртад Роже Гародига минибарни бериб қўйдилар, у «билағон» ва «гувоҳ» сифатида (у бир пайтлар «Юманите» газетасининг Москвадаги мухбири бўлиб ишлаган эди) энг беъмани антисовет руҳидаги фапларни валдиради: масалан, у Совет Иттилоғида «иқтисодий ахволнинг жуда издан чиққаилигини» кўрган эмнш. Унинг вайсақилиги фақат бир мақсадни, яъни КПСС XXIV съезди арафасида халқаро коммунистик ҳаракатга инifoқ солишни кўзлар эди, холос.

Империалистик пропаганданинг қардош мамлакатларга қарши қўпорувчилик ҳаракатида ошкора заарарку-

иандасылук усуллари: антисоветларча фитначилик, ёлғон хабар тарқатиш, пигвогарликтар ҳамда гийбатлар уюштиришдан фойдаланадилар. Масалан, нарх-навонинг оширилиши мумкинлиги, пул ислоҳотларининг ўтказилажаги ва бошқа хабарлар ана шулар жумласига киради. Антикоммунистлар у ёки бу мамлакатдаги вақтингча қийинчиликлар келтириб чиқарган вазиятни янада мураккаблаштириб ёлғон-яшиқ, номлар ёки тўқима шахслар ва ташкилотлар номидан забастовкаларга чақириқларни тарқатиш, саботаж уюштириш соҳасида техникавий низомларни хабар бериш ва бошқа душманлик хатти-ҳаракатларини қилиш ҳоллари учрайди.

Империалистик пропаганданинг бундай қўпорувчилик усуллари ҳуқуққа қарши зид характердадир. Аввалги ҳалқаро тажрибалардан маълумки, капиталистик давлатлар бу методлардан уруш шароитларида гина фойдаланганлар. Лекин меҳнаткашларга нисбатан синфий нафрари тошган антикоммунистлар бу ифлос усуллардан тинч-тотув яшаш шароитида ҳам фойдаланиб келмөддалар.

Сиёсий ва мафкуравий үйдирмаларни тайёрлаш ва тарқатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бундай ғайри табиий тасаввурлар билан тўлиб-тошган маҳсулотларнинг батағсил рўйхатини келтириш мумкинки, буларнинг барчасида ҳам мафкуравий қўпорувчилар севиб ишлатадиган «сўз — бомба», «сўз — ўқ» терминлари учраб туради.

1966 йилнинг май ойида Қоҳирада совет нашри номи билан чоп этилган «СССРдан Фарбга мактуб» деган соҳта брошюра пайдо бўлди. Чет эллик мухбирлар ва бошқа шахсларда АҚШ инфомацион агентлиги ходимлари томонидан тарқатилган бу бўйтон СССРнинг ички ва ташқи сиёсатига нисбатан тилга олиб бўлмайдиган туҳматлар билан ажralиб туради.

Худди шунингдек, 1970 йили Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларда гўё совет авторлари томонидан

араб тилида ёзилган ва «Билим» нашриётида чоп қилингани «Ислом» сарлавҳаси остида бир китоб пайдо бўлиб қолди. У яширинча тарқатилиб, почта орқали турли мусулмон ташкилотларига, олий ўқув юртларига ва алоҳида кишиларга юборилди. Бу сохта китобда нотўғри диндорларниң ҳис-туйғуларини қаттиқ ҳақорат қилиш руҳида куръоннинг баъзи сураларини нотўғри шарҳлаб, у асосан худога ишонувчилар ва мусулмон давлатлари ўртасида Совет Иттифоқига нисбатан норозилик кайфијатларини уйготишга қаратилган эди.

Империалистик давлатларнинг пропаганда органлари социалистик мамлакатлардаги алоҳида ижтимоий группалар ҳатто баъзи шахсларга нисбатан қатъий ва сурбетларча ҳаракат қилмоқдалар. Баъзи бировларни муифиқона мақташ, уларнинг атрофида реклама руҳида шовқин-сурон кўтариш, бошқаларга эса тухмат тошини отиш, уларни обрўсанлантириштанидан оуладилар. Мисалаш, кўп вақтлардан берин «адабларни таъқиб қилиши тадбирлари» амалга оширилаётир деб, жиноятчиларни рўкач қиладилар. Солженициннинг Нобель мукофоти билан тақдирланиши тўғрисида ҳам чет элда худди шундай кампания ташкил этилган эди.

Душман пропагандасининг ташкилотчиларига кишиларга якка ҳолда таъсир ўtkазини сингари самарали усуларига анча эътибор бераётирлар. Бунда идеология қўюрувчиларининг ҳийда-найранги чегара билмайди.

Улар гарчанд сўзда ўзларини социализм идеалларига ихлосманд қилиб кўрсатсаларда, (яъни у ёки бу капиталистик мамлакатдаги коммунистик партия сафига суқулиб кириб олишга ҳам уринадилар) тағин тил учидагасбий бирдамлик билдирадилар, ўзининг дўст эканига ишонтироқчи бўладилар, ҳар хил майда-чуйда хизмат кўрсатадилар, шахснинг заиф ва салбий хусусиятидан фойдаланадилар, қўрқитиш, дўқ, шантаж қилиш ва сотиб олишдан тоймайдилар, умуман олгандა ҳар қандай усулини қўллаб ўзига зарур йўналишда ҳаракат қилса,

шахс дунёқарашини йўққа чиқарса, ўз ўлжаснинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатолса бас.

Идеологик қўпорувчилик усусларининг асосий групнини «махсус операциялар» деб атадиши операциялар ташкил этади. «Махсус операциялар» кўплаб махфий усусларни ўз ичига оладиши (пронагандистик, психологияк, социологика ва бошқалар), гарб давлатлари разведкалари ва бошқа хизмат органдарни конкрет қўпорувчинлик ҳаракатларини амалга оширишда ана шу усуслардан фойдаланадилар. Улар ҳалқаро империализмнинг анча йирик агресив ниятларини тайёрлаш ва амалга ошириш олдидан гўё бир ишора ҳисобланади. Бупдай типдаги операциялар кўп йиллар мобайнида Чехословакия Социалистик Республикасида ўтказиб келинган эди.

Америка Сайгон қўшинларининг Лаос ва Камбоджага бостириб кириши ва империалистик кучларпинг дунёниг бошқа районларидаги кўпгина агресив ҳаракатлари олдидан шундай бўлгани эди.

Идеологик қўпорувчилар ташкилий равишда «босиқ» контрреволюцияни ўюшибиршга интилоқдалар. Социалистик мамлакатлар тўгрисида ҳар хил информациилар тўплаш мақсадида сиёсий жосуслик ёллаш, оппозицион групналар ташкил этиш, уларнинг ҳаракат усусларини такомилластириш ҳамда бу группаларининг империализмнинг идеологик марказлари билан алоқасини ўриятишга уриниш кабилар шулар жумласига киради.

Идеологик қўпорувчилик маифаётлари йўлида амалга ошириладиган империалистик разведкаларниг сиёсий жосуслиги идеологик қўпорувчиликни ўюшибиршга имкон берадиган шарт-шаронтини аниқлаш ва ўрганиши билан шугулланади. (Социалистик давлатлар ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги у ёки бу воқеалар ва тенденциялар тўғрисида, гарб разведкаларни қизиқтирувчи социализмга душманлик руҳидаги қарашларни ташувчи, жамоатчиликка қарши ёки жиноий ниятили шахслар ва ҳ. к. тўғрисида маълумотлар йигиши. Про-

шагаудада фойдаланиш учун тенденциоз ва тұдматдағы қоррат маълумотлар ва ҳужжатларни құлға киритиңіз қам ана шунға киради.

«Босик» контрреволюция тактикасында келтірілгеннилдік метод ва усуллар оның идеологиялық составынан платформасынан үз олдига қўйған вазифалар, амалга оширилаётган ёки белгиланған қарқатлар харakterига боянған эканиниң ҳисобға олина зарур. Бу гурухтарниң ҳар биттасыда жамоатчилікка қарши ва идеологик жиной қарқатларни тайёрлаш, үтказиш ҳамда уларға кишиларни танлаш ва жалб қилиш, антикоммунизмининг чет әлдаги идеология марказлары билан алоқа болып түршіл, пардалаш ва махфийликни сақлашнинг ўзига хос метод ва усуллары бор. Ғарб разведкаларининг ва баъзи бир антикоммунистик марказларининг тавсияларында «босик» контрреволюциондердің үз фракциянда курашинниң ашегал метод ва усулларини социалистик демократия инситутлариниң тақомиллаштириш, камчылайларини таңқид қилиш, шахсега сиғинишининг оқибатлары билан курашиш, маңбустарға «ёрдам» инсон ҳүкүқларини қимоя қилиш» ва ш. к. баҳоналар остида олиб борилаған мәксимал легал активлик билан қўшиб олиб бориши зарур. «Босик» контрреволюция күч түплагач илгари бўлганидек социализмниң тақомиллаштириши ва демократлаштириш» деган демагогик сўзлар билан ниқобланиб, кураш методларини ошкора контрреволюциончиқишиларгача кескинлаштириши мумкин.

Импернализмнинг идеологик қўпорувчилик усуллари ва воситаларини қисқача шарҳлашимиз шуни кўрсатадики, империалистик давлатларнинг разведкаси, пропаганда ва бошқа махсус хизмат органлари мағкуравий курашни турлича восита ва усуллар билан олиб боришига, уни янада тақомиллаштиришга, идеология қарама-қарши курашининг яширини ва очиқ усулларини кенгайтиришга уринмоқдалар.

Идеологик құпорувчилік алохыда турдаги құпорувчилік фаолиятидір. Бүни амалға ошириши учун мақсат-шы анықлаш, обьектларни таплаш, ұттого энг такомиллаштың техника воситаларини яратиш ва әнг мағній үсууларни піхтиро этиш киғоя құлмаиди, бунинг учун яна социализм мамлакатларидаги кишилариниг баъзи турұхларига антикоммунистлар хүш келатын тарзда таъсир күрсатишига қобил ғоявий қуорол ҳам зарур. **Бұ** қуорол—ұз моҳият әထиборига күра жуда реакцион характерга зәға бўлиб, ғоялар ва назариялар гарчи баъзан сиртдан беозор бўлиб қўринса-да, социалистик қўрилиш практикаси ва марксча-ленинча таълимотнинг турли томонларини қасдан бузуб таҳлия қилиш, бунинг устига Совет Иттифоқи ва қардош мамлакатларининг ҳақиқий ҳаётидан олинган фактларни тенденциоз руҳда беріб тескарисига ағдариш, яширин түқилған үйдирмалар ва сохтагарчилікдан иборатдир.

Идеология құпорувчиларининг қуоролини аввали шубҳа түгдіриш, иккилантариш, пиравардила кишишіннег коммунистик әထиқодини ўлдиришга мұлжалланған аста-секин таъсир құлувчи оғуга қиёс қилиш мүмкін.

Империализмнинг идеологик құпорувчилік ишларында энг содда антисоветизм ғояси ва құпоп равища социалистик түзумни ағдариб ташлашга даъват этишлар аллақачон қолиб кетген. Эндилекда идеологик құпорувчилікнинг энг нозик қуороллари ишлаб чиқылиб тажрибада синааб қўрилмоқда.

Империализм идеологик құпорувчилік воситаларини саноат асосынша қўйини билан биргә, ғоялар ва назариялар тайёрлаш, шунингдек, антисоветизм проблемалари, социализм, коммунизм ва жаҳон революцион процесстерге қарши курашга оид турли тадқиқотларини ўтказиш

бүйнча ўзига хос илмий ишлаб чиқаришни вужудга келтириди.

Ирик капиталистик мамлакатларда шу мақсадларда иш кўрувчи муассасалар ҳамда ташкилотларнинг (институтлар, лабораториялар, марказлар ва бошқалар) мавжуддир. Масалан, АҚШда бу тармоққа 190 университет маркази ва бошқа ташкилотлар, 100 та муассаса «маънавий доирада коммунизмга қарши кураш» билан машғулдир.

Бундай ташкилот ва муассасалар антикоммунистик позициядан туриб марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш, совет жамияти, КПСС ва давлат аппарати, Совет ҳукуматининг иччи ва ташқи спёсатини ўрганиш, шунингдек бошқа барча социалистик мамлакатларни ҳамма аспектлар бўйича ўрганиш борасида актив иш олиб бормоқдалар. Одатдаги талқиқотнинг таъсири ташкилотлардан фарқли ўтароқ, идеологик қуролни ишлаб чиқиши билан банд бўлган антикоммунизм марказлари расмий манбалардан информация материалларини олиш учун кенг имкониятлардангина фондаланиб қолмай, айниқса салбий процесслар ва ҳодисалар тўғрисида кўпгина норасмий информацияни фойдаланмоқдалар.

Социализм мамлакатларида ҳатто ўзларининг хусусий социологик тадқиқотларини ўтказишга уриниб-кўрмоқдалар. Масалан, АҚШ маҳсус хизмати 1967 йилдан бошлаб, беш йил мобайнида бу мамлакатлarda ёшларга коммунистик тарбиянинг таъсири, ҳалқларнинг ўз ҳукуматлари ва Совет Иттилоғига муносабати, экономика ва маданият соҳасидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш учун социологик тадқиқотлар ўтказишини белгилаб олган эдилар. Бу тадқиқотлар идеологик қўюрувчиликнинг янада таъсирилроқ тактикасини ишлаб чиқиши ёрдам бериши зарур эди.

Самарали идеологик қуролни излаш ва уни тарқатишга бағишлиланган кўпгина ҳалқаро конгресслар, кон-

ференциялар, симпозиумлар ва антикоммунистларнинг бошқа йиғинлари ўтказилиб турибди. Антикоммунистик марказларнинг оммавий маҳсулотини ташкил қилувчи шубҳали идеологик сохталаштиришлар у ёки бу дара жадаги конкрет вазифаларни бажаришга мўлжалланган. Бундан ташқари, қўпорувчилик идеологик марказларнда шу заҳоти фойдаланиш учун жуда кўп миқдордаги ахборот материаллари тайёрланиб, улар кўлгина радио тўлқинлари ва социалистик мамлакатларга мўлжалланган китоблар билан тўлдириб юбормоқда. Одатда бу материалларнинг ўзида антисовет ва социализмга қарши руҳдаги фактлар тантаб олиниб, уларда ҳақиқатдан узоқ уйдирмалар ўз ифодасини топади. Айниқса, идеология қўпорувчилик марказларининг маҳфиyllаштирилган бўлимлари одатда империалистик давлатларнинг разведка ва бошқа маҳсус хизматлари составида бўлиб, халқаро вазият кескинлашгаш даврда социалистик жамиятга тез тарқатишга мўлжалланган ўткир антисовет оғуси тайёрлаш билан банд бўладилар. Булар советларга қарши одатдаги ёлғон-яшиқ ва «асосли» сохталиклар» маҳсус операциялар» ўтказишга мўлжалланган. Антикоммунистлар социалистик мамлакатлар ичida «зимдан контреволюция» уюстиришга, оппозицион группа ва ташкилотлар тузишни кўзда тутиб, идеологик қўнорувчилик тадбирларини ишлаб чиқишига борган сари кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Ана шундай туб негизли «назариялар» ва «доктриналар» муаллифларининг фикрича, капитализм билан социализм ўртасидаги қарама-қарши идеологик кураниниг назарий асосини ташкил қилиши зарур. Бу «назариялар» ва «доктриналар» фалсафа, социология, экономика, тарих, ҳуқуқ, маданият, санъат ва ижтимоий оигнинг барча соҳаларида марксчаленинча дунёқарашни бузуб кўрсатиш ҳамда капитализмнинг агадийлигини илмий асослаш, социализмни «демократлаштириш» зарурияти ва уни аста-секин айнитиш социалистик мамла-

катларни буржуа демократик давлати билан алмаштириш муқаррарларынни исботлашга даъват этилган.

Антикоммунизм идеологлари ва ревизионист ёрдамчилари жон-жаҳди билан тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи — марксча-ленинча таълимотга қарши ўз «конценцияларини» яратмоқдалар. Бу таълимотнинг буюк жозигбадор кучи, ҳаёт билан алоқаси, ҳозирги замон жамият тараққиёти проблемаларини очиш ва тушунтиришга қобиллиги, коммунистик идеологиянинг ҳозирги даврда жаҳон бўйлаб таъсирининг орта бориши ва енгилмас куч эканлигини белгилаб берадётп.

Антикоммунистлар меҳнаткашларни гоявий жиҳатдан қуролсизлантиришга умид боғлаб, марксча-ленинча наазария келажакнинг идеали бўлишдан тўхтади, марксизм «эскириб қолди» ва уни «янгилаш»га муҳтождир деб таъкидлашга уринмоқталар. Маркснинг илли буржуа изохловчилари марксизмга гўё иллюрализм хосдир, яъни марксизмнинг миллий шаклларининг кўп эканлиги, марксча философиянинг «турли қатламлари» тўғрисида, бир-бирини рад қилувчи хилма-хил «марксизмлар», «марксизмнинг бутун тугал назарияси» йўқланиги ҳақида оғиз кўпиртироқдалар. Маркснинг «олдинги» ва «кетук»лигини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, шунингдек марксизмни тўлдириш ва тузатишга қаратилган ревизионистларча уринишлар давом этмоқда. Ленинизмнинг ҳалқаро аҳамиятини рад этишга уринишлар тўхтамаётп. Худди шунингдек, «ленинизмнинг соф рус характерда» эканлиги тўғрисидаги уйдирмалар тўқилиб, шунинг учун Farb мамлакатларида унинг илдиз отиши мумкин эмас, деб ленинизм Маркс таълимотига қарама-қарши қўйилмоқда, ленинизмнинг принциплари ва энг муҳим қондаларнни «назарий» жиҳатдан сохталаشتариш юз бермоқда, марксизм-ленинизмнинг революцион мағзи синтиб чиқарилмоқда.

Қўйорувчи антикоммунистик муассасалар ва ташкилотларининг юзларча буржуа профессорлари ва адабиёт-

чилаρи КПСС тарихини, СССРда социалистик ва коммунистик қурилиш практикасини, социализм мұваффақиятлариниң ғана үнинг бөшқа мамлакатлар учук ажамияттарынан бузып күрсатышига иктинослашмоқдалар. Социализм «такомиллаштырыш» хусусида сон-саноқсыз тәклифлар ёғилиб турғыдатында, уларда чинакам маркесчелеппенча таълимот позык пардалапған ревизионизм биләп алмашинаған.

Антикоммунистик марказларнинг аича күч-құдраты қозирги замон монополистик капитализмиппен бірдей күрсатышига ҳамда эски эксплуататорлық капитализмні биләп ҳеч қандай муштарактікка әга бўлмаган алоқидан тузум сифатида тасвирлайдиган назария ва концепцияларни түзишига сарф қилинмоқда. Бу йўлда империалистик давлатларнинг моҳияти бузуб талқин қилипаётир. Маддоҳлик концепцияларнда таъкидланишича эпидемика өсжирилген капитализмнинг ўринини «умум саҳоватли давлат» эгаллаган, қозирги замон империализмнің «халқ капитализми» бўлиб қолған эмиш. Ўзини охиригача шармандаю-шармисор қўлган «капитализм» буният устига «империализм» тушунчалари ўршига «эркин дунё», «гарб демократияси» каби терминлар ишлатилмоқда. Бироқ янги терминлар худди бөшқа исем билан номланишига уриниш каби фильт алдамчиликдан иборатдир. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил Халқаро Конғаши ўнг оппортунизм лагеридаги монополистлар ва уларнинг малайларининг бу ёлғон концепцияларини фош қилиб ташлаш зарурлигини таъкидлаб ўтиши бежиз эмас.

Қозирги замон антикоммунизм тўқиб чиқарған кўпигина «назариялар» ва «доктриналар» орасыда Совет Иттифоқи ва қардош мамлакатларга қарши актив қўлланилаётганлардан конвергенция назарияси номи биләп машҳур бўлган буржуза назарияларининг ўзаро боғлиқ туркуми энг хавфли назария ҳисобланади. Конвергенция назарияснинг турли-туман кўринишлари со-

циология, экономика, сиёсат, фалсафа ҳамда ҳуқуқ ва давлат тузилиши, маданият ва саиъат соҳасида учрайди. Ён назарияларнинг моҳияти шундан иборатки, капитализм ва социализм тараққиётини ўхшаш «конвергент» йўлдан «ягона дунё»га боришдан иборатди, деб талқин қиласди. Конвергенция назарияси авторлари ривожланган капитализмда социализм билан үмумий хусусиятлар мавжуд эканлигини, бу ижтимоий системалар ўртасидаги туб тафовутларни ижтимоий тараққиёт жараёнида, капитализм ва социализмнинг ижобий томонларини бирлаштириш ва улар негизида «янги жамият»ни ташкил қилиши мумкин деб исботлашга тиришмоқдалар.

Конвергенциянинг кўпгина буржуа тарафдорлари жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашиниш қонунларини рад қилиб, «янги жамият»да эски капитализмни софт шаклини кўрадишаар. Агар аслида капиталистик системанинг социализм мамлакатларига «тинч йўл билан» ёйниши тўгрисидаги реакцион хом хаёлини қайта тиклашга уринмоқдалар. Бу ҳақда америкалик таипқали антikkоммунистлардан З. Бжезинский ва С. Хартингтон очиқдан-очиқ қўйидагича ёзадилар: «Фарбда кенг ёйилган конвергенция назарияси шунга асосланадики, демократик системанинг (яъни капитализмининг — С. Ц.) энг муҳим принципиал нуқтаи назари Америка ва Россия келгусида қандайдир ноаниқ тарихий нуқтада конвергенцияга киришганидан кейин сақланиб қолади... Чунончи Коммунистик партия ва унинг ҳокимият монополияси тарихий процессининг қурбони бўлиб қоладилар: уларнинг иккалasi ҳам ўлади... Конвергенция деб атальмиш ақиданинг кўпгина назариялари ҳақиқатда конвергенцияни асосли баён қилиш эмас, балки қарама-қарши системани мағлуб қилишдан иборат».

Бошқа назариячилар икки қарама-қарши системани чатиштириш натижасида «тараққиётининг социалистик йўли» устун келади деган тахминига асосланадилар. Бу

нуқтai назарининг маддоҳи француз профессори М. Дювержे мавжуд системаларнинг эволюцияси натижасида ва бу процессда муқаррар рўй берадиган либераллашиш (Шарқда) ва социаллашиш (Фарбда) натижасида капитализм ва социализмнинг автоматик қўшилиши ҳамда демократик социализмнинг пайдо бўлиши рўй беради, деб таъкидлайди.

Конвергенция назарияси ижтимоий тараққиётниң бошқа ҳар қандай буржуа концепцияси каби илмий неғиздан маҳрум бўлган илмий-назарий режалар ҳисобланади. Улар давлат-монополистик капитализми учун характерли бўлган саноати ривожланган капиталистик мамлакатларда илмий-техника революциясининг авж олиши, капиталистик давлатнинг мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига аралашувининг қучайиши, капиталистик экономика ва бошқа кўпгина тармоқларни планлаштириш (программалаштириш)нинг қўлланилиши каби соҳаларда реал фактларни бузуб талқии қилишга асосланади.

Конвергенция назариясининг пайдо бўлиши жаҳон тараққиётининг бошқа баъзи мұхим ҳодисаларига ҳам боғлиқдир. Даставвал, бу социализм обрўси ва таъсирининг янада оша бориши, социалистик системани империализмга қарши курашда ҳал қўлувчи кучга айлананаётганлиги билан характерланади. Капитализм идеологлари бир томондан социализм ва марксча-ленинча таълимотнинг мұваффақиятларини инкор қила олмай, жаҳондаги янги вазиятга қандай қилиб бўлса-да мослашишга мажбурдирлар. Иккинчи томондан, улар капиталистик системани очиқдан-очиқ шу ҳолида ҳимоя қилишга қодир эмас, шу туфайли уни илгаригига қараганда яхшироқ, капитализм билан социализмни яқинлаштирувчи янги сифатларга эга бўлган тузум деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Конвергенция назарияси тарафдорлари иккала қарама-қарши системанинг тинч-тотув яшashi зарурлигини

тап олиши характерлиди. Бу назарияларни СССР билан АҚШ ўртасида ҳамкорлик процесси ғивожла-наётган ва халқаро кескинликнинг умуман юмшаётган ҳозирги даврида ёйишга уринининг айча жоиланиши тасодифий эмас. Айрим империалистик доиралар жаҳон миқёсидаги кучларнинг реал нисбати ва унинг социализм фойдасига ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, монвергенция назарияснинг мухлисларига айланмоқдалар. Бу доиралар аслида марксчаленинча идеология ҳамда социалистик тузумни «юмшоқ усул», «бағрига боспш» билан бўғиб ташлаш тарафдорларидир. Буржуазия конвергенция назарияларп позитив антикоммунизм байроғи остида намоён бўлиб, капиталистик дунёда «ғоялар вакууми»ни тўлдириш, «ижобий» буржуа ғояларидан иборат «коммавий ҳаракатнинг ижобий программасини» асослаш мақсад килиб кўйилган Шенон учун конвергенция назариялари қисқа давр ичида сиёсий мазмун касб этмоқда. Бу назариялар империализмнинг сиёсий доктриналарини ишлаб чиқишига, империалистик давлатларнинг ташқи сиёсати практикасига уларнинг социализм кучларига қарши синфий курашига, айниқса идеологик соҳасига эътибор беришга таъсир кўрсатмоқда. Бу гайри илмий назариялар монополистик буржуазия учун социализмга қарши курашнинг воситаларидан бири ҳисобланади. Антикоммунистлар бу назариялар ёрдамида социалистик мамлакатлар меҳнаткашларини ғоявий қуролсизлайтириш, уларнинг социалистик ва коммунистик идеалларга ишончига раҳна солиш, социализм принципларидан воз кечиши ҳисобига буржуазия дунёқарashi билан «келишинш» йўлни излашга мажбур қўлишини ўйламоқдалар. Такрор айтамиэки, конвергенция назариялари империализмнинг социалистик мамлакатларига қарши мафкуравий қўйорувчилигининг назарий асоси ҳисобланади.

Конвергенция назариясининг экономика соҳасидаги кўрнишларидан бири «ягона индустря жамияти» бур-

жұа назариясідір (үннің «дурагай жамият», «ривожланған жамият даври» ва қоказо номлар билан турли варианatlары мавжуд).

«Индустрия жамияти» уши түқіб чиқарған назариең-чилашыннан тақыпдалашича, саноати ривожланған капиталистик ва социалистик мамлакатлардан иборат бўлиб, улардаги аҳолининг мутлоқ кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан эмас, балки саноат билан боғланиб, шаҳарларга тўпланғандир. «Индустрия жамияти»даги ижтимоий хаётининг барча ҳодисалари даставвал саноат ва машина-техникаси билан белгиланади. Техника тараққиёті ўзи билан ижтимоий ўзгаришларни автоматик тарзда, хусусан жамиятининг пролетарлашувини йўққа чиқариш, ишчиларни қисқартниш, уларнинг ролини пасайтириш ҳамда ақлий меҳнат ходимларининг сони ва ролини оширишини кўзда тутган мустақил жараён деб қаралади. Ривожланған техника корпорацияларнинг каттакон фаолият доирасини белгилаб берувчигина бўлмай, шу билан бирга бошқаришни қанталистлар қўлидан техника жиҳатидан маълумотли бошқарувчиларга ўтказди деб ҳисобланади. Бу бошқарувчиларнинг фаолиятида асосий мақсад максимал фойда олишга ҳаракат қилиш эмас, балки маълум ижтимоий мақсадларга эришишдан иборат. Планлаштириш ҳозирги замон саноатининг обьектив талабидир, деб эълон қилинади. Экономикани бошқаришнинг социалистик усууллари самарасиз деб эътироф қилинади. Гўё бунга давлат ва партия назоратининг жиловловчи таъсири халақит берар эмиш. Социалистик мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар хўжаликни бошқаришда капиталистик усуулларга ён босиш деб, қаралади. «Индустрия жамияти» назариясиннинг асосчиларидан бири Америка экономисти Д. Гэлбрейттинг тақыпдашига қараганда, социализм ва монополистик капитализм антагонистик тузумлар бўлмай, фақат ҳозирги замон «индустрия жамияти»нинг ҳар хил шакли эмиш. Үннің нуқтән назарича, социалистик экономиканың

«капиталистларен» капиталистик экономика»га худай икки томчи сувдек ўхшаб кетиши учун уни «давлат планлаштириши аппарати ва коммунистик партия» таъсиридан «озод қилиш» кифоядир. Капиталистик ва социалистик экономикани бир-бирига яқинлаштириш ягона «индустриал жамият»ни ташкил қилишга олиб келади.

Бу назария ҳозирги замон капитализми тараққиётининг реал жараёнларини бузиб кўрсатади, унинг эксплуататорлик ва агрессив моҳиятини яширади, капитализм ва социализмнинг антагонистик характерга эга эканлиги, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинши ҳамда социализм ва коммунизмнинг тарихий роли, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, ишчилар синфи ва интеллигенциянинг роли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни сохталаштиради. Антикоммунистлар ва ревизионистлар идеологик қўйорувчилик ишлабила, айничасо социалистик нафода катларининг ишчилар синфи ва интеллигенциясига қарбни йўналтиришган курашда «ягона индустрисал жамият» назариясининг кўпгина қоидаларидан актив фойдаланаётганлиги тасодифий эмас. Капиталистик ва социалистик экономикани яқинлаштириш гояси Чехословакиянинг социалистик экономикага раҳбарлигини бузишга қараттишган ўйг оппортунистик элементларининг бузғунчилик фаолиятида муҳим роль ўйнади. Бу ҳодиса Чехословакияда бўлиб ўтган аяччили воқеалар даврида рўй берган эди.

Конвергенция назариясининг сиёсатда акс эттирилиши Американинг «Кўпприклар ўрнатиш» доктринасида намоён бўлади. Бу назариянинг вазифаси шундан иборатки, «мустақиллигини оширишга ҳаракат қилаётгай мамлакатларнинг ўзаро янги алоқаларини вужудга келтириш», «Гарб цивилизациясининг қадр-қиммати учун янги авлод идрокини очиш», «Шарқий Европага тараққиёт истиқболларини кўрсатиш»дан иборатдир. Мана шу мужмал ибораларда капиталистик давлатлар

билан социалистик мамлакатларни бир-бирига яқнилаштириш учун шундай сиёсий йўл назарда тутиладики, у ҳимпериализмга шу мамлакатларнинг ишларига яширинча аралашишни осоилаштирадиган бўлсин. «Кўприклар қуриш» доктринасининг айрим тарафдорлари ҳар хил ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш шиорини ўргата ташлаб. Фарб билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш орқали социалистик тузумни заифлаштириш мақсадида ундан фойдаланишга кўз тутмоқдалар. «Кўприклар қуриш» сиёсатининг асл мақсадини амे-рикалик антикоммунист Ростоу тушунтириб: «Бизнинг вазифамиз шундан иборатки, имкон борича тинч усууллар билан бизга маълум турдаги коммунизмга барҳам беришга кўмаклашиш зарур», дейди. Бунинг учун,— деб таъкидлайди Ростоу,— «Ҳозир коммунистлар бошқараётган мамлакатларни ўз вақтида ўз кетидан эргаштира оловчи туғилиб келаётган миллатчилик ва либераллик кучларни билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш», зарур дейди. Бу йўлни амалга ошириш учун антикоммунистлар «миллатчиликни қайта тиклаш», «техника революциясининг идеологик бетарафлиги» ва шунга ўхшаш конвергенция назарияснинг бошқа тармоқларини жонлантириш лозимлигини бевосита кўрсатмоқдалар. Конвергенция назариясида кўнгина фалсафий масалалар қўйилади. Унинг тарафдорлари ўз фикрларини вулгар материалистик ва метафизик методология билан асослаб, ҳақиқатда диалектик ва тарихий материализмнинг жамият тараққиётига онд барча асосий масалаларни чинакам илмий ҳал қилишини аксинча талқин қўлмоқдалар. Масалан, ҳозирги замон капиталистик жамиятнинг илмий-техника революцияси туфайли рўй берадиган ўзгаришлар капитализмнинг «трансформация қилинishi», унинг янги прогрессив системага айланиши, деб эълон қилинуб, капитализмнинг ҳалокати ва унинг коммунизм билан алмашиниши муқаррарлиги тўғрисидаги

марксча-ленинча қоидани гүё рад қилар әмиш. Экономика соңасыда конвергенция, «ягона индустрнал жамият»ни тузиш мұқаррар автоматик равишида капитализм за социализмнинг «маданий конвергенция»сини пайдо қиласы, «ягона» санъат, «ягона» фан, умумисоний инсон-нарварлық ва ҳоказоларни албатта буржуа «маданий мұлки» асосыда вужудға келтириш мүмкін, деб таъкидлашади.

Конвергенция назариясига «идеологик қуролсизланыштырыш» концепцияси ҳам киради. Антикоммунист-конвергентларининг асарларида илмий-техника прогресси асрида социалистик идеологияның деформация «эрозия» даври кирди деган фикр асосынан бериліб, «хөзирги заман жамиятининг идеологиясы бархам емоқда» деб тарғиб қилинмоқда. «Конвергенциялашувчи» ижтимоий системаларнан яқинлаштирувчи шароитларнинг бириңінде «идеологик қуролсизланыш», буржуа за коммунистик идеологияни «синтез» қилиш қараб чиңлады. Антагонистик идеологияны яраشتырыш гүё конвергенция ҳамкорлығы ва уни яқинлаштириш манфаати учун зарур әмиш. Бирок, дархол шарт қўйилади, бу хилдаги ярашиш «ягона инсоннан маданиятини ривожлантириш учун шубҳасиз қимматга эга бўлган кўпгина хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган буржуазия идеологияси негизида рўй беринши лозим. Идеология бетоқатлик совет фанни, фалсафаси ва маданиятига «зараарли таъсир» кўрсатиши коммунист бўлмаганлар орасидан социализм томонига иттилоқчилар тортишни қийинлаштиради, деб қаттиқ таъкидланмоқда. Империализм малайлари «идеологик қуролсизланыш» йўлида жонбозлик кўрсатиб, ҳатто кенг ҳалқ оммасининг тиичлик учун кураш гоясига хайриҳоҳ эканлигидан ўз манбаатлари учун фойдаланимоқдалар. Ана шу умумий манбаат йўлида гүё синфиий, ышлий ва бошқа манбаатларга аҳамиятсиз қараш зарур әмиш. Бунда империализмнинг агресив босқинчилек идеологияси ва босқинчилек сиёсатини фош қилиш

тинчлик учун мұваффақиятты курашыннан мұхим шарттардан бири әканилығы түгрисидеги оддий ҳақиқаттың нұхта яшириш ётібди. «Идеологиясызлик», «идеологияның барбод бўлиши» түгрисидеги ватъзхонлика қелгандай шуни айтиш заруркі, амалда бу ҳам коммунистик дунёның қурашыннан «эрозияга» учраганлыги түгрисидеги буржуазия идеологиясини ёйишнинг ўзига хос йўли ва марксизм-ленинизминнинг чинакам илмий идеологиясыга қарши курашда қўлланиладиган тактикани усул әканилыги айдирип. Капиталистик дунёнинг идеологлари ва ҳукмрон доиралари кишиларнинг сиёсий фикрлаш өхтиёжини йўқотиш хусусида оддий ва ишончли йўлларни изламоқдалар. Бу ҳодисанинг моҳиятини А. Чаковский ўзининг «Маънавий қашшоқлар баҳтиёрми?» китобида аниқ ва равшан кўрсатиб берган: «Ҳозирги замон прагматиклари бизга ҳар қандай идеологияни унутинг, уни нарига улоқтириб ташланг, бизниң барча кулфатларимиз ўша туфайли. Идеология — ортиқча юқ, риёзат кишанларидир. Тарихиннан объектив қонунлари йўқ... Идеологияни сиёсатдан ситиб ташланг! Уни адабиётдан — романлар, шеърлар, пъесалар ва суратларингиздан улоқтириб ташланг! Ўшанда сиз ҳозирги замон техника тараққиётига муносиб кишилар бўласиз. Идеология — файтуналар ва буг двигателлари асрининг маҳсулидир. У атом реакторлари ва лазерлар асирида эскириб қолди, деб даъват қиладилар»¹.

Конвергенция назариясининнан яна бир тармоғи Фарбда тарқатилаётган «синфий устун умумисоний идеология» деб номланған назария барча мамлакатлардан ақтый меҳнат ходимларига хос хусусият әмниш. Бу концепция интеллигенцияни бошқа меҳнаткаш синфларга қарама-қарши қўйиш, интеллигенцияни коммунизмнинг чинакам илмий идеологиясидан чалғитиш ҳамда уни ҳозирги

¹ А. Чаковский. «Блаженны ли наше духов?», М., Молодая гвардия, 1971, 14-бет.

ЗАМОН ИДЕОЛОГИЯСИННИГ АЙРЫМ ҚИСМІГА ХОС БҮЛГАН МАСЛАКСИЗЛИК ВА ГОЯСИЗЛИК ТОМОНИГА БУРИБ ЮБОРИШНИ МАҚСАД ҚИЛІБ ҚҰЯДИ.

Буржуазия конвергенция назарияларыда жамиятниң сиёсітін уюштиришнің күпгина масалалари ўз аксии топған.

Бу назарияларда ижтимоий-сиёсий системаларни яқынлаштириш концепцияси капиталистик ва социалистик давлатлар ўртаспидаги принципиал тафовутларни силлиқлаштириш тұғрысынан тезислар билан чатишиң кетған. Антикоммунистлар томоннан ҳатто «фарогатты коммунистик давлат» ибораси ҳам ўйлаб үшінде, уларнинг фикрича, Совет давлатын ўз тараққиётіда апа шунга айланиши мүмкін әмиш. Бу фикр орқали совет жамияттегі йўли капиталистик жамияттегі тарихий тараққиёт йўлини оддий равишта тақорғанын көрсөнди, оу иул гүе тарбда «фаровон давлат»га олиб кетганды әмиш. Шунингдек, социалистик давлат ва уннан күпгина идора усуллари буржуазия давлатида ҳозирдағы ўзининг энг муассамал ифодасини топған ўзгармас абадий муассасалар томонига қараб эволюция юз бераяпти, деб таъкидланады. Конвергенция назариётчилари СССР ва АҚШ каби «индустря жамияті»да күпгина томонлар бир-бирига ўхшаш деб исботлашга уринмоқдалар. Буннинг учун диңқат-эътибор ракета-ядро қуроли, механизация, автоматлаштириш, бир хилдаги ҳарбий комплексларни барып қилиш, инженер-техник кадрлар сониннан оша бориши ва ҳоказоларга түпланмоқда. Бунда бу жараёнлар ва ҳодисаларнинг ижтимоий табиати ҳамда синфий-сиёсий мөхияти тұла эътиборга олиш майды.

Конвергенция назариётчилари социалистик ҳуқуққының равишида ҳуқуқнинг мустақил шаклларини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий бетарафлигини асослашға уриналадылар. Социалистик жамиятта құлланилаётган ҳуқуқ шакллари гүе капиталистик давлатдан ўтган мерос

бўлиб, бетараф характерга эга ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларининг ўзгаришига боғлиқ эмас эмиш. Барча «маданий ҳалқларининг» ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқ системаларининг манбай ягона эканлиги «исбот қилинади» ҳамда ҳуқуқни ягона кенг системага «бирлаштириш» зарурлиги таъкидланади. Буржуазия ва социалистик ҳуқуқларини яхлитлаш истиқболи бетгиланмоқда. Буржуазия идеологлари социалистик демократиянинг қонуний кенгайниш жараёнини ва социалистик қонунчилик ининг янада мустаҳкамлана боришини, социалистик давлатнинг «эволюцияси» гувоҳи деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Буржуазия идеологларининг давлат-ҳуқуқ проблемаларини талқин қилишдаги бу хил барча сохталашибарилар ва лўттивозлиги социалистик давлатларининг ҳамма ички ишларига империализмининг аралашишта уринишини оқлашга хизмат қиласди.

Идеология қўпорувчилари социализмни гоявий қуролсизлантириш, унинг «эрозияси»ни таъминлаш, социалистик мамлакатлар гражданларининг марксча-ленинча дунёқарашини бўшаштиришда конвергенциянинг маданият ва санъат соҳасидаги антикоммунистик пазарияларига катта умид боғламоқдалар.

Ана шу пазариялар ва уларни акс эттирувчи адабий-бадиий ҳамда публицистик асарларда «маданий конвергенция», «Идеологик қуролсизланиш», «Идеологиясизлантириш», ягона умуминсоний маданият» концепциялари ҳимоя қилинади.

Маданият ва санъат соҳасидаги конвергенция пазариётчиларининг пазарий қарашлари моҳияти, умуман олганда қуидагилардан иборат. Қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий системаларининг яқинлашуви социалистик мамлакатларининг маданияти ва санъатидаги марксча-ленинча революцион негизини «ўпирнаб» буржуазия ва социалистик маданиятининг яқинлашувига олиб келади. Шундай қилиб, улар бу яқинлашишпинг оқибат-натижаси

сінде гүё буржуазия маданияй бойлуклари негизиге қурилған «ягона» цивилизацияның күрадилар. Улар маданият — саңъатни синфдан бетараф тутишни истаб, уларга тұла автономия берплишини әзіл қыладилар. Саңъатда **жартыявийлік** принципиң йўққа чиқарылади.

Конвергентларча «ягона дунё»нің қайтадан барпо қылыш учун социалистик маданият тұла инкор этилған қолда буржуа жамияттегі маңнавий қолипи ассо қи-либ олинған «ягона умуминсоний» манбалар мувофиқ келади. Бу қарашлар, айтайлық, соғ қолда олинғанида жуда ҳам содда бўлиб туюлади. Конвергентларнинг назарий асарларыда эса илмий иборалар ишлатылған туфайля баъзан уларнинг илмга қарши моҳияттегі аниқлаш осон әмас. Бироқ, жиiddий таҳлил қилиш маданият ва саңъат ҳодисаларига ёндашишда шубҳасыз синфий бетарафликни ёқлаб чиқишига қарамай, илмнома иборалар остила буржузача тенденциянан ёнлашиштап аникланы амкади.

«Ягона» жамияттегі маңнавий ассимиляцияның фақатгина уннег маддоҳлары құвватлайдылар, деб таҳмили қилиш биз томондан соддалиқ бўлған бўлтур эди. Афсуски турлы мамлакатлардаги баъзи маданият арбоблары жарангдор иборалар **ва** усти ялтироқ фикрларга ўч бўладилар. Улар ўз синфий чекланғанлығы ҳамда ҳозорғи замон ижтимоий ҳаёттегі мураккаблиги туфайля бу концепциянан илғор деб ҳисоблаб, уни ўз ижодидан қўлланышга уринадилар. Шу йўсунда ихтиёрий ёки бенхтиёр равишда конвергенциянинг жарчисига айланыб қоладилар.

Дарҳақиқат, конвергенция назариясининг ана шу иккі ёқламалиги, яъни сиртдан қараганда «плгорлиги» **ва** уннег остида антикоммунистик идеология **ва** амалиёттегі реакцион моҳияти яшириниб ётганлығы — уни **социалистик** мамлакатларга қарши идеологик қўпорувчалик ишларында кенг фойдаланаётган антикоммунизмнинг энг хавфли қуролынга айланыради. Бизга маълум-

ки, барча идеологик оғулар ичидә эңг күп зарар, көлтирадыган конвергенция назариясидир.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши құнорузвицелик идеология курашида құлланишга мүлжалаған эңг янги антикоммунистик назариялардан бири «эволюция назариясі»га эътибор беріш зарур. Бу назариянинг автори биэ бир печа маротаба эслатиб ўтғав З. Бжезинскийдір.

Автор томонндан 1968 йыл Чехословакиядаги контрреволюцион ва антисоциалистик күчлар ҳаракати таж-рибасини ўрганиш асосиға қурилған «эволюция назария»сида социалистик жамиятни идеологик жиҳатдан қуролсизлантириш ҳамда оппортунистик ва антисоциалистик күчларни тузыш бўйича методологик жиҳатдан яширип нозик ҳаракатларни ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Бу назарияга мувофиқ империалистик мамлакатлар социалистик давлатлардаги шароитни синчиклаб ўргана бориши, улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни имкон борича аниқлаши ва ҳар қандай йүллар билан бир-бирига қарши гижи-гижлаши, антисовет кайфиятларни найдо қилиш ва уни зымдан ривожлантириш, ахолининг айрим гурухларини, кейин эса бутун-бутун мамлакатларни Совет Иттилоғында қарши қўйиш, шу йўл билан социалистик ҳамдўстликдан у ёки бу мамлакатни ажратиб олишга эришиши зарур.

Бжезинский фикрича, кейин социалистик мамлакатларниң бирдамлижини тутгатишга қаратылған жараённинг иккинчи босқичи ишга солиниши керак. Буният учун коммунистик партиялар орасида ёки бир партия ичидә баъзан пайдо бўладиган ихтилофлар ва баҳсларни барча йўллар билан рағбатлантириш ва ундан ҳар томонлама фойдаланиш тавсия қилинади.

Сўнгги босқичда ташқи ва ички күчларининг таъсири остида социалистик ҳамдўстликдан ажратиб олингән социалистик мамлакатда коммунистик партия милллат-

чилек ва майда буржуазия шахсиятнарастлиги томонидан мағлуб қилиниши, давлат тузуми эса ғарбга ўшаш шаклда ўзгаририлиши лозим.

Бундан маълумки, «эволюция назарияси» ҳам социалистик жамиятни ичидан портлатиш, бироқ бу хатти-ҳаракат Чехословакиядаги воқеаларга нисбатан анча эҳтиёкорлик билан яъни идеологик қўпорувчиларнинг ҳамда улар томонидан ташкил қилинган ички антисоциалистик кучларнинг ҳаракатлари орқали амалга ошириш ўйлани тутади.

Антикоммунистик изланишлар ичida социализм мамлакатларида демократия ва эркинлик проблемалари га доир ҳар хил назарий ва ахборот шаклидаги материаллар ишлаб чиқиш марказий ўринлардан бирини ишғол қилади.

Антикоммунистлар демократия масалалари хусусида фикр юритар экан ҳамица қандайдир «соф демократия» тўғрисидаги мавҳум мулоҳазаларга сигинадилар. Ваҳоланки В. И. Ленин «соф демократия»ни «коммани алдашга» қаратилган «сохта нбора» деб атаган эди.

Антикоммунизм назариячлари ана шу синфдан устун хаёлий позициядан туриб марксча-ленинча таълимотининг демократия тўғрисидаги мөҳиятини демагогик равишда бузиб кўрсатадилар, социализм сиёсий тузумида чинакам ҳалқ ҳокимиятини бадном қиладилар, жаҳон ижтимоий тараққиётига жуда катта революцион таъсир кўрсатаётган социалистик демократиянинг тарихий ролини камситадилар.

Антикоммунистлар ўз уйдирмаларида демократияни социализмга қарама-қарши қўядилар, социалистик мамлакатларни «тоталитаризм»да айблайдилар, социалистик тузумга туҳмат қиладилар. Социалистик давлат аппарати фаолиятига онд фактларни қасдан бузиб кўрсатадилар. Идеологик қўпорувчилар ва уларнинг социал ислоҳотчилари ҳамда ревизионист малайлари социалистик мамлакатлар жамоатчилигига, айниқса

ёшларга демократияни ўзгармас нарса кўп партиявийлик, «мустақил» суд системаси ва ҳоказолар унинг ажралмас атрибутидир деган қарашни мажбуран сингдиришга уринмоқдалар. Бу усул идеологик қўпорувчиларга социалистик тузум «эрозияси» учун шароит яратиш ва унинг ичидаги «демократлаштириш» байробги остида антисоциалистик кучларнинг қўпорувчилик фаолиятига кенг имконият яратиш учун зарур. 1968 йилда Чехословакиядаги ўнг ревизионистлар социализм душманларининг контреволюцион ҳаракатларига эркинликни таъминлаш, социализм ҳимоячиларини энг оддий гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, уларга қарши сиёсий террорни авж олдириш учун мамлакатнинг социалистик қонунларини буздилар.

Л. И. Брежнев антикоммунистларнинг бу маневрларини фош қилиб, КПСС XXIV съездида бундай деган эди: «маълумки, демократия масалалари социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасидаги гоявий ва сиёсий курашнинг диққат марказида турнбди. Буржуа идеологлари, ревизионистлар бизда гўё демократия йўқлиги тўғрисидаги риёкорона гапларни айтмоқдалар. Улар социализмни «яхшилаш», уни «демократлаштириш» хусусида бизга турли-туман «маслаҳатлар» бермоқдалар. Аммо улар социализм тўғрисида кам емайдилар, албатта. Улар бизни буржуа тартибларига қайтаришини истайдилар ва бинобарин ўзларининг буржуа демократиясини, эксплуататорлар демократиясини, халқ манфаатларига зид бўлган демократияни бизга зўрлаб қабул қилдиришга урнадилар»¹.

Олимлар либосидаги идеологик қўпорувчилар тасвирга ожиз мунофиқлик билан социализмда эркинлик тўғрисида баҳслашмоқчи бўладилар.

Империализмнинг идеологик қўпорувчилик марказла-

¹ КПСС XXIV съездин материаллари, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971 й. 92—93-бетлар.

рида социалистик мамлакатларда тарқатишга мүлжаланган шахс «эркинлиги», «ижод эркинлиги», «матбуот эркинлиги» хусусида янгидан-янги концепциялар ишлаб чиқылмоқда. Бу фикрларнинг мазмунни шундан иборатки, қандай қилиб бўлса ҳам социализм даврида «шахс эркинлиги», «матбуот эркинлиги» йўқлиги, «ижод эркинлиги» камситилаётганлигини коммунизм гўё шахснинг эркин тараққиётига йўл қўймаслигини исботлашга қаратилган. «Эркинлик» сўзининг ҳақиқий маъносини тушида ҳам эшифтмаган шахслар ана шундай деб таъкидлайдилар. Биз юқорида эслатган «Маънавий қашшоқлар баҳтиёрми?» китобида бу ҳақда аниқ фикр баён қилинган: «Бу дунёда,— деб ёзди. А. Чаковский капитализм тўғрисида,—«эркинлик» сўзи ҳар қандай алдамчилик, адолатсизликнин бекитнишга етадиган даражада атом ядроси парчалаб юборилган». Қишини-киши эксплуатацияни «мехнат эркинлигини» деб агадади. Нараламентга бирорта ишчи ёки деҳқон сийланини мумкин бўлмаган сайлов системаси «сайлаш эркинлиги» деб эълон қилинади. Капиталистларнинг босмахоналар, газеталарга эга бўлиш ҳуқуқи, журналистларни сотиб олиш, тинчлик тарафдорлари ва коммунистларни таъқиб қилиш, ирқчиликни авж олдириш, атом васвасасини алгангалатиш «матбуот эркинлиги» деб аталади. Капитал манфаати йўлида қилинган ҳар қандай разиллик «эркин мамлакат» да «эркинликнинг намоён бўлиши» эмиш.

Айни пайтда одамларнинг барча жавоб ҳаракатлари: инчиларнинг ўз меҳнатинни ҳимоя қилиши, коммунистларнинг ўз эътиқодини ҳимоя қилиши, мустамлака мамлакатлардаги ээзилган халқларнинг ўз яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши, тинчлик тарафдорларининг атом урушига қарши, қора ва сарик танлиларнинг ирқий тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилиши, буларнинг ҳаммаси «муқаддас эркинлик»ни таҳқиrlаш ва унга тажовуз қилиш деб эълон қилинади ва судга берилади. «Буржуазия олдида малайлик қиладиган судьялар эса иш меҳнат билди

капитал ўртасидаги курашга келиб тақалса, ҳатто конституция таъминлаб берган эркинликни ҳам йўқقا чиқарадилар» (В. И. Ленин).

...«Эркин дунё ҳар кимни хоинлик қилишга чорлайди. Бунинг учун фақат «мен эркинликни танладим» деган сеҳрли ибора ишлатилса, бас. Бу ибора капитализм шароитида хоинлик қиласман ва ўзимни сотаман» дегани билан маънодош бўлиб қолган¹. Буржуа эркинлигига берилган жуда ихчам бу характеристикани ғарбий дунё ҳаётидан олишига кўпгина фактлар билан тўлдириши мумкин. Масалан, АҚШда меҳнаткашларнинг хуқуқи камситилибгина қолмай, ҳатто сенаторларнинг хуқуқи камситилади, қарийб бутун мамлакат ахолисининг ярми ёзилган қора рўйхатли полиция режимиининг ҳукмронлиги, ёппасига таъқиб қилиш мавжуд бўлиб, коммунистлар шафқатсиз қувғин қилинмоқдалар, ишсизлик кўйаймоқда, ишчиларга қарши қонунлар кучайтирилмоқда. Бироқ антикоммунистлар ўз деганидан қолмай, бизда эркинлик мавжуд-у, социализмда йўқ деб таъкидламоқдалар. Уларга қандай қилиб бўлса ҳам носоциалистик давлатларнинг меҳнаткашлари назарида социализмни обрўсизлантириш ҳамда Совет Иттилоқи ва қардош мамлакатларда буржуазия идеологияси, идеологик қўнорувчилик, социалистик тузумни заифлаштиришга қаратилган бошқа душманлик хатти-ҳаракатларининг «эркинлигини» ўтказишга шарт-шароит яратиш зарур. Антикоммунистлар қадимги алхимиклар меҳнати сингари сийқа бўлишига қарамай, йўл толишга уста ва чидамлидиirlар. Улар идеологик заҳарлашда бир муваффақиентизлилкка учрасалар, шу заҳоти бошқасини бошлаб юборадилар. Жуда кўп «буржуа назариялари» ҳамда идеологик қўнорувчиларни қуроллантиришга мўлжалланган қўпол туҳматдан иборат уйдирмаларининг пайдо бўлиши ва шу билан изоҳланади.

1 А. Чаковский. «Блаженны ли наше духов?» 53-бет.

Аммо тарихий тараққиёт қонунларининг енгилмас жуучи социализм ва коммунизм томонидадир. Бизнинг ғиончимиз комилки, антикоммунизм ҳар қандай «назариялар» ва «концепциялар» тўқиб чиқармасин, улар пуч бўлиб Коммунистик партия ва халқимизнинг улугвор йишига раҳна сололмайди.

ЭФИРДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯ

Радио чегара билмайди. Бу ҳол айниқса идеология қўпорувчилиги ташкilotчиларини ўзинга ром қилмоқда. Шунинг учун Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши қўпорувчиликлар ичнда радио орқали пропаганда юритиш энг муҳим ўршини тутади.

Социалистик мамлакатларга радио орқали бериладётган ахборотни бу мамлакатлар томонидан назорат осизга олиб бўлмайди. Радиоэшиттириш у ёки бу воқсага ишбатан дарҳол фикр билдиришга қодир бўлиб, шу туфайли жамоатчиликнинг ана шу воқеани баҳолашинга таъсир кўрсатиши мумкин. Радио бошқа оммавий воситаларга қараганда одамларга ахборотни етказишда энг оператив бўлиб қолмасдан, уларнинг ҳис-туйгуларига ҳам психологияк таъсир кўреатиш қобилиятига эга. Шунинг учун идеология соҳасидаги қўпорувчиликлар капиталистик мамлакатлардаги давлат ва хусусий радиоэшиттириш воситаларининг катта имкониятларидан пропаганда мақсадларнда максимал даражада фойдаланадилар. Социалистик давлатларга қарши радиоэшиттиришлардан фойдаланиш ҳақиқатда эфирда интервенция бўлиб, яъни империалистик дунёнинг социалистик давлатлар ғоявий ва снёсний ҳаётига оммавий равишида зўрлик билан аралашишдан иборат. Социалистик мамлакатлар учун уюштирилаётган радио пропагандаси олдида буржуазия идеологияси ва ҳаёт тарзини махфий равишида

Миш, одамлар онгига буржуа дүнөңәрашиниң сингдириши, социализм ва коммунизм идеологиясига ҳамаша туҳмат қилиш ва ҳамла этиш, социализм тузуминиң ичидан заифластириш, социалистик мамлакатлар гражданлари-ни социализмга қарши душманлик руҳида чиқишиларга гижи-гижлатиш ва бошқа тадбирларни күзда тутади. Масалан, «Озодлик» радиостанцияси ўз эшилтиришлари-да Совет Иттифоқи ахолисининг оммавий равницида тартибсизликлар уюштиришга чақирибгина қолмай у ёки бу ахоли пунктida яшовчиларни газаблантириш учун вақтпен қийинчиликлар ёки вазиятдан қандай фойдаланиш түғрисида конкрет күрсатмалар беради, «одамларни намойишга жалб қилиш» нинг йўли, тартибсизликларни уюштириш ташкимотчилар қаерда бўлиши лозимлиги, «уларни кейин танимаслик учун» улар нима қилиши ва шу сингарилар түғрисида маслаҳатлар беради.

Империалистик радио пропагандасининг мазманини хилма-хил ва турли шаклларда намоён бўладиган ашаддий антикоммунизм ва буржуа тузумини ҳимоя қилишдан иборат.

Албатта бу ишда империалистик давлатларниң разведка ва пропаганда хизмати ташкимотлари қўпорувчилик руҳидаги радиоэшилтиришларни тайёрлаш ва амалга оширишда «илмий» усулларни ишлаб чиқиш ва қўлланишга анча эътибор берадилар. Радио орқали пропаганда қилишга амалда ижтимоий ва оммавий психология бўйича ихтиослашаётган социологлар, психологлар ва «советшунослар», «кремльшунослар», файласуфлар, лингвистлар ва шу сингариларни жалб қилиш кенг тарқалган. Ана шу социологлар ва «кремльшунослар» ахборотни танлаб олиш билан шуғулланадилар. Психологлар, социологлар ва лингвистлар ёрдамида эшилтиришларниң мазманини қулоққа самарали бориб

естишиниң ҳисобга олиб, әшиттиришларнинг тили ва услуби пухта ишланади.

Айниқса Америка Құшма Штатларида чет әл мамлакатларига ташқы сиёсатни таъсири пропаганда қылыш ғұллары изчиллик билан ишга солинмоқда. Бу мамлакат адабиёті ва пропаганда органдарига мүлжалланған күл сөнли инструкцияларда мазмун, таржима қылыш, дикторлық маҳорати ва шунға ўхшаш соҳаларга оид батағсыл тавсиялар берилади. Масалан, «Озод Европа» радиостанциясыға Американинг «Пропагандисттик руҳидати радиоәшиттиришларни қандай түзүш керак» деган инструкцияда мана бундай дейiplади:

12. Ҳеч қачон махсус пропагандистик руҳда мақола ғылыми шартынан сапардан жүргізуңыз. Пропаганда иккінчи даражада роль ғынайдыган мақолалар ёзинг. Пропаганданинг яшириб түрадыған усулни құлланынша тиришинг...

22. Негізгінде жеке... сердік мұндағы... әртүрлі фольварниң ҳеч қачон әсталтманың. Улар ҳақында дең қажон гапирманың. Бир масалада иккі томонлама ёртыши сезүнинг бурчығыз әмас...

26. Сиз ҳамиша ҳамма нарасаны биладыңыз, юзінгиз қылқоя қыластырылған жойда ҳақындағы бүлгандың да мағній ахборотдан фойдаланған қилиб күрсатыб, таассурот қелдиришга ҳаракат қызынғыз...

47. Айблайвершынг, айблайверинг ва яна айблайверинг. Бу стратегик усул пропаганданинг әнг сермағында түри ҳисобланади.

48. Миш-мишлар ва шубқалар тарқатынг. Бирок үларни ўз номи билан айтманың...

51. Ҳеч қажон ахборот мақсадында фойдаланынманың. Сиз том маңында айттында яхши хабардор бүлүвчи әшитувчиларга эга бўлишдан манфаатдор ғомасиз. Сизнинг ниятларинингизга мувофиқ ахборот ташғловчилардан манфаатдордириксиз...

Яна радиоәшиттириш тайёрланыптағанда қуйидаги-тарни назарда тутиш тавсия қилинади: «Әшиттириш

учун тайёрланган материаллар ўз табиатига күрді маълум гурухдаги эшитувчиларга мүлжалланган шаклда бўлиши зарур, «Маълум далиллар ёрдамида ишонч қозо-ниш зарур, эшиттиришни олиб борувчи билан тинглов-чилар ўртасида бирлик туйғусини юзага келтириш керак», программа мазмунин эса «эшиттириш мүлжалланган мамлакатнинг фақат тили нуқтан назаридангина эмас, шу билан бирга маданий хусусияти жиҳатдан ҳам бенуқсон бўлиши зарур» ва ҳоказолар. Империализмнинг радиоэшиттириш орқали амалга ошираётган идеологик найрангларида, умумий антикоммунизмнинг идеологик фаолиятига доир барча метод ва усуллардан фойдаланиладп. Империалистик радио пропагандага принципиэзлик ҳам, фактларни ғаразгўйлик билан баён қилиш ҳам, ёлтон ҳам, туҳмат ҳам, нотўғри хабар тарқа-тиш ҳам ва ҳар хил лўттивозликлар ҳам, қисқаси бирон бир муваффақият келтириб, антикоммунистларнинг интилишларига мос тушадиган, яъни С. Сульцбергер ёзганидек, ўз ғояларини «бошқача онг ва бошқача тен-денцияга эга бўлган узоқ мамлакатларнинг ҳалқларига сингдиришдан иборатдир.

Эфирда интервешция қилиш тактикаси, шакллари, метод ва усуллари доимо ўзгариб туради. Улар империалистик давлатларнинг сиёсий доктриналарига, ҳарбий стратегик планлари ва сиёсий практикасига дунё ва мамлакатларнинг конкрет районларидағи конкрет вазиятга мөслашади.

Урушдан кейинги дастлабки йиллардан бошлаб узоқ муддат мобайнида Фарб радиоси Совет Иттилоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши «тўе-ридан-тўери» ҳужумлар қилиб келди. Америка Кўшма Штатлари разведкаси ва пропаганда органдарни қарамо-ғидаги кўп соили радио бақироқлар ва уларнинг малай-лари мунтазам равишда якка-якка ва бирлашган ҳолда социалистик лагерга, коммунистик партиялар ва барча антиимпериалист кучларга қарши адоват ва нафрат

Рұждындағи радиоошиттиришларини олиб бордилар. Улар тарқатған ҳабарларда бир ёлғон иккінчисини алмаштириб турди, эришилған ҳар қандай мұваффақиятлар инкор қилинди, социалистик лагернинг ташқи ва ички сиёсатпамалга оширган ҳар бир ҳаракат душманлық шуқтаң назаридан бузыб талқын қилинди. Социалистик түзумнинг бириң-кетин «тангликлари» ва бу түзумнинг тез орада барбод бўлиши тўғрисида «каромат қилинди», айниқса Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳаётидаги бальзи бир салбий фактлар бўяб кўрсатилди.

Империалистик реакция «совуқ уруш» авж олдирилган пайтда радиоошиттиришларидан Американинг Шарқий Европада «коммунизмні улоқтириб ташлаш» сиёсатини амалга ошириш қуролларидан бири сифатида фойдаланди. Идеология соҳасидәги радио қўпорувчилар социалистик мамлакатларнинг ҳадударини коммунистга қарши қуролли курашга» даъват қўлувчи гиж-гижлатиш ва швогарликлар билан эфирни тўлдириб, террор ва саботажни тарғиб қылдилар. Масалан, «Озод Европа» радиопередатчиклари мунтазам равишда маҳфий инструкцияларни маълум ишоралар асосида социалистик давлатлар территорияларида ҳаракат қилаётган империалистик разведкаларнинг агентларини ҳабардор қылғиб турдилар. «Озод Европа» орқали 1956 йилда Венгриядага халқ ҳокимиятига қарши исён уюштирилган контрреволюцион подпольега раҳбарлик амалга оширилди. Жумладан радио орқали исёнчиларга коммунистларни ўлдиришга кўрсатма берилди.

«Тўғридан-тўғри» пропаганда кутилган натижаларни 5ермади. Бу пропаганданинг янғын жамиятни мұваффақиятли барпо қилаётган социалистик мамлакатлар ҳақиқий тараққиётига сира ҳам мос келмаётгандығи астасекин очилиб қолди. ЮСИА директорининг собиқ ўринбосары Т. Соренсен ўзининг яқында нашр этилган «Сўзлар жанги Америка пропагандасининг тарихи» китобида

тан олишича, Вашингтонда ўз агентлиги «етарти самарадор бўлмаганлиги учун» тез-тез танқид қилиниб турган. Совет Иттифоқининг халқаро миқёсда ҳар бир янги муваффақияти, АҚШнинг эса муваффақиятсизликка учраши, Соренсенning сўзларига қараганда, «агентлик вакилларини ва унинг расмий жарчиси бўлган «Америка овози» радиостанциясини тилини тишлиб қолишга мажбур этди. АҚШ ва халқаро империализмнинг алоқалар ўрнатиш» сиёсатига ўтиши билан радио пропагандаси тактикасида анча ўзгаришлар рўй берди.

Радиопропаганда советларга қарши шовқин-суронли афсунлар ўқиш ва дўқ қилишлар ўринига фактларни объектив баён қилиш усулини қўлланишга, «дўстона сухбатдош», социализм қийинчиликларига ҳамдардлик билан қаровчи «ғамхўр ҳайриҳоҳ» ролида, «объективлик кўрсатиб» капиталистик тартибларни «танқид қилишга» журъят қилувчи ролида чиқа бошлади. Бироқ антикоммунистик пропаганданинг қўпорувчилик кучи бу билан заифлашмай, балки кучайди. Айниқса, «Озодлиқ», «Озод Европа» радиостанциялар номидан иш кўрувчи радио қўпорувчилар ҳатто ўзларининг ашаддий антикоммунист ва советларга қарши ҳақиқий қиёфасини яширишга ҳам уринмадилар.

Эфирдаги идеологик тажковузкорлар қўлланаётган кўпгина тактикани усуллар орасида энг кўп тарқалгани— бўлажак ишни олдиндан хабар берувчи радио ахбороти бўлиб, у радиоэшиштувчиларда яна қандайдир қўшимча қизиқарли тағсилотларни билib олиш таассуротини туғдириш учун турли-туман гумон ва имо-ишоралардан фойдаланадилар. Масалан, «Америка овози» радиостанциясининг Совет Иттифоқига мўлжалланган программасида халқаро ва ички мавзулардаги янгиликлар соат сайин эшииттирилади. Ана шу йўл билан тингловчиларнинг радиоэшиштиришларга диққатини жалб қилмоқчи бўладилар. Улар ана шундай хуносага келиб, кўп янгиликларининг мазмунан тутруқсизлигини никор қиласадилар.

Польша разведкасын О. Чеховичнинг айтишича «Озод Еврона» қўпорувчилик радиостанцияси Польша Халқ Республикаси учун тайёрлаган ўз эшиттиришларида тингловчилар ўз дикқатини Варшава радиосига жалб қилимаслиги учун ҳатто Польша футбол командаларининг ўйинлари натижасини ҳам эълон қиласидилар. Ғарб радиостанциялари ўз эшиттиришларига қизиқиш ўйғотмоқ учун совет гражданлари билан мактублар олишиб туришга уринмоқдалар. Баъзан ғарб радиоэшиттиришлари ҳақида эшитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари атанин уюштирилади. Бунинг учун улар мукофотли ёки максус совринли конкурслар ўтказиб туришади. Бу ҳолда ҳам машъум «объективлик» катта роль ўйнайди. Радио тингловчиларни ўзига кўпроқ жалб қилиш максадида капиталистик мамлакатлардаги кишилар ҳаётнинг турли-туман томони: турмushi, кўнгил очиш, дам сяши. Ўзинча радиотағарнида ахборотлар эшиттирилади. Бунда ҳар қандай мақтov-бўрттиришлар ишга солинади, бироқ ҳолис «объективлик» нуқтани назаридаи капиталистик мамлакатларнинг ички ҳаётидаги баъзи камчиликлар силаб-сийлаб баён қилинади. Сохталик ва мунофиқлик — империалистик пропаганданинг доимий йўлдошидир. «Озод Еврона» ва «Озодлик» радиоэшиттиришлари ошкора ва ниқобланган ёлгои-яшиқ, чалғитувчи хабарлардан иборат. Эшиттиришлар у ёки бу социалистик мамлакатда завод кўп тиражли газетасидан олнигани гўё чинакам факт ёки чет элга боргани лақмалардан эшитилган сўз ва бошқалар асосига қурилган бўлади. Бу факт гўл, сиёсий жиҳатдан ғурб радиотингловчиларга мўлжалланган бемаъниллар билан шиширилган бўлиб, натижада радиоэшиттиришнинг бутун мазмуми ўта баразли характерга эга бўлади.

Америкалик пропаганда назариётчилари У. Дэвисон ва К. Купернинг фикрича, ахборотнинг таъсирчалигиги «фойдаланилган манбанинг ишончли бўлиш даражасинга» бөғлиқдир. Бу ишончини қозониш, уларнинг фикрича,

«фактларнинг ошкорлиги ва унга асосланганлигини таъкидлаш ёки одамларга ўзлари рози бўлмаган гоялар билан танишишни истайдиларни ёки йўқми эканлигини ҳал қилишни ўзига қўйиб қўйиш лозим». Идеологик қўпорувчилар ана шундай пайтда турлича психологик шайрангларни қўллайдилар. Масалан, шулардан биттасининг моҳияти шундан иборатки, радиоэшиттиришларда радиотингловчини ҳаяжонлантирувчи у ёки бу мавзуни ёртишдан иборат бўлиб, лекин уни тўғридан-тўғри эмас, «бўлвосита йўл билан» яъни, қизиқувчига сездириш масдан йўл-йўлакай ёртишдан иборат. Шундай қилиб, тингловчини идеологик қўпорувчилар учун маъқул бўлган хуносалар чиқаришга замдан мажбур қиласилар.

Эшиттиришларни уюштириш чорига ҳамиша аниқ адрес кўзда тутилиб, тахмин қилинган эшитувчи шактийи гуруҳ ёки аҳоли табақасининг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олинади.

Буни радиобузғунчларнинг интеллигенция ва ёшларга қарши фаолияти мисолида кўриб чиқамиз.

«Ҳозирги замон саноат жамияти»нинг бош «сипфи» интеллигенция деб ҳисболовчи антикоммунизм идеологлари ва сиёсатдонлари уни ўз қўпорувчилик пропагандасининг асосий «истеъмолчи» деб ҳам ҳисблайдилар. Идеологик қўпорувчилар ўз тажрибасидан совет интеллигенциясининг коммунизм идеаллари ва мақсадларига ёдоқатли эканини биллиб, ақлий меҳнат кишиларни Ғарбнинг маънавий бойлиги, илмий ва техникавий язгиликларига қизиқтиришдан иш бошлайдилар. Ана шу мақсадда радиода йирик буржуа олимларининг экономика ва сиёсат, адабиёт ва санъат, фан ва техника масалалари бўйича лекциялари уюштирилди. Бу хилдаги лекторлар «дўстона сұхбатдош» пардасига ўралиб, гаразли мақсадда ташлаб олинган материал ёрдамида «Америка»нинг демократик түзилишини, экономикиси, фан ва маданиятининг юксак дарожасини, буржуа зяёлиларининг моддий таъминланганлиги ва шахсий мустақилли-

гини» ва ҳоказоларни маккорона мақтаб күрсатадилар. Бу лекциялар беозордек бўлиб кўринса-да, совет кишиларига идеологик жиҳатдан ҳужум қилишнинг ҳийлакорлик усулидир. Бу сұхбатларда конвергенция назарияси буржуа идеологияси билан коммунистик идеологияни ярашириш, санъатда партиясизлик, ижтимоий ҳаётни идеологиядан маҳрум қилиш ва ҳоказо концепцияларни ўтказмоқчи бўлади. Бунга кўпинча «амалий пропаганда» алдаш учун хизмат қиласди.

«Интеллигенцияга мўлжалланган» кўпгина ахборот эшиттиришларида социалистик мамлакатлар ижтимоий ҳаётидан олинган турли фактлар, айрим ёзувчилар, рассомлар ва артистларнинг ижоди шарҳланади. Масалан, «Озодлик» радиостанцияси совет ёзувчиларининг ижоди тўғрисида мунтазам эшиттиришлар бериб боради. Радио қўпорувчилари совет кишисининг улуғворлигини куйлаган ҳар бир китобга ҳужум қилидилар, баъзи асарларнинг гоявий мазмунин ситиб чиқарадилар ва бузуб кўрсатадилар, совет адабларига турли маслаҳатлар беришга журъат қилиб, баъзан тўғридан-тўғри иғвогарликка ўтадилар. Масалан, «Озодлик» радиостанцияси ташқи белорус ёзувчиларидаи бирига «расмий спесат билан низога киришишдан» қўрқмаса, албатта муваффақият қозонишнин каромат қиласди.

Совет Йиттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларининг ёшлари учун радиоэшиттиришлар усталик билан олиб борилади. Эшиттиришларининг аксарият қисми студент ёшларга қаратилган бўлиб, идеологик қўпорувчилар назаридан, гўё бу ёшлар гарб пропагандасига энг мошлдек туолади.

Ёшларга мўлжалланган «кўнгил очиш программаси» бўйича эшиттиришлар ўйин-кулги билан овунтириб, диққатни буриш ва бошқа томонига йўналтириш асосида янада «жиддийроқ» эшиттиришлар билан алмашиниб туради. Ёш радиоэшитувчиларнинг психологияси син-чиклаб ҳисобга олинади. Масалан, ўйин-кулги эшитти-

ришлари ёшларнинг диди, уларнинг модага, янгиликка қизиқиши ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Бунда «билимосита таъсир қилиш» тактикаси нозиклик ва маккорлик билан ишга солинади. Одатда бу эшиттиришларда социалистик тузумни ошкора танқид қилиш ва буржуача ҳаёт тарзини тўғридан-тўғри мақташ йўқ. Антикоммунистик ғоялар гарб ёшларнинг турмуши, ўқиши, майшати, ўйин-кулгиси, диди, қизиқиши доираси, имкониятлари (жумладан, моддий имкониятлари) катта авлод билан муносабатлари ва ёшларнинг бошқа проблемалари тўғрисида беозор хикоя қилиш йўсенинда баён қилинади. Хикоя қилишнинг дўстона сингил киноявий оҳангига ёшлардан сўраб олинган мuloҳазалар билан, статистика маълумотлари, буржуа олимларининг фикрлари билан қориширилади. Албаттa бунда таълим олишининг қиммат туриши гарб мамлакатларидаги ёш мутахассислар орасида ишсизлик, жиноятчиликнинг кўпая бориши ёки капитализм шароитида ҳал қилиш мумкин бўлмагани бошқа биронта ёшлар проблемалари тўғрисида лом-мим дейилмайди. Бу хплдаги эшиттиришлар ташкилотчиларнинг ишти ошкора бўлиб социалистик мамлакатларнинг ёш радиоэшитувчиларида. Гарб таъбига тўғри келадиган таассуротлар түғдириш ва хуносалар үзинчковлигини қондириб, тилга олинган масалаларни асл моҳиятигача ковлаштириб ўтирмаидилар, деб умид қиладилар.

Шу билан бирга буржуа радио пропагандаси, айтайлик, гарб тарзида ҳаётга истеъмолчилик муносабатида бўлиш, сиёсатдан четда турниш, умуман идеологияни, хусусан марксизм-ленинизмни никор этиш, ревизионистик кайфиятларни ёйиб психологик таъсир кўрсатиш усулидан фойдаланади. Радиоқўпорувчилар авлодлар ўртасида низолар келиб чиқиши муқаррарлигини тарғиб қилиб, «технократ» ва «интеллигент» ёшларнинг ташаббуси ва ижтимоий ўсишига катталар халақиг берадилар,

деган фикрни түгдирмоқчи бўладилар. Бу фикрлар билан эса давлатга қарши кайфиятларнинг «қонунийлиги» тўгрисидаги фикрлар ёнма-ён туради.

Идеологик қўпорувчилар ўз радиоэшиттиришларининг қандай самара бераётганлигини диққат билан кузатиб борадилар. Бунинг учун социалистик мамлакатларнинг ҳар хил пунктларига ўрнашган турли приёмникларнинг қувватидан тортиб, эшиттиришларнинг тиниқлиги, техникавий сифати, мазмунигача социалистик дунё гражданларининг бу эшиттиришларга қизиқувчанигни ҳисобга олувчи баҳолар шкаласи ишлаб чиқилиб қўлланилиб келинмоқда. Радиопропаганданинг самара-дорлигини ўрганиш бўйича тузилган тадбирларга информация агентлеклари ва етакчи радиостанциялар ҳузуридаги разведка органлари ҳамда маҳсус тадқиқот хизматлари ҳам жалб қилинган. Farb пропагандасининг Совет Иттилоқида самара доғлнганини баҳолаш учун разведкачилар, шунингдек, империалистлар разведкаси агентлари ва пропагандистлик органдарни эмиссарларини ҳалқаро алоқалар орқали алмаштириш йўли билан мамлакатимизга маҳсус аппаратлар ва совет гражданлари билан суҳбатлашиш учун савол-жавоб китобчалари билан қуролланган агентларни жалб қилиш практикаси мълумдир.

Радиоқўпорувчилар фаолиятининг интервенциячилик характеристи радиоэшиттиришларининг мазмунни ва тактикасида намоён бўлиб қолмай, балки социалистик мамлакатлар эфирига кириб олиш усулларида ҳам кўринмоқда. Империалистлар ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузмоқдалар. Улар социалистик давлатларининг ички фойдаланиши учун ҳалқаро битимлар асосида бөлгиланган тўлқинлар диапазонида ўз радиоэшиттиришларини олиб бормоқдалар. Масалан, «Америка овози» радиостанцияси 1948 йил Коненгаген ҳалқаро конференциясининг қарори билан СССРга биркитиб берилган ва Москва радиостанцияси 1933 йилдан бўён фойдаланиб

келаётган 173 кгц частотада контрабанд йўли билан мунтазам эшиттириш бериб келмоқда. Радиокўпорувчилар бу тўлқинда суткасига 6 соат (4 соат инглиз тилида, 2 соат рус тилида) Совет Иттифоқига эшиттиришлар берилб турадилар.

Интервенциячиликни назарда тутиб радиокўпорувчилар мақсадида ахборотлар йиғиш ва тайёрлаш практикаси янада характерлайдир. Худди ана шу соҳада пропаганда органларининг разведка хизматлари билан боғлиқ эканлиги маълумдир. Разведка хизматлари пропагандистларни социалистик мамлакатларининг ички ҳаётига оид кўпгина маълумотлар билан қуроллантириб, очиқ матбуот ва расмий муассасаларда чекладиган ахборотни танлаш ва изоҳлаб беришда иштирок этадилар.

Бундан ташқари кўпорувчилик радиостанциялари ва «Озод Европа» кўпгина маҳсус ахборотчиларга эгадир. Бу ишнинг қандай бажарилшини ўз кўзи билан кўрган (юқорида айтилган) разведкачи А. Чеховичининг қўйнадиги сўзларини келтирамиз: «Бу умуман олганда бир маҳомда ишлайдиган механизmdir. Масалан, Совет Иттифоқига бориб келган бир гурӯҳ Америка студентларининг ҳисоботини ёзишда «ёрдам беришинга» тўғри келди. Улар жўнаш олдидан «Озод Европа», «Озодлик» ва «Шарқни тадқиқ қилиш маркази»да ким билан қандай талиришиш, нималарни аниқлаш хусусида кўрсатмалар олдиilar. «Яхши» ахборот учун маълум миқдорда генорар тўланиши айтилди... Катта порт шаҳарларидаги денгизчилар учун маҳсус магазинлар олдида албатта разведка ёки радиостанциянинг вакили навбатчилик қиласди.

Бироқ разведкачилик характеристидаги ахборотнинг яосий қисмини радиостанциянинг жойлардаги «жон изловчилар» деб аталмиш «мухбирларп» у ерга келгаян кишилар билан, шунингдек, ватанидан қочган ҳомиллар билан сухбатлардан маълумотлар тўплайдилар.

Шуни айтиш зарурки, социалистик мамлакатиинг «Озод Европа» «баҳолаш бўлими» картотекасига у ёки бу йўл билан тушиб қолган ҳар бир социалистик мамлакат гражданига яширин агент деб қарапади, уни қулай вазиятда товламачилик, сотқинлик ва ҳоказолар ёрдамида «активлаштириш» мумкин. Америка разведкасининг фикрича бундай «тамғали» суҳбатдошлар айниқса уруш пайтида иш бериши мумкин. «Озод Европа»га социалистик мамлакатлардан ана шу кишилар ичидан ахборотчилар жалб қилинади. Шуни айтиш зарурки, «Озод Европа» бошқа шунга ўхшаш марказлар каби ҳозир гарчи енгилтак саёҳатчилар учраб турсалар-да, тобора кадрлар етишмаётганлигини сезмоқда».

Мана шу юқорида ёзилганларга яна шуни қўшиб қўйиш зарурки, империалистик радиостанцияларнинг редакцияларида, маҳаллий ва маказий матбуотидан бослаган материаллар пухта ўрганилади ва қайта ишлашади. Булар орасидан ўша мамлакатлар ижтимоий ҳаётидаги ҳар хил камчиликларни танқидий ёритган материаллар танлаб олинади, қарама-қаршпликлар, адреслар, телефонлар за шу сингарилар қидирнб топилади.

Ана шу айтилганларниг барчасидан эфирда интервюи қилиш, СССР ва социалистик системага қарши амалга оширилаётган идеологик фаолиятдаги умумий системанинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этади, деб хулоса чиқариш лозим. Бу фаолиятиниг барчаси бир-бирига мослаштирилган ва пухта яширинган қўпурувчиллик характеристидади.

ХАЛИҚАРО АЛОҚАЛАР ЙУЛИ БИЛАН

Антикоммунистик марказлар СССРга қарши чет элдан турпб қилинган идеологик ҳаракатларга катта аҳамият бериш билан бир қаторда, худди шундай фао-

лиятни бевосита совет мамлакати территориясінда ўтка-
зишга ҳам қизықадилар. Буннинг учун империализм
дипломатия, савдо, илмий, маданий, туристик ва бошқа
халқаро алоқаларнинг барча имкониятларидан актив
фойдаланадилар. Империалистик разведкалар ва анти-
коммунистик марказлар Совет Иттифоқыга дипломатлар,
мұхбирлар, корчалонлар, олимлар, студентлар¹ никоби
остыда әмиссарлар ва күнгилли идеологик қўпорувчилар-
ни юбориб, улар ёрдамида узоқ масофадан бажариш
мумкин бўлмаган ишни совет кишиларини якка тартиб-
да советларга қарши қўйишга интиладилар. Улар фақат
совет кишилари орасидагина бўлиб, жамиятга қарши
душманлик кайфиятидаги шахсларни аниқлаш, улар
 билан алоқа боғлаш, уларни социалистик тузумга қарши
курашга ундаш, советларга ва жамоатга қарши актив
ҳаракат қилаётган унсурларга моддий ёрдам кўрсатиш
мумкин деб ўйладилар.

Идеологик қўпорувчилар давлат чегарасыдан конт-
рабанда йўли билан ўтказилган сиёсий жиҳатдан зарар-
ли, советларга қарши ва ахлоқсиз адабиёт, фото ва
кинохужжатлар, магнитофон ёзувларини мамлакатимиз-
да тарқатишга, шунингдек жамоатчилик ва советларга
 қарши қўллэзмалар ва шу сингариларни чет элга олиб
чиқиб кетишга жалб қилинадилар. Албатта буларниң
ҳаммаси СССРнинг тегишли капиталистик мамлакат
 билан халқаро муносабатларига путур етказади.

Ҳар хил ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч-
тотув яшаши шаронтида сиёсий экономика, фан-техника,
маданият ва бошқа соҳаларда чет эллар билан ташқи
алоқаларнинг кенгайтирилишининг ўзи чуқур сиёсий ва
иқтисодий сабабларга кўра тарихий зарур ҳодисадир.
Бу алоқалар КПСС XXIV съезд қарорлари ва материал-
ларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити
якунларига доир партия Марказий Комитетининг қарори-
да таъкидланганидек, янада ривожлантیرилади. Бу
алоқалар совет халқи томонидан кенг қўплаб-қувват-

ланыётганлиги тасодиғий әмас. Совет халқи чет әллик-ларниң күпчилік қисми уларнинг буржуача дунёқараши ва баъзан ҳатто социализмни қабул қиласлигига қарамай, Совет Иттифоқига беғараз мақсадда келишларини билди. Совет кишилари ғарб мамлакатлари вакилларини айъанавий меҳмондўстлик билан кутиб оладилар. Бироқ мамлакатимизга келувчиларнинг баъзи бирлари меҳмондўстликни писанд қнлмай, мамлакатимиизга душманлик руҳидаги ҳатти-ҳаракатлар қўлганлигини кўриб, ғазабланмаслик асло мумкин әмас.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, империалистик разведкалар ва маҳсус хизматларнинг, шунингдек, бошқа антикоммунистик марказларнинг қўпорувчилик фаолиятини ўюштиришда капиталистик давлатларнинг СССРдаги дипломатик ваколатхоналари хийла роль ўйнайдилар. Баъзи капиталистик мамлакатларнинг ваколатхоналари ўз сюставида иштirok этилган пропаганда масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларга эга бўлиб, улар идеологик қўпорувчилик ишларидаги оммавий алоқа воситалари, айниқса, радиоэшиттиришлар мамлакатимизнинг турли районларида (бу эшиттиришларнинг қай даражада эшитилишини аниқлаш) ва вақтли матбуотдан фойдаланишиниң самара-дорлигини ошириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқадилар. Улар гаразли ахборотлар тўплаш ва шу асосда мишиш-миш ва советларга қарши ёлғон-яшиқларни тўқиб чиқаришгача бўлган баъзи пропагандистик материалларни тайёрлашда иштирок этадилар, айрим гоявий жиҳатдан хом асарларниң авторлари атрофида кўта-рилган шов-шув ва матбуотда советларга қарши кампаниясининг ташаббускори бўлиб чиқадилар. Дипло-мат ниқоби остида ҳаракат қилувчи антикоммунистик марказларнинг вакиллари мамлакатимиизга илмий-тех-ника ва маданий алоқалар бўйича ёки турист сифатида вақтинча келган идеологик қўпорувчиларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, турли районларда вужудга

келган вазиятга қараб йўл-йўриқ кўрсатадилар. Суҳбатларининг мазмунан мақсадга мувофиқлиги ва ҳаракат усуслари хусусида кўрсатма берадилар. Советларга қарши адабиёт, чалғитувчи хабарлар ва бошқа материаллар билан таъминлайдилар.

Қатор империалистик давлатларнинг дипломатия ваколатхоналаридан баъзи дипломатларнинг мамлакатимизга қарши идеологик қўюорувчилик ишида бевосита иштирок этиши амалда таркиб топди. Бунинг учун дипломатик қабуллар, буржуа ва антисовет руҳидаги адабиётларни тарқатиш (фан ва техника бўйича ахборот нашрларидан тортиб, гоявий пуч бадний асарлар ва турлп хил қалбаки материалларни нашр қилиш), антисовет руҳидаги кинокартиналарни кўрсатиш, буржуа интеллигенцияси ва фан арбоблари билан учрашувлар ҳамда дипломатик ваколатхонани қизиқтирувчи совет кишиларини якка тартибда ўз таъсирига тортишдан фойдаланадилар. Хусусан, якка тартибда таъсир қилиш маълум шахсларга идеологик таъсир этишининг асосий усули деб қаралади. Бу усул тўла «объективлик» ва «хайриҳоҳлик» мавқеидан туриб моҳирлик билан олиб борилади, ташвиқ қилинаётган кишини гарбий ҳаёт тарзининг устунлиги ва социализмнинг «туб» камчилликлари тўғрисидаги хуносага олиб келиши учун маҳсус танлаб олинган ва олдиндан ўйлаб қўйилган далиллардан атайлаб фойдаланилмагандек қилиб кўрсатилилади.

Совет ижодий интеллигенцияси вакиллари билан тез-тез бўлиб турадиган сұҳбатларда умуминсоний маданият тўғрисида гап боради. Фарб санъатидаги «ташаббускор» модернистик ва бошқа реакцион оқимлар, санъатда сиёсатсизлик кўкларга кўтарилади, социалистик тузум гўё «ижод эркинлигини» таъминлай олмайди деган фикр ҳаёткорлик билан ўtkaziladi. Илмий-техника интеллигенцияга инженер-техник мутахассисларнинг етакчи роли, уларнинг ҳар бири эркин капиталистик ишибилар-

монлик шаронтида тез орада мартабага эришиш мүмкінлігі ва ҳоказолар тұғрисидагы гоя сінгдирилади.

Идеологик құпорувчилар совет ёшлары билан мулоқотда бўлганида ҳаётга манфаатпарастлик нұқтаи назаридан қарашни тарғиб қиласылар, ҳар нарасага ишончсизлик, революцион идеалларнинг тұғрилигига шубҳа уругини сочиш, шу орқали ёшларда буржуача ҳаёт тарзинга қизиқишины уйғотишига уринадилар.

Бироқ барча идеологик құпорувчилар очиқдан-очиқ советларга қарши таъсир күрсатиш усулларидан воз кечаплигини билдирамайды. Масалан, капиталистик мамлакатлардан бирининг Москвадаги әлчихонаасыннинг иккінчи секретари 1967—1968 йилларда ашаддий сурбетлик билан совет-ижодий зиёллілари орасыда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг спесатини бадном қилишга уринди, НТСнинг антисовет руҳдаги ёвузыннан шашыларшы тәрқатты да ҳоказолар «Пипломат» деб аталмиш бу шахенинг фаолиятты тез орада асоети равишда фош қилинди. У мамлакатимизни ташлаб чыққып кетди.

Шундай ҳоллар ҳам бўлишини таъкидлаш зарур. Қатор буржуа дипломатлари ўз миссиясинни бажарыб ватанинга қайтиб боргач, уларда бирдан дипломатлик давридаги ўз фаолиятига алоҳида қизиқиши пайдо бўлиб қелади. Ана шу пайтда улар «жопли гувоҳ» сифатида мақолалар, хотиралар, «тадқиқот» ва ҳоказо асарлар ёзиб, уларга мамлакатимиз, Коммунистик партия, коммунизм қуриш истиқболларын тұғрисида туҳматдан иборат материалларни тиқишириб юборадылар. АҚШда сүнгиги 20 йыл давомида ана шундай руҳдаги неча үнлаб китоблар нашр қилинди. Уларнинг авторлари орасыда Американнинг СССРдаги собиқ әлчилари ҳам бор.

Совет Иттифоқига қарши идеологик құпорувчилар ҳаракатыда буржуа газеталари ва информациядан агентларларнинг баъзи журналистлары ҳам актив иштирок этмоқдалар. Улар бажону дил адсоватларини, ҳар хил

Ёлғон-яшиқларни юмалоқ-ёстиқ қилиб тұқыйдилар, шуб-хали манбалардан гаразгүйлик рұхидаги материалларни тұплайдилар. Фақат бунинг учун уларга мұмайгина хақ тұлашсалар бас.

Америкада чиқадиган «Вашингтон пост» нұфузли газетасининг Москвадаги мухбири А. Шуб ана шундай ёвуз ниятли фаолият билан бир неча йиллар давомында мұнтазам шуғулланып келди. У АҚШнинг юзларча вилюят газеталарини ахборотлар билан таъминнлаб турди. Антикоммунистик матбуотнинг бу типик вакиали бизнинг мамлакатимизда ўзи алоҳида жаҳду-жадал билан излаб топған айрим муртадлар ва ахлоқсиз шахсларнинг «мұлоқазалары», фикрлари ва жиркәнч ёлғон-яшиқлардан бошқа нарсаларни күріш ва эшнитишни истамади. Ана шу йүспінде құлға кириллган «Маълумотлар» асоцида Шуб ўзининг СССРга душманлық ва ошкора нафратга тұла мақолаларини тұқышда давом етаверди. Шуб сүнгги йилларда гарб матбуотында ташкыл қыллингай барча антисовет кампанияларында канды құлмай иштирек этди.

СССР Ташқи ишлар министрлігінің құпорувчилік фалиятты учун Шубга мамлакатимиздан чиққиб кетишни тақтап қылды. Шуниси диққаттаға сазоворки, бу «мұхбир» социалистик тузумға нафратни Россияндан чет әлға мұхожири бўлиб кетгап троцкийчи отаси А. Шубдан мерос қылғиб олган ва бу меросий «қобиляттани» у АҚШда Йельск университетининг рус факультети деб номланған идеологик құпорувчилар мактабида тақомилластириди. Дэвид Бонавия 1969 йыл апрелидан 1972 йыл май ойнигача инглиз «Таймс» газетасининг Москвадаги мухбири бўлиб ишлади. Бонавия СССРда бўлиши пайтида ўзини советларга қарши ашаддий кайғиятдаги журналист сифатида кўрсатди, ўз газетасы саҳифаларында мұнтазам равишда гаразгүйлик ва бўхтондан иборат материалларини чоп этиб турди. Унинг ёзған мақолалары потүғри ақидалар, камчиликларни бўрттириб кўрсатиш ва заҳар-

хандалык билан ажралиб турар эди. Бонавия жамиятта қарши ва спонстrik руҳдаги шахслар билан алоқалар ўрнатиш соқасида фаол иш олиб бориб, зарур материалларни улардан олар ва бу хабарлар бажону дил газетада босилиб чиқар эди. Масалан, 1971 йил 7 декабрда «Таймс» газетаси советларга қарши П. Якир билан ўюштирилган нуқул туҳмат ва уйдирмалардан иборат сұхбатни босиб чиқарди.

Бонавия турлы йүллар билан түгридач-түгри гала-мисликдан ҳам тоймай, турлы миллат вакиллари ўртасида миллатчилик негизида душманлик уругини сочишта ҳам уринди. Масалан, у ўз мақолаларининг бирида Эстония ССР судининг фашист малайлари устидан чиқарған ҳукмнiga шубҳа туғдириб, жазоланғанлар эстон миллатидан бўлғанлиги учун бу суд процесси очиқдан-очиқ шовинистик характерда бўлди, деб ёзди. У бунинг эстония ҳалқаро юристтарни шорозитлик баёни киппига чиқарди.

Бу журналистнинг мақолаларида Совет Иттифоқидаги ташқи сиёсати, айниқса Хитой түгриндаги сиёсати ҳамиша сохталаштирилди.

Совет марказий матбуотида Бонавияниң нөнөк журналист сифатида фош қылувчи мақолалар эълон қилинди («Литературная газета»нинг 1971 йил 3 февраль сонидаги «Адоватчилар», «Советская Россия»нинг 1971 йил 12 сентябрь сонидаги «Ифлос қалам излари», «Литературная газета»нинг 1972 йил 23 март сонидаги «Дэвнід Бонавия қуруқ сафсатавоз» мақоласи ва башқалар). Бу мақолалар кенг совет газетхонлари ўртасида аке-садога сабаб бўлиб, редакциялар газетхонлардан кўилаб мактублар олди. Газетхонлар Бонавиянинг фаолиятидан нафратланиб, уни Совет Иттифоқидан чиқарилб юборишни талаб қилдилар. Бироқ Бонавия инглиз консерватив ҳукуматининг советларга қарши сиёсатидан рагбатланниб, ўзига тегишли холоса чиқармасдан, хунук фаолиятини давом эттиради. 1972 йил май ойида чёт эл мұхбиз-

рининг шаънига тўғри келмайдиган фаолияти учун у Совет Йиттифоқидан чиқарниб юборилди.

У ҳозирги шайтда «Таймс» газетасининг Пекиндаги мухбириидир. Унинг мақолалари маочилик характерида бўлиб, ҳозирги Хитой пропагандасига мес келадиган руҳдаги аввалгидек советларга қарши бўхтонлар билан тўлиб-тошган.

Баъзан жуда сийрак бўлса-да, идеологик қўпорувчиликка социалистик мамлакатлар матбуотининг СССР-даги мухбирларини жалб қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу шахслар душманлик ботқонига ботиб, коммунизмга қарши марказларининг қармоғинға илиниб қоладилар.

Капиталистик давлатлар гражданларининг СССРга иш юзасидан келиши ҳам идеология марказларининг диққат-эътиборидан четда қолмайди. Ахир кўп ҳолларда социалистик ҳаёт тарзига очиқдан-очиқ хайриҳоқ бўлмаган ҳамда баъзи совет кишиларига буржуазия таъсирини ўtkазувчи кишилар келадилар. Бундан ташқарни ҳар хил делегациялар, чет эл мутахассислари группаси, СССРда намойиш қилинадиган чет эл кўргазмаларининг ходимлари ва бошқалар составига албатта идеология қўпорувчилиги соҳасидаги ихтисослашган агентлар ва эмиссарлар бўлади. Бу хилдаги қўпорувчиллик фаолиятининг характер ва усулларини мамлакатимизга чет эл мутахассислари сифатида юбориладиган идеологик қўпорувчиларининг баъзи душманлик хатти-ҳаракатлари фактларида кўриш мумкин. Улар ўз фаолиятини бирданига авж олдиримай, шаронтии узоқ вақт ўрганидилар ва атроф-муҳит билан обдан танишадилар. Улар ўтқир кўз билан ўзларини қизиқтирган совет кишиларининг сиёсий ва ишчанлик сифатларини аниқлаб, ўз қурбонига турли-тумаи йўллар билан идеологик жиҳатдан таъсир қилишини белгилаб оладилар. Бу хилдаги чет эллиқ идеология қўпорувчилари қўшинча шартномада кўрсатилган ўз вазифаларини бенуқсон бажарниб, ўз атрофидағиларга совет тартиб-қондаларига хайриҳоқ

ва майиллигини намойиш қилишга шитиладилар, ўзларини совет халқынинг муваффақиятлари билан чинакам қизиқувчи, социализм идеалларига ён босувчи қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Улар шу билан бирга кези келганда сұхбатдошининг фикрларини ўзларига зарур томонга буриб олишини ҳам эсларидан чиқармайдилар.

Улар совет гражданларига идеологик таъсири кўрсатишида антисовет характердаги китобларни тарқатишдан фойдаланадилар. Совет техник интеллигенциясининг вакииларида бу адабиётга қизиқиши туғдириш учун буржуа мутахассислари адресига расмий йўл билан кўп миқдорда техника иашрлари — китоблар ва журнallарни (капиталистик мамлакатларга хос бўлмаган истрофарчиллик йўли билан) юбориб турадилар. Уларда илмий-техника масалаларига бағишланган ахборотлар билан бир қаторда капиталистик дунёни, техника мутахассислари хотиба учуннат шарситилим кўзларга кўзларбас мақтоворчи материаллар, шунингдек, советларга қарши мазмундаги мақолалар чоп этилган бўлади. Ҳатто модалар журнallарига рус тилида советларга қарши мазмундаги кичик мақолалар ёзиб юборилган ҳолатлар ҳам учради. Худдид шундай йўл билан расмли китобларни совет ёшлиари орасида тарқатишга уринишлар бўлди. Бу китобларда буржуа ахлоқининг ҳар хил томонлари, зарарли машшатлар ва қабиҳ ҳис-туйгулар мақтаб таърифланган.

Совет кишиларига душманлик руҳида яккама-якка таъсири кўрсатишини, биринчи навбатда рус тилини ёки СССРдаги бошқа халқлар тилини эталлаган гарблник мутахассислар амалга оширадилар. Бу кишилар одатда иропагандистлик фаолияти олиб бориш учун тайёргарликдан ўтган, совет воқелииги билан яхши таниш бўлган, энг зарур мавзуларда сұхбат ва баҳсларни усталик ва ўтқирилик билан олиб боришга қобил кишилардир. Бундай таъсири кўрсатишга, даставвал чет эл мутахассисларининг кузатишича, қатъий марксча-ленинча ишонч-

әътиқодга әга бўлмаган ва буржуазия идеологияси таъсирiga осон асир бўладиган совет кишилари танлаб олиниади. Ёшларга нисбатан эса ахлоқий бузуқликларга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилишдан ҳам тоймайдилар. Масалан, бундан бир неча йил олдин Сибирь шаҳарларидан бирида ишлаган ГФРдан келган мутахассислар группаси чет эллик йигит ва қизлар билан қиёзиккан шахсларни маънавий жиҳатдан айнитиб, мунтазам равишда айш-ишират уюштирганлар. Совет гражданинни оғир жиноятлар қилингга, кўпинча ватанга хиёнат йўлига гиж-гижлатиш ҳолларни содир бўлган. Одатда бу идеология қўюорувчилигининг қурбонларига узоқ вақт советларга қарши руҳда таъсир кўрсатишнинг якунловчى тугунидири. Масалан, француз мутахассиси И. Ромен совет граждани Ивцовга советларга қарши руҳда таъсир кўрсатиб, уни фақат Ватанга хиёнат қиллишга ундағина қолмасдан, чет элга қочиб ўтишининг энг «хавфсиз» усулини ҳам тавсия қилиб, унга қочиш учун 900 сўм нул берган.

Буржуазия мутахассислари орасидаги баъзи идеологик қўпорувчиликлар кейинроқ идеология пропагандасида фойдаланиш ниятида гаразгўйлик ахборотларини тўпламоқчи бўладилар. Масалан, Курскда импорт асбобускуналарини монтаж қилишга ГФРдан келган мутахассис Л. Обер ўзини киноҳаваскор қилиб кўрсатиб, кўча ва ҳаётдаги баъзи хунук манзараларни, эски импорт ва шу сингариларни суратга олиб, ГФРга қайтиб келганидан кейин шу суратлар асосида гаразгўйлик руҳидаги фильм чиқаришни ният қилган.

Идеологик қўпорувчиликнинг ташкилотчилари албатта капиталистик давлатлар СССРда кўрсатадиган битта ҳам виставкадан четда қолмайдилар. Виставкалар халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга даъват этилган бўлиб, улар шу ролни бажармоқда. Бироқ шунга қарамай, юқорида таъкидлаганимиздек, виставкаларга хизмат қўлувчи ходимлар составига пухта тайёрланган

идеологик қўпорувчилар киришилган бўлиб, улар совет гражданинларни билан муомаладан душманлик руҳида таъсир кўрсатиш, ахборотлар йиғиши, жамиятга қарши унсурлар билан яширин учрашиб уларга советларга қарши адабиёт, моддий маблаглар за ҳоказоларни бериш учун фойдаланадилар.

Сўнгги йилларда идеология қўпорувчиларнинг фаолияти СССР билан капитализм мамлакатлари ўтасидаги фан ва маданий алоқалар доирасида активлашди. Бунда империалистик давлатларнинг разведкалари олимларнинг ўзларини, айниқса, монополистик доира-ларга зўр эътиқод билан хизмат қилиб, милитаризм ва антикоммунизмнинг кучайишига ошкора ёки яшинрин ёрдамлашаётган олимларни идеология қўпорувчилари сафига тортишга алоҳида аҳамият берадилар.

Империализм фанни монополиялар хизматига қўйиб; илмий таъкидни претерсанни ҳадсони ўзи фойда отишни монополистик буржуазиянинг ҳукмронлигини таъминлаш маъфаатларига бўйсундириб, шу билан бирга, ҳаёт улоқтириб ташлаган фанда сиёsat ва идеологик курашга ўрин йўқ. ҳақиқий олим сиёsatдан ташқарида туради, деган эски сафсатасини ҳамон рўкач қилмоқдалар. Бу фикр ва фанинг «умумжаҳон»лиги маданиятнинг «умуминсоний»лиги тўғрисидаги конвергенция концепциялари, «маданий конвергенция» ва шунинг сингарилар Совет Иттифоқи олимлари билан илмий алоқалар боғлаш учун келган буржуа фанидаги идеология қўпорувчиларнинг энг чаққон қуроли ҳисобланади.

Шунн таъкидлаш лозимки, бу олимлар ва маданият арбоблари совет кишиларининг коммунистик дунёқарашида «шураш» пайдо қилишга уриниб, энг нозик усулларни ишга солмоқдалар. Бу ҳатти-ҳаракатларни тавсифлаш осон эмас, улар жуда индивидуал характердадир. Бунда мутахассисларнинг у ёки бу илмий ҳамда техникавий проблемаларни тушунишдаги муштараклиги эътиборга олинадики, ана шу томон ўз-ўзидан одамлар-

ни бир-бирига яқинлаштиради. Идеология ва сиёсатнинг ҳатор масалалари ҳақида сўё очишдан ошкора равишда воз-кечиш каби турли хил психологик иайранглар ҳам бор. Ёки аксинча, бу масалалар гўё энг прогрессив мавқода туриб, актив муҳокама қилинади.

Анча атоқли буржуазия олимлари ва техника мутахассисларининг маҳфий идеологик қўпорувчилик топшириғи билан Совет Йиттифоқига келиб туриши кўпайди. Улар ҳукмрои империалистик донраларининг фикрича, совет олимларига таъсир қилишга қодир эмиш.

Кўйинда битта америкалик физик олимнинг айрим совет илмий ҳодимларига қўпорувчилик нуқтаси назарподан таъсир кўрсатиш йўлини келтирамиз.

Бу олимнинг ташки қиёфаси, хулқи, хатти-ҳаракати ва ўзини тутиши гўё унинг оддий ва самимийлигини таъкидлаб тургандек кўринди. Масалан, у камтарона кийинган, ҳамма билан хушмуомала ва дилткаш эди. У совет олимлари учун муҳим бўлган барча нарсалар тўғрисида ўз мулоҳазаларини бажону дил билдиради. Совет фан ва техникасига қойил қолганлигини изҳор этарди, Америка ҳукуматининг хатолари тўғрисида самимий ошкоралик билан гапирав ва уларни қоралар эди. У ҳатто инсоният истиқболи социализмга мансуб деб ҳисобларди. Бироқ бу гапларни фақат АҚШ ва СССРининг шиддаткорлик билан бир мақсадга — фаровоилик жамияти барпо қилишга бораётганини, АҚШ ва СССР ўртасига тафовутнииг силлиқланшиб бораётганини, бу мамлакатлар олимлари ўртасида умуман ҳеч қандай фарқ йўқлигини, чунки иккала мамлакат олимлари ҳам ўз давлатларининг «асосий кучини» ташкил қилишини исботлаш учунгина айтган эди. Шунинг учун спёсий тузумлардан мустақил равишда,— деярли у ўз фикрини ривожлантириб олимларга «янги масалаларни» ҳал қилишда яқиндан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам зарур, америка ва совет фанининг яқинлашувига идеология ҳаллақит бермаслиги зарур. Идеологияда ҳам гўё

«яқинлашиш» содир бўлаётган эмиш. Гўё унинг ва бошқа гарб кузатувчларининг фикрига қараганда, бизнинг мамлакатимизда ҳар бир алоҳида шахсга қизиқиш кучайиши томонига эволюция бўлаётган эмиш, гарбда эса аксинча, умум ижтимоий проблемаларга қизиқиш бир оз юксалаётган эмиш. Хулоса шундан иборатки, «мавжуд тенденцияларни» яқинлаштиришга ёрдам берувчи жисп ҳамкорлик ўрнатиш зарур. Америка мутахассиси ўз мулоҳазаларини Совет ва Америка фанининг тараққиёти, АҚШ ва СССРнинг иккинчи жаҳон уруши йилларнда ҳамкорлиги тарихидан устамонлик билан таилаб олинган исботларни уйиб ташлаш ва шу сингарилар билан мустаҳкамламоқчи бўлади. Аммо у ўз қарашларини қўнополлик билан мажбуран қабул қилди. У ҳамкасби билан «эркин» суҳбатда алломаларни ҳозирги даврда қизиқтираётган проблемаларни кандай килиб тезрок ҳал кишини ҳиссесида «капбилиғи» фикрлари билан ўртоқланашадай бўлиб, эшиттириб мулоҳаза юритар эди.

Пропаганданинг худди ана шу тури антикоммунистик соддаликка иисбатан «салобати зўр» шаклидир. Шунинг учун бу тур энг хавфли ҳисобланади.

Капиталистик мамлакатлардан СССРга тажриба ўрганиш учун келувчи стажёрлар, аспирантлар ва студентлар ичидаги баъзи бир идеологик душманлар жўигина иш кўрадилар. Масалан, 1967—1968 йилларда Москва давлат университетига тажриба ўрганиш учун келган канадалик Павлов (рус оқ муҳожирининг ўғли) СССРга келган биринчи кунидан бошлаб совет студентлари орасида бизнинг мамлакатимиз тўғрисида ҳар хил ғийбат, извогарлик руҳидаги миш-мишлар ва бўхтондан иборат уйдирмаларни тарқатиб, уларга актив таъсири қила бошлади. Унинг душманлик фаолияти ичкиликтозлик айш-ишратлар билан бирга давом этиб, шу даражада кескин тус олдики, студентлар жамоатчилигининг газаб-нафратини қўзғатди. Ўларнинг илтимосига кўра тегишли

совет органлари. Павловни дарҳол СССРдан чиқарпб юбориши түғрисида қарор қабул қилдилар.

1968—1969 йилларда Москвадаги олий ўқув юртларидан бирида Франция граждани Р. Герра тажриба ўрганмоқда эди. У ўзи ўрганадиган 1890—1917 йилларда ижод этган рус ёзувчиларининг фаолияти ҳақида илмий ахборотлар йиғиши баҳонаси остида совет студентларни ва ёш ёзувчилари билан жуда кўп алоқалар ўришади. Тез орада бу «тажриба ўрганувчишининг» бутун фаолияти ижодий ёшлар орасида салбий кайфиятлар ва жараёнлар мавжудлигини аниқлашга қаратилган эканлиги аниқланади. Герра ўзига зарур алоқалар ўрнатиб олгач, суҳбатларда совет таниш-билишларининг КПСС ва Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсати, совет воқеlegининг турли соҳалари түғрисидаги фикрларини билниб олишга интилган. У извогарлик руҳидаги саволлар берниб, суҳбат мазмунига гоявий пуч ва ҳатто советларга қарши тус берган ва суҳбатни суҳбатдошлардан маҳфий равишда магнитофонга ёза борган. Герранинг франциялик туристлар группаси орқали антикоммунистик марказдаги ўз хўжайинларига юбораётгани ёзуви совет чегарачилари томонидан мусодара қилиниди. Бу ҳол иш фаолияти рўйхатида қайд қилинишича, Москвага келишдан олдин «Озодлик» радиостанцияси идеологик «қозонида» иш кўргани ашаддий идеологик қўпорувчисини фош қилишга асос бўлди.

Гарбдаги идеологик марказлар бизнинг студентларимизни кўздан нари қилмай, айрим студентлар орасида советларга қарши ҳар турли адабиётлар, айниқса, бадний ва бадний публицистик асарлар, магнитофон ёзувлари ва сохта варақалар тарқатадилар. Масалан, Ростов университетида тажриба ўрганаётган инглиз студентлари Ч. Питер ва Д. Гильс ана шундай иш билан

муитазам шуғулланиб келгандар. Шуни ҳам айтиш керак-
ки, улар тарқатган сиёсий жиҳатдан зааралға ва совет-
ларга қарши адабиётлар Буюк Британиянинг Москва-
даги элчихонасидан юборилиб турган.

Идеологик марказлар капиталистик мамлакатлардан-
келган туристларни совет гражданлари орасыда буржуа-
ча ҳаёт тарзини, «эркин ташаббус принциплари» деб-
аталадиган ва коммунистик дунёқарашга душман-
фикар ва концепцияларин тарқатишга жалб қилишни тарк-
этмаётирлар.

Ана шундай уринишлар күпроқ шахсий суҳбатларда,
баъзац эса совет кишилари билан бўладиган сиёсий
мунозараларда рўй бериб туради. Тўғри, Совет давлати-
чет эллик туристларнинг қўпорувчилик фаолиятининг ол-
диши олиш ва огоҳлантиришга оид қатор тадбирлар қа-
бул қилгач, бундай уринишлар анча камайди. Лекин
бу уринишлар хозир ҳам мавжуд.

Бундан уч йил муқаддам Буюкбритания фуқароси
Бейлиқ автотурист сиғатида Совет Иттифоқига келди. У
советларга қарши эпчил пропагандист бўлиб чиқди ва у
билан мулоқотда бўлган ҳар бир совет гражданини
советларга қарши руҳ билан заҳарлашга уриди.
Бейлини совет кишиларининг қатъий порозиллари
ва ҳокимият вакилларининг огоҳлантириши ҳам сароси-
мага солмади. ГФРдан Украинага келган туристлар
Беренс ва Адомайтлар ҳам худди шундай йўл тутдилар.
Улар тап тортмай, Коммунистик партия ва Совет
ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатига туҳмат қилди-
лар. Улар тегишли зарба олгач пировардида мамлака-
тишимиздан дарҳол чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

1969 йилининг кузиди Совет Иттифоқига иккита ёш
турист келди: биттаси Норвегия фуқароси X. Бристоль-
ва иккинчсли Швеция фуқароси Э. Ли хоним. Уларниң
саёҳати антикоммунистик марказлардан бирининг топ-
шириғи бўйича Москвада сурбетлик билан идеологик
қўпорувчилик ҳаракатини амалга ошириш учун уюшти-

рилган эди. **Топшириққа** мұвоғиқ Х. Бристоль ва Э. Ли хоним олдидан белгіланған соатда пойтахтнинг әнг-йирик савдо корхоналарыдан бири Давлат универсал магазини биносига келиб, иккінчи қават балконидан советларга қарши шиорларни бақириб чакириб, совет воқеологияға разыл туҳматлар ёзилған варақаларни соча бошладылар. Вокеа содир бүлған жойда очиқдан-очиқ олдиндан хабардор қылғанған чет эллик мұхбирлар пайдо бўлишди. Лекин ҳеч қандай шов-шув бўлмади. Бу жирканч томошага деярли ҳеч ким эътибор бермади. Улар ёнида турган харидорлар сурбетлашган «меҳмонларни» тартибга чақирилар ва милицияга олиб кетдилар.

Совет Иттифоқи миллий республикаларига келган туристлар орасида кўп ҳолларда чет эллардаги советларга қарши миллатчилик ташкилотлари билан bogланған шахслар ва шу ташкилотларниң аъзолари ҳам бўлади. Уларниң вазифаси собиқ миллатчилар билан алоқа боғлаш ва совет кишилари орасида буржуа миллатчилиги идеологиясини тарқатишдан иборат.

1972 янги йил арафасида Бельгия фуқароси Ярослав Добош ЗЧОУН советларга қарши чет эл ташкилотининг эмиссари маҳфий топшириғи билан турист сифатида Украина га келди. Бу идеологик қўпорувчишиш СССР территориясидаги душманлик фаолиятига уриниши бошқа кўнгина қўпорувчиларниң ҳаракати сингари барбод бўлди. Добош жиноят устида қўлга тушди ва қамоққа олди. Терғов қилиш найтида унинг чет элдаги советларга қарши «Украина ёшлари иттифоқи» миллатчилик ташкилотининг актив шиитрокчеси бўлганлиги, болалигиндан боштаб коммунистик идеология ва Совет давлатига душманлик руҳида тарбияланғанини аниқланди. Добош СССРга Киев ва Львовда айрим кишилар билан учрашиш учун жўнатилған экан. Фарбда у кишиларни советларга қарши фаолият билан шуғуллашмоқда деб жисоблаб, улардан сиёсий ва бошқа ахборотлар олиб

туриш, шунингдек уларнинг баъзиларига ЗЧОУН дан пул бериш мўлжалланган.

Добош топшириқни бажариб, унга айтилган одамлар билан яширин алоқа боғлаб, улар билан щартлашилган жойларда учрашди, туҳматдан иборат материаллар ва зарур ахборотлар олди. «Бу шахсларнинг ҳаммасини мен улар билан учрашувлар пайтида деди, журналистларга айбланувчи ўзининг 1972 йил 2 июнда Киевда матбуот конференциясидаги сўзида, Фарбдаги Украина ташкилотларининг советларга қарши фаолияти тўғрисида хабардор қилдим. Украина миллатчилари Совет Йиттифоқига қарши ўз ҳаракатларида сионистлар билан бирлашаётганларини айтдим. Мен улардан эса ўзимга зарур бўлган сиёсий ва бошқа ахборотлар ҳамда тегишли ҳужжатларни олдим.

Мен Совет давлатига қарши энг оғиқ жиноят килганини гушинио турибман, деб давом этди Добош. Мен бунга иқрор бўлиб, тергов пайтида Украинаада ўзимнииг душманлик фаолиятим тўғрисида ҳақиқатни галириб бердим. Мен Совет ҳокимияти органларининг ишни юзасидан мениниг ёшлигим ва чин кўнгилдан иқрорлигимни ҳисобга олиб, иносонпарварларча қарор чиқаришига ишонаман. Мен Совет ҳукуматини ўз умримда энди ҳеч қачон советларга қарши фаолият билан шугулашмайман, деб ишонтираман.

Украина миллатчилари ташкилотининг (ОУН) чет элдаги маркази билан боғлаинган чет эллик Харченко бир неча марта Киевга келди. У ҳар галги сафарида урушдан кейинги йилларда советларга қарши фаолият учун жазони ўтаб чиққан миллатчилар тўғрисида ахборот тўплаб, уларни илгариги жиноий йўлга қайта-ришга уринди.

Мамлакатимизга келаётган туристлар оқимида яхудий миллатидан бўлган гражданлар орасида маълум тошириқлар олган анча сионистик кимсалар бор. 1968 йилда мамлакатимизга халқаро «Джойнт» сионистик ташки-

лотининг эмиссарин Леебович, америкалик яхудий руҳо-
нийиси Фарренс, швеция фуқароси сионист Хачесон ва
бошқалар келишди. Бу саёҳатчилар совет яхудийлари,
айниқса ёшлари ўртасида уларни Исройилга кетишга
кўндириш борасида советларга қарши ва сионистик
пропаганда олиб бордилар. Советларга қарши диний
сионистик руҳдаги китоблар тарқатдилар, уларга алдан-
ган кишиларни жамоатга қарши хатти-ҳаракатларга
гиж-гижлатиб, совет мамлакатидаги яхудийларниң
аҳволи тўғрисида туҳматдан иборат ахборотлар йиг-
дилар.

Халқаро антикоммунизм марказлари ва разведка
хизматлари ана шундай қалбаки туристлар ёрдамида
сўнгги бир неча йиллар мобайнида вақт-вақти билан
турли сабабларга кўра, булда СССР территориясида,
жумладан, кўпорувчилик, антикоммунистик пропаганда
таъсирида пайдо бўладиган жамоатга қарши ва душман
унсурлар билан алоқа боғлашга уринмоқдалар.

Ҳеч қандай табақанинг манфаатиниң кўзламайдига,
бироқ «Шарқий Европа мамлакатлари билан бирдам-
лик Фламанд комитети» (Бельгия) номи остида жаи-
жалли ном чиқарган антикоммунистик йиғинининг эмис-
салари ёки худди шунга ўхшаш шов-шувга сабаб
бўлган «СМОГ» группаси (бу ҳақда гапирилган эди)
вакиллари СССРда алоқачи сифатида пайдо бўладилар.

Ана шу маънода бельгиялик Ж. Хемскот ва Х. Себр-
ехтенинг 1971 йил март ойинда СССРга қилган сафари
характерлидир.

Бельгияда «Керк ин Ноут» фирмасининг ёш хизмат-
чиси Жозеф Хемскот СССРга сафар қилишни бутуплай
ўйламаган ва «Фламанд комитети» тўғрисида қарийб
ҳеч нарса билмас эди. Ҳамма нарса унинг ана шу
ғашқилот раҳбари билан учрашувидан бошланди. Раҳбар
Хемскотга Совет Иттифоқига турист сафар чогида
мўмай пул эвазига махфий топшириқни бажариб келиши-
ни таклиф қилди.

Қалбаки турист контрабанда йўли билан Москвага советларга қарши китоблар олиб ўтиш ва уларни топширилган адресларда яшовчи маълум шаҳсларга тарқатиш, айни найтда «Фламанд комитети»нинг қизиқтирувчи баъзи одамларнинг адресларини Москвада аниқлаш топширигини олган эди. Хемскотга берилган кўрсатма қисқа бўлди: махфийликни тўла сақлаш, шифр билан ёзиш советларга қарши адабиётни контрабанда усули билан олиб ўтиш чоғида ичкни кийим остига яшириш ва ялоқа қилиш учун телефондан фойдаланиш топширилган эди.

Ж. Хемкост 1971 йилнинг 19 марта Москвага етиб келди. У шу куннинг ўзидаёқ кўрсатилган адреслардан бирида бўлиб, китобларнинг «тегишли улушини» топширидни: НТС чиқарган «Посев» ва «Грані» журналлари, бир неча варзак ва советларга камши ҳарактердаги иккита китоб бор эди. Хемскот эргасига боинча адресин излаб борганида жиноят устида кўлга олиниди. Хемскот терговда ўзининг «Фламанд комитети» эмиссари сифатида келганлнги тўғрисида муфассал сўзлаб, ўзининг Москвадаги фаолияти туристик қоидага зинд эканлиги ва қўпорувчилик ҳарактерида эканлигини тан олди.

Тахминан худди шу найтда Москвага боянка бир «меҳмон» -- Лувен университети юридик факультети охирги курсининг талабаси бельгиялик Хуго Себрехте келди.

Унга топширилган вазифа мураккаброқ эди. «Фламанд комитети»нинг вакили Себрехтса фақат маълум адресларга советларга қарши китобларни етказишгина эмас, шу билан бирга Москвадаги «зарур кишилар»дан маҳсус тузилган саволлар асосида бир қанча маълумотларни аниқлаш, улардан СССРдан олиб кетиш ман қилинган баъзи хужжатлар ва материалларни олиш ҳамда уларни Бельгияга келтириш таклиф қилинган эди. Эмиссар бу ишларнинг ҳаммасини жуда махфий ҳолда бажариши, советларга қарши материалларни маҳсүе тикил-

гай ичкі камарда сақлаши, сафар әз қизиқишлиарның СССРда «юридик аппаратыннан иши масалалари» билан жашыроқ тапшыши нияти билан пәохдаши зарур эди.

Себрехте топшириқларни бажарында айтш мүмкінкі, жонин жабборға беріб ишлади. У ўзига берилған әдресларга китоблар ва мактубларни ўз вактида етка-зиб беріш билан бирға ўзі ҳам ташаббус құрсатып, гарб-дати антикоммунистик марказларни қызықтырувчи совет граждандардан баъзи бирлари билан бир неча марта учрашды. Бу турист совет кишиларидан асослы равишда шубхә туғдирди, у құлға олиниб тиитув қилинди. Үндай Совет давлатига дүшманлық руҳидаги бир даста ҳужжат ва материаллар жөніндегі, бу ҳақда у терговчига айча вақғ түшүнтириш берішгә түтре келди. Себрехте ўзининг совет қонуны олдида генохкор эканлигини рад қылмады, бирок зорлаппаб ўзини ёлғойнинг курбоши қилиб құрсатышга уринди, қылмишнга пушаймон бўлиб, кўз ёш қилиб кечирим сўради.

Хемскот ва Себрехтслар жиһоят устида қўлға олинигач, ўзларни қылган жиһоятнинг түғрисини ганириб бергенлиги ва шундай қилиб терговга ёрдам бергенлигини, уларнинг ёшлигини ҳисобга олиб, инсониарварлик мулодазаларига биноан ишини судга оширмай уларни Совет Иттилоқидаи чиқариб юборишга қарор қилинди. СССРда идеология ва бошқа қўпоруувчилик фаолиятини туристик сафарларнинг қулайлығы билан бирға қўшиб олиб беріш имконияти чөт эл черков руҳонийлари ва сектантларни диққатини ўзига жалб қиласы. Улар ҳам мамлакатимиздаги реакцион сектант группалари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ташкилий ва моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ўз китоблари билан қўллаб-қувватлашга уринмоқдалар. Америкадаги неговистик марказларнинг топшириғи бўйинча сўнгги бир неча йил мебайнинда СССРда ўйлаб эмиссарлар ва алоқачилар бўлиб, улар мамлакатимизнинг баъзи районларидағи мавжуд җиний сектантлик группалари ва ташкилётлари-

та күп миқдорда идеологик жиҳатдан заарали, айниқса фотоплёнкага туширилган матбуот асарлари, сектантлик кинофильмлар ва бир неча шын сүм пулни етказип бердилар.

Худди шундай мақсадда туристлар ниқоби остида бизга Ғарбдан менонит бошлиқлар группаси келди. Улар Урал ва Сибирдаги баъзи районларга бориб, менонитларнинг диний қараш тарафдорларини аниқлаш, немис миллатидан бўлган совет гражданлари орасида бўхтондан иборат пропаганда қилиш ва советларга қарши руҳдаги ахборот йиғишга уриндилар.

Тажриба шуни кўрсатадики, Совет Иттилоғинга хусусий иш билан келадиган капиталистик давлат гражданлари ичидаги идеологик қўпорувчилардан энг узоқ қишлоқ районлари ва ишчи посёлкаларида идеологик қўпорувчиликни ўтишида бажонудин ғойдалаштиди. Бу шахсларнинг қўпорувчилик хатти-ҳаракатлари ажда ибтидоий бўлиб, улар Ғарбдаги турмуш шароитини кўкларга кўтарадилар, қариндош ва танишларига саҳиyllик билан совғалар бериб кўзга чўп соладилар, баъзи сиёсий савияси паст шахсларга таъсир кўрсатиб, гаразли маълумотлар тўплайдилар ва ҳоказо. Мана бир неча мисол:

ГФР граждани Гердшрайбер қариндош-уруглари билан кўришиш учун Белоруссияга келди. У совет қишинлари билан мулоқотда бўлиб, ғарб ҳаётини оғиз кўпиртириб мақтади ва совет воқелиигига бўхтон ёғдириб, келтирган буюмлари ва чет эл пули билан чайқовчилик қилди. Хусусий рухсат билан ўз қариндош-уруғларини кўриш учун Украинага кетган чет эл гражданаси Туришченкони республиканинг турли районларида миллатчилик кайфиятлари бор-йўқлиги қизиқтириди. У миллагичлик руҳида иғволар тарқатиб, мамлакатимизда чет өлликларнинг бўлиш қондаларини бузиб, собиқ актив буржуа миллатчилари билан бир неча марта учрашувлар ўтказди.

Машғулотті бўйича сотувчи бўлган америкалиқ гражданка Сладкевич Белоруссияга хусусий сафар чоғида ўзи билан келтирган буюмлар иқтисодий ахволига ҳеч қандай таъсир қилгани йўқ деб, кўпгина қимматбаҳо буюмларни ҳар кимга совға қиласверди. Кейинчалик Сладкевич совгага тарқатилган буюмларни СССРга жўнаши олдида сионистик ташкилотлардан текни олганлигини, уларни тарқатиш пропагандистлик мақсадда қилинганинг тан олди.

Англияда яшаб турган Хитлан хонум Эстония ССРга келиб, даставвал советларга қарши актив фаолияти учун жиной жазони ўтаб чиқкан шахслар билан таниша бошлиди. У бу шахсларга таъсир этиб, уларнинг баъзилари га яширии равишда Фарбга қочиб кетишни қатъий тавсия қилди.

Идеологик қўпорувчилик фаолиятининг энг кенг тарқалган усулларидан бири мактублар ёзиш ва советларга қарши китобларни почта орқали юборишди. Ана шу мақсадда чет элга туристик ва бошқа сафар чоғида қиёса муддатли шахсий алоқа боғлашдан кейин совет қишилари билан хат ёзишув бошланади. Идеологик қўпорувчилик марказларида айрим шахсларнинг, давлат музассасаларининг, корхоналарининг, ўқув юртларининг, редакцияларнинг, кутубхоналар ва жамоат ташкилотларининг адреслари тўпланади. Марказлар худди шунингдек, справочник нашрлар, газеталарда босилган эълонлар, қариндош-уруглар билан ёзишмалар ва ҳоказолардан фойдаланадилар.

Кўп йиллик кузатишлар иттижасида шу нарса аниқландики, почта орқали СССРга юборилётган советларга қарши ва идеологик жиҳатдан зарарли бошқа пашниёт материалларнинг АҚШ, ГФР, Англия, Япония, Франция, Истроил, Италия, Канада, Бельгия, Голландия, Австрия, Аргентина ва Скандинавия мамлакатларидағи турли-туман «клублар», «жамиятлар» ва айрим шахслар номидан актив амалга оширилади. Масалан, АҚШда со-

Советларга қарши адабиётни СССРга жүннатиш ишлари билдән «Халқаро китоб алмашиш бирлашмасы» ва «Китобдар чет элда» клуби, Англияда «Бутун дүиё китобхондари жамияти», Францияда «Халқаро китоб ишқивозлашы жамияти» ва ҳоказолар шуғулланади. Бунинг устига ша шу клублар ва жамиятларнинг ҳаммаси бир ишқобдор, холос. Бу хилдаги идеологик құпорувчылық хатты-жаракатлариниг асл ташкилотчиларі разведка ва пропаганда хизматларининг мұайян бўлнималари дидир. Советларга қарши матбуют материалларнинг анча қисми, шунингдек, чет эллардаги мұхожиyrлар ва миллатчилик ташкилотлари томонидан юбориб турилади.

Халқаро почта алмашиш орқали СССРга юбориладаған советларга қарши ва идеологик жиҳатдан заарали адабиётлар оқимида чет эл мұхожиyrлари, фашистлар, сионистлар ва шунга ўхшаш антикоммунистик марказдор номидан нашр қылыштаған экстремистик руҳдаги ғозурақалар, мурожаатлар, газеталар, журналтар ва брошиюралар катта қисмини ташкил қиласы. Антикоммунистик концепцияни, ревизионистик ва опиортунистик пазарияларни пардаловчи, шунингдек, буржуача ҳаёт гарзния пропаганда құлувчи вақтли нашрлар, брошиюра ва китоблар ҳам бундан кам әмас. Черков рухонийларнинг антикоммунистик марказларни томонидан тайёрланадиган диний сектантлнк руҳидаги советларга қарши ва антикоммунистик материаллар мунтазам юборилиб турилади.

СССРга почта орқали советларга қарши руҳдаги материалларни жүннатышда хилма-хил ҳийла-найранглар ишга солинади. Чет элдан әгаси топилмаганлиги учүн гүёки қайтариб юборилган «Союзпечатъ» бандеролининг ўров қофозларидан фойдаланилади. Рус ва чет эл авторларнинг кенг тарқалған китоб мұқовалари (масалан, Л. Н. Толстой ҳикоялари китобининг ва Н. В. Гоголининг «Ревизор» китоби мұқоваси ичига советларга қарши брошиюралар, Томас Маннинг «Будденброклар» китоби мұқоваси ичига советларга қарши тұхмат босилған)!

бүлөм поснекалары ва бандероллардан фойдаланилади. Бельгия, ГФР, АҚШ ва бошқа капиталистик давлатлардан келткен импорт юклар орасыда, Рим—Москва, Париж—Москва ва бошқа халқаро пассажир поездларнинг маҳфий жойларига солиб советларга қарши адабиётлар юбориш ва ҳоказолар аниқлаинган.

Совет книшилари билан почта орқали хат ёзишмаларида уларга аста-секин таъсири кўрсатишга риоя қилинади. Аввал ёзишмалар ҳеч бир шубҳа туғдирмайди. Хат олувчиларга гарбча ҳаёт тарзини ташвиқ қилиувчи китоблар жўнатилади, кейинчалик хат олишув мустаҳкамлашгач, идеологик жиҳатдан заарарли адабиётлар юборилади. Агар бу ҳол хат олувчи совет гражданининг норозилигига сабаб бўймаса, унинг адресига ошкора душманлиқ нашрлари юборилаверади. Ана шу паллада Фарбдан хат олувчиларнинг «хавфсизлик мақсадларида», «бетараф» яъни, соҳта адресларга ўтиш, капиталистик мамлакатга текни ҳарражат ҳисобига келиш ва шунга ўхшашлар таклиф қилинади. Бошқача қилиб айтганда, шахсий алоқалар давомида хат олувчигина советларга қарши идеологик нуқтаи назаридан таъсири қилишни давом эттириш назарда тутилади.

Шундай қилиб, империалистик разведкалар ва антикоммунистик марказлар ҳар хил цхтимоий-сиёсий тузумдаги давлатлар ўртасида кепгайиб бораётган алоқалар имкониятини халқларнинг ўзаро тушуниши ва маънавий бойишни яхшилаш йўлида фойдаланиш эмас, балки энг заарарли идеологик мақсадларни кўзлаб Советлар мамлакатига бемалол сукилиб кириш учун синчиклаб ўрганаётганикларини кўрамиз.

МАХСУС ОПЕРАЦИЯЛАР

Империалистик давлатларнинг разведкалари, бошқа маҳсус хизматлари ва пропаганда органлари томонидан СССР ва қардош мамлакатларга қарши идеологик қўпорувчилик ишларинда, биргаликда амалга ошираётган ҳа-

ракатларида фақат бир марта құлланиладиган усуллағы билан бир қаторда анча-мунча узоқ муддатта белгиланған күп қырралы тадбирлар ҳам құлланилади. Практиканынг күрсатишича, бундай тадбирларны ишлаб чиқиши амалға оширишда разведкалар бош ролни ўйнайды. **Разведка хизматларнинг таркиб топган терминологиясыда бир-бирига яхши мослаштирилған** бу қўпорувчилик ҳаракатларни маҳсус операциялар деб аталади.

Улар турли сабабларга кўра, маълум даврга қадар теззда ошкора қилинавермайди. Уларнинг айримларини ҳақидағина узуқ-юлуқ хабарлар матбуотда тез-тез кўрниб қолади, холос.

Масалаш, эллигинчи йилларнинг ўрталарида «Интеллижанс сервис» Буюкбританиянинг бошқа бир қатор маҳсус хизматлари ва марказий идораларининг иштирокида «Лиотей» деб исемделған операцияни төмөртоб да смарт-га ошира бошлиди.

Даставвал унда Англия томонидан қўлга киритилған барча маълумотларни «Шарқий блок мамлакатларні олий доирасида бўлиши мумкин бўлган низоларни» кучайтиришда фойдаланиш кўзда тутилган эди. Эллигинчи йиллар охири ва олтмишлнчи йиллар бошида унинг мақсади кенгайтирилиб, социалистик мамлакатларни ичидаи қўпоришга, СССР билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга, айрим мамлакатларни социалистик лагердан ажратишта қаратилған идеологик қўпорувчиликлар ўтказиш ҳам киритилди.

Идеологик қўпорувчиликлар кўп соҳаларга: партия ва давлат аппаратининг ҳар хил бўғимларнга, интелигенциянинг айрим группаларнга, армия ва шунга ўхшашларга қаратилди.

Буржуазия матбуоти «Лиотей» операцисидаги қўпорувчилик тадбирлари хусусида ёзиб, бу методнинг можияти шундан иборатки, танлаб олинган маълум обьектга доир барча разведка маълумотларни мумкин бўлган

ҳамма манбалардан олинади, деб ёзди. Ана шу йүснинда олинган материал гүё энг заарли шаклга қадар «қайнатилади» (олиниши мумкүн бўлган бошқа ҳамма маълумотларни ҳисобга олган ҳолда «қайнатиш» амалга оширилади), кейин эса ишишиб пиҳоясига етган маҳсулот объектларга томчима-томчи аста-секин қайта қўйилади... Қайта қўйилиш жараёни кўпинчча эҳтимол йиллар ва ҳатто ўн йиллаб давом этар. Шундай қилиб, тинч-тобутув яшаш амалда қанча чўзилса «Лиотей» ҳам шунча давом этади, баъзи ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш суръати эса «совуқ уруш» ҳароратининг ўзгаришига қараб чиқиб-тушиб туради. «Лиотей» операциясининг бутун комплекси тўхтовсиз такрорланиб турувчи ва доимий характерда бўлиши лозим, деб мўлжалланган. Танлаб олинган обьект учун ҳар бир юзта томчидан камида беш томчи ишонга тегишига ишонч йўқ ва битта томчидан бошқаси ярадор қилиши амримаҳол. Олдицдан қайси беш томчи ишонга тегишли ва уларниңг қайси биттаси ярадор қилиши номаълум бўлганилиги учун юз томчига бир хилда баравар қуч-қувват сарфланади.

«Лиотей» операциясида қўпорувчилик ахбороти мўлжалдаги обьектларга бориб етиши учун дипломатия алоқаларидан фойдаланиш, турли мамлакатлардаги инглиз вакнллари, «Интеллиженс сервис» агентлари, инглиз журналистлари, савдогарлари, олимлари, туристлари билан синов алоқалари ўрнатиш кўзда тутилган.

«Лиотей» операциясида Совет-Хитой муносабатларини кескинлаштириш учун анча урннишлар бўлди, деб айтишга ясас бор. Шу мақсадда чалгитувчи ёлгон материаллар, гаразгўйлик руҳидаги ахборотлар тайёрлаш, сохта ҳужжатлар ясаш амалга оширилган.

Антикоммунистик кучларниң Шарқий Европадаги айрим социалистик мамлакатларга қарши амалга оширилган маълум идеологлик қўпорувчилик операциялардан бирини Америка манбаларида «Вето» деб номланган маҳсус операцияни эслатиш кифоя.

Бу операция социалистик Чехословакияга қаратылған бұлыб, унда АҚШнің Марказий разведка бошқармасы өшчілік қылды.

«Вето» дан Чехословакия ақолисенға антикоммунизм: за антисоветизм руҳыда узоқ муддатты мұнтазам идеология таъсир қылыш омылы сипатида фойдаланған мұлжалаңған зән. Чехословакия Коммунистик партиясы Марказий Комитеттің фикрича, халқаро антикоммунизм марказларининг психологик ва идеологик құпорувчилиги ЧССРда социализмнің барча асосий бойлығиғи аста-секиң запфластиришга ва партия ичида ревизионизм таъсирин күчтіришга қаратылған зән.

Чехословакия социализмге, советларга қарши ревизионистик адабиётлар билан тұлыб кетди. «Озод Европа» ва башқа құпорувчилік радиостанциялари мұнтазам радиоша эштегіріштер үшін пропагандада ғұраны суруған қоюбаки сиёсий хужжаттар тайёрләшіп тарқатылды. Барта ана шу бир мақсадға қаратылған материалларни тайёрлашга Америка ва башқа империалистик разведкалар ихтиёридаги разведкачиларнинг ЧССРдаги ақындар тұрғындардан хабарлары материал болып хизмет қылады. Бұнда мұхажирилар ва ўз ватанина қайтиб бормаган чехословак үнсурлардан сұраб олинған маълумотлар, шуннан-дег ҚССР матбуоти ва радиоси хабарларидан олинған баъзи факттар ҳам қүшилди.

Операция Чехословакия территориясига ҳаводан чех тилида антисоциалистик, ұкуматтаға ва советларга қарши варақалар, плакатлар, газеталар ва башқа ташвиштегі руҳидаги босма материалларни оммавий равишида ташлашдаи бошланды. Бұ материаллар водородға тұлдірилған резина ва полиэтилен баллонларида юборылды. Варақаларнің бириңи тұны ва ЧССР миллий комитетларига қалбаки сайлов бюллетендері комитетларга сайловлар арағасында, янын 1954 йыл май ойн бошларидан ташланған зән. Шу ішіннен бағор ва ёз ойлары мобайнида Чехословакия территориясынан устидан негогарлық,

ташвиқотчилик рухидагп қарніб 50 миллион нусха материал ташланды. Уларни Чехословакия устидан ташлаш учун ұар бирининг диаметри бир метрдан ошиқ ва салкам бир килограмм 200 грамм юк күтәрадынан іуз мингдан ошиқ баллон учирildи.

АҚШ разведкаси ва антикоммунистик қўпорувчилик марказларининг раҳбарлари доирасида «Вето» операциясининг дастлабки иатижалари юксак баҳоланды. 1954 йил охирида ғарб матбуотида бу операция давомида халқ демократияси мамлакатларининг сиёсий ва иқтисидий тузуминиң қўпоришга мўлжалланган ичкни оппозициянинг яиги концепцияси қарор тоиди, деган хабар пайдо бўлди.

Сўнгги даврда «Озод Европа» комитетини жалб қилиб Чехословакияда антисоциалистик ва советларга қарни қўпорувчилик пропагандасини кучайтириш мақсадида ўн пунктдан иборат гўё «халқ оппозициясининг платформаси» ишлаб чиқилди.

У ревизионистик ва ошкора контреволюцион шиорлардан иборат бўлиб, миллий комитетларга, ишчиларга, деҳқонларга ва Чехословакия аҳолисининг бошқа табакаларига мўлжалланган эди.

АҚШнинг маҳсус хизмат органлари тўқиб чиқарган «Халқ оппозицияси»номидан «халқ оппозициясининг бюллетени» деган ашаддий антикоммунистик қалбаки ҳужжатини жуда кўп нусхада тайёрлаб Чехословакия территориясига ташлади.

Чехословакияга қарши бунга ўхшаш қўпорувчилик хатти-ҳаракатлари ва психологияк найранглар сўнгги даврда ҳам бир неча марта такрорланды.

Совет ҳокимиятининг ашаддий душманлари, собиқ савдогарлардан ота-ўғил Арзумановлар советларга қарши ана шундай аноним ҳужжатларни ёзишган. Улар узоқ вақт мобайнида аноним хатларни тайёрлаб келганилар ва буни совет тузумига қарши курашмоқ учун бехатар усул деб ҳисоблаганлар. Арзумановларнинг уйи тинтиб кўрилганида чор ҳукумати ва чет элларнинг минглаб тилла танглари, кўп миқдорда тилла соатлар, узук ва занжирлар, 170 килограмм кумуш ва бошқа қиммат баҳо буюмлар топилди ва мусодара қилинди. Буларнинг ҳаммаси қонунга хилоф йўл билан топнлган ва хилват жойларда сақланган.

Соверсида жамиятиниң ишлари тозоқида оғизларни бо аноним шахс социализмга ашаддий душман эканигини, бозига ст бўлган ахлоқининг жонли тимсоли эканлигини яққол исбот этади.

Душман унсурларнинг совет тузумига қарши идеология соҳасидаги қўпорувчилик фаолиятини, шунингдек сиёсий жиҳатдан бебурд баъзи совет гражданларининг жамиятга қарши потўғри ҳаракатларини кўрсатувчи ана шу фактлар кейинги беш-олти йил мобайнида содир бўлган эди. Аммо бундай ҳоллар сўнгги вақтларда кам учрамоқда. Идеологик диверсантларнинг совет жамиятидаги душман унсурларнинг бу борадаги қўпорувчилик ишларини кучайтиришга қилган умидлари тамомила барбод бўлди. Бундай умидлар империализм кутган нағижаларни бермади, ички оппозиция пайдо бўлмади. Совет жамияти идеологик диверсантларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Жамиятимиздаги соглом ахлоқий ва сиёсий иқлим империализм идеологик диверсияларининг заҳарли оғусини бартараф қиласди. Буржуа идеологиясининг кўринишларига қарши, марксча-ленинча дунёқарашнинг поклиги учун ғоявий курашда идеоло-

гия фронтининг тобора янги жангчилари ўсиб етишмоқда. Идеологик диверсантларнинг ҳар қаандай макр ва ҳийла-найранглари уларни алдай олмайди.

Аммо империализм социал жиҳатдан ёт бўлган гоя, назария ва концепцияларни мамлакатимизга экспорт қилишни, шунингдек идеологик диверсантларнинг бошқа хилдаги макри қўпорувчилик ҳаракатларини давом эттираётганлигини ва бундай ҳаракатлар баъзан хунук шатижалар берадётганлигини эсдан чиқармааслик керак. Душман гоя ва қарашлар доимий ва шиддатли курашда бартараф қилинади. Ҳар бир совет кишиси бундай курашни муваффақиятли суратда олиб бориш учун доим шай бўлиб туриши керак.

IV.

СОВЕТ КИШИСИ ЧЕТ ЭЛДА. У ХАВФ-ХАТАРГА ДУЧОР БЎЛАДИМИ?

СССР билан капиталистик мамлакатлар ўртасида талқап муносабат ва илмий-техникавий ҳамда маданий алоқалар ривожланиб бораётганини сабабди совет кишиси чет элларга тез-тез бориб туришти. Юксак малакали мутахассислар ҳам, турли совет корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари ҳам, илм-фанининг кўп соҳалари, санъат зиёлиларининг вакиллари ҳам, ёшлар делегациялари ҳам, оддий туристлар ҳам чет элларга сафар қиласидилар.

Душманлик разведкалари ва бошқа махсус хизмаг, бўлимлари уларга эътибор бермайди, деб ўйлаш калтабинлик бўлар эди. Тамомила бунинг аксинин кўрамиз. Ана шу қўпорувчи ташкилотлар ва муассасалар чет элга борган совет кишисини гоявий ва сиёсий таъсир кўрсатиш учун ва ҳатто жосуслик ишларига ёллаш ва бошқа хилдаги агентура ишлари учун жуда муҳим обьект деб ҳисоблайди.

Бундан ҳам ўта риёкорлик бўлиши мумкини! Капиталистик мамлакатларининг разведка органлари турли сабабларга кўра капиталистик мамлакатларга, шунингдек АҚШ ва Англияга ҳамда бошқа давлатларга борган совет кишиларига қарши ўзларининг қўпорувчилик

фаолиятини ҳар қандай йўллар билан яшириб, антисовет ҳампанияни мунтазам равишда олиб борадилар. Бу кампаниялардан кузатилган мақсад — миллий хавфсизликни кучайтириш баҳонаси билан жосуслик васвасасини авж олдиришдан иборат. Турли антикоммунистик ташкилотларнинг, шу жумладан разведка ва контразведка хизматининг раҳбарлари бу кампанияларнинг ташаббускори ва илҳомчиси бўлиб майдонга чиқадилар. Уларнинг хуружлари кучли пропаганда аппаратига қўл келади ва бу аппарат буржуа обивателини «совет жосуларни» билан чўчита бошлайди. Уларнинг бундан кузатсан мақсадлари тамомила аёндир. Бу мақсад — Совет давлатининг халқаро майдондаги обрў-эътиборига нутур етказишдан, у ёки бу капиталистик мамлакатнинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни билишга қизиқкан гражданларп билан совет кишиларининг эркии суҳбат қилишларига тўсқинлик қилишдан иборат. Айрим мамлакатларда совет кишиларига ишсбатай иғвогарлик мақсадида қўпол муомалада бўладилар **ва ҳатто зўровонлик қиласидилар.**

Совет гражданлари капиталистик давлат териториясига қадам қўйинши биланоқ чуқур ўрганиш ва кузатиш обьектии бўлиб қолади. Совет кишиларни мамлакат бўйлаб саёҳат қилган ҳамма йўлда маҳсус хизмат билан борланган шахслар уларни кузатиб борадилар. Бу шахсларнинг баъзилари ўзларини ҳатто Совет Иттифоқининг дўстлари қилиб кўрсатадилар. Совет кишиларни **жойлашган меҳмонхоналарда ва бошқа биноларда уларнинг гапларини** эшитиш ва кузатиб туриш учун **кўпинча яширин** аппаратлар ўрнатилади, телефон орқали айтилган гаплар ёзиб олинади, совет гражданларининг шахсий буюмлари ва хужжатлари текшириб кўрилади.

Чет эллардаги совет муассасаларида техник ва хизмат кўрсатувчи ҳодим бўлиб ишлаётган шахслар разведка ва контразведка агентлари бўладилар. Улар орасида магазин эгаларп, сотувчилар, врачлар, кийим тикув-

чилар бўлиб, бизнисиг кишиларимиз майшин ёки бошқа хилдаги эҳтиёжлар билан уларга мурожаат қилишлари муъкин. Кўпгина туристик фирмалари ва бошқа ташкилотларнинг гид ва таржимонлари кўпинча контрразведка органлари билан боғланган бўлади. Гид ва таржимонлар СССРдан келган туристлар группаси билац ишларини таомомлаганларидан кейин одатда батафсил ҳисобот тузиб чиқадилар, бу ҳисоботларда разведка руҳида олингани маълумотни акс эттирадилар ва деярли ҳар бир туристга характеристика берадилар. Америка Қўшма Штатларида кейинги вақтларда совет делегациялари ва турист группаларини кўпинча давлат департаментларининг ходимлари ҳамда хавфсизлик офицерлари кузатиб бормоқда. Улар ўзаро келишиб олингани программанинг бажарилишини назорат қилиб турадилар.

Кўйидаги мисол совет граждандарни кай тариқа

хизматни ишқутлаштиришини кутишиб беради:

Бир-бирларига студентларин юбориб турниш ҳақида ги битимга мувофиқ, бундан бир неча йил илгари СССРдаги педагогика институтларининг 35 студенти Англияла бўлди. Студентлар Лондонда бир оз вақт бўлгач, уларни Англиянинг турли шаҳарларига олиб боришли ва бадавлат инглиз онлаларига жойлаштириши.

Студентларда биро ўзи жойлашган хонадонда Педагогика соҳасидаги алоқа кенгаши чоп этган қўлланмани кўриб қолди. Бу қўлланмада совет студентлари истиқомат қиласидаган оиласаларда уларни қай тариқа кузатиб турниш тўғрисида очиқдан-очиқ гапирилган эди. Қўлланмада студентларнинг хатти-ҳаракатини, шахсий хислатларини ва майлини ўрганиш, улар билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилиш ва шу асосда уларга зарур таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиш таклиф этилган эди.

Қўлланмада ўз кузатишлари тўғрисида ёзма ҳисобот топшириш талаб қилинган ва топширилайдиган маълумотларнинг сир сақланиши гарантияланган эди.

Хұжжатда, жумладан, бундай дәйилган: «...сизлар-нинг берган маълумотларынгиз тамомила сир тутилади ва улардан жуда әхтиёт билан фойдаланилади, шу сабабли батафсыл ва аниқ-равшан ёзиб юборасыз, деб умид қиласыз...» Нима түгрисінде ёзиш керак? Студентларнинг хатты-харакатига доир конкрет фактларнинг ҳаммаси түгрисінде ёзиш керак. Хұжжагда шу нараса қаттый таъкидлаб үтілған: «Кундалик хатты-харакатта доир латифабоп ҳар қандай мисол ва ҳодисалар жуда мароқлы бўлади».

Совет гражданларни сафарининг қисқалигини эъти-борга олиб, уларни ўрганишнинг хилма-хил методлари қўлланилади: қабул маросимиши ўтказиш, якка-якка тартибда учрашиш, турли мавзуларда суҳбат қилиш, совға топшириш, кўнгил очадиган жойларга, магазинларга олиб бориши ва ҳоказолар. Махсус хизмат ходимлари кўпинча ҳаёсизлик билан совет гражданларини сўроқ қиласылар. Масалан, Япония махсус хизматининг вакиллари совет денгизчилари Япония портларига келганлар-ида уларга Зорге ва Пеньковскийга қандай қарайсиз, деб савол берганлар ва олинган жавобга қараб денгизчиларни «нишонга» ола бошлиганлар. Кишининг таржимаи ҳолига доир маълумотлар, шу жумладан иш жойи, лавозими, оилавий аҳволи, сиёсий эътиқоди, урфодат ва заиф томонлари разведкани қизиқтиради. Сиёсий жиҳатдан бебурд шахсларга, шуннингдек шуҳратпарастлик, маҳмадонагарчилик, нафси бузуқлик, ичкиликбоэликка бериллиб кетиши, аёллар билан майшатбозлик ва шу сингарни шуксон ҳамда иллатлари бўлган шахсларга катта эътибор берилади.

Америка разведкаси 1967 йилда АҚШда стажировка-да бўлган киевлик бир ёш олимни кузатиб борган ва шуннинг шуҳратпарастлигига алоҳида эътибор берган. Совет олимига бир йил ичида докторлик диссертацияси-ни тайёрлаб ёқлаш таклиф этилган, унга хусусий фирмалардағы бирнедаги материаллар ва лабораториядан

фойдаланиш имконини берампз. деб ваъда қилганлар. Университет ва хусусий фирма диссертация устида олиб борадиган ишларни ва стажировкадан кейин АҚШда истиқомат қилиш учун бўладиган харажатларни ўз зинмасига олган. Ёш олимнинг сиёсий жиҳатдан беқарорлиги аён бўлиб қолганидан кейин уига ўз Ватанига қайтиб бормасликни дангал таклиф этганлар.

Капиталистик мамлакатларнинг маҳсус хизмат бўлимлари зиёлилар ва ёшларни алоҳида кўздан кечирадилар. Шу мақсадда турли антисовет марказлар, «рус» институтлари, клублар ва шу сингарилар делегацияларни из ва турист группаларининг чет эл жамоатчилиги вакиллари билан учрашувларини ўюштирадилар. Ана шу учрашувларда одатда «рус ишлари билан шуғулланувчи экспертлари», буржуа социологлари, реакцион газета ва журналистичи мухоббатни ва совет инженерларни ўз юртлари ҳузуридаги рус факультетлари ҳамда бузимаарининг ўқитувчилари, аспирантлари ва студентлари сўзга чиқадилар. Улар ўз ролини бажариш маҳсус ташлаб олишганини ва яхин ташерланганинига тўғрисида танириб ўтиришининг ҳожати йўқ.

1968 йилда Венада философларнинг конгресси бўлди. Бу конгрессининг ишида СССР ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатларнинг делегациялари қатнашди. Конгрессга НТС бошлиқлари Поремский, Артемов ва Утехинлар ҳам келишди. Улар иттифоқчи қўшинлар Чехословакия халқига ёрдам берганлигини назарда тутиб, совет делегацияси аъзолари билан мунозара қилишга уриниб кўрдилар. Энтаэсчилар философларни мунозара бошлашга мажбур этолмагандаридан кейин душманлик руҳидаги адабиётни делегатлар ўртасида тарқатиш билан шуғулланишди.

Яна бир мисол. Инглиз тилидан дарс берувчи ёш совет ўқитувчиларининг бир групласи 1966 йилда Жоржтаун университетида стажировкадан ўтган. Америка «Тинчлик корпуси» нинг ходими Питерготе ана шу ёш

ўқитувчиларга антисовет руҳида таъсир ўтказиш учун зўр бериб урингани. Питерготе америкача ҳаёт тарзини кўкларга кўтариб мақтаган, ўқитувчиларни ҳар хил кўргазмаларга олиб борган, АҚШда кенг «демократик эркинликлар» борлигини жон-жаҳди билан таъкидлаган ва шу билан бирга антисовет руҳидаги гапларни айтган.

Туристларни айрібошлашда қатнашувчи Америкадаги ёшлар ва студентларининг бир қанча ташкілотларида ишловчи гид-таржимонлар махсус хизмат бўлимининг топшириғига биноаи, ҳар қандай баҳоналарни рўйач қилиб, совет туристларининг «Америка овози» радиостанциясининг рус бўлимни ходимлари билан учрашувини ўюштирганлар. Масалан, турист группаларидан бирига ҳамроҳ бўлган америкаликлардан Филипп Редле, Уйэн Райхер, Патриж ва Элен Генсер совет туристларини «Америка овози» радиостанциясининг бир қанча ходими билан таништирганлар. Улар эр-хотин Генсерларининг квартирасидан меҳмон бўлган вақтда антисовет руҳда мунозара ўтказмоқчи бўлғанилар ва иғвогарлик харакетидаги саволларга жавоб олишга уриниганлар. Шу учрашувда ҳозир бўлган хотин-қизлар ўзларини жуда енгил тутиб, туристларни маст қилмоқчи бўлғанилар ва тунги қаҳвахоналарга тактиф қўлғанилар.

Совет гражданларига идеологик таъсир кўрсатиш вазифасини бажарниш учун юқори мартабали давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар жалб этилади. Улар ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг энг ўткир масалалари юзасидан ўтказиладиган мунозараларга кишиларимизни жалб қилишга уриниадилар ва бунда баъзи кишиларимизниң тажрибали сафсатабозлар олдида довдираб қолишига ва иғвогарлик руҳидаги гап ёки далилларга тўғри жавоб бера олмаслигига умид boglайдилар.

Масалан, ёш туристлар группаси АҚШ да бўлган вақтда бу группани кутиб олган Миллий студентлар ўюшмаси программага қўшимча равишда сенаторлардан

бири билан учраштирган. Сенатор совет йигит ва қизларини қизиқтирган саволларга, жумладан, Вьетнамдаги уруш ҳақида берилган саволга жавоб қайтариб, АҚШ нинг ана шу мамлакатга нисбатан тутгани сиёсатини ҳар қандай йўллар билан оқламоқчи бўлган ва Совет Иттилоғини Ҳинд-Хитойдаги урушнипг тўхтатилишига ёрдам беришни истамасликда айбаган. Ача шу туристлар группасини Американинг эътиборли сиёсий обзорчичи хузурига олиб келганлар. Бу обзорчи бир ярим соат гап сотиб, ўткир халқаро проблемалар хусусида ўз фикрини қабул қилдиришга интилган.

Англияда совет турист группаларидан бирни машҳур буржуа арбобларни билан, масалан, собиқ бош министринг укаси бригада генерали Черчилль билан учрашган, ваҳоланки бу учрашув программада кўзда тутилмаган. Шарондаги совет туристларини бир чора бор ўз квартира ита тақтиф қилинди, улар билан бадалсанди ва қизни баҳе вақтида уялмай-нетмай антисовет руҳдаги гапларни айтгани.

Америкаликтар совет туристларига кўзинча иккичи-уч кишидан иборат групнага бўлишиб, хусусий квартиralарга боришни таклиф қиласидилар. Уй шаронтида «мезбон»нинг америкачча «эркинликар»ини мақташ билан шугулланиши осон кўчади, бундай шаронтида антисовет фильмларни кўрсатиш, антисовет руҳдаги адабиётни тақдим этиш, идеологик таъсир ўtkазиш учун бошқа хилдаги ҳийла-найранглардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Антисовет ҳужжат ва материалларни тарқатиш — идеологик таъсир ўtkазишнинг кенг қўлланиладиган усулаидан биридан. СССРдан чиқариб юборилган муртадлар, Ватан хоинлари, империалистик давлатларнинг разведкалари билан боғланган турли-туман антисовет муҳожирилар ташкилотларининг аъзолари кўпинча шу ишга жалб этилади.

Совет симфония оркестри 1970 йил бошларида АҚШ да гастролда юрган вақтда турли шаҳарларда шундай

уринишлар содир бўлди. Оркестрчилар Вашингтондаги «Амбасадор» меҳмонхонасида жойлашган вақтда Федерал текшириш бюроси тўкиб чиқарган варақалар тўсатдан пайдо бўлиб қолган. «Америка ёшлари коммунизм тўғрисида нималарни билиши керақ?» деб аталган бу варақаларда коммунизм идеяси бузиб талқин этилган ва Совет Йиттифоқига туҳмат қилинган. Совет музикачилари Нью-Йоркдаги «Вслингтон» меҳмонхонасига жойлашган вақтда муҳожир антисоветчи Заболоцкий деган бир шаҳе бу ерга тез-тез келиб турган. У муҳожирларниң газеталаридан кўп пусха келтириб, буларни артистлар қўлига топширмоқчи бўлган.

Грузия ССР нинг туристлар группаси Францияга борган вақтда Париждаги бир меҳмонхонанинг швейцари туристлардан бирига «Грузин учун» деб ёзилган бир пакетни топширган ва иомаълум бир эркак бу пакетни олиб келганлигини айтган. Пакетда грузин тилида ёзилган антисовет миллатчилик руҳидаги китоб бор экан.

1968 йилдан бошлаб совет кемалари Стокгольм портига кирган вақтда ажнабийларниң уюшгани гуруҳлари экинаж аъзолари ўртасида антисовет ва айни вақтда порнографик адабиётларни тарқатиш учун бир неча бор уриниб кўрганилар.

1969 йил сентябрнинг бошида Англияда Халқаро статистика институтининг илмий сессияси ўтказилди. Бу сессияда совет вакиллари ҳам қатнашди. Сессия қатнашичилари учун кўргазма уюштирилди. Кўргазмада кўп миқдорда антикоммунистик ва антисовет адабиётини кўриш мумкин эди.

Совет олимларининг бир группаси 1970 йилда илмий командировка билан Англияга борди. Меҳмонхонанинг совет олимлари жойлашган хоналарига антисовет руҳдаги газеталар, порнографик суратлар босилган журналлар, шунингдек ашаддий муҳожир-антисоветчиларниң «асарлари» мунтазам суратда келтириб турилган.

1970 йилда Москвадаги «Муз устида цирк» колективи гастроль билан Канадага борган эди. Артистлар Торонто шаҳридаги бинода томоша кўрсатган пайтда ашаддий антисовет варақалар тарқатилган. Виндзор шаҳрида меҳмонхона ходимасини артистларга рўпара қилишган. Бу ходима антисовет руҳдаги бўлмагур гапларни айтib, вайсай берган. Артистлар бу ходима йиғиштирган хоналардаги кроватларда антисовет брошиюраларни, ванналарда эса варақаларни топганилар.

Ленинграддаги С. Киров номли опера театрнинг балет труппаси 1970 йилда Англияда гастроль вақтида балетнинг етакчи солистларига бандероллар юбориб турнилган. Уларда Совет Иттифоқи шаънига туҳмат ғазилган китоблар бор экан. Театр гастроль берган «Фестиваль-холл» да иккни ўспирин шу театрнинг штампи босилган программани халойиққа тарқатган. Аслида эса муғаррама ўзини «коммунистик дунёни мадданий» деб атаган давни ташкилотнинг варақаси экан. Бу варақада Совет Иттифоқининг черковга нисбатан тутган спесатига, мамлакатимиздаги диндорларнинг аҳволига туҳмат қилингаган.

Мюнхенда XX Олимпиада ўйинлари вақтида ёшлар лагерининг ходимларидан бирни совет туристларига Фарбда қолишни таклиф этган. Чет эллардаги украин антисовет миллатчи ташкилотларп, НТС, «Халқларнинг антибольшевистик блоки» ва шунга ўхшаш ташкилотларнинг эмиссарлари ва актив ходимларни совет спорчилари ва туристларига душманлик руҳида таъсири ўтказишга уринганилар. Улар советларга қарши радиоэшиштириш ўюштирганлар, варақа, газета, брошюра, мурожаат, расмли нашрлардан иборат антисовет адабиётни тарқатганлар, буларни совет гражданларининг шахсий буюмларига, меҳмонхона номерлари эшиклари тагнга ташлаганилар ва ҳатто ахлат қутиларига ёпиштирганлар. Советларга қарши бир неча марта гаразли хуруж қилинганд. Масалан, 3 сентябрда Даҳауда совет вакилларининг иштироки

білән интернационал митинг ўтказилған вақтда украин миллатчиларининг бир группасы советларга қарши руҳдаги сўзлар ёзилған гулчамбарни мемориал олдига қўймоқчи бўлган.

Бундай мисоллар кўп. Аммо бу чет эллардаги душмайларимиз ишлатаётган сиёсий найрангларининг бир қисмигина, холос. Уларниң бундан кузатган мақсадлари битта, у ҳам бўлса, совет кишиларини ўз томонига оғдириб олиш иложи бўлмаса ҳам, уларда баъзи шубҳагумонларни тугдиришдан, бизга ёт бўлган қараш ва идеяларни юқтиришдан иборат.

Капиталистик мамлакатларга қисқа муддат билан борадиган совет кишиларини якка-якка тартибда идеологик жиҳатдан йўлдан уриш учун тобора кўп ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун СССР дан кетиб қолган шахслар орасидан тайёрланган агентлардан, буржуа нжодий зиёлилари, илмий ходимлардан ва шу сингарн шахслардан зўр бериб фойдаланилади.

У ёки бу совет гражданида Ватанга хиёнат қилиш майларини уйготиш — шу тариқа йўлдан уришининг мантиқий хуносаси бўлиши керак, деб қаралади. АҚШ даги маҳсус хизмат бўлимлари бу ишга алоҳида эътибор бериб, одамларни «Фарбга қочиришни уюштиришнинг маҳсус программасини» ишлаб чиққандар.

Хонилар уларга нима учун керак бўлиб қолди?

Ватанга хиёнат қилиш — совет ҳалқи олдидағи энг оғир жиноятдир. Совет жамиятишинг азалий ва ниқобли душманин томонидан, ёки ахлоқий жиҳатдан бузилған ва гражданлик бурчи ҳамда масъулнят туйфуси ҳақидаги ҳар қандай тасаввурдан маҳрум бўлиб қолган шахс томонидан қилинган ҳар бир хиёнат — империалистик разведкалар учун, антисовет идеологик марказлар учун топилдиқдир. Ватанга нисбатан қилинадиган ҳар бир хиёнат одатда Совет давлати ва нжитмонӣ тузум бўлмиш социализмининг обрўсини тушириш мақсадида ўтка-

зиладиган антисовет кампания учун баҳона бўлиб хизмат қиласди.

Капиталистик давлатларнинг ҳукмрој доиралари шундай яққол фактни, яъни капиталистик мамлакатлар меҳнаткашлари, шунингдек бутун дунёнинг эзилган ва эксплуатация қилинаётган халқлари Совет Иттифоқини эксплуатация ҳамда асоратдан қутулишининг таяничи деб, чинакам эркинлик ва яхши ҳаёт тўғрисидаги орзутилаклари рӯёбга ҷозқан мамлакат деб ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Бутун дунё меҳнаткашлари империалист агрессорларни жиловлаб қўйиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш ва узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчликни таъминлаш ҳақидаги умидларини Совет Иттифоқи билан боғлайдилар.

Ана шу сабабларга кўра империалистик давлатлар пропаганда оғланлар, нафасатдаги фош қилинган ва Совет Иттифоқига беҳаёслик билан түхмат қилиш учун ҳар бир хонидан, «социализм қурбонларининг жонли тимсоли»дан зўр иштиёқ билан фойдаланади.

Бушинг устига совет Ватанига хиёнат қилган сотқинлар СССР ҳақида разведка маълумотларини белул етказиб бериб турадиган манбадир.

Хленият қилиш йўлига тушуниш учун ҳамма нарса: антисовет пропаганда, миллатчилик ва диний хурофотлар, моддий бойлик ва иомини кенг оммалаштириш ҳақидаги ваъдалар, ножӯя хулқи, хатти-ҳаракатлари, шуқсонлари учун фош қилиш билан таҳдид ва шу снигарилар ишга солинади. Шу билан бирга одатда бундай таклифлар хусусий шахслар томонидан (гўё улар ташаббуси билан) қилинади.

Яна бир неча мисол келтириб ўтамиз.

1969 йилда «Академик Берг» кемасидаги совет матроси Сан-Франциско шаҳрида даволанганди. Муҳожир рус аёлларидан бири ўз қизи билан биргаликда беморни бир исча бор йўқлаб келган ва дўстона эътибор ҳамда совгалар билан үнинг илтифотига сазовор бўлмоқчи бўлган.

Мұхажир аёл яна бир марта. Йүқлаб келган пайтда матросға АҚШда қолишиң, үз қызига уйланғышни таклиф этган ва обрүси баланд кишилар билан алоқаси борлығини пеш қилиб, күнгілдагидек иш топтіб беришни вәъда қылған. Мұхажир аёл Америкадағи махсус бўлимлардан бирининг топшириғи билан иш кўрганлиги маълум бўлди.

СССРдаги медицина институтларидан бирининг кафедра мудири ўша йили АҚШга илмий командировка билан борган. Филадельфияда у билан алоқа болгаган америкалик хирург олимга АҚШда қолишини таклиф этган ва шу оңдаётқатта маош тўланадиган ишга жойлаштиришни вәъда қылған.

Озарбайжон олимларидаи бирин 1970 йил январда Туркияда бўлганида уни Ватанга хиёнат қўпладирмоқчи бўлиб уришиб кўрганлар. Олим Анқарарадаи Стамбулга қараб йўлга чиққанида оддий кийимдаги номаълум бир шахс унинг купесидан жой олган ва ўзини турк офицери деб таништирган. Бу шахс СССРдан Ғарбга қочиб ўтган кишилар жаннатда яшаётганилигини совет олимига уқтира бошлаган, олимимизнинг ҳаёти ва моддий таъминотини Туркиядаги олимларнинг аҳволи билан таққослаб кўрган, фактларни ўзига қўл келадиган тарзда баён қилған. Совет граждани иғвогарга кескин зарба беради. Шундан кейин Стамбулда ўзини озарбайжонлик деб атаган бошқа бир киши олим билан алоқа болашга уришиб кўради. Бу шахс ҳам Туркиядаги турмуш шароитини кўкларга кўтариб мақтайди.

1971 йилда Европа мамлакатларидан бирида Юрий Черний деган бир шахс совет туристи Юсуфовинг жонинга тега бошлаган ва гапни чўзмай Юсуфовга Ғарбда қолишини таклиф этган. У Юсуфовни бадавлат ва «эркин» киши қила оладиган шахслар билан таништиражагини айтган.

1970 йилда Англия университетларидан бирида совет аспиранти Резникова стажировкадан ўтган. Квартиранинг хўжайини унга Англияда қолишини таклиф эта бер-

тан, яхши ҳақ тўланадиган ишга жойлаштиришни ва оила аъзоларини Англияга кўчприб келтириш учун ёрдам беражагини ваъда қилган. Резников сиёсий эътиқоди мустаҳкам ва ўз Ватанини астойдил севувчи киши эканлигига узил-кесил ишонч ҳосил қилганидан кейин уй хўжайини дўқ-пўписа қилмай қўйған ва унга бошқа квартирага кўчишни таклиф этган.

Совет денгизчилари чет эллардаги портларга борган вақтларида бир қатор капиталистик мамлакатлар маҳсус хизмат бўлимларнинг вакиллари уларга Ватанга хиёнат қилиш ҳақидаги таклифлар билан доимо мурожаат қилиб турадилар.

Душманнинг маҳсус хизмат бўлимлари якка тартибда чет элларга борувчи совет гражданларига алоҳида эътибор берадилар. Улар чет элда ўз колективидан ажralиб қолган совет кишисини йўллануни осон бўлатиб ўроҳи сирорларидар.

Хусусий виза билан Farb мамлакатларнинг бирига борган совет гражданни И. Вольфсон Ватанига қайтиб келганидан кейин қуйидагиларни сўзлаб берди: шаҳар ратушасида шу шаҳарга келганим ҳақида ҳужжатимга белги қўйишиди. Ратушада мен билан сухбатлашган киши бизда амал қилаётган қонунга мувофиқ, социалистик давлатлардан келадиган гражданларга моддий ёрдам берилади, деди. Вольфсон бу «ёрдам»ни олишдан воз кечганлигига қарамай, ратуша ходими уни пул олишига мажбур қилмоқчи бўлган. Вольфсонга шу ондаёқ доимий яшаш учун Farbda қолишни таклиф этганлар, яхши иш ва шинам квартира билан таъминлаймиз, деб ваъда берганлар. И. Вольфсон борган расмий муассасаларнинг ҳаммасида ва ҳатто валютани алмаштирган банкда ҳам Ватанга хнёнат қилишни таклиф этганлар. Вольфсон қатъий норозилик билдирганидан кейингина ғундай таклифлар барҳам толган.

Совет гражданни Р. Лайме хусусий иш билан АҚШга борган, АҚШга келиши биланоқ унинг сафар ҳужжат-

ларини расмийлаштириш билан шуғулланған амалдор Ватанға хиёнат қылышни таклиф этган ва башарги Ватанға қайтиб борар экансан, сени қамоққа олишади, деб дағдаға қылған, совет воқөлигига туҳмат қилған. Р. Лайме бу таклифни қатынан рад этган.

СССР граждани Коган ҳам 1970 йилда хусусий иш билан АҚШга борган эди. Нью-Йоркта Гудман деган бир шахс ўзини қариндош қилиб күрсатыб, у билан танишган. Коган АҚШ да бўлган вақтида Гудман уни миllatчилик руҳида ўйлдан урмоқчи бўлган, америкача ҳаёт тарзини ва Америкадаги тартибларни мақтагаи, Совет Иттифоқига қайтиб бормасликини таклиф қилған. Коган Гудманинг шундай муомаласи ҳақида қариндош уруғларига норозилик билдирган. Коганинг қариндош уруғлари эса, унга «сир сақлаш»ни айттиб, Гудманинг Федерал текшириш бюроси билан боғлаинганигини ва шу сабабли қўлларидан ҳеч қандай иш келмаслигини маълум қилганлар.

1970 йилда Москва шаҳридан хусусий иш билан АҚШ га жўнаб кетган Карюковни ҳам Федерал текшириш бюросининг ходими кутиб олган. Бу ходим Карюковининг аҳволини, иш жойини суриншириб билган ва сұхбатиниң охирида Америка гражданлигини қабул қилишини таклиф этган.

Ҳар қандай делегациялариниң аъзолари, совет туристлари ва капиталистик мамлакатларга вақтинача жўниаб кетувчи бошқа шахслар совет гражданнига хос юксак шараф билан муносиб иш кўрмоқдалар, империалистик разведкаларнинг қора пиятларини тез пайкаб олмоқдалар ва швогарларга қаттиқ зарба бермоқдалар.

Аммо, афсуски, айrim шахслар совет кишисининг чет элдаги ҳатти-ҳаракати қондаларни бузиб, империалистик разведкаларнинг тузогига илниб, жиноят йўлига ўтаётганлигини кўрсатадиган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундан бир неча йил илгари «Фрязлино» теплоходининг штурмани Ермоленко билан шундай ҳодиса содир

бўлди. Теплоход Италия портида тўхтаб турган пайтда у рухсатнома билан соҳилга чиқсан ва полицияга бориб, сиёсий бошпана берилишини илтимос қилган. Пулга сотилган бу хоин буржуа пропагандасининг ёлгонларига ишониб, енгил-елли ва вақтичоғлик билан ҳаёт кечиришини орзу қилган. Италияning полиция органлари уни америкаликлар қўлига топширган.

Америка разведкаси Ермоленкони Ғарбий Германияга жўнатган. Бу ерда Америка офицерлари уни бир ярим ой мобайнида ҳар куни сўроқ қилганлар. Ермоленко яхши кўриниш учун билганларини айтиб берган. Шундан кейин у билан қизиқмай қўйганлар. Ермоленкони кўчпирлаб келтирилган шахслар учун очилган лагерга юборганлар. У ана шу лагерда қашшоқ ҳаёт кечирган. Пулдан, шудан ва ҳужжатлардан маҳрум бўлиб, бунинг устига ҳастасонуб. Гарбий Германия инсонларидан салбуру юрган. Гарбдаги ҳаёт гарзининг «роҳаттарин»ни синаб кўрган Ермоленко ишоят совет элчиҳонаасига келган ва кўз ёши тўкиб, ўз Ватанига қайтиб бориши учун ёртам беришларини сўраган. Элчиҳона уни СССРга қайтариб юбориш чораларини кўрган.

Инженер-электрик Қакоуридзенинг тақдири ҳам Ермоленконинг тақдири билан бир хил бўлди. У «Эксеп-70» жаҳон кўргазмасини кўриш учун совет туристлари қаторида Японияга борган ва бу ерда Ватанига хиёнат қилган. Япония ва Америка разведкаларининг тузогига тушиб қолган Қакоуридзе бир неча ойдан кейин Римга келтирилган. Разведкалардаги сўроқлардан тинкаси қуриган ва «эркпн дунё»дан ҳафсаласи пир бўлган Қакоуридзе совет ваколатхонаасига келган ва ўз Ватанига қайтариб юборишларини ўтиниб сўраган. Қакоуридзе «ўз Ватанимда қилмншимиға яраша энг оғир жазо берилишига розиман» деди.

СССРнинг Яқин Шарқ мамлакатларидан биридаги ваколатхонаасининг ходими К. Н. Луков совет гражданларининг чет элдаги хатти-ҳаракатлари қондаларини бир

нече марта бузган ва бунинг натижасида контрразведканинг эътиборини ўзига жалб этган. Полиция агенти бўлган Махди Таи деган кимса билан алоқа боғлаб, кўпинча ярим кечагача у билан ичкилиқбозлил қиласар, енгил табиатли аёллар билан учрашар эди.

У мамлакатнинг маҳсус хизмат ходимлари Луковни ёллаш учун Махди Таи орқали тегишили вазият вужудга келтира олди. Биркуни Луков Таи билан бирга фоҳишхонага бориб қолади, у ердан эса полиция участкасига олиб келинди. Полиция участкасида уни контрразведка ходими сўроқ қилди. У Луковга маҳаллий қонунларга мувофиқ унинг бойдан З йил муддатгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши хавфи остида эканлигини, бироқ у разведка билан ҳамкорлик қилишга розилик берса, маъмурлар унга ёрдам бера олишини тушуниширади. Луков ҳамкорлик қилишга розилик берса-да, тилхатни расмийлаштиришдан бош тортиди.

Иккинчи учрашувда контрразведка вакиллари Луковга савдо вакиллиги ходимларининг фотографияси жойлаштирилган альбомни кўрсатдилар ва ўзларини қизиқтирган кишиларга характеристика беришни ундан талаб қилдилар.

Луков кейинги учрашувга бормади ва разведка билан ўзининг алоқаси ҳақида чет элдаги вакиллик раҳбарлигига хабар берди. Уни дарҳол ўша мамлакатдан олиб чиқиб кетишга тўғри келди. Аэродромга боргунча, самолёт учиб кетгунча ҳам разведка ходимлари унинг кетидан қолишмади.

Капиталистик мамлакат разведкалари совет гражданларининг ана шу мамлакатларда бўлишидан СССР ҳақида разведка маълумотлари йиғиши учун тобора кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қиласадилар. АҚШ разведкаси бу соҳада катта активлик кўрсатади. Йирик совет олимларининг, мутахассисларининг ва маданият арбобларининг Қўшма Штатларининг ўзига ва бошқа капиталистик ҳамда ривожланаётган мамлакатларга қилган

бирорта сафарини ҳам эътибордан четда қолдирмайдилар. Совет кишиларининг бундай категорияси билан ишлаш учун фан, техника ва маданиятнинг муайян соҳаларидан етарли даражада хабардор бўлган энг тажрибали разведкачилар ва агентлар жалб қилинади. Разведка маълумотлари тўплаш учун бирорта имконият ҳам: шахсий алоқалар, совет кишиларининг корхоналарда, илмий ташкилот ва маданият муассасаларида бўлиши, ҳалқаро илмий конгресслар, симпозиумлар ва семинарларда биргаликдаги ишлари, бирорта телефон орқали гапларини эшлиш техникасидан фойдаланиш ҳам қўлдан чиқарилмайди ва ҳоказо.

Совет илмий делегацияси ва иштисослаштирилган туристик групналарни қабул қилиш бўйича АҚШда ўрнатилган қоидага мувофиқ улар билан учрашувнинг ҳар бир катнишини бўшишга оғизланадиган да шундаки иштимои бўлган бўлган судбатлар за мунозаралар тўғрисида тегишли разведка органларига муфассал ҳисобот ёзиб бериши керак. Бунда уларга СССРда қандай проблемалар устида иш олиб бориллаётгани, шунингдек бу хил ишларининг аҳволи ва уларни ривожлангириш истиқболларини билиб олиш мақсадида совет делегациялари аъзоларига бериладиган саволларга эътибор қилиш тавсия этилади. Кўпинча битта савоннинг ўзини бизнинг делегациямизнинг турли аъзоларига бериш ва олингача жавобларни кейин солиштириб кўрниш каби жўи усулярдан ҳам фойдаланадилар.

Разведка хизмати АҚШга борадиган совет илмий ходимларидан социалистик мамлакатларнинг истиқболли олимлари тўғрисида ҳам маълумотлар билиб олншга ҳаракат қиласидилар. Чунончи, Москва олий ўқув юртларидан бирининг АҚШда илмий стажировкадан ўтаётган аспиранти Б. В. Поливанов ўзига илмий раҳбари берган материаллар билан танишаётган вақтда қизиқ ҳужжатни учратиб қолди. Бу ҳужжат «Тарих ва идентификация» деб аталган ва, афтидан, Америка разведкасида келиб

чиқан эди. Унда 69 савол ва социалистик мамлакаттардан келган олимлар ҳақида маълумотлар йиғиш бўйича тавсиялар бор. Жумладан, унда олимларнинг асосий биографик маълумотларини биллиб олиш, уларнинг ташқи қиёфасини ва асосий белгиларини, шахсий хислатларини, содатларини, жамиятдаги юриши-туришини, фандаги истиқболи ва ҳоказоларни тавсифлаш талаб қилинган эди.

Шунин қайд этиб ўтиш керакки «баъзи капиталистик мамлакатларда қисқа муддатли визит, айниқса хусусий ўшлар билан ана шу мамлакатларга келган совет гражданинни полицияга чақириш практикаси мавжуд. Полициядаги суҳбат вақтида, аслида, разведка характеридаги саволлар берилади. Чунончли, испан миллатидан бўлган совет гражданиннидан уларнинг иш жойлари, улар ишлаётган корхоналар қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариши тўғрисида, СССРда яшаётган бошқа испанлар ҳақида сўраганлар ва ҳоказо.

Америка ва инглиз разведкалари Осиё ва Африка мамлакатларида СССР тўғрисидаги разведка маълумотларни маҳаллий корхоналарда, геологик экспедицияларда ва қурилишда ишлаётган совет мутахассислари орқали йигишга ҳаракат қиласди. Душман разведкачилари улар билан ва уларнинг онлалари билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қиласди ва ўзига керак нарсани сездишмай биллиб олади. Улар айрим ҳолларда, аффуски, бунга эришадилар.

Бундан бир неча йил олдин Қобулда пиглиз разведкачиси совет мутахассиси хотинининг ишончига кириб елди. Бу аёл билан суҳбатда у ўзини қазиқтирадиган маълумотларни биллиб оларди.

Капиталистик мамлакатларга борадиган совет гражданинга қарши қаратилган антисовет прсвокациялаэ усули жуда кенг. Айрим ҳолларда атайнин қилинган обрўсизлантириш буржуа матбуотида туҳматдан иборат уйдирмаларни эълон қилиш билан қўшиб олиб борилади. Бу хил провокациялар баъзида қўйол ўзбошимчалик ва

очиқдан-очиқ зўравонликка айланиб, СССР гражданларининг соглигига ва ҳатто ҳәётига хавф солади.

Бу хил антисовет провокациялардан кўзланган мақсад капиталистик дунёда Совет давлатининг обрўсиз тушариш, чет элда бўлған совет кишиларини қўрқитиш ва руҳини тушириш, улар учун кескинлик ва шоночинлик вазияти вужудга келтиришдир.

АҚШ, Аргентина, Франция, ГФР, Туркия ва бошқа капиталистик мамлакатларда жойлашган чет элдаги совет муассасаларида бомбалар портлатилганлиги ва погромлар қилинганини фактлари бутун дунёга маълум.

1970—1973 йилларда АҚШ, Англия, Бельгия ва Фарбинг бошқа «демократик» давлатларидаги совет муассасалари, театр коллективлари, концерт бригадалари ва айrim гражданларга қарши сионист погромчилари ўюнтиришни жирканнан иштирекларни професиявий жамоатчиликни тоғоят газаблантириди.

Бўржуа матбуоти сионистларнинг бу террористик ва ливерспон жиноятларини узоқ вактгача масъулиттасиз элементларнинг қилимиши дебгини тасвирилаб келди. Бироқ Лондоидаги совет элчихонасига сионистларнинг «совет яхудийларини ҳимоя қилиш» студентлар комитети номи билан Англиядаги мавжуд бўлган бандасининг бошлигига тегишли қўлланмалар ва бошқа ҳужжатлар келиб тушди. Қўлланмаларда Лондон Манчестер, Ливерпуль, Шеффилдда советларга қарши акциялар ўюнтириш, бу ҳақда матбуотни олдиндан хабардор қилиб қўйиш ва умуман «иложи борича кўпроқ шов-шуз чиқариш» тўғрисида кўрсатма берилган эди. «Студентлар комитети» бошлигининг Истроилнинг Лоидондаги элчихонасига юборган ҳисоботидан, советларга қарши фаолият юзасидан 644 инглиз фунти миқдорида қилинган харажат суммасини тўлаш учун юборилган счётдан, шунингдек Калифорниядан (АҚШ) келиб тушган банк чекидан шу нарса маълум бўлдики, юқорида зикр

қилинган сионистик ташкилот империалистик доиралар томонидан маблаг билан таъминлаб турллар ва Англияда Исройл ва океан ортидаги хўжайиллар топшириги билан ҳаракат қилас экан.

Советларга қарши мана бундай провокациялар ҳам мунгазам қайд этиб турмлоқда.

Масалан, совет туристик группаси Спрингфилд (АҚШ) шаҳрида бўлган кунларда маҳаллий газета «Совет коммунистлари жосуслик учқунини ёқиб юбордилар» деган номда советларга қарши мақола босиб чиқарди. Бу мақолада 28 совет туристи шаҳарга келиши биланоқ, «шу ондаёқ жосуслик системаси ишлаб кетди» деган сўзлар ёзилган эди. Мақола автори совет гражданларини ва туристларга хайриҳоҳлик билап қараган спрингфилдлик баъзи прогрессив америкаликларпи «жосуслар» сафига қўшиб қўйинти.

Бир вақт Ганноверга (ГФР) СССРдан бир гурӯҳ туристлар борган эди. Бу туристик группани қабул қилишини «Ёш эркаклар христиан союзи» таъминлади. Ана шу союзнинг секретари туристларни америка студентларининг концертига таклиф қилди. Бу студентлар аитисовет қўшиқларни, шу жумладан «Эркинлик текнига берилмайди (бу қўшиқда: «Руслар қачонгача Вьетнамда уруш олиб борадилар» деган сўзлар бор) қўшигини куйлай бошлагандা туристлар газабландилар. «Ди вельт» немис газетаси эртаси куни бу концерт ҳақида мақола эълон қилди. Мақола провокацион маълумотга эга бўлиб, унда ёзилишича 24 совет туристи америкаликлар билан биргаликда Жапубий Вьетнамнинг «озодлигини» ҳимоя қилишга қасам ичган ва шундай қилиб АҚШ олиб бораётган кураш ўзларининг бирдам эканликларини билдирган эмишлар.

Франкфурт-на-Майнга борган туристик группалардан биттаси маҳаллий ташкилотлар томонидан кечки овқат ташкил этилган қабулга таклиф қилинди. Бизнисиг туристларимиз бу қабулга келган вақтда стол атрофини-

да бир гурух ёш кишилар ўтирап эди. Ишбошилағ совет гражданларини ана шу кишилар орасыга ўтказиб қўйди. Кейин маълум бўлишнча, бу кишилар ашаддий антисовет эмигрант ташкилоти НТСнинг аъзолари экан. Бизнинг туристларимизнинг газабланишинга жавобан қабул ташкилотчилари гўё ватандошларни умумий стол атрофида учраштириб қўйишга ва улар орасида бир-бирларини тушуниш руҳи ўрнатишга аҳд қилганиларини айтдилар.

Бошқа бир гал бир гурух совет туристларини автомагистралада турган ҳарбий автомашиналар колониаси ёнига олиб боришли, бу колония орасида ракета усташовкалари бор эди. Ракеталардан бирининг ғилфи олиб қўйилган ва солдат ракетани қўли билан намоишкорона силар эди. Ракетадан сал нарироқда, тепалик ортида икки киши кўлида кинокамераси билан совет туристлари ҳарбии техникини расмга олишини пойлаётарди. Лекин тоқатлари тоқ бўлди.

Номаълум «хайриҳоҳлар»нинг Совет давлати учун гўё қизиқиш туғдирадиган «маълумотларни» берниб юборишин таклиф қилиш каби усувлар ҳам ишга солинади.

Бир гурух совет туристлари Farbий Европадаги қатор капиталистик мамлакатларда бўлиши. Бу мамлакатлардаги шаҳарлардан бирида бизнинг туристларимиз олдиға ўзини тицчликкенинг актив тарафдори, Совет Иттилоғининг дўсти қилиб кўрсатган ёш аёл тез-тез келиб турадиган бўлди. Туристларимиз билан учрашганинг келганда бу аёл инженер Крайновга алоҳида эътибор бера бошлади. Хайрлашаётганда, гўё катта ҳурматнинг рамзи сифатида, у Крайновга қогозга ўралған «туҳфа» берди ва уни фақат ётоқхонада очиб кўришини илтимос қилди. Крайнов ўрголиқ қофозин ўртоқларининг маслаҳати билан дарҳол очиб қаради. Ўнда турилган обьектларнинг шартли белгилари қўйилган тонографик карта бор экан. Бу ҳамма туристларни таажжублантриб қўй-

ди. Крайнов ғазаб билан шу ондаёқ картани қайтариб берди. Агар у ҳүшёрлик кўрсатмаганда провокация натижасида полиция томонидан ушлаб олиниши ва жосусликда айбланиши мумкин эди.

Капиталистик мамлакатларда ҳамма жойда совет гражданларига нисбатан провокация бўлиб туради.

1970 йилда турк махсус хизмати Туркияда туристик виза билан юрган совет ёзувчилиги нисбатан Стамбулда қўпол иғво қилди. Уни кўчада кетаётганда ушлаб олиб шаҳар полиция бошқармасига олиб келишди ва бу ерда тинтув ҳамда сўроқ қилишди, сўроқ вақтида унга провокашон саволлар берилди. Ёзувчининг кескин норозилигига учраб, полициячилар уни қўйинб юбордилар ва бу можаро ҳақида совет вакилларини хабардор қилмаслигини ундан илтинос қилдилар.

Уша йили Туркиянииг Конъя шаҳрида совет мутахассислари канцелярия асбоблари магазинига киргандаридан помаътум шахс витринадан оғлан авторучкани бекитиб қўйди ва бу ручкани ўғирлашда бизнинг гражданлариниздан биттасини айбламоқчи бўлди. Бу шахснинг хатти-ҳаракатини сезиб турган совет мутахассисининг қатъиятлилиги ва уддабуронлиги бундай қабиҳ иштани барбод қилди.

Брюсселда Бельгиянииг махсус хизмати бир тасоддиғдан фойдаланиб, совет гражданинига қарши провокация уюштируди. Бу совет гражданини кўчада йўқотиб қўйилган аёллар сумкасини топиб олди ва ундан ён дафтарчага ҳамда унда кўрсатилган телефон померига қараб сумка эгасини қидириб тошишга аҳд қилди. **Ву** аёлнинг уйига телефон қилиб, ўзининг ким ва нима сабабдан телефон қилтаётганилгини айтиб, у аёл билан учрашиш тўғрисида келишиб олди.

Келишиб олинган жойга келганида эса уни полиция ушлаб, полиция участкасига олиб келди. Бу ерда у сумкани ўғирлашда айбланиди. Норозилик билдиришига қарамай, полицияда уни тинтув қилдилар ва терговчи-

нинг олдига олиб келдилар. Терговчи жинонй иш қўзғатман деб қўрқитди, сохта айбларга иқрор қўлдириш мақсадида унга дўқ-пўпса билан таъсир ўтказмоқчи бўлди.

Совет кишилари чет эл сафарларида бўлганларида улар империалистик давлатлар разведкаси ва бошқа махсус хизматининг, шунингдек антикоммунизмийг қўпорувчи марказларининг нозиклаштирилган қўпорувчилик фаолияти обьекти бўлиб қолишлари мумкин эканлиги тўғрисидаги маълум ҳақиқатни бир дақиқа ҳам унутмасликлари ва иғвогарларнинг кирдикорларига ҳар онда қақшатқич зарба беришга тайёр туришлари керак.

ҚҰПОРУВЧИЛИК ХАРАКАТЛАРИ ВА „ҚОРА“ БИЗНЕС

«Ҳар бир қора ишда жиноятчининг құлп бор», дейдп французлар. Құпорувчилік фаолиятига келганды, бүгінг устига у СССРға қаратилған бұлса, шуни дадил айтиш мүмкінки: жиноий элементларсиз бунда иш битмайди. Капиталистик давлатларнинг разведкасы улардан ҳақиқатда бажону діл фойдаланади. Айниқса контрабандистлар ва валютачилардан күп фойдаланади, чунки уларнинг «ишлари» күпинча совет давлат чегарасидан яшириң ўтиш билан бөглиқ бўлади. Сўнгра мулоқотлар ва барқарор жиноий алоқалар ўрнатилади. Гайри қонуний йўллар билан орттирилған қимматбаҳо нарсаларни бир илож қилиб сақлаш ва транспортировка қилиш керак-да, ахир, бинобарин, махфий жойлар қидириш, бошқа ҳийла-найранглар қўлланиш зарур. Қисқа қилиб айтганда, таъбир жонз бўлса бундай «фаолият» ўз характери жиҳатидан жосуслик ишидан учча кўп фарқ қилмайди.

Шу гаплардан кейин капиталистик давлатлар разведкаси контрабанда фаолиятини оталарча рағбатлантираётганligини ва ҳатто махфий тутаётганligини кўриб таажжубланиб бўладими. У жосуслик алоқалари

каналларини яшириш учун, шунингдек СССРга күп миқдордаги антисовет адабиётни, Фарбга бизнинг мамлакатимиз түғрисида бўхтоидан иборат қўллэзмаларни юбориш учун хизмат қиласди.

Масалан, 1968 йил ёзида Совет Иттилоқига америкаликлар Джемс Картцер ва Лэррі Ватсон келдилар. Улар ўзларини Стэнфорд университети Венадаги филиалининг студентлари деб кўрсатдилар. Минглаб бошқа туристлар каби улар ҳам Совет мамлакати билан танишиш учун кенг имконият отдишар. Бироқ, кейинчалик аниқланишича, Картцер ва Ватсоннинг сафари номиганига туристик сафар экан. Уларни совет шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари, жаҳонга машҳур ёдгорликлар, театр ёки музейлар ҳам қизиқтиргмаган. Бу «студентлар» бойликка муъқасидан кетган чайқовчи ва текинхўрларни ўзларига маълум белгиларга қараб қидишиб топишни кенди шундан ташдиди. Аммо оғозида жин кўчагарни санқе юрганлар, улар бўлангичида алоқалар боғлаганлар, шималарнидир яширин пуллаганлар, шималарнидир сотиб олганлар ва сотиб олган нарсаларини ўз автомобилларида олдиндан жиҳозлаб қўйилган маҳфий жойга яширганлар. Картцер ва Ватсон Москвадан кетиш олдингина расмий мусасасалардан бирида бўльшга қарор қылган. Бу расмий мусасаса... Москвадаги Хитой элчихонаси бўлиб, бу ерда американкларни қувонч ва турушни билан кутиб олдилар. Уларни Пекинда пашр этилган турли хилдаги антисовет адабиёт билан мўл-кўл таъминладилар. Хитой тухфаларини ҳам ёш контрабандистлар маҳфий жойга яшириб қўйдилар.

Бу пухта (афтида кўпчилик шўринг қурғур «туристлар» томонидан) ўйланган сафардан кузатилган мақсад Брестдаги чегара-контроль ўтказиш пунктида тўла ошкор бўлди. Муғомбirona усталик билан қилинган яширин жойлар топилди ва контрабанда — қадимги руе маъбудалари, шунингдек, Фарбда серталаб бўлган

ва Пекиндан келтирилган антисовет ёзувлар тортиб олинди.

Капиталистик давлатларнинг маҳсус хизматлари ўз гражданларининг совет территориясидаги контрабанда фаолиятни ва ғайри қонуний валюта операцияларини (булар СССР экономикасига, уининг нул ва кредит системасига жиддий зарар етказиши назарда тутиб) рағбатлантирадилар. СССРдан совет пулларнинг ийрик суммасини контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш, совет валютасини чет эл пулига алмаштириб олиш учун чет элда қора бозор барпо этиш ана шу мақеадга олиб борувчи усуслардан биридир.

Чет эл контрабандистлари сиёсий жиҳатдан етилмаган ва ахлоқий беқарор совет гражданларини контролланда фаолиятига ва ғайри-қонуний валюта операцияларига тортиб, уларга ёмон таъсир ўтказмоқдалар. Бу тажрибали контрабандистлар панжасига тушиб қолиб, ипидан тортсанг айтганингни қирадиган лаббайгўй гумашталарга тезгина айланниб қоладиган ёш кишиларда бу таъсир айниқса ҳалокатли бўлмоқда. Текипхўрлик ва тамагирлик ботқоғига ботиб кетиб, улар оқибатда ўзлари ҳам энг оғир жиноятлар қиласидар.

Капиталистик мамлакат гражданларининг СССРдаги контрабанда фаолияти ва ғайри қонуний валюта операцияси яхши ўйлаган ва ташкил этилган. Шуни айтиш кифояки, контрабанда ва ғайри қонуний валюта олди-сотниенинг энг кўп тарқалган предмети — бу чор Россиянда муомалада бўлган беш ва ўн сўмлик олтин тангалар бўлиб, қатор капиталистик давлатлардаги хусусий банклар томонидан контрабандистлар учун чор тангаларига ўҳшатиб зарб қилиб чиқарилмоқда. Профессионал контрабандистларнинг уюшган групналари кўп йиллардан бери чет элда бемалол ишлаб келмоқда. Халқаро алмашувнинг турли имкониятларидан фойдаланиб, улар бизнинг мамлакатимизга ўз эмиссарларини юборадилар. Бу эмиссарлар совет терриория-

сига чет әл валютасини, олтин тангалар, буюмлар ва құйма олтиналарни, айрим дефицит товарларни яширин олиб келадилар ҳамда совет пулларининг катта суммасини, платина, құмматбаҳо тошлар, санъат асарлари, осори атикаларни яширин четга олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилаудилар.

Капиталистик давлатларнинг күп гражданлари Совет Иттилоғыга қисқа мұддатлы сафарга чиқар эканлар, гүё одат бүйіча ўз дунёсининг ахлоқыга амал қилишда давом этади. Уннег дүиёсида ҳамма парса сотилади за сотиб олпнади, әңг учига чиққан чайқовчилик эса хусусий бизнес деб аталиб, хайрли иш даражасында күтарилади. Гарчанд совет давлат чегарасидан ўтгапдан кейин бундай бизнес контрабанда деб аталишини ва аталиши кераклигини улар жуда яхши биладилар.

Бұл контрабанданың күткін сипаттары СССР Азияттік комитеттің органдары 1969 – 1970 йылдарнинг ўздндагина контрабанда йўли билан нараса олиб келиш ва мамлакатимиздан олжыб чиқып кетиш ҳамда гайри қонуний равнинда валюта билан катта ишлар қилишнинг 10 минг мартадан күпроқ ҳолатда олдини олдилар.

Контрабанда ишларнда қўлга туширилган әңг ашаддий контрабандистлар ва валюта билан иш кўрувчилар СССР қонунларига мувофиқ жинонӣ жавобгарликка тортилди, капиталистик давлатлардаи бўлган кўп чет әлликлар контрабанда ва чайқовчилик ишлари учун мамлакатимиздан чиқариб юборилди. Таможня қонун-қоидаларига мувофиқ контрабанда предметлари мусодара қилинди ва давлат фойдасига ўтказилди.

Ана шу йиллар пчиди жинонӣ жавобгарликка тортилган жиноятчилардан суд ҳукмига мувофиқ 90 килограммга яқин олтин танга, құйма ва буюмлар шаклида, 10 килограммдан ортиқ платина, 1 миллион сўмдан ортиқ нақд пул, 25 та енгил автомобиль (контрабанда ни жўнатиш учун фойдаланилган), брнлиантлар, чет

эл валютаси ва 2 миллион сўмликдан ошиқроқ баҳода-
ги бошқа қимматбаҳо нарсалар тортиб олинди.

Бизнинг мамлакатимизда контрабанда фаолияти ва
ғайри қонуний равишда йирик капиталистик давлатлар
дипломатик ваколатхонасининг ходимлари, стажёрлар,
студентлар, чет эл денгизчилари ва халқаро ҳаво йўл-
ларидаги ҳизмат қилувчи пассажир самолётлари экипаж-
ларининг аъзолари, капиталистик мамлакатларнинг
бошқа гражданлари турли вақтда фош қилинган эди.

Бундан бир неча йил аввал капиталистик давлат-
лардан бирининг дипломатик ваколатхонасининг тўрт-
та ходими контрабанда фаолияти ва валюта билан чай-
қовчилик қилаётганлиги сезилиб қолди. Элчихонанинг
ана шу группага кирган собиқ ҳарбий атташеси ўзининг
хизмат лавозимидан фойдаланиб, сафардан ватанига
қайтиб кетаётганда совет давлат чегарасидан 10 сўмлик
чор олтин тангларига ўхшатиб зарб этилган беш ярим
минг сўмга яқин олтин тангани олиб ўтди.

Бу контрабандистлар группаси валютачи чайқовчи-
лар билан жиной алоқа боғлади ва контрабандани
қисқа вақт ичидаги сотиб бўлди. Жинояти очилиб қолган
барча дипломатлар Совет Иттилоқидан дарҳол чиқиб ке-
тишга мажбур бўлдилар, улар қилган жиноятлари тў-
рисидаги материаллар эса белгиланган тартибда ана шу
мамлакатнинг тегишли маъмурларига юборилди.

Ана шу ишга дахлдорлиги аниқланган совет граж-
данларидан бўлган валютачи чайқовчиларнинг ҳамма-
си суд олдида жавоб берди ва қаттиқ жиной жавоб-
гарликка тортилди. Суднилг қарорига мувофиқ, жино-
ятчилардан 300 минг сўм совет пули, 22, 6 минг АҚШ
долларин, 1,1 минг инглиз фунт стерлинги, бир печта, ав-
томасина, қимматбаҳо металлардан қилинган буюмлар
ҳамда бошқа қимматбаҳо мулклар тортиб олинди ва
давлат фойдасига ўтказилди.

Капиталистик мамлакатдан келган Сакр номли бир
кимса 1962 йилдан бошлаб СССРда таълим оларди. Ў

медицина институтининг студенти бўлиб, тиришиб ўқир, курсдан курсга ўтар, рус тилини, совет кишиларининг табиати ва урф-одатини зўр бериб ўрганарди. Ана шуларнинг ҳаммаси унга институтни тамомлагандан кейин унинг ординатурасида қолиш имкониятини берди.

Сакр ўзининг шу даражада етишганлиги учун Совет давлатидан миннатдор бўлиши керак эди. Совет давлати ёрдами туфайли у олий маълумот олди, илмий ва амалий тайёргарликни ўтди. рус тилини яхшн ўрганиб олди. Тилни билиш эса унга ўқишин ўз мамлакати спорт газетасининг мухбири лавозимида ишлаш билан қўшиб олиб бориши имконини берди.

Совет давлат ва ижтимоий тузумини мустаҳкамлашга, империализмнинг ёвуз қўпорувчилик фаолиятини барбод этиш ва олдини олишга қаратилган кўпгина чоратадбирлар ичida, Коммунистик партия совет халқини юксак сиёсий ҳушёрик руҳида тарбиялашга ҳар қачонгидек катта аҳамият бериб котмоқда.

¹ КПСС XXII съездининг материаллари, Ўздавнашр, 1962, 403-бет.

² КПСС XXIV съездининг материаллари, «Узбекистон» нашриёти, 1971, 17-бет.

ЮКСАК ҲУШЁРЛИК — МУНТАЗАМ ТАЪСИР ЭТУВЧИ СИЁСИЙ ҚУРОЛ

Сиёсий хушёрлик совет халқининг муҳим маънавий-сиёсий фазилатларидан бири бўлиб, у Совет давлатининг империализмнинг махфий қўйорувчилик ҳаракатларига қарши тўхтовсиз кураши шароитида доимо намоён бўлаверади.

Империалистик давлатлар агентлари ва разведкачиларининг қўйорувчилик фаолиятлари қанчалик яширин, обдан тайёрланган бўлмасин, барис бир улар совет қонунларини бузишга алоқадор, жиноий характерга эга, уларнинг ҳақиқий моҳиятини аниқлаб олишга имкон берадиган ўзига хос белгилари бўлади.

Меҳнаткашларнинг сиёсий хушёрги душман ҳиёла-найрангини ўз вақтида топиш ва билиб олишга, жуҳаҳофди лавлат жиноятлари сотир бўлшинистанинг оғозида турдимиш ва ташниб таҳоббати сонга жамиятни таърих келтиришига йўл қўймасликка имкон беради.

Хушёр бўлиш — қўйорувчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўрилаётгани ёки амалга оширилаётганинга шоҳид бўладиган фактлар тўғрисидаги белгиларни вақтида сеза ва унга тўғри сиёсий баҳо бера билиш, ўз вақтида махсус совет органларига маълум қила олиш, кечиктириш мумкин бўлмайдиган воқеаларни эса ўзи ташаббус кўрсатиб, ёвузлик ҳаракатининг олдини олиш ва шундай қилиб давлатга қарши жиноят қилгай ёки жиноят йўлида турган шахсни фош этишга имконият яратиш демакдир. Социалистик жамиятдаги ҳушёрлик ғарб оламининг ҳукмдор донорлари, баъзи империалистик давлатларнинг жосуслик ва полиция органлари томонидан кенг тарқатилаётган гумонсирашлик, жосуслик воситаси билан ҳеч қандай яқинилиги йўқ.

Совет ватанпарварларида сиёсий хушёрликнинг пайдо бўлиши — бу бизнинг ижтимоий ҳаётимизда кенг тарқалган ҳодисадир. Меҳнаткашларнинг юксак сиёсий

хүшёрги мунтазам таъсир этувчи сиёсий қорол бўлиб қолдики, унинг кучини мамлакатимиз душманлари ҳам аллақачоноқ эътироф этганлар.

Шу билан бирга совет кишиси томонидан кўрсатилаётган ҳүшёрлик жабҳасидаги ҳар бир факт индивидуалдир, конкрет, айрим ҳолда такрорланмайдиган вазиятта боғлиқдир. Ҳүшёрлик совет ватанпарварининг фаросатли, сиёсий саводли бўлишини, ҳатто ўз соғлигини ва ҳаётини хавф остида қолдириб дадил ҳаракат қилишини талаб қиласди.

Биз совет кишиларининг жиноятчиларни қандай фош этганлари, жосусларни ушлаб олганлари, айрим шахсларнинг душманлик ҳаракатлари ёки шубҳали хулқ-атворлари ҳақида тегишли совет органларига хабар берганлари тўғрисидаги мисолларга мурожаат қилиб ўтдик.

Мана, совет гражданлари турли вазиятда чет элликларнинг шубҳали ҳаракатига дуч келиб, уларнинг жиноий ниятларини қандай фаҳмлаганликлари ва зарур чоралар кўрганликлари ҳақида яна бир неча мисол.

Электровоз машинисти Неумержицкий ҳарбий юклар ортилган составни олиб борар эди. Новосибирск темир йўл бўлимининг Обь — Чик перегонида у иҳота дарахтлари панасида турган номаълум бир киши составни фотосуратга тушираётганини пайқади. Ёмонлик юз беришини гумоп қилган Неумержицкий ўша заҳоти бу ҳақда рация орқали Чик станциясининг навбатчисига хабар беради, у эса ўз навбатида, номаълум кимсанинг шубҳали хатти-ҳаракати тўғрисида ва унинг ташқи белгиларини ҳодиса содир бўлган жойга яқин бўлган Обь станциясининг навбатчисига етказади. Навбатчilar Тишковец ва Новочихин тегишли совет органларининг ходимлари етиб келишини кутиб турмай, «фотографчи»ни қидириш ва қўлга олишни ўзлари ташкил этадилар. Шу мақсадда Тишковец ва ҳарбийлашган соқчилик бўлимининг ўқчиси Лешкевич Неумержицкий кўрсатган жойга жўнайдилар. Яримстанциялардан бирда

улар ҳарбий составни фотога туширган кимсанинг белгиларига ўхшаш кишини қўриб қоладилар. Улар уни ушлайдилар ва давлат хавфсиэзлик органига топширадилар. У чет эллик бўлиб, совет заводида жиҳозларни монтаж қилиш учун Farb мамлакатларининг биридан келган мутахассислар группасидан экан.

Совет ватанпарварлари душманни кичик бир белгисидан ҳам пайқай оладилар. Ўрал заводларидан бирининг ходими Мосичев ишдан сўнг троллейбусда кетаётган эди. У икки йигитга эътибор берди, улар гёё сўзларини бирор кимса эшишиб қолаётгандек, пицирлаб гаплашардилар. Мосичев ўзини ҳеч нарса билмасликка солиб, уларга парво қилмасди, аммо гапларидан «Махфий чёртёжлар сурати... Бериш керак... Уни қаерда топса бўлади?» каби айрим жумлаларни илиб олди.

Ёмонликдан шубҳаланган Мосичев бу номаълум йигитларнинг қаерда истиқомат қилишларини аниқлашти. Унинг тарзида унга кимсанинг магазинида магазинида улар орқасидан соатлаб юрди. Ниҳоят милиция ходими ёрдамида улардан бирний ушлаб олди.

Қўлга тушган кимса маҳсус конструкторлик бюросида ишлагап Рибкин деган йигит экан. Аниқланишича, у ердан чёртёжларнинг махфий плёнкаларини ўғирлаб олган ва бирор жосусни топиб, унга плёнкаларни бериб, тегишинча мукофот олмоқчи бўлган. Бу плёнкаларни у ўз уйида маҳсус жиҳозланган яширин жойда сақлаган. У отпускада ўз ҳамтовоги Нахимовский билан бирга Москвага бориш ва плёнкаларни капиталистик мамлакатлар ваколатхонасидаги бирор кимсага пуллашни мўлжаллаган.

Ёзда Архангельский портига Farbий Германия теплоходи «Форгельзанд» келди. Кема механиги Мейснер қирғоқда юрган ёшлар билан танишди. Унинг танишган кишилари ичida Москвадаги олий ўқув юртларидан бирининг студенти, каникулини Архангельскийда яшадиган ота-онасиникида ўтказаётган Людмила Исаева

ҳам бор эди. Унга Мейснер ортиқча әътибор берди, у билан ұар куни учрашишга ҳаракат қылды, севги изҳор этди. Дастандағы Архангельскийнинг диққаттаға сазовор ерлари, шаҳар аҳолисининг дам олиш жойларига жуда қизиқиб қаради. Бир маҳал Людмиланы ресторанга таклиф этди, афтидан унниң маҳмадоналигига таяниб, ҳарбий обьектлар жойлашган ерларни, у ёққа қандай ва қайси транспорт билан бориш кераклигини сүрай бошлиайди. Йўловчи «денгизчи» гўё сайр қилмоқчи бўлиб, уни қизиқтпраётган саноат районига боришга таклиф этади.

Маълум бўлишича, совет қизи Мейснер билан биринчи учрашганидаёқ унинг жосуслик мақсадларини пайқаб олган ва ўзининг шубҳалари тўғрисида ўз вақтида тегишли совет органларига хабар берган. Бу шунинг учун ҳам ўз вақтидаки, Мейснер ҳарбий обьектлардан бирига етиб борган заҳотиёқ қўлга туширилганди. Унинг ёнида усталик билан яширилган маҳсус фотоаппарат бор эди.

Пермь областиning Березники шаҳарчасида яшовчи гражданка В. П. Шихина давлат хавфсизлик органларига мурожаат қилиб, унинг квартиранти Сорокин деган кимса негадир шу жойдаги саноат корхоналари иши билан ғоят қизиқаётганлиги, қандайдир шартли ёзувлар олиб бораётганлиги, турар жойини ва хизматини тез-тез ўзгартираётганини гапириб берди.

Шихинанинг арзини текшириш жараёнида аниқландики, Сорокин ҳақиқатан ҳам империалистик давлатларнинг разведкалари қизиқиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаётган экан. Тез орада у тўсатдан Березникидан жўнаб қолган ва Фарбий Буг станцияси районида, яширин ҳолда давлат чегарасидан ўтиб кетишига ҳаракат қилаётган пайтида қўлга олинди.

Терговда аниқландики, Сорокин бундан бир йил аввал Фарб мамлакатларидан бирининг бизнинг мамлакатда турган техника мутахассиси билан алоқа ўрнаттган

ва унинг «маслаҳати» билан жосуслик маълумотлари тўплаган, уни шахсан ўзи олиб бормоқчи ва СССР давлат сирлари эвазига сиёсий бошпана сўрамоқчи бўлган.

Камтарин совет ватанпарвар аёлининг ҳушёрги туфайли бу жиноятчи зарарсизлантирилди.

Свердловск институтларидан бирининг студенти, комсомол аъзоси Романенко ўз курсдоши Брюханскийнинг шубҳали хатти-ҳаракатига эътибор бериб юрди. У ёмон ўқирди, интизомни писанд қилмасди, «Америка овози», «Би-Би-Си» ва бошқа чет эл радиостанцияларининг советларга қарши эшиттиришларини мунтазам тииглар, уларнинг мазмунини завқ билан гапириб берар, гарбнинг сохта демократиясини мақтаб, совет тузумини ёмонлар эди. Романенко Брюханскийнинг қарашларига ийсбатан ўз мулоҳазаларини айтганида, у ҳозирги замон ўшлари учун «ҳақиқий эркинлик»нинг моҳияти тўғрисидан ўзи «трактат»ни унга уқишини тавсия этди. бор дин, бу асар унга — Романенкога ёқса, уни ўқиш учун ўзининг яхши дўстларига ҳам бериши мумкинлигини айтган. «Трактат» билан танишиб чиққач. Романенко бу беъмани ёзув сиёсий жиҳатдан зарарли, туҳматдан иборат асар эканига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун у Брюханскийнинг ким эканлигини билиб олиш вақтӣ келди, дея аҳд қилди.

Романенко тегишли органларга мурожаат этиб, Брюханскийнинг шубҳали хулқ-авторини текширишни илтимос қилди. Аниқланишича, «трактат»ни тайёрлашдан ташқари у ўзига ўхшаган ўшлардан группа ташкил қилмоқчи бўлган ва сиёсий зарарли варақалар тарқатишга тайёрланган. Брюханскийнинг душманлик ниятлари тўғрисида Романенкодан бошқа С. Сормов, Е. Лепехова, С. Глушев каби студентлар ҳам арз қилишган. Шуни айтиб ўтиш керакки, буларнинг ҳаммаси Брюханский ўзининг антисовет қарашларида улардан ёрдам истаган кишилар эди.

Совет кишилари душманлик фаолиятларига доир фактларга дуч келиб қолганларида, кўпинча ўзлари уддабуронлик, мардлик ва қатъийлик кўрсатиб, тезлик билан душманларимизнинг қўпорувчилик ҳаракатларига чек қўядилар.

Бир министрликка қарашли Москва автобазасининг шофёри Демченко 1970 йил 5 ноябрда жуда кеч ишдан қайтиб келаётib, Садово-Кудринский кўчасида тўртта номаълум киши столбадан совет байроғини юлиб олишганини кўриб қолди. Улардан биттаси алвонни йиртишга ва ёғочини синдиришга уринди. Демченко улар олдига югуриб бориб, байроқни тортиб олишга улгурди. У тартиб бузувчилардан бирортасини тутиб олмоқчи эди, бироқ куч teng бўлмаганидан улар қочиб кетдилар. Лекин улардан биттаси Демченко қўлидан чиқаётib, пальтосини ташлаб қочди. Демченко шошилганича безорилар орқасидан юргурди, йўлда автопатруль милициясини учратиб қолди. Улар пальтосини ташлаб қочган кишига етиб олдилар. Аниқланишича, қўлга тушган кимса, капиталистик мамлакат элчихоналаридан бириншиг соқчиси экан. Бу душманликча қилинган уринишларнинг бошқа қатнашчилари ҳам аниқланди.

Москвалик Асеев ва Николаев метронинг «Арбатская» станцияси вестибюлида бир ёш кишига эътибор бердилар, у сумкасидан бир даста конверт олиб, ёнидан ўтиб кетаётган кишиларга уларни олишини таклиф эта бошлади. Асеев ва Николаев конвертни олишди-да, ўша заҳоти очиб қарашди ва конвертда СССРдаги мавжуд тузумга қарши кураш олиб боришга даъват этувчи варақа борлигини кўришди. Асеев билан Николаев по-маълум кимсани дарров ушлашиб ва милиция бўйлимига олиб келишди, бу ерда ундан яна 200 дан ортиқ конверт топиб олинди. Қўлга тушган кимса Де Бие деган бельгиялик банк ходими, турист сифатида Москвага келган экан. Тергов вақтида Де·Бие «Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамфирлилк Фламанд комитети»

деган советларга қарши ташкилот томонидан Москвага юборилғанлығи аңиқланды.

Терговда Де Бие ўша комитет бошлиғининг топшириғига биноан у тарқатиш учун Москвага 500 та варақа олиб келгани, бу варақаларни НТС «Границ» журнали редакцияси орқали олганлыгини айтди. 300 та варақани ўша «Границ» редакцияси берган адреслар бўйича почта орқали совет гражданларига юборган. 200 тасини эса гўё совет гражданлари уларни қониқиши билан талашиб оладилар ва жон-жон деб ўқийдилар деган умидда ўзи тарқатмоқчи бўлган. Бироқ у чуқур янгишганлигига иқрор бўлди, чунки совет кишиларини четдан туриб «тушуниш» ўйлаганича бўлиб чиқмади. Де Бие совет кишилари ўз идеологиясини бунчалик активлик блан ҳимоя қилишини сира ўйламаганлигни айтди.

Бундай иқрор бўлиш диққатга сазовордир. Душманларимиз идеологик давомсия килингга кирпичиб ўз-хонарда, ёнгашдиноқ муввафқиятнинка учрайдилар. Айтгандек, совет гражданлари почта орқали олган Де Биенинг антисовет варақалари ҳокимият органларига жўнатилган, антисоветчини қидириб топиш ва уни жазолаш илтимос қилинган. Масалан, москвалик К. М. Степанова КГБ органларига юборган аризасида бундай деб ёзибди: «Бугун эрталаб соат 8 да мен почта яшигимдан янги газеталар ва хат олдим. Хатда варақа бор экан, унда бизнинг жонажон Совет ҳокимиятимизга, ҳалқ давлатимизга ифлос туҳматлар ёғдирилади, чет элда ўтирган қандайдир душманлар менга ўз жонажон партиямга қарши курашишга, менинг севикли Ватанимга қарши чиқишга маслаҳат беради. Ушлашга ҳам ҳазар қиласидан бу варақага нисбатан ғазабимнинг чеки йўқ. Бу варақа ҳамда конвертни чекистларга юбораман ва бундай ифлос антисовет юмушлар билан кимлар қаерда шугулланаётганлигини аниқлаш, уни бу ерда тарқатаётган кимсани топиб судга беришни қатъий илтимос қиласман».

Совет гражданлари алоҳида оғир шароитда турганларида, яъни улар империалистик разведканинг бевосита назарига тушиб қолганларида ва уларни душманнинг жосуслик тузогига илинтириш ёки СССРга қарши идеологик қўпорувчиллик ҳаракатларида жалб этиш учун мўлжаллаб, аста-секинлик билан узоқ вақт ўз таъсирларига тортганларида ҳам ҳушёрлик кўрсатдилар.

Горькийдаги корхоналардан бирининг ёш инженери Александр Голубев давлат хавфсизлик органига мурожаат этиб ёрдам беришни сўраган, аниқланишича, уни чет эл разведкасининг агенти ёлламоқчи бўлган.

Хўш, Александр Голубев билан нима воқеа содир бўлди?

У ҳали студентлигида ёк эсперанто тилига ва маркалар тўплашга қизиқсан, чет эл эсперанточилари билан хат ёзишиб турган, кейин эса чет элда нашр этиладиган филателистик журналда ўз адресини эълон қилиб, марка алмаштириб туришни жорий этишини таклиф этган.

Бу таклифга турли мамлакатларда истиқомат қилувчилар лаббай деб жавоб беришган. Булар орасида Фарбий Германиядан Лоренц деган кимса ҳам бўлган.

Агар Голубевга бошқа мухбирлар ўз хатларида уларни қизиқтирган совет маркалари тўғрисида ёзишган, Совет Иттифоқининг турли ютуқлари тўғрисида сўрашган, ўзлари ҳақида, нималарга қизиқишлари ҳақида ҳикоя қилишган ва ўзлари яшаб турган мамлакатларнинг диққатта сазовор жойларини тасвирлаб ёзишган бўлсалар, Лоренц эса даб-дурустдан Голубевдан, у чет эл радиостанцияларининг эшиттиришларини тинглайдими, совет матбуотида танқид қилинган қандай адабиётларни ўқыйди, совет ёшлирининг кайфияти қандайлигини сўрай бошлаган.

Бир сафар Лоренц Австрия ва Фарбий Германия ҳукмрон партияларининг фаолияти муфассал баён қилинган мактуб юборди ва бу масала юзасидан Голубевдан ўз фикрини айтишни сўради. Бир неча ой ўтгач у хорижий

мамлакатлардаги рус мұхожирларининг «фойдали» фаолиятлари хақида ўз мұлоқазаларини юборди, кейин эса АҚШда «ұртача» кишининг турмушини жон-жаҳди билан завқланиб мақтади.

Голубев Лоренц билан баҳлашиб күрди, бироқ тез орада Лоренц унинг далилларига ақамият бермаётгап-лигини англади.

Голубев үйланиб қолди: «Хақиқатда у ким билан алоқа қылышты? Ахир Лоренц унга рус тилида ва жуда саводли хат ёзяптику?» Хатларидан бирида у түғридан-түгри: «Сиз кимсиз жаноб Лоренц?» деб сўрайди. Лоренцдан жавоб келди, унга Голубев яқин вақт ичиде одатдагидан бутунлай бўлак йўллар билан юборилган мұхим хабарни олажаги билдирилган.

Ниҳоят Александр Голубев қайтариш адреси бутунлай номаълум хат олди. Москва, Черемушки, Юрий Шчукин.

Голубев ҳайратласкан көзине ким олди? Биринчи ишта кийичи көнъверт бўлинб, бунда «Александр Голубевга Лоренидан» деб ёзилган эди.

Хатда Лоренц Голубевга агент бўлишни түғридан-түгри таклиф этган. Бир қанча вақтдан кейин Голубев яна Москвадан хат олди, бунда ҳам жавоб хат қайтариш учун ҳалигидек уйдирма адрес ёзилган. Бу хатга антисоцет радиостанциясиңг эшилтириш вақтлари, бундан буён хат жўнатиладиган янги хорижий адрес ва ниҳоят, яширин ёзувларнинг нусхасини тушириш учун Москвадаги меҳмонхоналардан бирининг бланкаси тарзида шикбланган маҳсус копирка қоғоз солинганди.

Хатда Лоренц амалий кўрсатмалар берган: «Бундан буён маҳфий белгилар билан ёзилган хатларни ўз мамлакатингиз территориясида жойлашган шаҳарлардан оласиз. Уларни Совет Иттилоғи бўйлаб саёҳатга борувчи менинг дўстларим жўнатади. Хатларимга жавобни Англиядаги менинг дўстимга йўлланг. Қоғознинг зич варарини тоза дастрўмол билан артинг, бир томонига

хавф-хатарсиз текстлар битинг, бошқа томонига копирка ёрдами билан кўринмас нарсаларни киритинг.

Ўз ахборотингизга қўядиган имзо ва фамилиянгизни ҳар сафар ўзгартириб туринг.

Копирка қоғозни ишончли жойга яширинг, черновой қоғозларни ёқиб юборинг, изини йўқотинг».

Лекин жаноб Лоренц ўз тузогига Александр Голубев илинади, дея умид қилиб, чучварани хом санаган эди.

Кейинчалик аниқланишича, бу киши Қрим давлат кўриқхонасининг собиқ илмий ҳодими, Ватан хонии, лавлат жиноятчиси, ўз қўлини совет кишилари қонига бўяган Иван Башкиров бўлиб, Лоренц номи остида яширинган экан. 1941 йилда у немис-фашист қўшинлари томонига ўтиб, гитлерчилар хавфсизлик хизматининг резиденти бўлиб қолган. У Алуштада совет партизандарининг яширин тўпланадиган жойларини гитлерчиларга айтиб берган ва Қримдаги партизан штабининг ҳаракатига қарши экспедицияни амалга ошираётган фашист жазо отрядларига ўйл бошловчи бўлган. Кейин Башкиров совет кишиларини ваҳшийларча қираётган фашист лаганбардорларининг махсус жазо отрядига кирди. Бу жазо отряди Қрим обlastининг фақат Сабли қишлоғида ҳамма уйларни ёндириб юборди, 64 кишини, шу жумладан, 10 аёл ва 25 болани ўлдирди.

Совет суди Башкировни сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилди, бироқ сотқин ҳаққоний жазодан қочиб қолишга улгурди. Ўз паноҳига олган гитлерчилар билан бирга у Фарбий Германияга бориб қолди.

У ерда бир оз вақт ўзини хавф-хатардан олиб қочиб биқиниб ўтириди, кейин эса ашаддий жосус бўлиб қолди. Ўзини эсперанточи ва коллекционер қилиб кўрсатиб, Александр Голубевни ҳам жосуслик тўрига илмитиришга уринди. Бироқ Голубев душманни ўз вақтида пайқаб қолди. Чет эл разведкасининг совет гражданини ўзига ёллаш борасидаги нияти чиппакка чиқди.

Офицернинг ўғли Дроздиков ҳам филателия билан қизиқар ва чет элларда яшовчи филателистлар билан хат ёзишиб турарди. Унинг ГФР дан олган хатларидан бирода Франц Мюллер деган шахс рус тилини ўрганаётганини ёзибди, у фақат маркаларга эмас, балки мамлакатимиз ёшларининг ҳаётига ҳам қизиқибди ва гўё шунчаки Дроздиковга маълум бир тўлқинда чет эл радиостанциялари — «Озод Россия», «Америка овози», «Би-Би-Си»нинг эшииттиришларини тинглашни тавсия этибди. Орадан ярим йил ўтгач, Дроздиковнинг квартиррасига бетакаллуп бир «меҳмон», чет эллик турист Твикир келиб, унга Мюллердан хат топширди.

Мюллер мактубида хат берувчи — унинг яхши дўс蒂 — Москва билан расмий суратда эмас, шундай танишмоқчи, ахир шундай қилса, совет ёшларининг ҳаёт тарзини яхши билиб олиш мумкинда, деб ёзибди. Шунинг учун у, Мюллер, Дроздиковдан ўртогига ёпдам кўнсатишни ташкил этибди.

Мюллер Дроздиковга маркалар билан альбом ва бир неча совга юборганини ҳам ёзибди. Твикир Дроздиков хатни ўқиб бўлишини кутиб турди-да, кейин альбом билан совғаларини эртага беражагини айтди.

Сўнг гаплашаётганларида Твикир Дроздиковнинг сиёсий қараашларини, унинг турмуш тарзини «текишириб кўрди», ёшлар орасида танишлари ва жумладан улар ичida ҳарбий хизматчиларнинг болалари бор-йўқлигига қизиқди. Унинг худди ана шу феъли Дроздиковга шубҳали туюлди ва у ўша куниёқ Мюллер ва Твикирга нисбатан бўлган ўз шубҳалари ҳақида тегишли совет органларига хабар қилди ҳамда энди у бундан кейин нима қилиши тўғрисида маслаҳат сўради. Дроздиковга ўз танишларига яхшироқ қараашни, уларнинг ниятларини билиб олишни тавсия этишди.

Эртаси куни Твикир Дроздиковга Мюллернинг совғасини топширди. Кейин улар Москва бўйлаб катта сайр қилишди. Шу билан бирга Твикир Дроздиковдан унинг

танишлари ҳақида қатъиyroқ сүрай бошлади, чет элдаги ҳаётни ҳар томонлама мақтади, Германия Федератив Республикасига боришга таклиф этди, Мюллер билан дүстлашишини жуда ҳам тавсия қилди.

Твикир жүнаб кетгандан кейин Мюллер Дроздиковга тез-тез хат ёзадиган бўлиб қолди. Ҳар бир хатида у ГФР ҳаётини тобора мақтар, ҳатто унга қайси китобларни ўқишини, қайси чет эл эшиттиришларини тинглашнп маслаҳат берарди.

Тез орада Дроздиков Мюллердан хат билан бирга НТС программасини олди. Хат Ленинграддан жўнатилган бўлиб, унда юборувчининг сохта адреси кўрсатилган эди. Айтидан, ўз корреспонденти орқали ишончли кишини топганига ишонч ҳосил қилган Мюллер НТСнинг эмигрант антисовет ташкилотига ёрдам беришни тўғридан-тўғри Дроздиковга таклиф этади. Навбатдаги хатидаёқ у СССР да қўпорувчилик ишлари олиб бориш юзасидан қўлланмани, антисовет тексти ёзилган варақанинг клишесини, махфий ёзув воситаларини қўшиб юборган, алоқа усусларини белгилаган, шунингдек бундан кейинги қўлланмалар «Озод Европа» радиостанцияси орқали маълум кунлар ва соатларда «Олень» сигнали бўйича берилиши кўрсатилган.

Мюллернинг жиноий ниятлари борлиги тўғрисида энди заррача ҳам шубҳа қолмади. Дроздиков унга хат ёзиб, бундай игвогарлик найранглари тўғрисида ўзининг қатъий фикрини изҳор қилди ва у билан ҳар қандай алоқани тўхтатишини баён этди. Шундай қилиб, Дроздиковнинг ҳушёрлиги туфайли душманнинг ўз «кадрлари» сафини тўлдириш йўлидаги уриниши барбод бўлди.

Мана шунга ўхшаш яна бир мисол. Москвада турган франциялик турист Верткивский пойтахтда яшовчи илмий ҳодим О. Севидова билан танишади. Бир неча учрашувдан сўнг, у зимдан, кейинроқ очиқдан-очиқ совет кишилари ҳаётини ёмонлаб, Франциядаги ҳақиқий аҳволни эса жуда ялтироқ бўёқларда кўрсатади ва ҳатто

Севидовани Ватанига хоинлик қилиш томон оғдиришга урина бошлайди. Бироқ у сиёсий жиҳатдан етук кишига учраганди. Севидова чет элликнинг антисовет ҳийласини тезда фаҳмлади, лекин Вертковскийнинг ниятларини охиригача аниқлаб олишга аҳд қилди. Севидова унинг советларга қарши мулоҳазалари билан баҳслашиб, сиёсий темада сухбатини давом эттираверди.

Афтидан, Вертковский Севидовани Совет давлати олдида жиноят қилишга кўндиришни мўлжаллаган бўлса керак. Бир маҳал у Севидовага, Франциядаги эмигрантлар ташкилотининг раҳбарлари билан таниш эканлигини, эътиборли шахсларнинг ишончини қозонганини, шунинг учун унинг ҳам Францияда яхши ҳёт ва ажойиб иш билан таъминланшинга кафили бўлажагиппай айтган. Бунинг учун эса у Севидовага туристик йўлланма бўйича бирор капиталистик мамлакатга бориши ва у ерда Ватанига қайтишдан воз конишни муроҷаут бўлди.

Ольга Севидова Вертковскйнинг душманлик фаолияти ҳақида давлат хавфсизлик органига хабар қўилган. Текшириб кўрилганда, Вертковский собиқ оқ эмигрантлар авлодларидан ва иккичи жаҳон уруши вақтидаги Ватан хоинларидан тузилган Париждаги антисовет ташкилотининг бошлиқларидан бири бўлиб, бу ташкилот чет эл разведкасининг пули ҳисобига яшар экан. Вертковский ва унинг шериклари Францияда ҳам совет туристларига қарши иғвогарлик фаолияти билан шуғулланганлар. Вертковский Москвада фақат бир мақсадда — бир неча совет гражданини Ватангага хоинлик қилишга кўндирипши дардида юргани. Лекин О. Севидованинг ҳушёрлиги орқасида у бутунлай фош қилинган.

Совет ватанпарварлари халқимизнинг Улуғ Ватан уруши вақтида жиноят қилган ва ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолди, деб ўйлаб юрган ашаддий душманларини қидиришида ёрдам бермоқдалар. Лекин душманлар ўн

йиллардан кейин ҳам халқининг одилона жазосига йўли-қадилар. Совет халқи гитлерчилар ва уларнинг малайлари томонидан мамлакатимизга, кишиларимизга қилинган ваҳшийларча жиноятларни сира-сира унтулмайди.

Житомир обlastida истиқомат қилувчи И. М. Сербенко давлат ҳавфсизлик органига арз билан мурожаат қилиб, ўзи билан бирга ишлаётган Стрелков деган кимса унга тобора шубҳали шахс бўлниб кўрпнаётганлигини айтгац, у ўзини гёё уруш қатнашчиси, партизан қилиб кўрсатади, аммо ҳеч қандай мукофоти йўқ, биринчи хотинидан бўлган болалари билан хат ёзишмайди, ўзини ватанипарвар активист қилиб кўрсатади, кўпинча эса советларга қарши фаразли гаплар гапиради.

Сербенконинг аризаси текшириб кўрилганда, Стрелков фамилияси билан кўп йиллардан буён яшириниб юрган кимса, бутуниттифоқ бўйлаб қидирилаётган давлат жиноятчиси Тюлюкинилиги аниқланди. У 1941 йилнинг октябрида Совет Армиясидан қочиб душман томонига ўтган немис-фашист босқинчилари ташкил этган жазо отряди хизматига кирган. Тюлюкин шахсан ўзи совет ватанипарварларини отган, бошқа кўпгина оғир ёвузликларда қатнашган. Урушдан кейин у Фарбга қочолмай, Ленинград обlastida ўрнашган. Ҳар хил жиноий ҳийла-найранглар билан у Стрелков фамилиясига ёзилган паспорт ва ҳарбий билет олишга мусассар бўлган. Кейин у Белоруссия ҳамда Украина нинг турли обlastларида бир йил-икки йилдан ўзаб ишлаган. И. М. Сербенконинг сиёсий ҳушёrlиги йирик давлат жиноятчисини аниқлашга ёрдам берди, натижада жиноятчи отишга ҳукм этилди.

Литва ССР Министрлар Совети қузуридаги Давлат ҳавфсизлик комитети немис-фашист жазо отрядининг актив аъзоси, Каунасда совет гражданларини ёппасига отишда қатнашган Баранаускасни узоқ вақт қидирди. Қидируг жараёнида маълум бўлдики, Баранаускас Литва территориясида яшириниб юради-ю, лекин ҳужжати

бошқа киши номида. Чекистлар қидирув ишларини Баранаускаснинг қариндошлари ва эски танишлари истиқомат қиласиган районда олиб бордилар. Баранаускас билан илгари мактабда бирга ўқиган танишларидан бирни хавфсизлик органи ходимлари билан суҳбатда жаллодин топишда ёрдам бериш учун уриниб кўришини айтди. Бу киши бениҳоя сиёсий сезгирилик кўрсатиб, вақтлар ўтиши билан излари босилиб — йўқолиб кетган жиноятчими ахтара бориб, Баранаускаснинг Шилутский районидаги қишлоқлардан бирида Жукаускас номи остида яшириниб юрганлигини аниқлаб бера олди. Жиноятчи қамоққа олинди ва судга берилди.

Үй бекаси Л. М. Федорова тегишли органларга мурожаат этиб, Сонов деган чархчини текшириб кўришларини илтимос қилган. Бу аёл кўпдан бўён унинг хизматидан фойдаланиб келаётганлигини ва у билан бир неча бор суҳбатлашганида унинг анчагина маълумотли киши эканлигини аниқлагани ва қандайдир шубхали сабабга кура у чархчиник ими оиласи шугууланастворсанлигини гапириб берган. Федорова билан қилган суҳбатларидан бирида Сонов, уруш вақтида инженерлик дипломини йўқотгани, у ўқиган институт архиви эса кўчириб кетишга улгурилмаганлиги ва гўё улар йўқ қилинганлиги, шунинг учун у дипломнинг дубликатини ололмаганлиги ҳамда чархчилик касбини эгаллашга мажбур бўлганлигини айтиб берган. Бу гапларга Федорова ишонмаган.

Текширишда аниқланишича, Сонов Улуғ Ватан уруши даврида гитлерчилар оккупация қилган шаҳарлардан бирида полиция бошлиги, кейин бургомистр бўлган. Унинг бевосита иштирокида совет кишилари оммавий равишда қамалган ва отиб ўлдирилган. Қамтарин чархчилик касби Соновга узоқ вақт ниқобланиб юришга имкон берган. Бироқ бу ҳолда ҳам совет кишисининг ҳушёлиги ашаддий жаллодни фош қилишга ёрдам берди.

Совет гражданларининг юксак ҳушёлиги СССР давлат чегараларини қўриқлашда яққол намоён бўлади.

Давлатимиз чегараси узунлиги жиҳатидан дунёда энг биринчи ўринда туради, Ўқутб орқасидаги тундрани, Болтиқбўйи, Украина ва Белоруссия текисликларини, Қавказ ва Помирнинг осмону фалакка етган тоғларини, Ўрта Осиё чўлларини, Узоқ Шарқ тайгасини кесиб ўтади ҳамда 60 минг километрдан зиёд, яъни экваторнинг узунлигидан бир ярим баравар узунликдаги масофага чўзилиб кетади. Ҳамма жойда: шимол ва жанубда ғарб ва шарқда — у ўзининг сергак қўриқчилари — совет чегарачиларининг доимий назорати остига олинган. Чегарачиларнинг сафлари ҳар йили совет ёшларининг энг саралари қисми ҳисобига тўлиб боради. Кечаги ишчилар, колхозчилар, ҳизматчилар ва ўқувчилар Ватанимиз давлат чегараларини ҳимоя қилишдек фахрли ва масъулиятли вазифани бажарадилар.

Чегара округлари ва отрядлари, застава ва қўриқчи кемаларининг жанговар тарихи чегара қўриқчиларининг сиёсий ҳушёрги, жасорати ва фидокорона матонати тўғрисида кўпдан-кўп шонли мисолларни сақламоқда.

Кекса ўртоқлар қолдирган шонли жанговар анъаналарни кўпайтириб, ҳарбий қасамёдга содик бўлган чегарачилар Ватанимиз чегарасини ҳушёрлик ва сергаклик билан қўриқладилар. Чегара заставалари жангчиларининг кундалиқ ҳаёти зўр меҳнат билан тўлиб-тошган. Мана, сўнгги йилларда содир бўлган бир неча ҳодиса.

Н-чи Қизил байроқли чегара отрядининг участкасида айгоқчи давлат чегарасидан ўтган пайтда ҳали қоп-қора тун эди. Бузгунчи тажрибали эди. Ў кузатиб турган чегарачилардан қочиб қолишга интилиб, ўтиш қийин бўлган кенг бутазорга бекинди. Оғир қидирув ишлари деярли икки сутка давом этди. Маҳаллий жойга обдан яшириниб олган бузгунчини биринчи бўлиб оддий аскар В. Дубнов пайқади ва изма-из қувиб кетди. Унинг кетидан старший сержантлар — В. Дейненко ва И. Ткаченко, кичик сержант В. Бухарин бошлиқ чегарачи наряд шитоб билан бостириб бордилар. Душман ушлаб олинди.

Бузгунчилар тоҳо куппа-қундузи давлат чегарасидан ўтишга урнииб кўрадилар. Уларнинг ҳисоб-китоби оддийгина: сутканинг бу вақтида амалда чегара бузилмайди, шу боийсдан улар чегарачиларнинг ҳушёргиги тунги вақтидагидек бўлмайди, албатта, деб умидвор бўладилар. К. Агаенков, А. Ивлиев, П. Климов ва К. Овчаренко қўриқлаётган учесткада айгоқчилар совет давлат чегарасини кундуз куни буздилар.

Кўнгилсиз воқеани ўз вақтида пайқаган чегарачилар босилган излардан бузгунчилар икки киши эканинни аникладилар. Жуда кўп тик тепалик ва пастлик жойлар бўйлаб изма-из қувиб боришга тўғри келди. Тез орада излар уларни «тўнғиз сўқмоқ» деб аталувчи жойга олиб келди, бу ерда жангчилар душман билан бир неча бор тўқнашган эдилар. Чегара бузувчилар дам орқага, дам олдинга ўрмалай бошладилар, улар гоҳ сўқмоқ бўйлаб бориб, гоҳ ундан четга чиқиб анча узоқлашадилар. Лекин бу айёртик уялга ёллаш боротмади. Ҳашёй чегарачилар ишорани бу газорда кўзаб отдила. Қаршилашада тўрган чегарачи автоматининг оғзини ва ташланишга тайёр бўлтиб турган овчаркани кўрган чегара бузувчилар қўлларини кўтардилар.

Чегара авиациясининг учувчилари юксак ҳушёрлик ва эпчиллик кўрсатмоқдалар.

Шимоли-ғарбий чегарадаги участкалардан бирида офицер А. Берегов командирлик қилаётган чегара авиациясининг самолёт экипажи навбатдаги парвози вақтида, кўз илғаш қийин бўлишига қарамай, кўрфаз музи устида ичкаридан давлат чегараси томон келаётган ноъмалум бир кишини кўриб қолади. Чегара бузилган жойга бир гуруҳ чегарачи вертолётда ташланди. Изма-из бораётган жангчиларнинг ҳаракатларини ва ҳаводан кўриб қолинган бузғунчини диққат билан кузатиб турган вертолёт командири Сисоенко, чегарачилар у ерга боргунча айгоқчи олдинроқ давлат чегараси чизирини кесиб ўтиши ва ғойиб бўлиши мумкин эканини фаҳмлайди.

Офицер вазиятни ҳисобга олиб, вертолётни мумкин қадар пастьлатди ва қанотидаги винтдан чизиллатиб ҳаво чиқариб, бузғунчини ерга қадаб қўйди. Чегара наряди учун энди айғоқчини ушлаб олиш унча қийин бўлмади.

Денгизчи-чегарачиларнинг хизматлари ҳам енгил эмас. Чегара кемалари тез, чакқон, ҳажми кичик бўлади, аммо кўпинча уларга довулда ҳам, туман ичидаги ҳам сузишга тўғри келади, қор бўронларига учраб қолади. Ана шундай шароитларда жанговар вахтада туриши керак. Бизнинг денгиз чегараларимиз вазияти доимо ҳушёрликни талаб этади.

„Болтиқ“ денгизининг Н-чи районида З-ранг капитани В. Журавин командирлик қилаётган қўриқчи кема патруллик қилиб, неча ўн миль масофани босиб ўтди. Сигналчи старший матрос Елизаров туманли тонготар тутунлари ичидаги диққат билан узоқларга тикиларди. «Сузәётган нарсани кўряпман», деб доклад қилди у командирга. Команда берилади ва кема кўринган обьектга томон яқинлашади. Ўн, саккиз, беш кабельтили масофа...

Сувга чуқур ўрнашган қайиқ тобора аниқ намоён бўла бошлайди. Бир неча минут ўтар-ўтмас қайиқ қўлга олинади. Бирров боқишининг ўзиёқ, денгизчилар қаршисида давлат чегарасини бузувчилар турганлигини аниқлаш мумкин эди.

Мана буниси энди денгизда эмас, океанда. Чегара кемаси локаторининг нури сув юзида кўринган нарсаларнинг ҳаммасини аниқ белгилайди. Локатор экранида белги пайдо бўлди. У тобора аниқ кўрина бошлайди. Штурман командирга: «Нишон кўриниди» деб доклад қилади. Кема юришни обдон жадаллатади, нишонга тез яқинлашиб боради. Бу тўқнашув қуюқ туманли ярим тунда бўлиб, чегара бузғунчи-кема учун сира кутилмаган бир ҳол эди. Совет чегарачи кемасини кўриб қолган бузғунчи кема капитани хавфли маневр қила бошлайди, у ўз кемаси бортини мўлжалга тўғрилаб кўндаланг қилиб қўймоқчи бўлади. Кема ҳалок бўлиши, у билан бирга

жиной далиллар — асбоб-ускуналар, ҳужжатлар ҳам йўқ бўлиши керак. Йўқ, бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Усталик билан маневр қилиб, чегарачи кема чет эл кемасининг думи томонидан унга тақалиб боради ва бошқа старшина — Симагин билан 1-даражали старшина Дорохов унинг бортига чиқиб оладилар.

Совет давлатининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиб, чегара қўшинларининг денгиз қисмлари совет терриориал сувларидаги денгиз бойликларини ваҳшийларча таламоқчи бўлган жуда кўп чет эл кемаларини қўлга туширдилар.

«Давлат дарбозаси»да хизмат қилувчиларнинг шахсий составидан (чегарачи қўшинларда кўпинча контрол ўтказувчи пунктни шундай деб атайдилар) юксак ҳушёрлик ва зўр маҳорат талаб этилади. Ҳозирги замон контрабандистларининг ҳийлалари чиндан ҳам беҳаддир.

Қонтрол-ўтказувчи пунктларнинг бирида офицер

корнишдан ўтказасинб, корижий түрнисга эвтоаср берди. Қўринишдаи соппа-сог кишию, аммо пегадир қўлтиқ таёқ билан юради, қўлтиқ таёқ билан юриши эса қандайдир сунъиброқ. Бу ҳол контролёрини ҳушёр қилиди. Текширишда шу нарса аниқландики, қўлтиқ таёқ мутлақо қўлтиқ таёқ эмас, балки контрабанда буюмларини олиб ўтиш учун ўзига хос контейнер экан. Унинг ичида йирик миқдорда пул яширилган эди. Контрол-ўтказувчи пунктларнинг иши кузатувчаникни ҳам, сабот-матонатни ҳам, дадилликни ҳам талаб этади. Бугина эмас, контролёrlарга турли хил тазиқлар ўтказилади, ашаддий антисовет мазмундаги суҳбатларга соқчиларни тортишга уриниш ҳоллари бўлади.

Баъзи ҳарбий хизматчиларни тўғридан-тўғри Ватанга хиёнат қилишга кўндириш, жилла бўлмаса, хизматга тегишли бўлмаган алоқа ўрнатишга уриниш ҳоллари учраб турди. Контрол-ўтказувчи пунктларда турли воқеалар, чунончи турли хил хайр-садақа беришга уриниш-

дан тортиб, түгридан-түғри дүқ-пўписа, ҳақорат қилиш, сўкиш кабп ҳоллар бўлиб туради.

Бироқ бундай хатти-ҳаракатлар қатъий ва совуққонлик билан зарбага учрайди. Мана бир мисол, Архангельск портига Фарбий Германиянинг «Кристиан Матисен» кемаси келди. Теплоход командаси аъзоларидан Бирремен ва Гартшвейцер трапда турган соқчи В. Симошиндан ҳеч нарса кўрмагандек «кўз юмиб» туришини илтимос қилгаплар, чунки улар кемадан баъзи нарсаларни олиб тушмоқчилар, бунинг эвазига эса унга яхши ҳақ тўламоқчи бўладилар. Соқчи эса чет эллик денгизчилар совет портида тегнишли тартиб-қоидаларга риоя қилишларини кузатиш учун бу ерга қўйилганлигини ва у хорижийлар хайр-садақасига муҳтож эмаслигини айтган. Бирремен ва Гартшвейцер «осонгина пул ишлаб олиш»дан воз кечган кишини кўриб ҳайрон қолишган, улардан бирортаси унинг ўрнида бўлганда эди, пул учун хизмат кўрсатган бўларди. «Нега бу руслар бунчалик қайсарлар-а, — деб очиқдан-очиқ ҳайрон қолади. Бирремен,— Америка, Филиппин, Канада қирғоқларида бундай пул ишлаб олишдан хурсанд бўлардилар, лекин бунда ҳеч ким бизни рад этгани йўқ. Биз ҳам ўз бизнесимизни қиласардик». Лекин Симошин ўз гапида турди, ҳар қандай совет кишиси ҳам пул деб жиноятга юз тутмаслигини яна бир карра айтди. Бу гаплардан ранжиган Бирремен билан Гартшвейцер тутақиб кетиб, Симошинни ҳақорат қила бошладилар. Осоишталикини сақлаган В. Симошин причал бўйича чегарачи наряд навбатчиси сержант А. Красновни чақириди, у чет элликлардан ҳақорат қилмасликни талаб этди. Лекин бу ҳақоний талаб жиловсиз безориларни ҳовридан туширмади. Энди улар портда турган совет кишилари эътиборини тортишни кўзлаб, советларга қарши гапларни айтиб, қичқира бошладилар. Чегарачиларимизга милиция ходимлари билан биргаликда безориларнинг бу душманлик хуружлари олдини олишга тўғри келди. Улардан бири кейинчалик халқ суди томо-

нидан олти ойга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Чегара жангчилари Ватанимиз чегараларининг муқадаслигини таъминлаш борасидаги ўзларининг фахрий ва масъулиятли вазифаларини ҳамиша маҳаллий партия, совет ҳамда комсомол органларининг, бутун совет халқининг актив қўллаб-қувватлаши билан ҳал этиб келдилар ва келмоқдалар. Бу жанговар дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги кунларда мамлакатнинг чегара районларида кўп сонли ихтиёрий халқ дружиналари ишлаб турибди.

СССРнинг чегара районларидаги аҳоли жонажон совет чегараларини қўриқлашни ўз ватанпарварлик бурчлари деб ҳисоблайдилар, доим юксак ҳушёрлик кўрсатадилар ва дадил, ҳатто баъзан ҳаётларини ҳам тикиб, чегарачиларга катта ёрдам берадилар.

Чегара посёлкаси — Корневода яшовчи халқ дружинасига яширинича ўтиб олган чеңгаш борадиларни суга яширинича ўтиб олган чең ол разведкасиний агенти Форносовни тутиб олди.

Давлат чегарасидан ўтиб олгач, Форносов Корнево посёлкасига келган ва болалардан автобус тўхтайдиган жойни кўрсатиб қўйишларини плтимос қилган, бу илтимос нарироқда турган Троицкийни ажаблантирган, ахир у киши ўзи сўраётган бекатдан унча узоқ эмас, бор-йўғи бир иecha қадам нарида турибди-ку. Троицкий нотаниш кишининг олдига борди ва қатъий равища унинг ҳужжатларини талаб қилди. Ҳужжатларини текшириб кўрган бўлса ҳамки, у хотиржам бўлмади ва шубҳали кишини почтахонага олиб келди, бу ерда дружина командири Фроликов ҳамда унинг хотини, шу жойдаги мактабнинг директори, бор эдилар. Улар заставага телефон қилиб айғоқчини чегарачи отрядга топширишди.

Дружиначи Апрелков чегара яқинидаги колхозда асаларичи бўлиб ишлайди. У душман айғоқчиларини ахтариш ва қўлга туширишда чегарачиларга бир неча

бор ёрдам берган. Бир маҳал у кечқурун асалари қутиплари қўйилган ерда нотаниш кишини кўриб қолди ва диққат билан пойлади. Нотаниш кимсани тўхтатиш, текшириб кўриш керак эди. Лекин қандай? Уйлаб кўришга вақт зиқ. Бу ердан чегарагача бир-икки қадам йўл, у киши фойиб бўлиши мумкин.

— Ҳой, гражданин, тамакингиз борми? — нотаниш кишини чақирди Апрелков.

У киши тўхталиб, бир дақиқа қадамини секинлатди, кейин асаларичига ўгирилди, у эса мулойимлик билан: «Икки кундан буён чекарга ҳеч нарсам йўқ. Бу эса бизга оғайни — азоб», — дея гапини давом эттирди. Чекишга энди улгурганида, бирдан буталар пчидан яна иккитаси чиқиб қолди.

— О, кўриб турибман, сизлар бу ерда анча экансизлар-ку! Қаерга кетяпсизлар? — сўради асаларичи.

— Ов қилгани келган эдик, энди уйга қайтаямиз, — жавоб берди биттаси. — Дарвоҳе, X. га боришга қайси йўл яқинроқ эканини айтиб бермайсизми? Биз бу жойларда биринчи марта бўлишимиз...

— Йўлни кўрсатиш мумкин. Ҳу ана. — Апрелков қўли билан тепаликка борадиган торгина сўқмоқни кўрсатди. — Ҳеч қаёққа бурилмай ўша йўлдан бораверинглар. Катта йўлга чиқасизлар...

Асаларичи уларни сохта йўлдан юборганини нотаниш кимсалар пайқашмади. Учаласи яқинроқдаги тепалик орқасига ўтиб, кўздан фойиб бўлиши биланоқ, дружиначи эски ов милтифини олиб, апил-тапил улар орқасидан йўл олди. У туни билан тепалик ва жарликлар бўйлаб чегара бузувчилар кетидан бораверди.

Тайгадаги кичкина, овлоқ посёлканинг чеккаси кўринган вақтда тонг ёриша бошлаган эди. Асаларичи таниш учта колхозчи-дружиначининг деразаларини аста тақиллатди ва улардан «меҳмонлар»ни кўздан қочирмасликларини цитимос қилди.

Айғоқчилар посёлкадан чиқиб кетишга улгурмасла-

риданоқ, уларшы дружиначилар құлға түширдилар. Мамлакаттамыз чегара районларидағы күпчілік мактабларда чегара соқчиларининг ёш дүстлар отрядлари актив ишлаб турибди. Болалар хавфшы жиностычиларни заарасизлантиришда жанғыларга күп ёрдам бердилар.

Озарбайжондагы Астара 1-сон ўрта мактабининг 9-сынф ўқувчиларидан Ғулом ва Фируз Мамедовлар, Низоми Искендеров ва Шахин Дағуровлар кечки пайтномаълум бир кишини күріб қоладилар. У болалар олдига яқинроқ келиб, улардан чегарага борадыған йүлни сүрайди. Ана шунинг ўзиәк шубҳали экантигини күрсатып туради. Ғулом Мамедов номаълум кимсаның құздан қочирмаслықни дүстларига таъкидлаб, ўзи чегара заставасыга шошилди. Чегарадан ўтиб кетишни күзлаган киши ўз вақтида құлға олинди.

Совет гражданлари чет мамлакатларга боргандарыда үлаплан юксак үшіншілік соғыруады. Ен өзіншіліктердің талаб этилади.

Чет элларда улар Совет Иттилоқининг муносаб вакиллари сипатида намоён бўладилар.

Чет мамлакаттарининг меҳнаткашлари улар сиймосида юксак коммунистик идеалларни ташувчиларни, тинчлик ва халқлар дүстлигининг актив тарафдорларини кўрадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, империалистик давлатларининг маҳсус хизмати совет гражданларига қарши актив қўпорувчилик ишларини уюштиради, бунинг учун каттагина моддий ва техника воситаларини сарфлайди, турли-туман швогарлардан ва фирибгарлардан фойдаланади.

Бироқ совет ватанпарварлари разведканинг барча ҳийла-найраңгларини ўз вақтида пайқаб оладилар, ва барбод этадилар.

Совет олим Санидзэ Европадаги капиталистик мамлакатлардан бирида халқаро илмий конгресседа доклад қилишга тайёргарлик кўраётган эди. Сағарга

жүншашидан бир неча ҳафта олдп Санидзе ишлайдигай институтда чет эллик илмий делегация бўлганди. Делегация аъзоси Хильми Санидзе билан ташнишиб, бўла жак конгресс қатиашчилари унинг шутқини зўр қизиқиши билан кутаётганликларини унга айтган, чунка у ўзининг янги қимматли илмий хуносаларини баёни этади, унинг — Санидзенинг нутки, гўё конгрессини безайди.

Санидзе конгресссда Farb мамлакатларининг айрим делегатлари томонидан алоҳида эътибор қозонди. Санидзе нутқидан кейин, эртасига унинг олдига иомерга ҳалиги ташниши Хильми билан Крумель деган шахс келади. Хильми у билан Санидзени ташниши ради, Санидзенинг жуда катта иатижага эришган проблемаси Крумелни гоят қизиқтираётганлигини айтди. Уз навбатида, Крумель ҳам Санидзе докладига қойил қолганлигини изҳор қилди, ундан хусусий тарзда «докладнинг айрим аспект донрасини кенгайтириш»ни илтимос қилди ва кейин бир неча савол берди, бу саволлар ҳақиқатан ҳам «доклад донрасини кенгайтирди», лекин энди махфий соҳага чаңг солди. Санидзе бу саволлар унга бекордан-бекорга берилмаётганини фаҳмлади. Уз навбатида у ҳам ким билан алоқа қилаётганини текшириб кўрмоқчи бўлиб, Крумелга ихтиносига онд бир қаича саволлар берди. Кўриниб турибдики, Крумель фандан йироқда. Санидзе «доклад донрасини кенгайтира» олмаслигини меҳмонларига қатъни айтди. Крумель шу заҳотиёқ гапни фаҳмлаб буидай деди: «Майли, агар сиз ҳозир қўшимча ҳеч нарса айта олмасангиз, буни кейинроқ, янги хуносалар олишинингизга кўра, бажаршишигиз ҳам мумкин. Сизнинг бизга айтганларнингиз ҳақида ҳеч ким билмайди. Биз ҳам унинг эвази тариқасида ишингизни енгиллатиш учун сиз расмий йўл билан ололмайдиган махфий материалларни бериши мумкин. Жуда қисқа муддат ичидан сиз катта мувваффақиятларга эришасиз, яна ҳам катта шуҳрат қозонасиз, Farbda эътиборли дўстлар орттирасиз, бу эса сизнинг

халқаро илмий обрүйингиз ортишига ёрдам бўлади. Санинг, фан манфатлари йўлида ўз кучларимизни бирлаштирайлик».

Унинг сұхбатдошлари нималарга ишора қилаётганини тушунган Санидзе, ўз илмий ишлари учун зарур бўлган барча ахборотларга эга эканини, ҳеч қандай маҳфий материалга муҳтож эмаслигини ва, ўз павбатида, унинг давлати томонидан расмий равишда эълон этилмагунча бирор кимсага маълумот беришга ҳеч қачон рози бўлмаслигини айтади. Яна ҳам аниқроқ ва қатъийроқ қилиб, у хорижийларининг чиққиб кетишларини ҳамда уни тишқўйинишларини сўрайди. Содир бўлган ҳамма воқеа тўғрисида совет делегация раҳбарини хабардор қиласди.

Худди кутилганидек, чет эллик иғвогарлар Санидзени тинч қўймадилар, улар фақат ўз тактикаларини ўзгартирилар, холос. Кўрдиларки, хушомадгўйлик ҳам, сотиб олиши ҳам «ин бермаяпти» улар энди бундан бўлганинг қараша-қарши томонига — ифлос иғвогарларнинг ўтдишлар. Ўйиндан чиққан Крумель ўрнига Лондондан маҳсус олиб келинган ватан хонини Финкельштейни ишга соладилар, у Санидзе билан бир оз тапиш эди. Финкельштейн Санидзенинг ёлгиз қолган пайтини пойлаб, унинг олдига келади, уларнинг танишлигини эсга солади ва уни сиёсий мавзулардаги гапларга торта бошлайди, бунда Англиядаги ўз турмушининг яхшилигини мақтаб, Совет Иттифоқига туҳматлар қиласди. Санидзе ўз сұхбатдошларигит жиловини тортиб қўяди ва у бекорга вақт ўтказаётганини айтади. Бунга жавобан Финкельштейн дўқпўписага ўтади, гўё у Санидзенинг обрўини бир пул қиласиган материалларга эга ва у СССРда туриб америкаликлар учун ишлашга розилик бермаса ёки чет элда қолмаса, ўша материаллар эълон қилинажагини таъкидлайди.

Санидзенинг, энди бу иғвогарга қарши қатъий чора кўрішдан бошқа ҳеч иложи қолмаганди. У яқинроқда турган совет делегатлари орқали конгресснинг ташкилот

комитети вакилини чақыртирди ва иғвогарни олиб кетишларини ҳамда ўзини чет эллик ёлловчилардан қўриқлашларини талаб этди. Финкельштейн бинодан чиқиб кетди ва бошқа кўринмади. Хильми ҳам, Крумель ҳам бошқа келишмади. Лекин уларнинг кимлиғига маълум бўлди: Хильми — Марказий разведка бошқармаси (ЦРУ)нинг пулли агенти, Крумель оқ эмигрантнинг ўғли, чет элдаги антисовет ташкилотнинг актив аъзоси экан.

Мана, яна мисол.

Фарбий Германия корхоналаридан бирида совет инженери Мияев стажировкадан ўтарди. Йшлаб чиқарни билан танишириш учун унга инженер Икман биркитилган эди. Икман Мияевни ўзига қаратиб олишга уриниб, унга ҳар жиҳатдан хизмат кўрсатар, уйига ва шаҳар атрофига биргаликда сайд қилишга таклиф этарди. Икман унга ҳарбий обьект фонида фотосуратга тушишни бир неча бор таклиф этётганига Мияев эътибор бериб юрди. Бу огоҳлик Икманинг гап орасида «Фарбдаги турмуш тарзининг афзалликлари» ҳақида такрорланадиган иборалари ҳам Мияевни ҳушёр қилди.

Тез орада Икман Мияевга баъзи китобларни ўқиб чиқишини ва агар маъқул бўлса, уларни қариндошлари ҳамда дўстлари ҳам ўқишлиари учун уйига юборишини таклиф этди. Китоблар ашаддий антисовет руҳида эди. Икманинг таклифлари Мияевни разаблантириди ва у иғворгарни ўзидан нари олишларини ҳамда ишлаши учун нормал шароит яратишларини талаб қилди. Мияевнинг норозилиги ўз кучини кўрсатди. Икман заводдан ғойиб бўлди, бошланган иғворгарлик ҳам барбод бўлди, чунки совет инженери душман ниятларини тезда пайқади ва уларнинг олдини олди.

Совет савдо делегацияси Жанубий Америка мамлакатларида бирига борди. Делегация ўша мамлакатга борган кунидан бошлабоқ, у билан контрразведка ва полиция шуғулланишга киришган. Аниқланишича, делегацияга биркитиб қўйилган ўша мамлакат Ташқи ишла-

**Ди министрлигининг ходими Регейронинг асосий вазифа-
варидан бири таржимон О. Шитовани СССРга қайтиб
вестыасликкә ёки разведка хизматига тортишга күндириш
мақсадида уни аврашдан иборат бўлган.**

Регейро Шитовага хушомадгўйлик қилган, илтифот-
лик, эътиборлик ва хушмуомалалик билан уни ўзига
заратмоқчи бўлган. Разведканинг маслаҳати билан
журналлардан бирида Шитованинг портрети босиб чиқа-
рилди. Портрет остида берилган текстларда Шитова
эрга тегиш тўғрисида анчагина эътиборли ёш йигитлар-
дан бир неча бор таклифлар олганлиги айтилган. Айни
вақтда Регейро Шитова ўзини қандай тутаётгани, мақ-
товларни, рекламаларни, атрофда кўрганиларни қандай
цабул қилаётгани ва ҳоказоларни диққат билан ўрганиб
борди.

Бир неча вақтдан сўнг, ўз ишларининг йигитлан кели-
шига ишонган Регейро Шитовага: «Сиз ажсийн таржи-
монсиз ва бизнинг мамлакатимиизда яхшироқ ҳақ тўлана-
диган хизмат олишингиз мумкин эди» деган. Лекин
Извогарнинг барча айёргилигини О. Шитова тайқай олди
ва тўғри баҳолади, у тезда зарбага учради. Совет
делегацияси қатъни норозмлик эълон қилди ва Регейро
унинг атрофиндан изсанз гойиб бўлди.

Англияга борган совет туристлари группаси состави-
да ленинградлик ишчи Кисин ҳам бор эди. Англия конт-
разведкаси полиция кўмагида Кисинга нисбатан изво-
гарлик ўюштиришга аҳд қилди. Извогарлик, гёё Кисин
туристлар ичida энг ёши бўлиб, у контразведканинг айё-
рона иғвосини фаҳмлай олмайди, қўрқади ва уларнинг
тўрига тўшиб қолади, деган план асосига қурилган эди.

Кисин ўз ўртоқлари билан бирга меҳмэнхонада тур-
ди. Группа Англияга келганининг тўртинчи куни, кечки
овқат вақтида, меҳмонхона ходимларидан бири унга
шурожаат қилиб, катта пул эвазига совет чет эл паспор-
тини ва бошқа ҳар қандай совет ҳужжатларини сотишни
таклиф этди. Табиийки, буни Кисин фад җилди.

Эртаси кун эрталаб соат 6 да Қисин турган хонага бир неча полиция ходими келиб, уни үйготишди ва полиция маҳкамасига боришини таклиф этишди. Улар ўз даъволоварини гүё Қисин жиший жавобгар сифатида полиция томонидан излангаётгани билан изоҳлашди.

Қисин ўзини йўқотмай, дарҳол туршетлар группасигина раҳбарини уйғотди ва воқеадан уни хабардор қилидди. Группа раҳбарни дарҳол совет элчиҳонаси вакилларини чақирди. Полиция чиновникларни етиб келган элчиҳона ходимларига Қисиннинг полицияига боришини қатъий талаб қиласидилар, деб яна бир бор айтнишди.

Полицияяда совет элчиҳонаси ходимларига фамилияси, исми, отасининг иоми ва туғилган йили Қисиннинг ўхшаш киши ҳақида контрразведка томонидан берилгани маълумот кўрсатилди. Совет вакиллари контрразведка маълумоти билан Қисин паспортини диккат билан солиштиришлари натижасида баъзи деталлар бир-бирига мос келмаслигини аниқладилар ва полициячиларниң даъзоси потўрнилигига икror қилдилар. Полициячилар ўз «ачиниарли хатолари»ни тан олишга мажбур бўлдилар ва бекорга безовта қилганликлари учун узр сўрадилар.

Бу ва бошқа кўпилаб мисоллар империалистик разведка, қўпорувчи идеологик марказлар, чет эл антисовет ташкилотлар ва душман элементлариниң барча уринишлари ҳамиша муваффақиятсизликка учраётганини кўрсатиб турибди.

ҲУШЁР БУЛИШ — СССР ГРАЖДАНИНИНГ МУҚАДДАС ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИ

Совет халқининг сиёсий ҳушёрлиги Советлар мамлакати дўшманларининг қўпорувчилик фаолиятига қарши муваффақиятли курашда, айниқса бу фаолият активлашган шароитда, сўзсиз ва муҳим шарт ҳисобланади. Совет гражданларининг асосий кўпчилиги бу ҳақиқатни якши биладилар.

Бироқ мәхнаткашларниң жуда оз қисми орасыда күнгилчан ва бепарво кишилар учраб туради. Баъзилар тахминан: Совет Ыттихоқи ва социалистик ҳамдүстлик даги бошқа мамлакатлар хұжалик ҳамда маданий қурилишиң барча соқаларидә жуда катта ютуқларга эришгән эканлар, империалистик разведканинг ҳар қандай фитна-фасодлары әндилікда уларға жиілдій зарар етказа олмайды деб ўйлайдылар. Бу ўта яңгилиш фикр. Душман маккор өткізу үшін құппорувилик фаолиятты үслубларини мұкаммаллаштырыб боришини ҳамма ёдда тутиши керак. Шуншындың учун ҳам совет халқларининг ҳүшәрлиги бўшашмасын, аксионча ошиб бориши лозим.

Коммунистик партия, комсомол, касаба союз ва Совет давлати органлари мәхнаткашлар ўртасыда олиб бораётгән ғоявий-тарбияттың шарттар Совет нақожаннан сиңесе ҳүшәрлигини янада ошириш асосларининг асоси ҳисоблапади. Марксизм-ленинизмнинг улуг ғоялари ҳар бир кишини совет ватанпарварлығы ва душманга нисбатан нафрат рухида тарбияламоқда ҳамда шу билан буржуа идеологиясининг ҳар қандай биқиқ йўлига ғөв солмоқда. Буржуа идеологияси ва ахлоқининг ҳар қандай күриншіларига қарши, кишилар оигида сақланыб қолган капитализм қолдикларига қарши муросасиз, қатъий ҳамда аёвсиз кураш олиб боришда совет кишилари ана шу ғояларга доимо амал қилишлары мұхимдир.

Улуғ Ленин бизга «Бизнинг вазифамиз — капиталистларининг ҳамма қаршилигини енгішдан иборат фақат ҳарбий ва сиёсий қаршиликин эмас, балки энг чуқур ва энг күчли бўлган мафкуравий қаршиликин ҳам енгішдан иборат»¹, деб васият қилган эди.

Душманларимиз совет халқига қарши идеологик курашыннан нозик методларини кўллаб активлаштираётгән, ўз пропагандасыннанг реакцион мөнненетини ёлғон-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 388-бет.

дакам плмий ёки ҳатто марксистик фразеология билан яшираётган ва ииқоблаётган ҳозирги шароитда буржуа идеологияси, турли күринишдаги ревизионизм ва оппортунизмни қатынй фош этиш ииҳоятда зарур. Коммунистик қурилиш айрим участкаларидағи баъзи камчиликлар ҳақида бизнинг матбуюти мизда ёритилаётган танқидий фикрларни гүё социалистик қурилиш учун хос бўлган типик воқеалар деб совет ҳаётини бузиб кўрсатаётган идеологик диверсантларниң ҳар бир ҳаракатига зарба бериш керак. Вазифа эксплуататорлик тузуми, шунингдек империалистик давлатларниң агрессив ташқи сиёсатини ҳимоя қилишга даъват этилган ҳозирги замон буржуа доктриналари ва назарияларниң фанга қарши моҳиятини чуқур ҳамда ҳар тарафлама очиб ташлашдан иборат.

Коммунистик партия таълим берганидек, ёшлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш алоҳида эътиборни талаб этади, чукин буржуа пропагандаси бутун кучи ва воситалари билан ёшларга салбий таъсир этишга, ёшларда коммунистик қурилиш истиқболларига шубҳа туғдиришга, маҳаллийчилик кайфиятига одатлантиришга уринмоқда. Қундалик ҳаётимиздан олинган конкрет материал, фактлар мисолида совет халқининг коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эришган жуда катта муваффақиятларни пропаганда қилиш, янги жамият қуришда ёшларниң ролини кўрсатиш керак.

Совет жамиятини бизга ёт бўлган таъсирлардан сақлаш билан бирга империалистик давлатларниң жуда кучли пропагандистик машинаси ҳамма вақт ҳам бекорга ишламайтганлини бир дақиқа бўлсада унутмаслик лозим. Бизнинг жамиятимизда шундай кишилар ҳам учраб турадики, бундайлар гоявий етук бўлмаганиликлари сабабли буржуа пропагандасининг туҳмат ва демагогиядан иборатлигининг фарқига бормайдилар ва баҳтга қарши унинг қармоғига илиниб қоладилар. Бундай кишиларда сиёсатга қарши кайфият пайдо бўлади,

жилол ишлагилари келтімдің қолады, бояр одатлары, ахлоқиң бузуқлық ва бошқа иллаттар юзага келадын, булар-жатто жиносты олиб келиши мүмкін.

Биздинг мамлакатимизда жиностининг олдини олиш үчүн кураш Коммунистик партияның программасын талабынан Совет давлатининг кундалык ғамхұрлығы ұсисблайды. Бу мүхим ва катта ишда профилактика, жиностининг олдини олиш биринчи даражалы ажамияттаға етады. Жиностининг олдини олишга қаратылған тарбиязвий ишде жамоат ташкилотлари, мәдениеткашлар колективларының ролі каттадыр. Тажриба жамоатчилердин фикри, ўртоқтарча танқид ҳақиқиеттің йўлдан адашган кишиларга жуда катта таъсир кўрсатишини тасдиқламоқда.

Белоруссиядаги институтлардан бирининг партия ташкилоти ва жамоатчилигига шу нареа маълум бўлдики, студентлардан Коршунов ва Соловейчик ўз таништары бўлғандай сенсацияга қарши тұхмат фикрлар айталилар, чөн энгизилар олдида гиз чўқадилар, ахлоқиң бузуқ яшайдилар ва ўз атрофиярга тарафдорлар тортишига уринадилар. Коршунов ва Соловейчик сўзсиз буржуза идеологияси таъсирига берилгандыларын ашиқланды. Илгитларининг бу ахволдан қутулишларига ёрдам бериш үчун уларга профилактика харakterда чора кўришига қарор қилишди. Институтда кең жамоатчилек иштирокида комсомол комитетининг йигилиши ўтказилди. Коршунов ва Соловейчиктерин ахлоқи қаттиқ қораланды. Никала студент ўз қарашлары ва ножъя хатти-харакатларининг хато эканыгини тұла тан олишди. Улар чин юракдан тавба қилишди.

Кейинчалик улар яхши ўқындыған, коллективининг жамоат ҳаётига аралашадын бўлиб қолишиди. Диплом олгаилардан кейин орадан бир йил ўтгач инженерлар Коршунов ва Соловейчук ўз иш жойларидан институтта мактуб юборишиди. Уларниң ҳар бири ўзларига инсон-парварлар муносабатда бўлғанларлари ва ўз вақтида ўртоқлик ёрдами кўрсатганларлари үчун ўқитуачилар

хамда студентларга, шуннингдек хавфсизлик органлари ходимларига миннатдорчиллик билдирганлар.

Москвадаги заводлардан бирининг кирабериниң советларга қарши бүр билан битилган ёзув найдо бўлиб қолди. Завод ишчиларининг ёрдамида бу слесарь Мартиновниң қўлган иши эканлиги аниқланди. У заводда ўларча дангаса ва сиёсий қараши қолоқ қиши эди.

Завод ишчилари Мартиновниң қўлмишини муҳокама қилиш учун йигилиш чақиришини талаб қилдиlar. Йигилишда етти юзга яқин ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар иштирок этишди. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Мартиновниң қўлмиши учун шармандасини чиқаришди. Умумий фикрга қараганда унинг шармандалти қўлмиши бебошлиги, ичиши, колективдан ажратиб қолганлигига эди. Йигилишда Мартиновниң ўзи ҳам сўзлади. У қўлмишидан мінг пушаймон бўлиб, яхшигина «ишчи ҳаммоми»дан чиққандек бўлгани ўзига фойда келтирганини айтди. Йигилишдан кейин Мартинов мутлақо яхши томонга ўзгарди ва ҳозирда ҳам ўша завода ҳалол меҳнат қўлмоқда.

1971 йилда Ўкраинанинг Львов обlastидаги қишлоқлардан биринда яшовчилар ўртасида катта профилактика иш олиб борилди. Улар ўзларини «озод казаклар» деб атаб ва бир груплага бирлашиб жамиятга қарши ишлар билан шуғуллана бошлаганлар. Дарҳақиқаг, бу групнинг иштирокчилари асосан спиртли ичимликларга бериплиб кетиш натижасида бир-бирларни билан яқинлашиб кетганликлари эҳтимолдан холи эмас эди. Лекин улар тез-тез йигилишадиган ва жамиятга қарши томонга оғиши тобора кучаядиган бўлиб қолди. Групнадаги шахслар жамоат тартибини бузар, қишлоқ коллективлари ҳаётига парокандалик, спёсатга беларволик билан қараш, социалистик ҳаёт нормаларига ҳурматсиз муносабатда бўлиш элементларини олиб кирад эдилар. Миннатдорчиллик ибораларини ҳам ишлатардилар. Иш шунга бориб етдики, групга иштирокчилари советларга

қарши ҳаракат қилишгача ўтишлари эҳтимоли пайдо бўлди. Партия ва комсомол органлари вақтдан фойдаланиб, «озод казаклар»нинг хулқини жамоатчилик муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар. Қишлоқда яшовчиларнинг умумий йигилиши бўлиб, унда 150 дан ортиқ киши қатнашди. Партия ва совет активлари вакиллари, зиёлилар, колхозчилар, барча ҳамқишлоқлар группа қатнашчиларига яқдиллик билан қарши гапирдилар, «озод казаклар»ни тартибга чақириб, бордио улар тузалишмаса қишлоқ аҳолиси уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида тавсия ёзишларини айтишди. Айбдорлар тавба қилиб, ҳалол ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Совет жамиятни коммунизм сари тобора илгарилаб борган сари профилактика, огоҳлантириш ишлари кучайиб боради. Профилактика тадбирлари системасининг таъсирини ошириш учун айрим гражданларни жамоатчиликка қарши ҳаракатлар қилишга ботинишиларнинг сабабларини ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш, қандай сабаблар натижасида жиноят содир бўлганини ҳар бир конкрет шаронтда бирма-бир аниқлаш керак. Одатда жамоатчиликка қарши белгилар аста-секин кўпайиб боришини ҳатто кишининг ўзи сезмай қолади. Бордио, ўз вақтида уларининг олди олинмаса, у ҳолда улар тобора очиқ салбий социал характер касб этиб, охири бориб кишиларни сиёсий тутуруқсизликка олиб келади. Бундай шароитда инсон яшайдиган ва ишлайдиган колектив катта аҳамиятга эга. Баъзи кишилар жамоатчиликка ва советларга қарши йўлга тойиб кетгандарида, уларда сиёсий тутуруқсизлик ёки хунук хатти-ҳаракатлар пайдо бўлганда уларнинг атрофидаги одамлар ҳам эътиборсизлик билан қараганликлари туфайли айбдор қолганликларини тажриба кўрсатмоқда.

Ҳар бир меҳнат колективида юксак ўртоқлик руҳи ва талабчанлик кенгайиб бориши ҳамда қўллаб-куватланиши, камчиликларни ишчанлик ва принципиаллик би-

лан танқиңд қилиш ўти сўимаслиги жуда муҳимдир. Ҳеч ким ўз гражданлик бурчига эътиборсиз қарамаслиги ва жамиятимиз баъзи бир аъзоларишнинг ишёқмаслиги, интизомни бузиши, ахлоқизлнк қилишини сезмаслиги мумкин эмас. Жамоатчиликка қарши ҳар қандай кўришишларга нисбатан муросасиз бўлиш вазияти совет кишилари сиёсий ҳушёрлигини оширишининг асосий шарти ҳисобланади. Мамлакат ичида, шунингдек чет мамлакатларда чет элликлар билан мулоқатда бўлганда юксак ҳушёрлик ниҳоятда зарур. Совет кишилари меҳмондўстликлари билан ажралиб турадилар. Улар чет элдан келган меҳмонларни мамниуният билан кутиб олиб, меҳмонларнинг Советлар мамлакати ҳаётини билан ҳар томонла ма танишишлари, халқимизнинг тиҷиҷ, яратувчилик меҳнати ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишлари учун ҳамма имкониятни яратадилар.

1970 йилда Киевга Америка туристлари группаси келди, булар орасида университет ўқитувчиси Жерри Колинги ҳам бор эди. Кўпчнлик туристлар бизнинг мамлакатимизга нисбатан ичи қоралик билан қарашар, советларга қарши фикр айтишар, кўрган фактларининг ҳаммаси ҳақида кўп тахминий мулоҳаза юритишарди.

Колинги билан кўчада танишиб қолган совет граждани Гаева шошмасдан ва ишонарли қилиб америкаликларнинг туҳматдан иборат даъволари билан келишолмаслигини айтди, бизнинг мамлакатимиз ҳаётини ҳақида гапириб берди, унга Киевнинг янги қўрилишларини, дижкатга савовор ерларини ва бошқаларни кўрсатди. Колинги гарб пропагандаси таъсири натижасида ёзида пайдо бўлган дастлабки фикрини ўзгартириди. У кўп нарсаларни сўради, кўп ерларни суратга олди. Колинги Қўшма Штатларга қайтгач, Гаевага хат йўллади, жумладан хатда бундай дейилади: «Сизларнинг революциянгиз куни билан сени табрикламоқчиман. Бизда Совет Иттифоқи ҳақида унча билишмайди, билганларни ҳам сизларга бориш нијатида бўлмаган кишилардан эшитишган.

Менниң студенттарым СССР билан қызықишағадын бүлиб қолищдіп. Кейинги ҳафтада мен уларта ўз дипозитивларымни күрсатаман.

Мәхмөндүстликни нотүгри тушуныш орқасыда бизниң мамлакатимизга душманлық ниятты билан келган чет элликтарга қақшатқыч зарба бермаслик, ҳар бир чет элликтин фақат дүст деб билиб, улар билан ҳаддан ташқара очиңчасын гаплашиш ҳолтари ҳам бүлганилғи маълум. Чуопопчи қуйидаги факт ана шуидан далолат беради.

Қыргызстандағы корхоналардан бирининг ходими Рудин Мұнисқада командировкада бүлганида француз граждани Бенуа билан танишиб қолиб, у билан ресторандар, театрларга борган, мәхмөнхона хонасыда учрашган. Француз эхтиёткорлық билап зиддан, аммо қатын Рудиндан разведка маълумотлари олишга ҳаракат қилған. Рудин француз билан учрашганида қаерда ва күм бўлиб иштеше, қарашарга ва пима мақсадда командировкага бўришин ҳақида сўзлаб берган, ўзи учрашган амалдор кишиларининг фамилиясини айтгаи, гёё ўзига катта ҳуқуқ берилганилғи тўғрисида мақтанды. Рудин корхона ишлаб чиқарышин ўзлаштириши лозим бўлган буюмлар нусхасининг фотосуратипи французга кўрсатган. Рудинда корхона шартли почта адресининг ёзувсиз бланкаси бўлиб, французга бланка қаерларга пшлатилишини тушунирди, кейин бу бланкалардан Бенуа билан ўйнаган картасининг ҳисобини ёзиб борниш учун фойдаланды. Бундай енгилтаклик ва бепарвонликни кечириб бўлмайди.

Совет гражданлари ўз Ватанидан ташқарыда бўлганларида юксак сиёсий ҳушёрлик кўрсатадилар. Келтирилган бир қанча мисоллардан кўрининб турибдик, совет гражданларин империалистик разведка провокациясини ўз вақтида пайқаб, унинг олдини олмоқдалар.

Бошқачаси ҳам бўлиб қолади: чет мамлакатларга борган баъзи совет гражданлари у ерда ўзларини яхши тутоялмайдилар, совет кишисин деган юксак номга доғ тунирадилар, иғвогарлар олдида ўзларини йўқотаб қўядилар,

құрқоқлық қыладилар, шво ва дүк-нұйисса йұли билан империалистик разведка, онда-сонда бұлсада, совет гражданини ўз тузогига илінітириб олади. Буидай ҳолларда ҳам у СССР вакилларынға ёрдам берішини сұраб мурожаат қылыш орқали түгри йўл тоиниши мумкин ва лозим.

Қандайдыр қылғыларин қилиб, ўзини гуноңкор қилиб қўйғанлар уялғаллариданми ёки жавобгарликдан қўрқанлариданми ёрдам берішини сұраб совет расмий вакилларынға, ё бўлмаса ўз ўртоқларынға дарҳол мурожаат қилмай, ўз айбларини яшириб катта хато қыладилар. Бу билан улар ўз аҳволларини оғирлаштирадилар ва баъзан душманнинг тузогига иштепадилар.

Хатони, ҳатто қўрқоқликнинг доимо олдини олиш **ва** айбни ювиш мумкин, фақат у ҳақда дарҳол ҳамда ростишни айтиш керак.

СССР Олий Совети Президиуми 1960 йилининг 13 январида «Давлат жиноятчилиги учун жиноий жавобгарликни ошириш ҳақидағы қонунишнинг 1-моддасынга қўшишмача киритиш тўғрисида» Фармон чиқарди. Бу фармонда «СССРга қарши душманлик фаолияти юртиши учун чет эл разведкаси ўзиға ёллаган СССР граждани жиноят топшириғи олиб уни бажариш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмай ва ўзининг чет эл разведкаси билан алоқаси борлигини давлат органларига ихтиёрий равишда маълум қиласа жиноий жавобгарликка тортилмайди» деб белгиланган.

Бу қонун совет гражданларини чет эл разведкаси **ҳийла-найранларидан** сақлаб қолиш учун ишқоятда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда социалистик қонунчилек ва ҳуқуқ тартиботини янада мустаҳкамлаш совет халқининг хушёргигини оширишининг асосий йўлларидан биридир.

Барча совет гражданлари қайси хилда бўлмасин хизмат ёки жамоатчилик фаолиятини ўтамасинлар, Совет давлати белгилаган қонунларга ҳалол ва сўзсиз риоя қилаётганлари шароптида империалистик давлатлар разведкаси ҳамда бошқа маҳсус хизматлари бизнининг Вата-

нимиз манфаатларига жиддий зиён етказишга ожиздир. Аксиича, социалистик ҳаёт норма ва қоидаларидан чекиниш юз берган ерда эса күпинча душман қылғилигини қила бошлади.

Душман элементлар совет қонунчилигининг бузилишидан қаңдай фойдаланаётганилкларига оид мисоллар келтириш мумкин. Масалан, СССРда белгиланган паспорт тартиби ва жумладан прописка қоидасига риоя қилинmasлиги бизнинг мамлакатимизга нолегал йўл билан юборилган шпионга қулайлик туғдиради, уни шармандаси чиқишидан сақлади.

В. И. Ленин меҳнаткашларни бутун куч билан душманларни ушлаб олишга, фош этншга ва аёвсиз жазолашига чақирган эди. Лекин бунинг учун деб, таълим берган эди Владимир Ильич: «Совет ҳокимияти қонунларини вижданан бажашиблан сатгина бўлса да тикшериниш, кепни ҳам тартибсанзлики, жуда диққаг билан кузатиб борини керак»¹.

Лекин совет қонунларига сўзсиз риоя қилишни талаб қилиб, «озгина бўлса-да қонунсизлик, совет тартибини озгина бўлса-да, бузишнинг ўзи меҳнаткашларининг душманлари дарҳол фойдаланадиган нуқсондир»², деган эди.

СССРнинг давлат ва ҳарбий сирини қаттиқ сақлашга қаратилган қонунлар ҳамда қоидаларга сўзсиз риоя қилиш шпионларнинг бузунчилик фаолиятига қарши курашда катта аҳамиятга эга.

Совет давлати СССРнинг ташқи хавфдан сақланиш манфаатини кўзлаб, давлат сири ҳисобланган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва илмий характердаги бир қанча маълумотларни сир сақлашни белгилаган.

Шунга мувофиқ СССРдаги барча ташкилотлар, ведомстволар ва корхоналарда ишлаб чиқаришга оид махфий ишларда ҳамда махфий ҳужжатларга муносабатда

¹ В. И. Ленин. Асаларлар, 29-том, 584-бет.

² В. И. Ленин. Асаларлар, 29-том, 584-бет.

қаттиқ тартиб ўрнатиш белгиланган. Кимгаки махфий маълумотлар ишониб топширилган экан, у ҳар қандай шароитда ҳам унн сир тутиши керак.

Заводлар, фабрикалар, ташкилотларнинг ишчи **ва** хизматчилари, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюоролари, ўқув юртларининг ходимлари бу бурчни қатъий бажармоқдалар ҳамда уларга ишонилган махфий нарсаларни ишонч билан сақламоқдалар.

Лекин баҳтга қарши бизда анқов, оғзи бўш, бепарво одамлар мутлақо йўқ деб бўлмайди. Ҳали шундай ходимлар ҳам учраб турадики, қайсики улар давлат сирини сақлаш биз учун белгиланган эмас ва унга қатъий риоя қилиш биз учун шарт эмас, бизнинг ёки танишларимизнинг атрофида шпионлар бўймаган, бўлиши ҳам мумкин эмас деб ўйладилар. Бундай кишилар империалистик разведка агентлари биринч навбатда оғзи бўш ва анқовларга тузоқ қўйишини унутиб қўядилар. Шу билан бирга сафсатабозлар махфий гапларни ўз қариндошлари ва танишларига айтишини, уларни бегона кишилар, ҳатто жамоатчилик жойларида муҳокама қилишни ҳеч бир зарари йўқ деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг қариндошлари ва танишлари эшитган фактларини ўз навбатида бошқаларга айтишларини ва шупинг натижасида махфий маълумотлар кенг тарқалиб кетишими, баъзи ҳолларда эса бу империалистик разведка учун қўл келишини ўйламайдилар ҳам.

У ёки бу масала юзасидан разведкага кимдир тўла ахборот бергандагина давлатга зарар етказиладигина эмас. Империалистик разведка олган баъзи бир қисқа маълумотлардан ҳам давлатга зарар стказиша фойдаланиш эҳтимолдан холи эмас.

Уралдан Москвага келган конструкторлик бюросининг инженери Зябликов ресторонда кайф қилиб ўтириб муҳим мудофаа ташкилотидаги ўз мавқен ва иши тўғрисида мақтана бошлади. Қўшни столда ўтпрган америкаликлар — Далквист ва Венс Зябликовнинг алжираф айтган

маълумотларни дарҳол билиб олдилар. Америкаликлар ўзларини инженер деб таништириб Зябликовни ўз столларига таклиф қилишди, ичишиб ўтириб Зябликовдан ишининг характеристи тўғрисида муфассал маълумот сўраб олишди. Америкаликлар Зябликов роса маст бўлгандан кейин уни меҳмонхонага кузатиб қўйишди ва у ерда Зябликовнинг шахсий ва хизма тхужжатларини кўришга ҳаракат қилишди. Аммо шу онда Зябликов билан хонада ётган киши келиб қолди ва разведкачилар ўз мақсадларига эришолмадилар.

Баъзилар маҳфий маълумотларни корхонадан ташқаридағи бегона кишиларга айтмаслик керак, завод ёки ташкилотдагиларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар ва улар билан ҳамма парса тўғрисида гаплашса бўлаверади, деб хато ўйлайдилар.

Мудофаа корхоналаридан бирни директёрининг ўринбосари Лариков завод ишчаласенда маҳфий ишларга зотқаси бўлмаган шахс иштирокида ўз корхоналарнда ражета яратилаётгани ҳақида гапириб, ҳамма бошқа ишлар тўғрисида тўла характеристика берган. Бу атрофга қарамай валдираб, жиноятга бориб тақалишдан бошқа ~~гап~~ эмасми?

Ичкиликбозлик қилиб ўтириб оғзиға нима келса валдирайберадигай сафсатабоз-ичкиликбозлар катта ~~зар~~ пар келтирадилар.

Яқинда мудофаа заводларидан бирининг техники Исаев Ленинградда командировкада бўлганида маст ҳолда тасодифий танишинга ўзи ишлайдиган завод тайёрлайдиган мудофаа буюмларига приборлар олиш учун қандайдир конструкторлик бюросига келганлигини айтган.

Телефон орқали гаплашганда давлат сирларни тўғрисида валдираш ҳоллари бўлиб туради. Бундайлар телефондаги гаплар эшитиб олинниши мумкинлигини унустадилар.

Геологик экспедиция раҳбари Лазутин экспедиция партияларидан бирининг иши ҳақидаги маҳфий ҳисо-

бөтни олди. Ҳисоботдаги маълумотлар уни қониқтиримады. Ўйлаб-нетмай юзларча километр узоқдаги партия геологи билан гаплашиш учун телефон заказ қилди ва шаҳарлараро телефон орқали маҳфий ҳисоботга оид энг аниқ маълумотлар олди.

Бахтга қарши маҳфий маълумотларни очиқ хизмат ёзишмаларида кўрсатиш фактлари ҳам ҳали учраб туради.

1969 йилда Ленинград мудофаа заводининг иккита катта инженери полигонда бўлғанларида қуролларнинг янги турлари синовдан ўтказилганлиги ҳақидаги маҳфий маълумотларни заводга очиқ хатлар орқали маълум қилганлар. Бу хатлар маҳфий бўлмаган ёзишмалар делосига тиркаб қўйилган ва, шундай қилиб, улар бегона шахсларнинг шу хатларнинг мазмунни билан бемалол таниша олишлари учун имкон яратганлар.

Биз айтганимиздек, империалистик разведка ахборотлар олиш мақсадида совет матбуотида ёритилган материалларни синчилкаб ўрганади ва умумлаштиради.

Баъзи ўртоқлар газетага мақола ёзганларида қандай характердаги маълумотларни маълум қилаётганликларини яхшилаб ўйлаб кўрмайдилар. Масалан, бир корхонанинг бош инженери Тихонов газетада босиб чиқариш учун мақола юборган ва унда давлат сирин ҳисобланган баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш плаҳни таҳлил қилинган.

Маҳфий ҳужжатлар, печатлар, штампларни сақлашда жиноятга дучор қилиши мумкин бўлган совуққонлик фактлари ҳам учраб туради. Иш куни тамом бўлгандац қейин ёки қисқа муддатга у ё бу ёққа чиққанда маҳфий ҳужжатларни қулфланмайдиган стол яшикларида қолдириш, ё бўлмаса ўзида олиб юриш, уйга олиб кетиш ва қатто командировкага боргандা олиб юриш ҳоллари юз беради. Маҳфий ҳужжатлар билан танишиш ва уларни жойларга юборишда белгиланган қондаларни бузиш ҳоллари ҳам рўй бериб турарди. Бу эса баъзан ҳужжат-

ларни йўқотиб қўйишга ва шу билан бирга давлат сирининг фош бўлишига олиб келади.

Конструкторлик бюросининг инженерлари Скрипкин Москвага командирровкага кета туриб бир қанча маҳфилий ҳужжатларни ўзида олиб кетди. Шанба куни «Метрополь» ресторанида капиталистик мамлакатлардан бирининг элчихонаси ходимлари билан танишшиб қолди, улар билан бирга ичиб ўтириб, меъёрдан ошириб юборди, ниҳоят адашиб чет элликлар билан уларнинг элчихонасига борди. У ерда ичкиликбозлиқ давом эттирилди. Скрипкин ухлаб қолди ва эрталабгача элчихонада қолиб кетди. Эртасига кун бўйи бош оғригини даволаш билан овора бўлди. Фақат душанба куни эрталаб ҳужжатлар эсига тушиб, уларни йўқотганини билди. У ҳужжатни қачон ва қаерда йўқотгани номаълум.

Давлат сирини сақлаш ишида муассасалар ва корхоналарни да ташниб берганларни тартибида ва ман қилинган зоналар, фабрика, заводлар, конструкторлик бюrolари ва бошқа обьектларда одамларни киритиш тартибига қатъиў риоя қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Реакцион кучлар, империалистик разведка ва идсологик диверсия марказлари ўз ишларини активлаштираётган, янги шаронитга мослашиб ўз бузғунчилик фаолияти тактикасининг ўзгартираётган, уида эҳтиёткорлик формаларига асосланётган ҳозирги ҳалқаро шаронитда ҳушёрликининг аҳамияти айниқса ошади. КПСС XXIV съезди ва Марказий Комитет кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш совет ҳалқининг тинч, яратувчилик меҳнатини душманнинг ҳар қандай таъсиридан ишонч билан сақлашни талаб қилади. Империалистик разведкалар фойдаланиши мумкин бўлган ҳамма тешикларни беркитиб ташлаш зарур. Бу — шонли Ватанимиз ҳар бир ватанпарварининг бурчи ва тўғридан-тўғри ва-ви fasidir.

ХУЛОСА

Үлүг Октябрь социалистик революцияси бутун инсоният тарихида янги давр — капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш даврини бошлаб берди.

Янги жамнит қурилиши тугилган кунидан бошлаб реакцион кучларнинг шафқатсиз қаршилигига дуч келди.

Капиталистик дунё Советларга қарши, кейинчалик эса бутун социалистик системага қарши курашда бутун кучи борича телбаларча зўр бериб таъсир усулларини ишга солмоқда, куч ва маблағлар сарфламоқда. Ҳарбий интервенция ва локал урушлар келтириб чиқарилди, Гитлер Германияси бошчилигига фашист давлатларининг катта уруш коалицияси тузилди, ички контреволюцион фитна ва исёнлар уюштирилди, узоқ вақт давомида ташқи сиёсий изоляция ва иқтисодий блокада амалга оширилди, куч билан хавф солиш ва дипломатик ҳужумлар қилинди, кўп сонли шпионлар юбориш ва Советларга қарши ҳамда социалистик мамлакатларга қарши компанияни ҳар тарафлама кучайтиришди. Ҳозирги замон империализмининг бутун қудрати бир неча бор синовдан ўтди. Лекин Совет Иттилоғи ва бошқа социалистик мамлакатлар душманларининг ҳар бир янги ҳужумини муваффақият билан даф этдилар ҳамда ҳамма олишувлардан янада кучлироқ бўлиб чиқдилар. Тарихнинг бориши социализмнинг қудрати тобора ортиб бораётганидан ва империализмнинг позицияси ўнгланмас даражада кучсизлашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Буни тушунган империалистик лагерь корчалонлари синфиий курашинг кўпгина традицион усулларидан воз kechiшга мажбур бўлмоқдалар. Социалистик давлатларга қарши тўғридан-тўғри куч билан таҳдид қилиш, иқтисодий блокада, сиёсий изоляция, дипломатик дўйуршилар иш бермайдиган бўлиб қолди.

Социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар, биринчи навбатда СССР мудофаа қудрати юксак даражада ва

күп саини ошиб бориши туфайли империализм ҳарбий күчларига қарши ишончли түсиқ вужудын келди.

Империалистик система лидерлари ўз эътиборларниң қандай йўл билан бўлмасин социализм позициясини бўйаштириш ва социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигига ниғоҳ солиш учун ҳарбий бўлмаган усуллар ҳамда воситаларни кенгроқ қўллашга қаратдилар. Империалистик давлатлар идеологик кураши ва разведкасининг қўйорувчилик фаолияти ҳамда бошқа маҳсус хизматлари асосий ўринлардан бирига чиқиб олди.

Бу чуқур социал-сиёсий сабаблар билан бодилик бўлган синфиий курашдаги жиаддий бурилиш эди. Бу империализмининг социалистик мамлакатларга қарши қўйорувчилик фаолиятиниң ҳамма томонларида ўз изини қолдирди.

Жаҳон империализмининг цитадели — Америка Жўшига Штатларида глобал разведка доктринаси ишлаб чиқишига ва ҳаракатга келтирилган ҳамда бунга бир қанча империалистик давлатлар қўшилган. Бу дөктрина разведка функциясининг кентлиги жиҳатидан ўтмишдагиларга нисбатан кескин фарқ қиласди. Разведка капиталистик давлатларни фақат социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишини таъминловчи разведка маълумотлари билан таъминлашнигина эмас, балки империализмининг бевосита йирик ички сиёсий ва айниқса ташқи сиёсий вазифаларини (баъзи ҳолларда мустақил равишда) бажаринши ҳам аста-секин ўз қўлига олди.

Асосий капиталистик мамлакатларда қисқа вақт ичидаги разведка хизмати бўйича ислоҳот ўтказилди, унинг Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши ҳаракат қилиувчи асосий бўлинмалари кенгайтирилди. Империализм разведка хизматининг лидери — АҚШ разведкаси жуда катта разведка бирлашмаларида ташкил топган. Ҳозирги вақтда бу мамлакатда илгарилари, жумладан иккинчи жаҳон уруши йил-

ларидагига иисбатан ҳам разведка хизмати составининг сони гоятда кўпайиб кетган. Разведка алоқалари разведка ва алоқанинг Ернинг сунъий йўлдошини қўшиб ҳисоблагандаги энг янги техника воситалари билан қуроллантирилган. Разведка органлари фаолияти форма ва методлари такомиллаширмаслоқда.

Шу билан бирга ҳозирги замон империализми лидерларин томонидан разведка ролининг ошиб бориши ишқобланмай, балки ҳар томонлама таъкидланмоқда. Капиталистик мамлакатларниң китоб бозорлари плац ва ҳанжар рицарлари фаолиятига багишланган адабиётлар билан тўлдириб юборилган. Экранлардан шпионлар ва идеологик диверсантларниң «ютуқларини» кўрсатувчи киножонлар тушмаётир. АҚШниң ўнг доиралари америка администрациясида разведка ролини кучайтириш тадбирларини муттасил амалга ошпрамоқда. 1971 йилниң охиридан бошлаб АҚШ разведка хизматларига ташкилий ўзгартишлар киритишнинг охирги тури амалга оширилмоқда. Бу ўзгартишлардан мақсад— социализм билан империализм ўртасидаги курашининг янги шароитларига разведка фаолиятини мослаштиришдан, разведка алоқалари эфективлигини оширишдан, кўп сонли разведка хизмати фаолиятини марказлаштириш ва координациялашни кучайтиришдан иборат.

Америка империализмининг ўта реакцион группаларининг продаси билан ўзининг маҳфий қўйорувчилик операцияларини амалга ошираётган АҚШ разведкаси алоқалари АҚШниң Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларига қарши кўпсонли агрессияси акциясининг тўеридан-тўғри айборларидирлар ва улар ўз характерлари билан ҳозирги замон империализм экспансионистик табиатини сурбетларча гавдалантирадилар.

Империализм қўйорувчлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири—СССР ҳақида разведкага оид ахборотлар тўплашдир. Империалистик разведкалар, айниқса АҚШ разведкаси Совет давлатининг сиёсий,

иқтисодий, ҳарбий ва илмий-техник фаолияти доираси ҳақида кенг, узлуксиз янгиланиб турадиган мәденималар олиб туришга эришишга интилоқдалар. Ғарб разведкасининг совет фанининг турли соҳаларниң қизиқиши сезиларли даражада ошди. Йиғолик курашнинг күчайини муносабати билан СССРларнинг ички сиёсий ахволининг турли томонлари түгрисида, айниқса партия ва давлатнинг миллий масаладаги сиёсати ҳақида разведка ахборотлари түплашга эътибор кучайди.

Ғарбнинг маҳсус разведка хизмати разведка вазифаларини ҳал этиш учун шпионажнинг комплекс системасини яратдилар ва ундан Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларга қарши фойдаланмоқдалар. Унинг состав звеноси қўйидагилардан иборат: ҳалқаро алмашнш каналлари орқали бизнинг мамлакатимизга келувчи разведкачилар, агентлар ва буржуазия дипломатияси орасидаги амбасадалар, коммерсанчилар, муҳахасичилар, ҳар хил делегацияларнинг иштирокчилари, олимлар, стажёрлар, аспирантлар, студентлар, туристлар ва капиталистик давлатларнинг бошқа гражданлари; разведкачилар ва иолегай агентлар; социалистик мамлакатлар гражданлари орасидан ёланган агентлар; техника разведкасининг кўп сонли воситаларидир. Ҳар тарафлама, кўп каналлардан ташкил тонгани бу шпионажлик системаси империализм тез-тез ўзгариб турувчи агрессив сиёсатига ва ҳалқаро шаронтининг ўзгаришига эпчилик блан мослашмоқда. Шу билан бирга, империалистик доираларнинг асосий ишончи разведка агентурасини анча масъулиятлӣ ва маҳфий звеносига юкландган.

Империалистик давлатлар разведкаси фаолиятида шпионажнинг форма ва методларини тўхтовсиз такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Психология, социология ва бошқа фанлар ютуқлари асосида маҳфий ҳужжатларни олиш ва уларни ишлаб чиқиш, давлат сирларига айгоқчилик қилиш, кузатиш ва аппаратлар орқа-

ли эшитишнинг нозик методлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда тажрибада жорий қилинмоқда.

Империализмнинг разведкачилик активлиги доимо ошиб бормоқда. Фақат кейинги вақтларда америкаликлар Жекобсон, Бартос, Кларк, Мэтсон, Хэрзог, Чениел, Хаммерс, Ричард, Рассел, канадалыклар Мандоуэл, Мотсон, австралияли Миссонг, японияли Утикава ва бошқаларнинг СССР төрраториясида шпионлик ишларини амалга оширишга уринишларининг олди олинди.

Социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасидаги идеологик кураш ҳеч қачон ҳозиргичалик авж олмаган ва Farb бу курашга ҳеч қачон ҳозиргичалик жуда катта күч ҳамда ниҳоятда кўп маблағ сарфламаган эди. КПСС XXIV съезди таъкидлаганидек, империалистик кучларнинг ҳозирги даврда социализмга қарши олиб бораётган гоявий кураши мунтазам идеологик уруш туслига кирди. Жуда кенг кўламда оллаб борилаётган бу идеологик уруш жуда кўп гаразли мақсадни, ҳатто социализмни тўла тор-мор қилишни кўзлайди.

Идеологик кураш бир кун ҳам тўхтамайди. Империалистик доиралар СССРни ҳам қўшиб ҳисоблагандан социалистик мамлакатларда буржуа идологияси ва ахлоқини ёйиш ва қарор топтиришга гоятда зўр берилб ҳаракат қилмоқдалар.

Империализм социалистик дунёга қарши идеологик курашда буржуазия идеалларини мақтаб ва илмий коммунизм ҳамда социалистик ҳаётни очиқ тақиқид қилишнинг традицион гоявий кураш формаларини кенг қўллаш билан бир қаторда кейинги йилларда идеологик диверсияни тобора авж олдиromoқда. Капиталистик дунёнинг идеологлари ва сиёсатчилари улардан фойдаланиб, меҳнаткашлардан коммунистик онгни «юниб ташлаш» га, уларнинг синфиий дунёқарашини ўтмаслаштиришга, «коҳиста» контреволюция оппортунистик гоясини тарқатишга ва аста-секин социализмни ичидан қўпориш учун шаронт яратишга эришишга умид қилмоқдалар.

Идеопотник диверсия империализм ва унинг ревизионизм сағидаги малайлари, ўиг ва «сўл» оппортунизм идеологик курашининг маҳфий фронтидир. Бу фронтда кўпроқ идеологик таъсири кўрсатишнинг маҳсусе таниаб олинган обьектлари (социал группалар, табакалар ва социалистик мамлакатларниң айриш гражданлари), ишта солинмоқда. Идеологик диверсия кучайиб бормоқда ва идеологик кураш умумий манзарасини оғирлаштироқда. Халқаро империализм идеологик қўпорувчилик акциялар орқали социалистик мамлакатлар жамияти ичидан жамоатчиликка қарши ва социализмга қарши кўришларни келтириб чиқаришга уринмоқда.

Империализмнинг бутун появий кураши спигари кучли идеологик диверсия ҳам Коммунистик партия ва Совет давлатига қарши, социалистик ҳаётга қарши қаратилмоқда. Идеологик акцияларнинг обьектлари шундай синфи колхозни дебланадар, совет зинелилари, ёнилар, ҳар бир совет кишисининг душёқараши, ахлоқий ва маънавий қиёфасидир. Шу билан бирга социалистик мамлакатларнинг социализм учун характерли бўлган ижтимоий онг дэражасига тоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан жавоб бермайдиган гражданларида душманлик кайфиятини турдириш мумкин, деб ҳисобланади. Идеологик диверсантлар қўрқа-инса социалистик жамият ичидан сиёсий йўлдан адашган ва нигилистлар, туҳматчилар ва анонимчилар, текнихўрлар ва ичкиликбозлар, қўрқоқлар ва лакмаларни излайдилар, уларни буржуазия идеологияси ва ахлоқининг оғуси билан заҳарлаб, жамоатчиликка қарши ҳаракат қилишга ва халққа қарши жиноят қилишга мажбур этишга интиладилар.

Халқаро империализмнинг турли хил давлат, коалициян, айrim ва жамоатчилик звенолари идеологик диверсиялар ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш билан бандлар. Уларнинг доимий иштирокчилари ҳамма турдаги ва хилдаги антикоммунистлардир. Идеологик диверсияларни амалга оширишда разведканинг қўпорувчилик

фаолияти алоқыда роль ўйнаиди. Улар идеологик жүйелердің учун фойдаланыладынгы спөсін ажбаратыннан айчагынан қысманды таъминлаш билан бирге жеке салдарын шаклланыптырыш, обьектларни белгилаш, идеологик акцияларнинг тактикалари, методлари ва құллашусулларнин ишлаб чықышга ҳам ўз таъсирларнин үткәзділар.

Империалистик дүйненінг лидерлари ўз идеологик вазифаларини ҳал этиш учун жуда күттә күч ва хилдә-хия воситаларни жалб этмоқдалар. Идеологиялық қуоролының янада самаралыроқ воситаларға узлуксиз қидирилмоқда. Эскириб қөлған буржуа дөгнәләри янгиланмоқда. Құя марталаб ва бир мартта ишлатиш учун антикоммунистик назария, концепция ва доктриналарнинг жуда катта миқдорда «янги» ва «энг янги» запаси йишилиб қолға. Булар демократик фразеологиялар, ўйноқи терминнәз ва бурама иборалар ҳамда бошқа антикоммунистик ұпайлалар яширинган модернизациялаштырылған идеологик қуоролдан иборат. Бир қанча капиталистик мамлакаттарда ёлғон, нотүрги ажбарат бериш ва туқмат давлат миқесінға күтәрілгандай ҳамда ғоят усталық билан құллашылмоқда.

Буржуа пропагандасы ва реклама ишлары империалистик разведканинг бузғунчилік фаолияти асосында доимо мұкаммаллаштыриб борылаётгандай идеологик диверсия тактикасини ишлаб чыққан.

СССРга ва бошқа социалистик давлаттарға қарши идеологик диверсия практикасида радио, матбуот ҳамда оммавий коммуникацияның бошқа воситаларидан кевде фойдаланылмоқда. Антикоммунистларнинг социалистик мамлакаттарға қарши радиопропаганда воситасыда олиб бораётгандай бузғунчилік фаолияти аспири олганда доимий равишда олиб борыладынгандай интервенция бўлиб қолди. Идеологик диверсия жиiddий равишда барбодга учрашишга қарамай, идеологик бузғунчилік фаолиятини бўшаштырмай бизнинг мамлакатимнега жалқаро алоқалар түйн

билин келаётган капиталистик давлатларнинг гражданидан иборат агентлар, эмиссионерлар ва бошқа идеологик диверсантлардан идеологик бузгунчиликда актив фойдаланилмоқда. Антикоммунистлар ғарб разведкаси имкониятларига таяниб, маҳсус операция тарижасида уюстириладиган идеологик диверсиядан кўпроқ фойдаланишга уринмоқдалар. Империалистик идеология душманлик фаолияти марказида ХХР раҳбарлигининг пропагандистик аппарати ҳам ишламоқда. Мао корчалонлари Совет Иттифоқига, унинг ташқи сиёсатига қарши бўғтон ёғдиришда, жаҳон коммунистик ҳаракати бирлигига қарши курашда, сохта революцион ревизионистик қарапашларни ёйишда матбуот, радио ва телевидениедан актив фойдаланмоқда.

Лекин тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки, СССРга ва бошқа социалистик давлатларга қарши ҳар кандай ғозилишни шу таронни учун обраетган бузгунчилик фаолияти фақат шу мамлакатларнинггина эмас, балки жаҳон прогрессив жамоатчилиги томонидан кескин қораланмоқда ва қатъий зарбага учрамоқда. Совет давлатига қарши агрессив махфий планлар ва сурбетларча шпионлик практикаси, душманлик, идеологик диверсия ва шунга ўхшашларнинг барбод бўлиши шубҳасизdir. Азвало Коммунистик партия томонидан тарбияланган совет кишиларининг юксак онглилиги, совет жамияти маънавий-сиёсий бирлиги ва СССРнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қудратининг ошиб бориши туфайли душманларимизнинг уринишлари маглубиятга учрамоқда.

КПСС совет халқини коммунистик жамият қуриш йўлидан ишонч билан олға бошлаб борар экан, ўз сиёсатида ҳозирги замонни чуқур илмий анализ қилишга асосланади.

Совет Иттифоқининг қудрати ва обрў-эътиборига таянган КПСС ленинча актив ташқи сиёсати натижасида ҳозирги кунда жаҳонда халқаро кескинлик юмшамоқда, турли системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши

принциплари көнгө таң олииді, социалистик ва капиталистик давлатлар ўртасыда бир қанча соңалардаги алоқа-лар көнгаймоқда.

Алмом империализминең мөхияти ўзгарған әмас. Қаппашал мамлакатларда таъсирчан реакцион дүшман күчлар актив ҳаракат қылмоқда. Яғни шароитда реакцион империалистик күчлар ўз фаолиятларини тұхтатмай, балки күнгина йұллар билан Совет Иттифоқынга ва бошқа социалистик давлатларға қарши махфий равишда құпопрувчилек фаолиятларини күчайтироқда. Шу билан биргә шароитнинг ўзгаришина қараб бу фаолиятнинг форма ва методлары ҳам ўзгартылған.

Шуннанғ учун ҳам Коммунистик партия доимо империалистик күчлар фаолияттнин ҳүшәрлік билан күзатыб туришга қақырады. Бу борада КПСС Марказий Комитеттнинг апрель Пленумы (1973 й.) шын Партия ХХIV съездің қарорларини амалға ошириш юзасыдан КПСС Марказий Комитеттнинг халқаро фаолияти ҳақидағи қарори **ва ўртоқ Л. И. Брежневтнинг** 1973 йил 1 маіда Москва мәжнаткашларининг тантапалы митингидеги сүзләгандың нүтқи катта ақамиятга ега. **Ўртоқ Л. И. Брежнев** ўз нүтқіда ҳозыргы шароитта бақо беріп, бүндай деді: «Мустағкам тинчлик учун курашиш билан биргә біз тинчликка дүшман күчлар қуролларини ташламаганлықтарини унтаётганимиз йўқ. Агрессив донрапаларнинг кирдикорлари ёдымизда; юксак даражада ҳүшәрлікни сақлагаб түршбимиз»¹.

Советлар мамлакати мәжнаткашларининг юксак гоявий-снёсий онглилігі, уларнинг Ватанга чексиз садоқати, марксизм-ленинизм идеяларында садоқати, ижтимоий тараққиёт қонууларини чуқур билиши, ўзларининг ватан-парварлық бурчларини тушунишлари, интернационализм-га садоқатлары, зарур бўлиб қолган тақдирида қурол билан ўз Ватанларини ҳар қандай дүшман ҳамласыдан

¹ «Правда», 1973 йил, 2 май.

жимоя қилишга тайёр әкаликлари сиёсий ҳушёранкнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, сиёсий ҳушёрилик асосида миллый чекланиш, шиддивуализм, таъмагирлак бепарволик фактларига муросасиз бўлиш ҳам ётади.

Сиёсий ҳушёрилик уичалик жиҳдийдек түйшмаган фактлар орқали душманнинг мақсади ҳаракатларини билдиб олиш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўришда ҳам ўз ифодасини топади.

Совет Иттилоғи Коммунистик партияси ва барча жамоат ташкилотлари сиёсий ҳушёриликни оширишга қаратилган жуда катта нишларни олиб бормоқдалар. Улар ҳар бир совет кишисига ўз Ватанидан гуурланиш ва синфиий душманга нисбатан нафрат туйгусини сингдиromoқдалар, реакцион буржуа идеологиясини қатъий ҳамда принципиал фош этиш, унинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз курашишга ўргатмоқдалар. Шу билан бирга жиноятчилкнинг олдини олишга қаратилган профилактика ташкилари кечи қўйсанларни ўзине мавжуд бўлган камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш учун танқид ва ўз-ўзини танқид янада кучайтирилмоқда, кадрлар билан ишлаш ленинча принципига қатъий амал қилинмоқда; совет гражданларининг кўничилик қисми империалистларнинг ССРГа қарши қўйонрувчилик фаолиятининг форма ва методлари билан ташнишмөқдалар.

Давлат хавфесизлигини муҳофаза қилиш ишида кенг меҳнаткашлар оммаси тобора кўплаб актив иштирок этмоқда. Совет давлати тараққиётининг бутун тарихи давомида улар душман агентурасини тутиб олиш ва фош этишда ҳамиша ёрдам бердилар ҳамда бермоқдалар. Улар кўп ҳолларда душманларимизнинг шпионлик ҳатти-ҳаракатларини пайқаб олиб, уларга ўзлари зарба берадилар.

Чегара районларида яшовчилар чегараларни қўриклиш ва чегара бузувчиларни тутишда чегарачиларга ёрдам бермоқдалар.

Чет элларда командировкада бўлган, делегация сөгтавида ёки туристик группада бўлган совет гражданининг абсолют кўпчилиги ўз Ватанининг шуҳратини юксак қадрлаб, ўзини яхши тутиб юради. Совет кишилари бизнинг мамлакатимизга келаётган чет элликлар билан мулоқотда бўлганинида мөхмонларининг СССР халқларининг ҳаёти ва тараққиёти тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлишлари учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиласидилар. Шу билан бирга, улар душманлик кайфиятидаги айрим чет элликларининг қўпорувчилик ишлари отиб боришларига йўл қўймайдилар.

Совет кишилари империалистик пропаганданинг бўзгунчиликдан иборат турли хил миш-мишларини яхши тахлил қила биладилар ва идеологик диверсиянинг ҳар қандай акцияларига қақшатқич зарба бера биладилар. Советлар Ватанининг ватанпарварлари мамлакат ишидаги душман элементларининг Советларга қарши фаолиятини активлик билан фош этмоқдалар.

Социалистик қонунчилликка, шу жумладан давлат ва ҳарбий сирларни қаттиқ сақлашга қаратилган қонунчиларга сўзсиз риоя қилиш сиёсий ҳушёрликнинг муҳими қисмларидан ҳисобланади.

Лекин сиёсий ҳушёрликни ошириш билан бирга совет кишилари ўртасида шубҳа ва ишончнозлик мухитини вужудга келтириш ярамайди. Ҳақиқий ҳушёрлик — ҳақиқий душманини аниқлай билашдадир.

Партия XXIV съезди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тархий қарорларидан илҳомланган қаҳрамон совет халқи мамлакатимизда коммунистик жамият қўриш йўлидан қатъий ва зўр ишонч билан бормоқда. Совет жамиятининг бу тарихий йўлига империализмнинг геносилишга, ёрқин мақсад — коммунизм сари боришимизни тўхтатишга бўлган барча интилишларининг маглубиятга учраши муқаррардир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Империализм СССРга қарши құпорувчилік ишларини давом әттиromoқда	20
Американың глобал разведка доктринаси – қозирги даврда империализм сиёсатининг ифодаси	27
Разведка тармоқлари	36
Шакллар яғы – мазмұнлар эски	39
II. Шекеншамы	73
Яширин холатда	75
Дипломатик паспорт билан	84
„Линкольн операциясы“ ва бошқалар	101
Туристлар орасында	114
Хусусий иш билан совет мамлакатига сақшат	124
Жосус роботлар	135
III. Идеологик диверсия	152
Мақсал ва обьектлар	165
Восита ва усууллар	181
„Назариялар“ ва „доктриналар“ ниқобидаги идеологик оғу	207
Эфирдаги интервентция	228
Халқаро алоқалар йўли билан	240
Махсус операциялар	263
Миси чиқди	277
IV. Совет кишиси чет элда. У хавф-хатарга дучор бўладими?	298
V. Құпорувчилік ҳаракатлари ва „қора“ бизнес	321
VI. Құпорувчилік ҳаракатлари учун асосий тўсик	339
В. И. Ленин. Коммунистик партия меҳнаткашлар сиёсий ҳушёргигининг аҳамияти тўгрисида	341
Юксак ҳушёрлик-мунтазам таъсир этувчи сиёсий курод	356
Хушёр бўлиш – СССР гражданининг муқаддас ватанпарварлини бурчи	383
Хуласа	897